К. Б. Уразов

БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ

САМАРҚАНД - 2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

К.Б. Уразов

БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН КЎРГАЗМАЛИ МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ

САМАРҚАНД - 2012

65.052
У 683

Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Замонавий педагогик технологияларга асосланган кўргазмали маъруза матнлари тўплами. - СамИСИ, 2012. - 184 бет.

Тақризчилар:
иқтисод фанлари номзоди, профессор Р.А. Абдуллаев
иқтисод фанлари номзоди, доцент А.И. Аликулов

Мазкур кўргазмали маъруза матнлари тўплами «Бухгалтерия молиявий ҳисоби» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган. Унда бухгалтерия молиявий ҳисоби ва ҳисоботининг концептуал асослари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг кенгайтирилган жиҳатлари халқаро ҳамда миллий стандартларга асосланган ҳолда очиб берилган.

Олий ўқув юртларида 5А 340902 «Аудит» мутахассислиги бўйича магистратурада таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Кўргазмали маъруза матнлари тўплами Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-1533-сонли қарори 2-иловаси 7-бандида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 15 октябрдаги № 87-01/1-166 модемограммасида белгилаб берилган ўқув-услубий мажмуалар намунавий таркиби ҳамда ТДИУ қошидаги «Таълимда инновацион технологиялар» маркази томонидан яратилган лойиҳаларга таянилган ҳолда тайёрланган.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг
2011 йил 30 ноябрдаги йиғилишида мухокама
қилинган ва тасдиқланган (4-сонли баён)

Институт Илмий кенгашининг 2011 йил 30 декабрдаги йиғилиши қарори билан ўқув жараёнида қўллаш ва нашр этишга тавсия этилган (5-сон баённома)

@ К.Б.Уразов, СамИСИ, 2012

МУНДАРИЖА

№	Мавзу номи	Бет
	Кириш	4
1.	«Бухгалтерия молиявий ҳисоби» фанининг предмети ва методи	7
2.	Баланс ҳисоботи	27
3.	Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот	38
4.	Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот ва пулнинг вақтинчалик қийматини бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши	51
5.	Узоқ муддатли активлар: бухгалтерия молиявий ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари	64
6.	Товар-моддий заҳиралар: бухгалтерия молиявий ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари	83
7.	Олинадиган ва тўланадиган счётлар: бухгалтерия молиявий ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари	95
8.	Акциядорлик капитали: бухгалтерия молиявий ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари	117
9.	Даромадлар ва харажатлар: бухгалтерия молиявий ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари	127
10.	Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисобот	151
11	Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати	178
12	Иловалар	180

...IQTISODIYOT
...STITUTI
AXB... ...AKS MARKAZI
№ 3 475427

КИРИШ

Республикамиз бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш ва ривожлантиришда ўзи танлаган йўлдан бормоқда. Дунё мамлакатлари томонидан «ўзбек модели» деб тан олинган бу йўл республикамизни борган сари жаҳон ҳамжамиятларига кириб боришига, умум тан олинган меъёрлар ва тартибларни республикамизда жорий этилишига олиб келди. Бу бевосита иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган ҳисоб тизига ҳам тегишлидир.

Мустақиллик йилларида республикамизда буткул янги мазмун ва моҳиятга, халқаро стандартлар ва меъёрларга аксарият жиҳатлари бўйича мос келадиган ҳисоб тизимини шакллантириш борасида жуда катта ишлар қилинди. Чунончи, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари талабларидан келиб чиқиб, унинг миллий стандартлари қабул қилинди. Бу стандартларни яратиш жараёни ҳонузгача давом этмоқда. Корхона ва ташкилотларда молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили, ташқи ва ички аудит йўлга қўйилди. Мос равишда, ушбу бошқарув воситаларининг назарий, методологик ва ташкилий масалаларини тадқик қилишга қаратилган махсус фанлар вужудга келди, улар барча иқтисодий йўналишдаги таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш ўқув режаларига киритилди.

Кадрлар тайёрлаш Давлат дастурига мувофиқ республикамизда илк бор йўлга қўйилган магистратура таълимида «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассисликлари ўқув режаларида бухгалтерия ҳисобига оид билимларни чуқурлаштириш мақсадида махсус «Бухгалтерия молиявий ҳисоби» фани назарда тутилди. Бу фаннинг асосий мақсади бакалавиатура босқичида бухгалтерия ҳисоби бўйича олинган билимларни янада чуқурлаштириш, корхона ва ташкилотларнинг активлари, мажбуриятлари ва хусусий капиталини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг кенгайтирилган жиҳатларини халқаро ҳамда миллий стандартларга асосланган ҳолда очиб беришдан иборатдир.

«Бухгалтерия молиявий ҳисоби» фанининг ўқув дастури асосида тайёрланган мазкур ўқув-услубий иш ўз ичига 10 та мавзудаги маъруза матнларини олади.

«Бухгалтерия молиявий ҳисоби фанинг предмети ва тадқиқот усуллари», деб номланган биринчи мавзуда бухгалтерия молиявий ҳисобининг моҳияти, унинг мақсади, вазифалари, фаннинг предметини ташкил қилувчи объектларнинг таснифи ва тавсифи, бухгалтерия молиявий ҳисобининг тамойиллари, методи, усуллари, уни юритиш цикли очиб берилган.

«Баланс ҳисоботи» номли иккинчи мавзуда бухгалтерия балансининг мақсади, таркиби, тузилиши, форматлари, ахборот беришдаги чекловлари, унинг ахборотларини очиб бериш усулларининг халқаро ва миллий жиҳатлари, уларнинг фаркли ва ўхшашлик томонлари очиб берилган.

«Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот», деб номланган учинчи мавзуда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг мақсади, таркиби, тузилиши, форматлари, ахборот беришдаги чекловлари, унинг ахборотларини очиб бериш усулларининг халқаро ва миллий жиҳатлари, уларнинг фаркли ва ўхшашлик

томонлари очиб берилган. Шунингдек, ушбу мавзуда тасимланмаган фойда тўғрисида хисоботни тузиш, уни хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги хисоботга трансформация килиниши, 1 та акцияга тўғри келадиган соф фойдани аниклаш тартиби ёритилган.

«Пул окимлари тўғрисида хисобот ва пулнинг вактинчалик кийматини бухгалтерия хисобида қўлланилиши» номли тўртинчи мавзуда пул окимлари тўғрисидаги хисоботнинг максади, ахамияти, таркибий элементлари, шакли ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, ушбу хисоботни тузиш усуллари, пулнинг вактинчалик кийматининг турлари ва уларни бухгалтерия хисобида қўллаш йўллари очиб берилган.

«Узок муддатли активлар: бухгалтерия молиявий хисобининг кенгайтирилган жихатлари», деб номланган бешинчи мавзуда курилиш учун олинган кредитларга тўланадиган фоизларни капиталлаштириш, асосий воситалар бўйича лизинг тўловлари, табиий ресурслар кийматини бахолаш ва улар емирилишини хисобдан чикариш, гудвил ва ташкилий харажатлар, ИТИ ва тажриба конструкторлик ишланмалари хисобини юритиш тартиби ёритилган.

«Товар-моддий захиралар: бухгалтерия молиявий хисобининг кенгайтирилган жихатлари» номли олтинчи мавзуда ТМЗ мохияти, таркиби ва улар киймати (таннархи)ни шакллантириш, ТМЗ чиким кийматини бахолаш усуллари ва уларнинг молиявий натижалар хамда фойда солиғига таъсири, ТМЗ хисобининг узлуксиз ва даврий тизимлари, ТМЗлар билан боғлик маълумотларни молиявий хисоботда ёритиш тартиблари очиб берилган.

«Олинадиган ва тўланадиган счётлар: бухгалтерия молиявий хисобининг кенгайтирилган жихатлари», деб номланган еттинчи мавзуда олинадиган ва тўланадиган счётларни таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари, олинадиган счётлар ва шухбали қарзларни хисобдан чикариш, олинадиган векселлар ва облигациялар, тўланадиган векселлар ва облигациялар, кечиктирилган мажбуриятлар, шартли мажбуриятларни хисоб ва хисоботда акс эттириш тартиби ёритилган.

«Акциядорлик капитали: бухгалтерия молиявий хисобининг кенгайтирилган жихатлари» номли саккизинчи мавзуда акциядорлик капиталининг мохияти ва асосий элементлари, акцияларни чикариш ва сотиш, хусусий сотиб олинган акциялар, қўшилган капитал, таксимланмаган фойда ва дивидендлар бўйича хисоб-китоблар хисобини юритиш тартиблари очиб берилган.

«Даромадлар ва харажатлар: бухгалтерия молиявий хисобининг кенгайтирилган жихатлари», деб номланган тўккизинчи мавзуда даромад ва харажатларни таснифлаш, тавсифлаш, тан олиш ва бахолаш асослари, даромадларни хисобга олиш усуллари, кечиктирилган даромадлар хисоби, шартли фойда ва зарарларни хисобга олиш тартиби, келгуси давр ва муддати кечиктирилган харажатлар хисобининг кенгайтирилган жихатлари ёритилган.

«Корхоналарни кайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида хисоб ва хисобот», деб номланган ўнинчи мавзуда корхоналарни кайта ташкил этишнинг турлари, уларни амалга ошириш тартиби, корхоналарни кайта

ташкил этишнинг турли шаклларида хисобни юритиш ва молиявий хисоботни шакллантириш хусусиятлари, корхоналарни кайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида хисоб ва хисоботнинг халкаро жихатлари, гурух молиявий хисоботини консолидациялаштириш тартиби ва бунда томонлар алокаларининг таъсир доиралари ёритилган.

Кўргазмали маъруза матнлари тўплами Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўгрисида»ги № ПК-1533-сонли карори 2-иловаси 7-бандида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чикиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 15 октябрдаги № 87-01/1-166 модемограммасида белгилаб берилган ўкув-услубий мажмуалар намунавий таркиби хамда ТДИУ кошидаги «Таълимда инновацион технологиялар» маркази томонидан яратилган лойихаларга таянилган холда тайёрланган.

Мазкур ўкув-услубий иш олий ўкув юртларида 5А 340902 «Аудит» мутахассислиги бўйича магистратурада таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ундан бошка мутахассисликлар бўйича таълим олаётган магистрантлар, илмий тадкикотчилар, ўкитувчилар ва амалиёт ходимлари хам фойдаланишлари мумкин.

1-маъруза	“БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та
Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1.Бухгалтерия молиявий ҳисобининг моҳияти, мақсади ва вазифалари. 2.Бухгалтерия молиявий ҳисоби объектларини таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари. 3.Бухгалтерия молиявий ҳисоби ва ҳисоботининг тамойиллари 4.Бухгалтерия молиявий ҳисоби цикли.	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга бухгалтерия молиявий ҳисоби ва ҳисоботининг моҳияти, мақсади ва вазифалари, улар объектларини таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари, тамойиллари ва усуллари, шунингдек бухгалтерия молиявий ҳисоби цикли тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: бухгалтерия молиявий ҳисоби ва ҳисоботининг моҳияти, мақсади ва вазифалари, унинг объектларини таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари, тамойиллари ва усуллари, шунингдек бухгалтерия молиявий ҳисоби цикли моҳиятини очиб бериш.	**Ўқув фаолияти натижалари:** Талабалар бухгалтерия молиявий ҳисоби ва ҳисоботининг моҳияти, мақсади ва вазифалари, унинг объектларини таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари, тамойиллари ва усуллари, шунингдек бухгалтерия молиявий ҳисоби цикли моҳиятини билиб оладилар.
Ўқитиш воситалари: *видеопроектор, доска.*	
Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*	
Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*	
Ўқитиш шароити: *Техник воситалар билан таъминланган аудитория.*	
Мониторинг ва баҳолаш: *Оғзаки, тест савол-жавоблари.*	

1.БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИНИНГ МОҲИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқариш турли воситалар орқали амалга оширилади. Шундай воситалардан бири бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти, фаолият натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотларни ягона пул ўлчовида ўлчаш, қайд этиш ва узатиш тизимидир.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, бухгалтерлар меҳнатининг асосий маҳсули бўлиб корхоналар хўжалик фаолиятини ташкил қилувчи жараёнлар ва операциялар, эришилган молиявий натижалар, улар мулки ва бу мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги ахборотлар ҳисобланади. Ушбу ахборотларсиз хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти кўрсаткичлари истиқболини режалаштириш ва бюджетлаштириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, рағбатлантириш ва бошқа бошқарув дастакларини қўллаб бўлмайди.

Халқаро таълимотда бухгалтерия ҳисобини унда шакллантириладиган ахборотларнинг мазмуни, бу ахборотларни кимга мўлжалланганлиги, уларни тизимлаш, гуруҳлаш, тақдим этиш шакллари ва усуллари, шунингдек бошқа жиҳатларига кўра қуйидаги иккита қисмга ажратиш қабул қилинган:

1.Бухгалтерия молиявий ҳисоби.

2.Бухгалтерия бошқарув ҳисоби.

Бухгалтерия ҳисоби ушбу шартли иккита қисмларининг айнан шундай номланиши негизида қуйидагилар ётади.

Биринчидан, бухгалтерия ҳисобининг ҳар иккала қисми корхонанинг махсус бўлинмаси бўлган бухгалтерия томонидан юритилади.

Иккинчидан, бухгалтерия ҳисобининг биринчи қисми, номланишидан кўриниб турибдики, асосан молиявий характердаги ахборотларни ўзида мужассамлаштиради. Молиявий характердаги ахборотлар деганда, одатда, ягона пул бирлигида ўлчанадиган, қайд этиладиган ва фойдаланувчиларга тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиладиган ахборотлар тушунилади. Молиявий характердаги ахборотлар ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун зарур ҳисобланади. Мисол учун, ички фойдаланувчиларга даромадлар, харажатлар, якуний молиявий натижалар, солиқ тўловлари тўғрисидаги ягона пул бирлигида ифодаланган ахборотлар ушбу кўрсаткичлар бўйича белгиланган режа (ёки бюджет)ларни бажарилишини узлуксиз назорат ҳамда таҳлил қилиб бориш учун керак. Ташқи фойдаланувчилар учун ягона пул бирлигида молиявий характердаги ахборотлар корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, инвесторлар олдидаги фойда келтириш ҳамда давлат бюджети олдидаги солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш, раҳбарият фаолиятига баҳо бериш ҳамда тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарурдир.

Учинчидан, бухгалтерия ҳисобининг иккинчи қисми, номланишидан кўриниб турибдики, асосан бошқарув характеридаги ва унинг учун ўта зарур

бўлган ахборотларни ўзида мужассамлаштиради. Бошқарув учун фақат ягона пул бирлигидаги ахборотлар етарли бўлмайди. Бунда ҳар бир сегмент, объект, субъект тўғрисида натурал ҳамда меҳнат ўлчов бирликларида ифодаланган ахборотлар муҳим ўрин тутади. Мисол учун, юқорида таъкидланган даромад, харажат, якуний молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг ҳар бир жавобгарлик маркази бўйича тафсилоти, ишлаб чиқилган ва сотилган маҳсулотларнинг сони, сифати, харидоргирлиги, таннархи, сотиш баҳоси, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар. Бундай турли ўлчов бирликларида ва корхонанинг алоҳида олинган кесимлари бўйича шакллантириладиган батафсил ахборотлар, одатда, бошқарув характеридаги ахборотлар ҳисобланади. Бинобарин, бундай ахборотлар фақат ички аҳамиятга молик бўлади ва корхона раҳбарияти учун фаолият самарадорлигини оширишнинг ички резервларни излаб топишда, уларга оид тезкор бошқарув қарорларини кабул қилишда ишлатилади.

Шундай қилиб, коридагилардан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари ҳисобланган бухгалтерия молиявий ҳисоби ва бухгалтерия бошқарув ҳисобига қуйидагича таърифларни бериш мумкин.

Бухгалтерия молиявий ҳисоби - бу корхоналар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги молиявий характердаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳукмига тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Бухгалтерия молиявий ҳисобининг бош мақсади бўлиб ички ҳамда ташқи фойдаланувчиларни субъектлар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги молиявий характердаги ахборотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Бухгалтерия молиявий ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- субъектлар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбаларига тегишли хўжалик жараёнлари ва операцияларини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш;
- субъектлар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбаларига тегишли хўжалик жараёнлари ва операцияларини гувохлик берувчи ҳужжатлаштириш асосида тегишли счётларда акс эттириш;
- субъектлар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи счётларни ўз вақтида ёпиш, яъни уларнинг оборотлари ва қолдиқларини чиқариш;
- субъектлар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи счётлар маълумотларини йиғиш, яъни йиғма кайдномаларни тузиш;
- субъектлар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбаларини ҳисобга олувчи

счётлар йиғма маълумотлари асосида баланс ва молиявий хисоботларни тўғри ва ўз вактида тузиш.

• субъектлар молиявий хисоботларини тўғри ва ўз вактида тегишли фойдаланувчиларга етказиш.

Бухгалтерия бошқарув хисоби - бу корхоналар фаолияти, фаолияти натижалари, уларнинг активлари (мулки, маблағлари), мулкни ташкил топиш манбалари тўғрисидаги турли ўлчов бирликларидаги батафсил ахборотларни ички бошқарув сегментлари - объектлар, субъектлар ва жавобгарлик марказлари - кесимида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ҳамда уларни ички бошқарув органлари ҳукмига тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли шакл ва мазмунда тақдим этиш тизимидир.

Бухгалтерия бошқарув хисобининг бош максади бўлиб бошқарув органини корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг ички резервларини излаб топиш, уларни тезкор амалиётга жорий этиш бўйича тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган турли ўлчов бирликларидаги батафсил ахборотлар билан таъминлаш хисобланади. Ушбу максаддан келиб чиқиб, бухгалтерия бошқарув хисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар хисобланади:

• корхонанинг ички бошқарув сегментлари - объектлар, субъектлар ва жавобгарлик марказлари – кесимида улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича тезкор маълумотларни шакллантириш, уларни ички бошқарув органларига тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етказиб бериш;

• корхона бизнес режаси кўрсаткичлари бажарилишини тезкор назорати ва тахлилини олиб бориш;


• корхонада белгилданган ички меъёрларга, тартиб-коидаларга амал килинаётганлик бўйича масъул шахслар фаолиятига бахо бериш;

• тезкор ахборотлар асосида қабул қилинган бошқарув карорлари ижроси мониторингини ўтказиш ва бошқалар.

Бухгалтерия молиявий хисоби ва бухгалтерия бошқарув хисоби яхлит бухгалтерия хисобининг таркибий қисмлари сифатида максади, ахборот фойдаланувчилари, ахборотларнинг характери, уларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш, узатиш, тартибга солиниши ва бошқа жихатлари бўйича фарқлансада, шу билан бирга бирга бир-бирини инкор этмайди. Аксинча, улар ўзаро узвий боғликдир. Одатда, бухгалтерия молиявий хисобини замонавий компьютерларда олиб бориш бухгалтерия бошқарув хисобини юритишни осонлаштиради. Намунавий ва индивидуал компьютер дастурларига асосланган бухгалтерия бошқарув хисоби бухгалтерия молиявий хисобини тўлдиради. Бошқачасига айтганда, бухгалтерия бошқарув хисоби бухгалтерия молиявий хисобининг давоми хисобланади ва, пировардида, яхлит бухгалтерия хисоби олдига қўйилган максадга эришишга хизмат килади.

2. БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ, ТАВСИФЛАШ ВА ТАН ОЛИШ АСОСЛАРИ

Бухгалтерия молиявий хисобининг асосий объектлари бўлиб, куйидагилар хисобланади: (1) хўжалик фаолияти; (2) хўжалик активлари; (3) хўжалик активлари манбалари; (4) хўжалик фаолияти натижалари (1-расм).



1- расм. Бухгалтерия молиявий хисоби объектлари

Хар кандай корхонанинг **хўжалик фаолияти** деганда у томонидан фойда олиш мақсадида олиб борилаётган ҳамда мазмунан алоҳида номлардаги фаолият турларини ташкил қилувчи хўжалик жараёнлари ва операциялари (муомалалари) мажмуаси тушунилади.

Хўжалик жараёни деганда корхонада юз берган ва бераётган маълум муомалалар йиғиндиси тушунилади.


Хўжалик операцияси (муомаласи) деганда корхонада юз берган ва бераётган аник харакатлар, ишлар тушунилади.

Иқтисодиётни тобора эркинлаштирилиши корхоналарга турли фаолият турлари биланшуғулланишга, уларнинг ҳар бирини фойда олиш манбаига айланишига олиб келди.

Республикамизнинг қонунлари, чунончи Солиқ Кодексига мувофиқ корхоналарнинг хўжалик фаолияти икки турга бўлинади:

1. Асосий фаолият -- бу корхонанинг бош максадини ифодаловчи ҳамда унинг уставида кўрсатилган фаолият тури (ёки турлари).

2. Асосий бўлмаган фаолият – бу корхонанинг бош максади бўлиб хисобланмайдиган, шу билан бирга кўшимча фойда олиш максадида ҳамда асосий фаолият учун зарурат юзасидан юритиладиган фаолият тури ёки турлари (1-расм).



2 - расм. Корхоналарнинг фаолият турлари

Ҳар кандай корхонанинг асосий фаолияти ўз ичига ***таъминот, ишлаб чиқариш*** ва ***сотиш жараёнларини*** олади.

Корхона фаолият кўрсатиши учун унга меҳнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошқа таъминотлар керак бўлади. **Таъминот** деб аталмиш бу жараённи, одатда, корхонанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб борадилар. Ушбу жараёнсиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари, яъни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун корхона нинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узликсизлигига бевосита боғликдир.

Ишлаб чиқариш жараёни деганда ишчи кучи ва меҳнат воситалари ёрдамида меҳнат предметларидан янги маҳсулотлар яратиш тушунилади. Ушбу жараён ўз ичига турли технологик операцияларни олади, бу операцияларни бажариш эса турли харажатларни амалга оширишни таъкоза этади. Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард натижаси бўлиб тайёр маҳсулот ҳисобланади. Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар, меҳнатга хак тўлаш харажатлари, ишлаб чиқариш воситаларининг амортизация харажатлари ва бошқа ушбу жараёнга тегишли харажатлар ишлаб чиқариш харажатларини, яратилган маҳсулот қийматига киритилган харажатлар эса тайёр маҳсулотнинг таннархини ташкил килади. Шуни таъкидлаш жоизки корхона томонидан бажарилган ишлар, масалан курилиш-монтаж ишлари, кўрсатилган хизматлар, масалан туристларга кўрсатилган ётоқхона ва бошқа

хизматлар ёки аудиторлик хизмати хам *ишлаб чикариш жараёни* хисобланади. Бундай ишлаб чикариш жараёнининг натижаси бўлиб бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат хажми хисобланади, уларга сарфланган харажатлар бажарилган иш ёки хизматнинг таннархини ташкил килади.


Сотиш жараёни деганда ишлаб чикариш жараёнида яратилган тайёр махсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш тушунилади. Ушбу жараёнда тайёр махсулот, иш, хизмат пулга айланади, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ўзаро хисоб-китоблар бўйича карзлар вужудга келади. Сотиш жараёнида корхонанинг ялпи тушуми, сотиш таннархи, сотишдан олинган фойда ёки зарари, сотиш жараёнининг харажатлари, унга доир соликлар ва бошка кўрсаткичлар хисобга олинади.

Бухгалтерия молиявий хисобининг биринчи гурух объекти бўлиб хисобланган хўжалик фаолияти фақатгина уни ташкил этувчи жараёнларни доимий ва узликсиз равишда амалга ошириб борган холда мавжуд бўлади. Бу жараёнларни бир бирисиз тасаввур этиб бўлмади, чунончи таъминотсиз ишлаб чикариш, ишлаб чикаришсиз эса *сотиш* жараёни амалга ошмайди. Сотиш бўлмаса корхонага пул келиб тушмайди, пулсиз эса таъминот, ишлаб чикариш жараёнларини янгидан такрорлаб ва ривожлантириб бўлмайди. Бундан хулоса килса бўладики, хўжалик фаолияти маблағларни усликсиз айланишидан ва кўпайиб боришидан иборатдир.

Хўжалик фаолиятининг барча жараёнлари бухгалтерия молиявий хисобининг мухим объектлари бўлиб хисобланади. Хар бир жараёнда юз берган операциялар бухгалтерия молиявий хисобида ўзининг соний ўлчовини ва сифат тавсифини топади. Бухгалтерия молиявий хисоби таъминот жараёнида мехнат предметлари ва воситаларини канча миқдорда, кайси бахоларда, кайси таъминотчилардан сотиб олинганлиги, шунингдек улар бўйича таъминотчилар билан хисоб-китобларнинг холати тўғрисида батафсил ахборот беради. Ишлаб чикариш жараёни бўйича бухгалтерия молиявий хисобида кандай махсулотлар ишлаб чикарилганлиги, канча ишлаб чикарилганлиги, бунинг учун канча харажат килинганлиги, омборларга кабул килинган тайёр махсулотнинг *киймати (таннархи)* ва бошка маълумотлар шаклланади. Сотиш жараёни бўйича бухгалтерия молиявий хисоби канча махсулот сотилганлиги, кимларга сотилганлиги, кандай тўлов турлари бўйича сотилганлиги, кандай бахоларда сотилганлиги, харидорлар билан хисоб-китобларнинг холати, сотишдан олинган тушум, сотишга доир харажатлар, сотишдан олинган фойда, ундан тўланадиган соликлар ва бошкалар тўғрисида атрофлича ахборот беради.

Корхоналарнинг асосий бўлмаган хар бир фаолият тури хам ўз мазмунига эга.

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ – корхонанинг ўз маблағларини ўзга корхоналарга ёрдам бериш ва кўшимча даромад олиш максадида киритиш билан боғлик фаолияти. Чунончи, куйидаги операциялар инвестиция фаолиятининг мохиятини ташкил килади (3-расм).



3-расм. Корхоналар инвестиция фаолиятини ташкил қилувчи хўжалик операциялари


МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ – ўзга корхоналар (банк ва бошқалар) маблағларини корхонага кредит ва қарз сифатида киритиш ҳамда жалб қилиш билан боғлиқ фаолият. Чунончи, қуйидаги операциялар молиявий фаолиятнинг моҳиятини ташкил қилади (4-расм).



4-расм. Корхоналар молиявий фаолиятини ташкил қилувчи хўжалик операциялари

ЭМИССИЯ ФАОЛИЯТИ – қимматли қоғозлар (акциялар ва облигациялар) чиқариш йўли билан бошқа корхоналар ва шахслар маблағларини жалб этиш.

ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ – корхонанинг ишлаб чиқариш нинг моддий-техника базаси, махсулот (иш, хизмат) тури ва сифатини яхшилаш, янги технологияларни киритиш, жорий килиш билан боғлик фаолияти. Чуьончи, қуйидаги операциялар инвестиция фаолиятининг моҳиятини ташкил килади (5-расм).



5-расм. Корхоналар инновация фаолиятини ташкил қилувчи хўжалик операциялари

КОРХОНАЛАРНИНГ АКТИВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда 475-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос»га мувофиқ (39- модда) **активлар** деганда хўжалик юритувчи субъектнинг бахолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек номоддий мулки тушунилади.

Актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- қийматга эга бўлиши ва бу қиймат баҳоланадиган бўлиши керак;
- эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши лозим;
- келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшиши керак;

• юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши керак, масалан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг натижасидир.

Активларнинг характерли хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• жисмоний кўринишга (шаклга эга бўлиши ҳам, эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, бино ёки станок аниқ шаклга эга, лекинда патент, лицензия, савдо белгиси, муаллифлик ҳуқуқи моддий шаклга эга эмас;

• сотиб олинган, бепул келиб тушган, ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

• корхонада юз бераётган жараёнларда моддий асос ёки уларнинг натижаси ҳисобланиши мумкин. Масалан, хом-ашё ишлаб чиқаришга моддий асос, тайёр маҳсулот эса ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади;

• бошқа активларга алмаштирилиши мумкин;

• қарзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин;

• қисқа ёки узоқ вақт мабойнида фойдаланишда бўлишлиги мумкин;

• оборотда ва оборотдан ташқарида бўлишлиги мумкин.

Корхоналарнинг юқорида келтирилган талаб ва хусусиятларга жавоб берадиган асосий активларига қуйидагилар киради:

1.Узоқ муддатли активлар – 1 йилдан кўп муддатда хизмат киладиган ва оборотда бўладиган моддий ва номоддий маблағлари:

• ***Асосий воситалар***- бинолар, иншоатлар, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, мебел ва бошқалар.

• ***Номоддий активлар*** – лицензия, патент, савдо маркаси, товар белгиси, гудвил, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар.

• ***Молиявий инвестициялар*** - сотиб олинган қимматли қоғозлар, берилган кредит ва қарзлар, киритилган пай ва бадаллар.

• ***Капитал инвестициялар*** - тугалланмаган қурилишларга, харакатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга сарфланган, шунингдек янги узоқ муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жихозлар.

2.Қисқа муддатли активлар – 1 йилгача муддатда хизмат киладиган ва оборотда бўладиган маблағлар:

• ***Ишлаб чиқариш захиралари*** – хом-ашё ва материаллар, ёкилғи, тара ва тара материаллари, эхтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

• ***Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари*** – тайёр ҳолга етмаган маҳсулотларларга тўғри келадиган харажатлар, ярим маҳсулотлар.

• ***Тайёр маҳсулотлар*** – омборларга кабул қилинган тайёр буюмлар.

• ***Товарлар*** - магазин ва омборларда сақланаётган истеъмол буюмлари.

• ***Келгуси давр харажатлари*** - хисобот йилида келгуси даврлар учун қилинган харажатлар, масалан обуна тўловлари, ижара тўловлари.

• ***Муддати узайтирилган харажатлар*** - ҳисобот йилида келгуси даврда ҳисобига тўланган соликлар ва бошқа харажатлар.

• ***Пул маблағлари*** – кассадаги, йўлдаги ва банклардаги миллий ва чет эл валюталари.

• ***Пул эквивалентлари*** – пулли чеклар, йўлланмалар, чипталар, талонлар, маркалар ва бошқалар.

• ***Олинадиган счётлар*** - бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзлари.

Барча хўжалик активлар корхонада юритиладиган бухгалтерия хисобининг муҳим объектлари ҳисобланади, уларни ҳар бирининг ҳолати, кўпайиши ва камайиши бухгалтерия ҳисобида ҳужжатли асосда акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида корхона активлари бошқарилади, таҳлил этилади ва назорат қилинади.

КОРХОНАЛАР АКТИВЛАРИНИНГ МАНБАЛАРИ

Корхона ихтиёридаги барча активлар иккита манбадан ташкил топади:

- **Хусусий капитал**
- **Мажбуриятлар**

Мулкга эгалик қилиш ҳуқуқига мувофиқ активлар ва уларнинг манбалари қуйидаги тенглик кўринишида ифодаланади:

АКТИВ = ХУСУСИЙ КАПИТАЛ + МАЖБУРИЯТЛАР

А = ХК + М

Хусусий капитал – бу корхонанинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активларидир. Юқоридаги тенгликга мувофиқ:

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ = АКТИВ - МАЖБУРИЯТЛАР

ХК = А - М

Корхоналарнинг хусусий капиталини шаклланишининг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• ***Устав капитали (УК)*** – бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси.

• ***Қўшилган капитал (ҚК)*** – бу акцияларни сотиш ва номинал кийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарклар суммаси.

• ***Резерв капитали (РК)*** – бу корхонанинг соф фойдасидан ташкил этилган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан олинган қўшимча қиймат ва бепул келиб тушган мулклар қийматининг мажмуаси.

• ***Тақсимлакмаган фойда(ТФ)*** – бу корхонанинг таъсисчилари ўртасида тақсимланмай колган соф фойдасининг суммаси.

• ***Резервлар (Р)*** – бу турли жорий тўловларни амалга ошириш учун ҳисобот давр даромадлари эвазига шаклланган захира суммаси, масалан: жорий ва капитал таъмирлаш учун, меҳнат таътили ҳақларини тўлаш учун ва шу кабилар.

ТАҲЛИЛ МАРКАЗИ
445727

• ***Мақсадли тушумлар (МТ)*** – корхонага турли мақсадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, соликлар бўйича имтиёзлар ва бошқалар).

• ***Гранглар (Г)*** – бу корхонага қайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халқаро ташкилот ва фондлар томонидан мақсадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар фақатгина қатъий мақсадларга ишлатилиши лозим.

• ***Субсидиялар (С)*** – бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан берилган ёрдам ва имтиёзлар суммаси.

Хусусий капиталнинг умумий миқдори юқоридаги унинг элементлари суммаларининг йиғиндисидан иборат бўлади, яъни:

ХК = УК + ҚК + РК + ТФ + Р + МТ

Акционерлик жамиятларида чиқарилган ўз акциялари бошқалардан қайта сотиб олинган бўлса, у ҳолда хусусий капитал суммасини топишда сотиб олинган хусусий акциялар қиймати (ХАҚ) хусусий капитал миқдоридан чегириб ташланади, яъни:

ХК = УК + ҚК + РК + ТФ + Р + МТ - ХАҚ

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарзлари. Мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• ***Олинган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар*** – бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга бошқа юридик шахслардан вақтинчалик молиявий ёрдам сифатида олинган маблағларни қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

• ***Олинган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар*** - бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга банклардан кредит шартномалари асосида олинган кредит ресурсларини қайтариш бўйича қарзлар суммаси.

• ***Таъминотчиларга тўланадиган счетлар*** – бу олинган товар-моддий бойликлар учун таъминочиларга ўтказилмай колинган қарз суммаси.

• ***Харидорлардан олинган авансlар*** - бу харидорлардан товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун олдиндан келиб тушган пуллар бўйича карз суммаси.

• ***Муддати кечиктирилган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар*** – бу соликлар ва бошка тўловлар бўйича муддати мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача бўлган даврга узайтирилган қарз суммаси.

• ***Бюджет олдидаги қарзлар*** – бу ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда бюджетга ўтказиб берилмаган солик ва тўловлар бўйича карз суммаси.

• ***Ижтимоий суғурта бўйича қарзлар*** – бу ижтимоий суғурта бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган, лекинда тегишли суғурта органларига ўтказиб берилмаган карз суммаси.

• ***Иш хақи бўйича қарзлар*** – бу корхонанинг ходимларига ҳисобланган ва вақтинча сакланаётган иш хақларини тўланмай колинган кисми.

• ***Таъсисчилар олдидаги қарзлар*** – бу таъсисчиларга ҳисобланган, лекинда тўланмаган дивидендлар бўйича корхонанинг қарзи, шунингдек таъсисчилар сафидан чиқиб кетган шахсларнинг устав капиталидаги ҳиссасини қайтарилмаган қисми.

• ***Бошқа кредиторлар олдидаги қарзлар*** – бу турли хизматлар, фоизлар, камомадлар, даъволар ва бошқа тўловлар бўйича корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олидаги қарзи.

Бухгалтерия ҳисоби ахборот бериш ва назорат қилиш воситаси сифатида корхона активларининг ташкил топиш манбалари бўйича маълумотларни жамлайди, улар асосида корхонанинг молиявий қувати кўрсаткичлари таҳлил этилади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида корхонанинг хусусий капитали, қарзлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот фойдаланувчиларига етказилади.

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятининг натижалари бўлиб у олган фойда ёки кўрган зарари ҳисобланади.

Фойда(Ф) – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари(Х) ўртасидаги ижобий фарқ, яъни

$$\Phi = Д > Х.$$

Демак, қанчалик даромад кўп бўлиб, харажат кам бўлса, корхонанинг фойдаси шунчалик кўп бўлади.

Зарар – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқ, бошқачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши, яъни:


$$З = Д < Х$$

Демак, корхона даромадга қанчалик кўп харажат билан эришса, унинг зарари шунчалик кўп бўлади.

Корхонанинг фаолият натижалари кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг энг маъсулиятли бўлими, чунки ушбу кўрсаткичларнинг миқдори уларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлигига ва жамланганлигига, ҳисоботларни тўғри тузилганлигига бевосита боғлиқ.

Бухгалтерия молиявий ҳисоби объектлари тўғрисидаги маълумотлар фойдаланувчиларга асосан молиявий ҳисоботлар кўринишида тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботнинг асосий элементлари бўлиб активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлар ҳисобланади. Ушбу элементлар, ўз навбтида, қуйидаги иккита гуруҳга ажратилади (6-расм):



6-расм. Молиявий ҳисоботнинг асосий элементлари

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАН ОЛИШ

Тан олиш – бу моддани сўз билан ифодалаш ва унинг пул қийматида акс эттириш, шунингдек ушбу суммани баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришдир. Тан олиш мезонига жавоб берувчи моддалар баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олиниши зарур. Тан олинмаган моддалар ҳисоб сиёсатида ёритилади, улар иловалар ва тушунтириш материалларида акс эттирилмайди.

Элемент таърифига мос бўлган модда қуйидаги мезонларга риоя қилинганда тан олиниши керак:

(а) модда билан боғланган ҳар қандай кутилаётган наф корхона томонидан олиниши ёки йўқотилиши эҳтимоли мавжуд бўлиши керак;

(б) модда пул қийматида ўлчаш учун мақбул асосга эга бўлиши ва корхона учун аҳамиятли бўлиши керак.

Кутилаётган наф олиниши эҳтимоллиги. Кутилаётган наф олиниши эҳтимоллиги тушунчаси модда билан боғланган ҳар қандай кутилаётган наф корхона томонидан олиниши ёки йўқотилишини эҳтимоллик даражасини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу тушунча корхона ишлаётган мухитни тавсифлайдиган ноаниқликни ифодалайди. Келгуси нафларга оид ноаниқликларни баҳолаш даражаси молиявий ҳисобот тузилишида мавжуд бўлган далиллар асосида амалга оширилади. Масалан, корхонанинг дебиторлик қарзи тўланиши эҳтимоли пайдо бўлганда тескари далиллар бўлмаса, ушбу дебиторлик қарзларни актив сифатида тан олиш ўринли ҳисобланади. Бироқ катта ҳажмдаги дебиторлик қарзлар учун эса, маълум қисми қайтарилмаслиги эҳтимоли мавжуд, шунинг учун иқтисодий нафларни кутилаётган камайишини тасвирлайдиган харажат тан олинади.

Ўлчаш мезонлари. Ўлчаш ёки ҳисоблаш мезонлари тўртта миқдорий кўрсаткичларга- тушунарлилиги, аҳамиятлилиги, ишончлилиги ва шунингдек, таққосланувчанлигига асосланади.

1. ***Элементнинг аниқланиши.*** Модда молиявий ҳисоботнинг элементи таърифига мос келиши лозим.

2. ***Ўлчанувчанлик.*** Модда аниқ ўлчаниши мумкин бўлган мос келувчи аломат (тавсиф)га эга бўлиши керак.

3. ***Долзарблик.*** Моддада мавжуд бўлган маълумотлар фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир этишга қодир бўлиши лозим.

4. ***Ишончлилик.*** Моддада мавжуд бўлган маълумотлар ишончли, бетарафли ва текшириш қобилиятига эга ҳисобланиши даркор.

МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Баҳолаш - бу молиявий ҳисоботда акс эттириладиган элементларни пул суммаларини аниқлаш, тан олиш ва баланс ҳисоботига ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёнидир. Бунинг учун баҳолашнинг турли усули қўлланилади Бу усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Тарихий қиймат – бу активларни сотиб олиш вақтида тўланган бирламчи қийматидир. Мажбуриятларнинг тарихий қиймати бўлиб уларни юз берган вокеа пайтида вужудга келган ва қайтарилиши лозим бўлган суммасидан иборат бўлади.

Тикланг қиймати - активларни сотиб олингандан кейинги даврда уларга қилинган қўшимча капитал сарфлар ҳамда қайта баҳолашлар билан биргаликда аниқланган янги қиймати. Мажбуриятларнинг тикланган қиймати ҳозирги пайтда шу мажбуриятнинг кайтариши учун талаб этиладиган қийматидан иборат бўлади.

Сотиш (қоплаш) қиймати. Активлар, уларни одатий шароитда сотиб олишда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари миқдорида акс эттирилади. Мажбуриятлар, агар ҳозирги пайтда уларни кайтариш талаб этилса, тўланиши зарур бўлган пул маблаглари ва уларни эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс эттирилади.

Дисконтланган қиймат. Активлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин килган тақдирда, ушбу актив томонидан яратилиши мумкин бўлган пул маблағларининг бўлгуси соф келиб тушишини дисконтланган суммаларидан иборат бўлади. Мажбуриятлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда ушбу мажбуриятларни кайтариш учун зарур булган пул маблагларининг бўлгуси соф камайишининг дисконтланган суммаларида акс эттирилади.

Молиявий хисоботнинг тайёрлашда баҳолаш асоси сифатида корхоналар томонидан қабул қилинган энг кўп фойдаланиладиган баҳо бўлиб тарихий қиймат хисобланади. Одатда, у бошка баҳолаш асослари билан биргаликда ишлатилади. Масалан, захиралар, одатда таннарх ёки соф сотиш баҳосидан энг паст баҳода ҳисобга олинади, бозорда айланиладиган қимматли қоғозлар

уларнинг бозор нархида, нафака мажбуриятлари эса уларнинг дисконтланган қиймати бўйича ҳисобга олинади.

3. БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бухгалтерия молиявий ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш маълум тамойилларга асосланади. **Тамойил** дегандан ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузишда қўлланиладиган тартиб-қоидалар тушунилади.

Халкаро микиёсда бухгалтерия молиявий ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш негизида ётувчи тамойиллар «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш концепцияси»да, шунингдек 1-сон БҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш»да белгиланган. Бизнинг мамлакатимизда бухгалтерия молиявий ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш негизида ётувчи тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонуни»нинг 6- моддаси билан белгиланган, шунингдек 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» нинг 16-49 пунктларида ушбу тамойилларнинг моҳияти очиб берилган.

Адабиётларда халкаро миқиёсда ва республикамизда бухгалтерия молиявий ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда қўлланиладиган тамойиллар турли гуруҳларга ажратилади. Улар ичида энг кенг таркалганлари ва тан олинганлари бўлиб қуйидаги гуруҳлар ҳисобланади:

1-гуруҳ – бу фундаментал ёки мухит тамойиллари.

2-гуруҳ – бу методологик ёки соха тамойиллари.

3-гурух – бу сифат тамойиллари.

Фундаментал тамойиллар ёки мухит тамойиллари

Фундаментал ёки мухит тамойиллари деганда бевосита ҳисоб бирлиги ёки субъекти ҳисобланган корхонанинг макон ва замонда мавжудлигини, фаолият олиб бораётганлигини, шу сабабли бу фаолиятни ўлчаш, баҳолаш лозимлигини ифодаловчи тамойиллар тушунилади. Уларга *алоҳидалик, узлуксизлик, баҳолаш ва даврийлик* каби тамойиллар киради.

Алохидалик тамойили. Бу хўжалик юритувчи субъектни мустакил фаолият юритувчи, ўз мажбуриятлари олдида жавоб берувчи бирлик эканлигини ифодалайди. Мустакил хўжалик юритувчи субъект, бизнес бирлиги сифатида хар бир корхона ўзида бухгалтерия ҳисобини юритиши ҳамда молиявий ҳисоботни тузиши ва тегишли фойдаланувчиларга тақдим этиши шарт.

Узликсизлик тамойили. Бу тамойил корхонани доимо ҳаракатдаги субъект, яъни ўз фаолиятини келгусида давом эттирувчи ва ривожлантирувчи субъект сифатида қарайди. Бухгалтерия ҳисобини узликсиз юритилиши корхонанинг келажаги борлигидан дарак беради. Бундан ташкари бухгалтерия

ҳисоби корхонанинг келажакда равнақ топишига хизмат қилувчи восита ҳамдир.

Қиймат тамойили. Бу тамойил корхона активлари ва пассивларини таннарх ёки бозор баҳоларида (улардан қайси бири паст бўлса, ўшанда) ҳисобга олишни билдиради.

Пулда ифодалаш тамойили. Бу тамойил барча актив ва пассивларни, юз берган операцияларни миллий валютада, яъни сум ва тийинларда акс эттиришни билдиради.

Методологик ёки соҳа тамойиллари

Методологик ёки соҳа тамойиллари деганда бевосита бухгалтерия ҳисобини юритишга ва молиявий ҳисоботларни тузиш ҳамда тақдим этишга тегишли тамойиллар тушунилади. Уларга *ҳисоблаш,икки ёқлама ёзув, мазмуннинг шаклдан устунлиги, ҳисобот даври даромадлари ва харжатларининг мослиги, эҳтиёткорлик ёки консерватизм, нейтраллик, аҳамиятлилик, муҳимлилик* каби тамойиллар киради.

Ҳисоблаш тамойили. Бу тамойил корхонанинг даромад ва харажатларини юз берган вақтига кўра тан олиш ва шу вақтдан бошлаб уларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботда акс эттиришни билдиради. Солик Кодексига мувофик 1998 йил 1 январдан бошлаб барча корхоналар учун уларнинг мулк шаклидан қатъий назар сотиш моменти қилиб махсулот (иш, хизмат) ни жўнатиш (бажариш) санаси, улар учун тўлов пулини качон келиб тушишидан катъий назар, қабул қилинди.

Икки ёқлама ёзув тамойили. Бу тамойил корхонада юз берган хар кандай операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида иккита счетда, яъни бирининг дебетида ва иккинчисининг кредитида акс эттиришни билдиради. Ушбу тамойилга амал қилиш корхонанинг активлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари суммаларини доимо тенг бўлишини таъминлайди.

Ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мослиги тамойили. Бу тамойил ҳисобот даври харажатларига шу даврда реал даромад келтирган қисмини киритишни билдиради.

Мазмуни шаклдан устунлик тамойили. Бу тамойил корхона активларини ҳуқуқий макоми бўйича эмас, балким уларнинг иқтисодий мазмуни, эгалик қилиш ҳуқуқини берилиш вақтига кўра ҳисобга олиш ва балансга киритишни ифодалайди. Масалан, товар–моддий бойликлар корхонага келиб тушган санадан бошлаб, улар учун хак тўланган ёки тўланмаган бўлишидан қатъий назар, корхона активлари таркибига киритилади ва балансга олинади. Узок муддали ижарага олинган асосий воситалар хам уларнинг хаки тўланиши муддатидан қатъий назар корхона балансига олинган кундан бошлаб киритилади.

Эҳтиёткорлик ёки консерватизм тамойили. Бу тамойил корхона ҳисоботида активлар ва даромадларни кам (кўп) қилиб кўрсатмасликни, шу билан бирга мажбуриятларни ёки харажатларни кўп (кам) қилиб кўрсатмасликни ифодалайди. Ушбу тамойилни қўллаш яширилган резервларни

вужудга келтириш, бирон максадда актив ёки фойдани камайтириб (кўпайтириб) кўрсатиш, харажат ва мажбуриятларни кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш ҳукукини бермайди.

Нейтраллик тамойили. Бу тамойил молиявий хисоботни бирорта шахс манфаатлари учун бошка бирорта шахс манфаатлари эвазига мослаштирмасликни билдиради.

Ахамиятлилик тамойили. Бу тамойил хисобда шаклланган маълумотларни фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эхтиёжларини кондиришда ахамиятлилигини билдиради.

Мухимлилик тамойили. Бу тамойил хисоб ва хисобот маълумотларини фойдаланувчиларнинг тақдим этилган ахборот асосида кабул килган карорларига таъсирини билдиради.

Сифат тамойиллари

Сифат тамойиллари деганда бухгалтерия хисоби ва хисоботи ахборотларини сифат жихатларини ифодаловчи тамойиллар тушунилади. Уларга *аниқлилик, тушунарлилик, якунланганлик, таққосламалик, тежамкорлик, тезкорлик* каби тамойиллар киради

Аниқлилик тамойили. Бу тамойил хисобда акс эттирилган ҳар бир суммани қатъий ҳужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.

Тушунарлилик тамойили. Бу тамойил хисоб маълумотларини барча фойдаланувчилар учун тушунарлилигини билдиради.

Якунланганлик тамойили. Бу тамойил хисоб маълумотларини бирон бир хисобот даври учун жамланганлигини, яъни молиявий хисобот хисобот даври маълумотларини тўлик камраб олганлигини билдиради.

Таққосламалик тамойили. Бу тамойил хисобот маълумотларини ўзаро мос хисобот даврлари бўйича (чораклар, йил) мавжуд реал тенденцияларни аниклаш учун ўзаро таққослаш имкониятларини билдиради. Бундай таққослашлар учун ўтган йиллар маълумотлари таққослама баҳоларда қайта хисобланиши лозим.

Тежамкорлик тамойили. Бу тамойил хисоб ва хисоботни кам меҳнат ва молиявий маблағлар сарфлаб олиб боришни билдиради.

Тезкорлик тамойили. Бу тамойил хисоб ва хисобот маълумотларини бошқарув органларига керакли вақтда ва ҳажмда беришни билдиради. Кечиктириб берилган маълумотлар хисобнинг бошқарув воситаси сифатидаги ролини пасайтиради. Аксинча, ўз вақтида берилган маълумотлар хисобни бошқарув воситаси сифатида ролини, унинг таъсирчанлик кучини оширади.

4.БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ ЦИКЛИ

Бухгалтерия молиявий ҳисоби даврий ҳисоб ҳисобланади. Молиявий ҳисобда давр деганда ой, чорак, ярим йил, тўккиз ой ва йил тушунилади. Ушбу даврда маълум бир кетма-кетликда амалга ошириладиган процедуралар (муомилалар) биргаликда ҳисоб циклини ташкил қилади. Чунончи, бир ойлик ҳисоб цикли ўз ичига қуйидаги муолажаларни (процедураларни) олади (7-расм).



7-расм. Бухгалтерия молиявий ҳисоби цикли

Счётларнинг очилиши деганда уларнинг бош қолдиғини мос равишда дебет ва кредитда кўрсатиш тушунилади.

Ҳужжатлаштириш – бу хўжалик операцияларини маълум бир ҳужжатлар билан расмийлаштириш ва қайд этишдир.

Счётларга ёзиш деганда юз берган операция суммасини уларнинг дебет ва кредит томонларида акс эттириш тушунилади.

Счётларнинг ёпилиши деганда уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммаларини ҳисоблаш ва охирги қолдиқ суммаларини топиш тушунилади.

Дастлабки баланс ёки синов баланси деганда бу айрим даромад ва харажатларни тўлиғича эътиборга олинмасдан, шунингдек вактинчалик (транзит) счетлар ёпилмасдан тузилган балансга айтилади.

Тузатиш ёзувлари – бу синов балансига кирмасдан қолган суммаларга, ундаги хатоликларга берилган қўшимча ёзувлар ёки сторно (қилил) ёзувлар.

Тузатилган синов баланси – бу тузатиш ёзувлари асосида тузилган синов баланси. Тузатилган синов балансининг устунлари баланслашиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш лозим:

$$С_{о.а} = С_{б.д} + Об_д - Об_к$$

$$С_{о.п} = С_{б.к} - Об_д + Об_к$$

бунда $С_{о.а}$ ва $С_{о.п}$ – актив ва пассив счётларнинг охирги қолдиғи

$С_{б.д}$ ва $С_{б.к}$ – актив ва пассив счётларнинг бошланғич дебет ва кредит томондаги мос равишда қолдиғи

$Об_д$ –счётларнинг дебет томонидаги обороти

$Об_к$–счётларнинг кредит томонидаги обороти

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот. Даромадлар ва харажатлар суммалари ишчи жадвалдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг дебет ва кредит устунлари бўлимларига ўтказилади. Дебет бўйича сумма кредит бўйича суммага тенг эмас, чунки даромадлар харажатларга тенг эмас.

«Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот"ни тайёрлашдаги кейинги қадам бўлиб, фойда солиғини ҳисоблаш ва акс эттириш ҳисобланади. Солиқлар тўлагунча бўлган соф фойда "Якуний молиявий натижалар" счётида соф фойдани ёпиш учун журнал бухгалтерия ўтказмаси каби кредит устунида ёзилади.

Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот. Ҳисобот даври бошидаги тақсимланмаган фойда ва дивидендлар тузатилган синов балансидан ишчи жадвалдаги тақсимланмаган фойда тўғрисидаги бўлимнинг дебет ва кредит устунларига ўтказилади. Солиқ тўлангандан кейинги соф фойда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот устунидан тақсимланмаган фойда учун устунининг кредитига ўтказилади. Дебет ва кредит устунлар тақсимланмаган фойданинг мос келувчи барча счётлари ишчи жадвалнинг ушбу бўлимига ўтказилгандан кейин жамланади.

Якуний баланс- бу барча тузатишлар килингандан сўнг хамда транзит счётлар ёпилгандан кейин тузилган баланс.

2-маъруза	БАЛАНС ҲИСОБОТИ

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та

Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза

Маъруза режаси:

1. Баланс ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари.
2. Баланс ҳисоботи элементлари ва уларнинг жойлашиш тартиби
3. Баланс ҳисоботини тузиш форматлари.
4. Баланс ҳисоботида қўшимча изоҳлар талаб қиладиган ахборотлар ва улар моҳиятини очиб бериш усуллари.

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга баланс ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, элементлари ва уларнинг тавсифи, баланс ҳисоботи шакллари, баланс ҳисоботида қўшимча изоҳлар талаб қиладиган ахборотлар ва улар моҳиятини очиб бериш усуллари тўғрисида тушунчалар бериш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
баланс ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, элементлари ва уларнинг тавсифи, баланс ҳисоботи шакллари, баланс ҳисоботида қўшимча изоҳлар талаб қиладиган ахборотлар ва улар моҳиятини очиб бериш усулларини тушунтириш.	Талабалар баланс ҳисоботининг моҳияти, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, элементлари ва уларнинг тавсифи, баланс ҳисоботи шакллари, баланс ҳисоботида қўшимча изоҳлар талаб қиладиган ахборотлар ва улар моҳиятини очиб бериш усулларини билиб оладилар.

***Ўқитиш воситалари*: видеопроектор, доска.**

Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*

Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*

***Ўқитиш шароити*: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.**

Мониторинг ва баҳолаш: **Оғзаки, тест савол-жавоблари.**

1. БАЛАНС ҲИСОБОТИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АХБОРОТ БЕРИШДАГИ ЧЕКЛАНГАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Халқаро таълимотда молиявий ҳисоботнинг 1-шакли турлича номланади.Чунончи, 1996 йил Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ўтказилган анкета сўровларида иштирок этган компанияларнинг 94% «Баланс ҳисоботи» терминини, 6% эса "Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот" терминини ишлатаётганликларини таъкидлаганлар. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг ушбу шакли "Бухгалтерия баланси" деб аталади. Балансниг умумий суммасига "баланс валютаси"дейилади. Номидан қатъий назар баланс ҳисоботининг асосий моҳияти корхоналарнинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларини маълум бир санага тенглиги, ушбу санадаги молиявий ҳолати тўғрисида ахбоот бериш ҳисобланади.

Баланс ҳисоботининг аҳамияти куйидагиларда ёркин намоён бўлади.

1. Баланс асосида корхона капиталининг миқдори, ушбу миқдорда корхона ва кредиторларнинг ҳиссаси аниқланади.

2. Баланс асосида корхона активларининг даромадлилик даражасига баҳо берилади.

3. Корхона ликвидлиги, молиявий қарамлиги, эгилувчанлигига баҳо берилади.

4. Корхонанинг хатарлилик даражаси белгиланади.

5. Корхонанинг келгусидаги пул тушумлари белгиланади.

Шу билан бирга баланс ҳисоботи ахборот беришда маълум бир чекловларга эга.Чунончи:

биринчидан, ҳисобот баланси унда асосий воситалар ва номоддий эктивларга амортизациянинг қайси усулда ҳисобланганлигини кўрсатмайди;

иккинчидан, ҳисобот баланси асосий воситалар ва номоддий активларнинг ишчи ҳолатдалиги ёки бу ҳолатда эмаслигини хам кўрсатмайди;

учинчидан, ҳисобот баланси товар моддий заҳиралар қийматини қайси усулга аниқланганлигини, уларни ҳисобот санасида қаерда турганлиги тўғрисидаги ахборотни бермайди;

тўртинчидан, баланс ҳисоботи моддий ва номоддий, узок муддатли активларнинг реал фойдали муддатини кўрсатмайди;

бешинчидан, баланс ҳисоботи корхонада ишлаётган инсонларнинг интелектуал ва бошқа хислатлари, раҳбарининг билими ва ишбилармонлиги, бухгалтерларнинг илмий салоҳияти ва амалий тажрибасини ифода этмайди;

олтинчидан, баланс ҳисоботидан мавжуд дебиторлик қарзларни келиб тушиши эҳтимолини аниқлаб бўлмайди;

еттинчидан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг шартли ёки шартли эмаслигини англатмайди;

саккинчидан, ҳисобот баланси олинган кредит ва қарзларнинг охирги тўлов муддатини кўрсатмайди;

тўккизинчидан, баланс ҳисоботидан ҳар бир таъсисчининг устав капиталидаги, қўшилган ва резерв капиталидаги, тақсимламаган фойдадаги ҳиссаларини аниклаб бўлмайди;

ўнинчидан, баланс ҳисоботидан канча акциялар номинал кийматида, канчаси ундан паст ва юқори қийматларда чиқарилганлиги, облигациялар бўйича чегирма ва мукофотлар қандай ставкада ҳисобланганлигини билиб бўлмайди.

2. БАЛАНС ҲИСОБОТИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШ ТАРТИБИ

Бухгалтерия баланси ўз ичига учта элементни олади: (1) активлар (А); (2) мажбуриятлар (М); (3) хусусий капитал (ХК). Баланс ҳисоботида ушбу элементлар тенглиги қуйидаги алгоритм кўринишида ифодаланади:

АКТИВ=МАЖБУРИЯТЛАР+ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

А = М +ХК

ёки

УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР + ЖОРИЙ АКТИВЛАР = УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР+ ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР + ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

ёки

А1Б + А2Б = П1Б+П2Б

Бу ерда: **А**- актив; **П**- пассив; **Б**-баланс активи ва пассивининг бўлимлари.

Балансда акс эттириладиган активлар корхона мулки, хўжалик маблағлари тушунчаларига синонимдир.

Баланс ҳисоботи асосида мулкдорларга бевосита тегишли бўлган хусусий капитални аниқлаш қуйидаги тенглик асосида топилади:

АКТИВ – МАЖБУРИЯТЛАР = ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

Корхоналарнинг хусусий капитали, бошқачасига, уларнинг соф активлари деб ҳам аталади. Соф активлар (СА) қуйидаги формула асосида топилади:

СА = А – М ёки СА = А –П2Б

Соф активлар, ўз навбатида, учта гуруҳга ажратилади:

1. Оборотдан четлаштирилган соф активлар.
2. Жами оборотдаги соф активлар.
3. Тез ликвидли соф активлар.

Ушбу активлар суммаси баланс ҳисоботи асосида қуйидагича топилади:

Кўрсаткичлар	Хисоб-китоб алгоритми	Алгоритмдаги белгилар номи
Оборотдан четдаги соф активлар.	САоч = СА – А2Б - УМм	**САоч** – оборотдан четлаштирилган соф активлар; **УМм** – узоқ муддатли активлар учун олинган кредитлар
Оборотдаги соф активлар	САо = СА – А1Б - ҚМм	**САо** - оборотдаги соф активлар **ҚМм** – қисқа муддатли олинган кредитлар ва қарзлар
Тез ликвидли соф активлар	САтл = САо – Кх- ТМЗ- ДҚ	**САтл** - тез ликвидли соф активлар, **Кх**- келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар, **ТМЗ**- товар-моддий захиралар, **ДҚ**- дебиторлик қарзлар

Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси уларнинг элементларини жойлаштирилиши бўйича бир-биридан маълум даражада фарқланади. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат.

1-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг активида дастлаб жорий активлар, кейин эса узоқ муддатли активлар жойлаштирилади. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг активида дастлаб узоқ муддатли активлар, кейин эса жорий активлар жойлаштирилади.

2-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг активининг жорий қисмида элементлар уларнинг ликвидлик даражасига қараб жойлаштирилган, яъни пул маблағлари, дебиторлик қарзлар, ТМЗлар, келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар кетма-кетлигида. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансида элементлар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: ТМЗлар, келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар, дебиторлик қарзлар, пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестициялар.

3-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг активининг узоқ муддатли элементлари уларнинг ликвидлик даражасига қараб жойлаштирилган, яъни молиявий инвестициялар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлар, капитал инвестициялар, номоддий активлар ва асосий воситалар (бинолар, жиҳозлар, мини заводлар ва бошқалар). Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси активининг узоқ муддатли қисмида унинг элементлари қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли моливий инвестициялар, ўрнатилмаган жиҳозлар, тугалланмаган капитал инвестициялар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва узоқ муддатга узайтирилган харажатлар.

4-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг пассивида дастлаб мажбуриятлар, кейин эса хусусий капитал элементлари

жойлаштирилади. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг *пассивида дастлаб* хусусий капитал, кейин эса мажбуриятлар элементлари жойлаштирилади.

5-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг пассивининг биринчи бўлимида, яъни мажбуриятларни акс эттирувчи бўлимда дастлаб жорий мажбуриятлар, кейин эса узоқ муддатли мажбуриятларни ифодаловчи моддалар жойлаштирилган. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятларни ифодаловчи бўлимида дастлаб узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар, кейин эса жорий мажбуриятлар жойлаштирилган.

6-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг пассивининг хусусий капитални акс эттирувчи бўлимнинг асосий моддалари бўлиб устав капитали, қўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда (зарарлар) ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси пассивининг ўз маблағлар манбаларини ифодаловчи элементлар (моддалар) бўлиб устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар (айирилади), тақсимланмаган фойда (зарарлар), мақсадли тушумлар ҳамда келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари ҳисобланади.

Бундан ташқари халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси ўзининг ички таркибий тузилмасини ташкил қилувчи бўлимлар ва моддаларнинг номлари билан ҳам бир-биридан фарқланади. Мисол учун, бизнинг мамлакатимизда активлар манбасининг корхонага тегишли хусусий қисм «Ўз маблағларининг манбалари» деб аталади, халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботида эса бу элементларни ўз ичига олувчи бўлим «Хусусий капитал», акционерлик жамиятларида эса «Акционерлик капитали», деб аталади. Ҳисоботда алоҳида моддаларининг номи ҳам мазмуни бир хилда бўлсада, таҳририй фарқланади.

Шундай қилиб, халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси ўзининг ички таркибий тузилмаси ҳамда уларда элементларини жойлаштирилиши бўйича бир-биридан маълум даражада фарқланади. Бу фарқлар кўргазмали тарзда қуйида келтирилган жадвалда кўрсатилган.

Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг таркибий тузилмасидаги асосий фарқлар

Халқаро таълимотда	Ўзбекистонда
I. Узоқ муддатли активлар бўйича	
1. Узоқ муддатли *молиявий инвестициялар* 2. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар. 3 Кечиктирилган харажатлар 4. Номоддий активлар. 5. Кўчмас мулк, бино ва жиҳозлар.	1. Асосий воситалар. 2. Номоддий активлар. 3. Ўрнатилмаган жиҳозлар. 4. Капитал қуйилмалар. 5. Молиявий инвестициялар 6. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар

Ушбу активлар суммаси баланс ҳисоботи асосида қуйидагича топилади:

Кўрсаткичлар	Ҳисоб-китоб алгоритми	Алгортмдаги белгилар номи
Оборотдан четдаги соф активлар.	САоч = СА – А2Б - УМм	**САоч** – оборотдан четлаштирилган соф активлар; **УМм** – узоқ муддатли активлар учун олинган кредитлар
Оборотдаги соф активлар	САо = СА – А1Б - ҚМм	**САо** - оборотдаги соф активлар **ҚМм** – қиска муддатли олинган кредитлар ва қарзлар
Тез ликвидли соф активлар	САтл = САо – Кх- ТМЗ- ДҚ	**САтл** - тез ликвидли соф активлар, **Кх**- келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар, **ТМЗ**- товар-моддий захиралар, **ДҚ**- дебиторлик қарзлар

Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси уларнинг элементларини жойлаштирилиши бўйича бир-биридан маълум даражада фаркланади. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат.

1-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг активида дастлаб жорий активлар, кейин эса узоқ муддатли активлар жойлаштирилади. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг активида дастлаб узоқ муддатли активлар, кейин эса жорий активлар жойлаштирилади.

2-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг активининг жорий қисмида элементлар уларнинг ликвидлик даражасига караб жойлаштирилган, яъни пул маблағлари, дебиторлик қарзлар, ТМЗлар, келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар кетма-кетлигида. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансида элементлар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: ТМЗлар, келгуси давр харажатлари ва муддати кечиктирилган харажатлар, дебиторлик қарзлар, пул маблағлари ва киска муддатли инвестициялар.

3-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг активининг узоқ муддатли элементлари уларнинг ликвидлик даражасига караб жойлаштирилган, яъни молиявий инвестициялар, узоқ муддатли дебиторлик карзлар, капитал инвестициялар, номоддий активлар ва асосий воситалар (бинолар, жиҳозлар, мини заводлар ва бошқалар). Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси активининг узоқ муддатли қисмида унинг элементлари қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли моливий инвестициялар, ўрнатилмаган жиҳозлар, тугалланмаган капитал инвестициялар, узоқ муддатли дебиторлик карзлар ва узоқ муддатга узайтирилган харажатлар.

4-фарқ. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг пассивида дастлаб мажбуриятлар, кейин эса хусусий капитал элементлари

жойлаштирилади. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг пассивида дастлаб хусусий капитал, кейин эса мажбуриятлар элементлари жойлаштирилади.

5-фарк. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг пассивининг биринчи бўлимида, яъни мажбуриятларни акс эттирувчи бўлимда дастлаб жорий мажбуриятлар, кейин эса узоқ муддатли мажбуриятларни ифодаловчи моддалар жойлаштирилган. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси пассивининг мажбуриятларни ифодаловчи бўлимида дастлаб узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар, кейин эса жорий мажбуриятлар жойлаштирилган.

6-фарк. Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботининг пассивининг хусусий капитални акс эттирувчи бўлимнинг асосий моддалари бўлиб устав капитали, қўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда (зарарлар) ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси пассивининг ўз маблағлар манбаларини ифодаловчи элементлар (моддалар) бўлиб устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, сотиб олинган хусусий акциялар (айирилади), тақсимланмаган фойда (зарарлар), мақсадли тушумлар ҳамда келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари ҳисобланади.

Бундан ташқари халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси ўзининг ички таркибий тузилмасини ташкил қилувчи бўлимлар ва моддаларнинг номлари билан ҳам бир-биридан фарқланади. Мисол учун, бизнинг мамлакатимизда активлар манбасининг корхонага тегишли хусусий қисм «Ўз маблағларининг манбалари» деб аталади, халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботида эса бу элементларни ўз ичига олувчи бўлим «Хусусий капитал», акциянерлик жамиятларида эса «Акционерлик капитали», деб аталади. Ҳисоботда алоҳида моддаларининг номи ҳам мазмуни бир хилда бўлсада, таҳририй фарқланади.

Шундай қилиб, халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси ўзининг ички таркибий тузилмаси ҳамда уларда элементларини жойлаштирилиши бўйича бир-биридан маълум даражада фарқланади. Бу фарқлар кўргазмали тарзда қуйида келтирилган жадвалда кўрсатилган.

Халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг таркибий тузилмасидаги асосий фарқлар

Халқаро таълимотда	Ўзбекистонда
I. Узоқ муддатли активлар бўйича	
1. Узоқ муддатли молиявий инвестициялар 2. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар. 3. Кечиктирилган харажатлар 4. Номоддий активлар. 5. Кўчмас мулк, бино ва жиҳозлар.	1. Асосий воситалар. 2. Номоддий активлар. 3. Ўрнатилмаган жиҳозлар. 4. Капитал қуйилмалар. 5. Молиявий инвестициялар 6. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар

Халкаро таълимотда	Ўзбекистонда
II. Жорий [illegible]ар бўйича	
1. Пул маблағлари. 2. Қисқа муддатли инвестиция. 3. Олинадиган счётлар. 4. ТМЗ. 5. Келгуси давр харажатлари. 6. Муддати кечиктирилган харажатлар.	1. ТМЗ. 2. Келгуси давр харажатлари. 3. Муддати кечиктирилган харажатлар. 4. Дебиторлик қарзлар 5. Пул маблағлари. 6. Қисқа муддатли инвестициялар
III. Мажбуриятлар бўйича	
1. Қисқа муддатли мажбуриятлар. 2. Узоқ муддатли мажбуриятлар.	1. Узоқ муддатли мажбуриятлар. 2. Қисқа муддатли мажбуриятлар.
IV. Хусусий капитал бўйича	
1. Акционерлик капитали. 2. Қўшимча капитал. 3. Тақсимланмаган фойда	1. Устав капитали. 2. Қўшилган капитал. 3. Резерв капитали. 4. Тақсимланмаган фойда. 5. Мақсадли тушумлар. 6. Келгуси харажатлар ва тўловлар учун резервлар

3. БАЛАНС ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ ФОРМАТЛАРИ

Халкаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансини тузишнинг икки хил бир-биридан фарқ қилувчи форматлари мавжуд. Булар:

1. Горизонтал (ҳисоб формати).
2. Вертикал (ҳисобот формати).

Горизонтал формат. Ушбу усулда баланс икки тарафламали жадвалдан иборат бўлиб, унинг чап тарафи «Актив», ўнг тарафи эса «Пассив», деб номланади. Баланснинг актив тарафида корхонанинг активларини, пассив тарафида эса уларнинг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи элементлар (моддалар) акс эттирилади. Ушбу форматнинг асосий афзаллиги шундаки, у визуал ўкишга қўлайдир. Асосий камчилиги замонавий компьютерларда тузишда маълум кийинчиликларни туғдиради ва кўп сонли бетлардан иборат бўлишлиги сабабли визуал ўқиш бирмунча нокулайликлар туғдиради.

Вертикал формат. Бу усулда баланс элементлари вертикалига жойлаштирилади. Бунда олдин активлар, шундан сўнг активларни ташкил топиш манбалари жойлаштирилади. Ушбу усул ҳам халқаро амалиётда, ҳам бизнинг республикамизда ҳозирги пайтда энг кенг қўлланилади.

Халкаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи ва бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия балансининг вертикал ҳамда горизонтал форматларининг кискартилган намуналари қуйида келтирилган.

Бухгалтерия баланси – вертикал формат
(Ўзбекистон Республикасида)

№	Модда номи	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
	А К Т И В		
	1-бўлим. Узоқ муддатли активлар		
1	Асосий воситалар		
2	*Номоддий активлар*		
3	Молиявий инвестициялар		
4	Капитал инвестициялар		
	Жами 1-бўлим		
	2-бўлим. Жорий активлар		
5	Материаллар		
6	Тугалланмаган ишлаб чиқариш		
7	Тайёр маҳсулотлар		
8	Келгуси давр харажатлари		
9	Олинадиган счётлар		
10	Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари		
	Жами 2-бўлим		
	БАЛАНС		
	1-бўлим. Ўз маблағлари манбалари		
11	Устав капитали		
12	Резерв капитали		
13	Таксимланмаган фойда		
	1-бўлим бўйича жами		
	2-бўлим. Мажбуриятлар		
14	Таъминотчиларга қарзлар		
15	Кечиктирилган мажбуриятлар		
16	Бюджетга қарзлар		
17	Мақсадли фондларига қарзлар		
18	Таъсисчиларга қарзлар		
19	Иш ҳақи бўйича қарзлар		
20	Банк кредитлари		
21	Бошқа кредиторлик қарзлар		
	2-бўлим бўйича жами		
	БАЛАНС		

Баланс хисоботи- вертикал формат
(халкаро амалиётда)

№	Моддда номи	1.01. 201_ й.	31.12. 201_ й.
	АКТИВ		
	1-бўлим. Жорий активлар		
1	Пул маблағлари		
2	Олинадиган счётлар		
3	Тайёр махсулотлар		
4	Материаллар		
5	Тугалланмаган ишлаб чиқариш		
6	Келгуси давр харажатлари		
	Жами 1-бўлим		
	2-бўлим. Узоқ мудлатли активлар		
1	Молиявий инвестициялар		
2	Капитал инвестициялар		
7	Асосий воситалар		
8	Номоддий активлар		
	Жами 2-бўлим		
	БАЛАНС		
	ПАССИВ		
	1-бўлим. Мажбуриятлар		
1	Таъминотчиларга қарзлар		
2	Кечиктирилган мажбуриятлар		
3	Бюджетга қарзлар		
4	Суғурта ва давлатнинг максадли фондларига қарзлар		
5	Таъсисчиларга қарзлар		
6	Иш ҳаки бўйича қарзлар		
7	Банк кредитлари		
8	Бошқа кредиторлик қарзлар		
	1-бўлим бўйича жами		
	2-бўлим. Хусусий капитал		
1	Акционерлик капитали		
2	Резерв капитали		
3	Таксимланмаган фойда		
	2-бўлим бўйича жами		
	БАЛАНС		

Баланс хисоботи- горизонтал формат
(Ўзбекистон Республкасида)

АКТИВ				ПАССИВ			
Модда номи	Модда сатри	Давр боши	Давр охири	Модда номи	Модда сатри	Давр боши	Давр охири
1-бўлим. Узок муддатли активлар				1-бўлим. Ўз маблаглари манбалари			
Жами 1-бўлим				Жами 1-бўлим			
2-бўлим. Жорий активлар				2-бўлим. Мажбуриятлар			
Жами 2-бўлим				Жами 2-бўлим			
Баланс				Баланс			

Баланс хисоботи- горизонтал формат
(халкаро амалиётда)

АКТИВ				ПАССИВ			
Модда номи	Модда сатри	1.01. 201_ й	31.12. 201_ й.	Модда номи	Модда сатри	1.01. 201_ й	31.12. 201_ й.
1-бўлим. Жорий активлар				1-бўлим. Мажбуриятлар			
Жами 1-бўлим				Жами 1-бўлим			
2-бўлим. Узок муддатли активлар				2-бўлим. Хусусий капитал			
Жами 2-бўлим				Жами 2-бўлим			
Баланс				Баланс			

Масалан, хисобот йили охирида корхонанинг айрим дебиторларининг банкротликка учраганлиги хакидаги хабар, суднинг ўтган йилга тегишли айрим даъволар бўйича ижро хужжатлари ва бошкалар. Бундай мазмун ва характердаги ходисалар ўтган хисобот даври учун тузиладиган хисоботга киритилиши хамда изохланиши лозим.

Баланс хисоботига киритилмайдиган ходисалар деганда мазмун мохияти бўйича ўтган хисобот даврига тегишли бўлмаган, хакикатдан хам кейинги йилнинг 1 санасидан балансни эълон килиш санасигача юз берган жараёнлар натижаси хисобланган, шунингдек тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган вокеликлар тушунилади. Масалан, 1 санадан кейин юз берган ёнгин, сув тошкини, содир этилган ўгирлик ва бошкалар. Бундай мазмун ва характердаги ходисалар ўтган хисобот даври учун тузиладиган хисоботга киритилмаслиги лозим, шунингдек уларнинг изохи берилиши шарт эмас.

Баланс хисоботига кўшимча тарзда бериладиган маълумотлар кўйидаги усуллар асосида очиб берилади: (1) тушунтириш хати; (2) изох; (3) тафсилотнома (расшифровка); (4) контур моддалар.

Тушунтириш хати бу баланс хисоботининг айрим моддаларида келтирилган суммаларини асослаш, масалан ТМЗ лар қайси усулда хисобланганлиги.

Изох – факат изох талаб киладиган моддалар бўйича берилади. Масалан, сотиб олинган хусусий акциялар сони.

Тафсилотнома (расшифровка), одатда, баланс хисоботининг у ёки бу моддасига киритилган суммаларнинг очиб берилиши. Тафсилотномалар (расшифровкалар), одатда, жадвал кўринишида бўлади. Масалан, балансда келтирилган дебиторлик ва кредиторлик карзлари суммалари жадвал кўринишида корхоналар бўйича вужудга келган саналари бўйича келтирилади.

Контур моддалар – бу асосий счётларда акс эттирилган суммани кайтарилишига олиб борувчи моддаларга тегишли эканлигини изохлаб бериш.

Халкаро амалиётда баланс хисоботига иловаларда кўйидаги ахборотлар очиб берилади:

1. Чикаришга рухсат берган акциялар сони.
2. Чикарилган акциялар.
3. Тўлик сотилган акциялар сони.
4. Акциянинг номинал киймати.
5. Муомаладаги акциялар сони.
6. Дивиденд хисоблаш реестрига киритилган акциялар сони.
7. Акцияларга ажратилган дивидендлар суммаси.
8. Шўъба, карам жамиятларга киритилган акциялар сони.
9. Шартномалар бўйича резервга олинган акциялар сони ва бошкалар.

Халқаро амалиётда баланс ҳисоботининг яна бир формати қўлланилади. Бу формат "қисқартирилган формат" дейилади. Уни адабиётларди "Молиявий ҳолатни тақдим этиш ҳолати" деб ҳам атайдилар. Молиявий ҳолатни ифодаловчи баланс ҳисоботининг қўлланилиши айланма капиталдан жорий мажбуриятларни айириб ташлаб акс эттирилади. Бу корхонанинг оборотдаги соф жорий активини назорат килиш имконини беради.

4.БАЛАНС ҲИСОБОТИДАГИ ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН АХБОРОТЛАР ВА УЛАР МОҲИЯТИНИ ОЧИБ БЕРИШ УСУЛЛАРИ

Ҳам халқаро амалиётда қўлланилаётган баланс ҳисоботи, ҳам бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган бухгалтерия баланси айрим изоҳ талаб қиладиган маълумотларни ўз ичига олади. Бундай маълумотлар тўртта гуруҳга бўлинади:

1. Баҳоланган мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар.
2. Корхонанинг ҳисоб сиёсати.
3. Айрим хўжалик ситуациялари.
4. Баланс санасидан кейинги ҳодисалар.

Баҳоланган мажбуриятлар - бу келгусида келиб тушиши билан ёки келиб тушмаслиги билан тасдикланадиган мажбурият. Баҳоланган мажбурият ўтган ҳодисалар натижаси ҳисобланади, у келгусида иқтисодий нафни кетишига олиб келади. Шунингдек, ишончли ўлчанилиши лозим.

Шартли мажбурият - бу ўлчаб бўлмайдиган, аник ҳужжат билан тасдикланмайдиган, ҳали рўй бермаган операциялар учун чамаланган мажбуриятдир. Бундай мажбуриятлар балансда акс эттирилмайди.

Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия балансининг алоҳида моддаларида акс эттириладиган суммаларига изоҳ бериш тартиблари мажмуаси.

Аник хўжалик ситуациялари – бу мажбуриятлар қайси даврга тегишлилигини, нима учунлигига изоҳ берувчи ва уларни ифодаловчи ҳолатлар. Масалан, ҳисобланган дивидендлар суммасини тўланилишини ёки солик бўйича берилган имтиёзларни берилганлигини ёки кечиктирилганлигини изоҳлаш.

Баланс санасидан кейинги ҳодисалар - бу келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб балансни эълон қилиниш санасигача юз берадиган вокеалардир. Балансни эълон килиш санаси деганда, уни тегишли органларга (давлат солик идорасига) топшириш тушинилади.

Баланс санасидан кейинги санадан кейинги ҳодисалар унда акс ээтирилишига кўра иккита турга бўлинади:

1. Баланс ҳисоботига киритиладиган ҳодисалар.
2. Балан ҳисоботига киритилмайдиган ҳлдисалар.

Баланс ҳисоботига киритиладиган ҳодисалар деганда мазмун моҳияти бўйича ўтган ҳисобот даврига тегишли бўлган, амалга оширилган жараёнлар натижаси ҳисобланган, шунингдек улар тўғрисида 1 санадан кейин балансни эълон қилиш санасига тегишли ҳужжати келиб тушган вокеликлар тушунилади.

3-маъруза	ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та

Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза

Маъруза режаси:

1. Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг мақсади, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари.
2. Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг шакллари, уларнинг таркибий тузилиши ва тўлғазиш усуллари.
3. Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг муҳим моддаларини очиб бериш ва изоҳ талаб қиладиган ахборотларни акс эттириш тартиби.
4. Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) тўғрисида ҳисоботнинг мақсади, асосий элементлари ва уни тузиш усуллари.
5. Фойда ва зарарлар хамда таксимланмаган фойда (копланмаган зарар)ни хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботга трансформация қилиниши

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг мақсади, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, шакллари, уларнинг таркибий тузилиши ва тўлғазиш усуллари, ҳисоботнинг муҳим моддаларини очиб бериш ва изоҳ талаб қиладиган ахборотларни акс эттириш тартиби, шунингдек таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) тўғрисида ҳисоботнинг мақсади, асосий элементлари ва уни тузиш усуллари, бу ҳисобот ахборотларини хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботга трансформация қилиниши тўғрисида тушунчалар бериш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
фойда ва зарарлар ва таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) тўғрисида ҳисоботларнинг мақсади, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, шакллари, уларнинг таркибий тузилиши ва тўлғазиш усуллари, ҳисоботнинг муҳим моддаларини очиб бериш ва изоҳ талаб қиладиган ахборотларни акс эттириш тартиби, шунингдек ушбу ҳисоботлар ахборотларини хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботга трансформация қилинишини тушунтириш	Талабалар фойда ва зарарлар ва таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) тўғрисида ҳисоботларнинг мақсади, аҳамияти ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, шакллари, уларнинг таркибий тузилиши ва тўлғазиш усуллари, ҳисоботнинг муҳим моддаларини очиб бериш ва изоҳ талаб қиладиган ахборотларни акс эттириш тартиби, шунингдек ушбу ҳисоботлар ахборотларини хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботга трансформация қилинишини билиб оладилар

Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.

Ўқитиш усуллари: Тушунтириш, аклий хужум.

Ўқитиш шакллари: Коллектив иш

Ўқитиш шаронти: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.

Мониторинг ва бахолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.

1.ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИНГ МАҚСАДИ, АҲАМИЯТИ ВА АХБОРОТ БЕРИШДАГИ ЧЕКЛАНГАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Халкаро ва миллий ҳисоб тизимларида назарда тутилган молиявий ҳисоботнинг муҳим шаклларидан бири бўлиб «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» ҳисобланади. Ушбу ҳисобот турлича бошқа номларда ҳам аталади. Чунончи, 1996 йилда Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган анкета сўровларида 600 та компаниядан 298 таси бу ҳисоботни "Фойда тўғрисида ҳисобот" деб аташ, 127 таси "Даромад тўғрисида ҳисобот", 167 таси "Операцияларнинг натижалари тўғрисида ҳисобот" деб аташни тавсия қилганлар. Собиқ СССРда бухгалтерия ҳисоботининг ушбу шакли ҳам "Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот" деб аталган. Бизнинг республикамизда молиявий ҳисоботнинг ушбу шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" деб номланади.

Турлича номланишидан қатъий назар ушбу ҳисоботнинг бош мақсади бўлиб корхоналарнинг маълум бир даврдаги молиявий хўжалик фаолиятининг якуний натижалари тўғрисида ахборот бериш ҳисобланади. Бу ҳисобот корхонанинг ҳисобот даврида олган барча даромадлари, килган сарф-харажатлари, солиқ тўловлари ва пировардида эришган соф фойдаси тўғрисидаги ахборотларни пул бирлигида акс эттиради. Айнан ушбу кўрсаткичлар ҳисоботнинг асосий элементларини ташкил этади. Ҳисоботнинг муҳим элементларини ташкил қилувчи ушбу кўрсаткичлар корхоналар рентабеллигини, инвестиция қийматини, тўлов қобилиятини, молиявий ҳолатини аниқлашда энг муҳим манба сифатида ишлатилади. Бу ҳисобот ёрдамида инвесторлар ва кредиторлар ўзларининг пул маблағларини келгуси даврлар учун кирими ва чикимини башорат қиладилар, шунингдек уларнинг қопланиш муддатларини белгилайдилар ҳамда мавжуд хатарларга баҳо берадилар. Буларнинг барчаси «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»нинг ўта муҳим ҳисобот шаклларидан бири эканлигидан дарак беради.

"Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот" нинг энг муҳим ва пировард кўрсаткичи бўлиб соф фойда ҳисобланади.

Соф фойда деганда, одатда, корхонанинг барча даромадларидан барча харажатлар ва солиқлар чегириб ташлангандан кейин колган фойдаси тушунилади.

Халкаро амалиётда соф фойда иккита метод асосида аниқланади. Булар:

1. Капиталдаги ўзгариш ёки капитални қўллаб-кувватлаш методи.
2. Операцион метод.

Соф фойдани аниқлашнинг «Капиталдаги ўзгариш» ёки «Капитални қўллаб-кувватлаш» методи. Ушбу методни америкалик олим Хикс тавсия этган. Шу боис, адабиётларда бу методни «Хикс методи» деб ҳам атайдилар.

Ушбу методга кўра, корхонанинг соф фойдаси қуйидаги алгоритм асосида топилади.

$$С_ф = С_{А2} - С_{А1} + Итд \pm УК$$

Бу ерда:

$С_{А2}$ – давр охиридаги соф активнинг суммаси;

$С_{А1}$ – давр бошидаги соф активнинг суммаси;

Итд – хисобот йилида тақсимламаган соф фойданинг ишлатилган кисм (хисобланган дивидендлар, ўтган даврлар учун қўшимча хисобланган соликла тўловлар ва бошқалар) ;

УК- хисобот йилида устав капиталидаги ўзгаришлар (кўпайиш камайиши).

Хикс методига кўра корхонанинг тақсимланмаган соф фойдаси куйидагич хисоб-китоб килинади.

Мисол. Айтайлик корхонанинг соф активлари йил бошига 400 миллио сўм, йил охирига 500 миллион сўм, йил мабойнида хисобланган (тўланга дивидендлар 80 миллион сўм, қўшимча хисобланган соликлар 10 миллион сў инвесторларнинг устав капиталига қўшимча бадаллари 50 миллион сўм.

Ҳисобот даврининг тақсимланмаган соф фойдаси хисоб-китоби
(Хекс методи бўйича)

№	Кўрсаткичлар	Сумма, млн. сўм
1.	Йил охирига соф актив суммаси ($С_{А2}$))	500
2	Йил бошига соф актив суммаси ($С_{А1}$))	400
3.	Соф актив суммасида ўзгариш, (+,-) (1катор-2катор)	100
4	Соф фойданинг ишлатилган кисми (хисобланган дивидендлар, ўтган даврлар учун қўшимча хисобланган соликлар, тўловлар ва бошқалар) **(Итф)**	90
5	Устав капиталидаги ўзгаришлар (+↓УК) (-↑УК)	50
6	Ҳисобот даври соф фойдаси (3+4 ± 5)	140

Кўриниб турибдики, соф фойдани аниклашнинг «Капиталдаги ўзгариш ёки «Капитални қўллаб-кувватлаш» методи «Баланс хисоботи»да со активларнинг ўзгаришига, шунингдек хисобот даврида олинган ва «Фойда в зарарлар тўғрисида хисобот» ҳамда «Ҳисобот давр фойдасининг ишлатилиш тўғрисида хисобот»ни ўзаро боғликлигини ифодаловчи метод хисобланади Бундай боғликликнинг мавжулиги бевосита юкорида номлари зикр этилга хисобот шаклларини тўғри тузилганлигидан ҳам дарак беради. Айнан шу со фойдани аниклашнинг «Хикс методи»нинг асосий афзаллиги ҳамда ўт муҳимлигини ҳам ифодалайди. Шунинг билан бирга бу метод, кўрини турибдики, соф фойдани топишда асосий ролни ўйновчи даромадла харажатлар ва соликлар тўғрисидаги ахборотларни ўзаро узвий боғли эканлигини акс эттирмайди. Холбуки, соф фойда суммаси бевосита олинга даромадларга, килинган сарф харажатларга ва хисобланган (тўланга соликларга бевосита боғликдир. Айнан шулар «Хикс методи»ни камчиликлари бўлиб хисобланади.

Соф фойдани аниклашнинг операцион методи. Ушбу метод «Хи методи»дан даркли ўларок соф фойдани топишда даромадлар, харажатла соликлар, хисобот йилнинг фойдасини ишлатилганлиги тўғрисида ахборотларга бевосита асосланган метод хисобланади. Ушбу методга кўр

корхонанинг хисобот давридаги таксимланмаган соф фойдаси куйидагича топилади:

$$С_ф = Д - СТ - ДХ - БД + МФд - Мфх + Фд - Фз - Фс - Фи$$

Бу ерда:

Д – сотишдан олинган даромад (соф тушум); **СТ** – сотиш таннархи; **ДХ** – давр харажатлари; **БД** – асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар; **МФд** – молиявий фаолиятдан даромадлар; **МФх**- молиявий фаолият харажатлари; **Фд** – фавкулотдаги даромадлар; **Фз** – фавкулотдаги зарарлар; **Фс** – фойдан соликлар (фойда солиги ва ободонлаштириш солиги), **Фи** – хисобот йили фойдасининг турли максадларда ишлатилган кисми (хисобланган дивидендлар, ўтган давлар учун қўшимча хисобланган соликлар, тўловлар ва бошкалар).

Корхонанинг хисобот йилида эришган соф фойдаси суммаси операцион метод асосида куйидаги шаклда хисоб-китоб килиш мумкин.

Хисобот даври соф фойдаси хисоб-китоби
(операцион метод бўйича)

№	Кўрсаткичлар	Сумма, Млн.сўм
1.	Жами даромадлар (соф тушум)	2500
2	Сотиш таннархи	1700
3.	Сотишдан олинган ялпи фойа (1-2)	800
4	Давр харажатлари	500
5	Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар	50
6	Асосий фаолиятдан олинган фойда (3-4+5)	350
7	Молиявий фаолиятдан даромадлар	20
8	Молиявий фаолиятга доир харжатлар	60
9	Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (6+7-8)	310
10	Фавкулотдаги фойда	-
11	Фавкулотдаги зарарлар	-
12	Соликкача фойда (9+10-11)	310
13	Фойда солиги	60
14	Ободонлаштириш солиги	20
15	Хисобот йили фойдасининг ишлатилган кисми	90
16	**Соф фойда (12-13-14)**	**140**

Операцион методнинг афзаллиги шундаки, корхонанинг соф фойдаси суммаси хисоб-китобида унга бевосита таъсир қилувчи барча даромадлар, харажатлар, солик тўловлари хамда хисобот йилида фойданинг ишлатилган кисми ёркин кўриниб туради. Шу боис, хам халкаро микиёсда, хам бизнинг республикамизда хозирги пайтда соф фойдани аниклашнинг операцион методи кенг кўлланилмокда.

"Фойда ва зарарлар тўғрисида хисобот" ички таркибий тузилишига кўра уч бўлимдан иборат. Булар:

I-бўлим. Операцион бўлим:

А. Сотишдан олинган даромадлар.

Б.Сотиш таннархи.

В.Сотиш харажатлари.

Г.Маъмурий бошқарув ва бошқа операцион харажатлар.

Д.Операцион фаолиятнинг якуний натижаси.

2-бўлим. Операцион бўлмаган бўлим:

А.Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар.

Б.Асосий бўлмаган фаолиятга доир бошқа харажатлар.

3-бўлим. Фойдадан солиқ тўловлари бўлими

4-бўлим.Битта акцияга тўғри келувчи соф фойда бўлими

Бизнинг республикамизда қўлланилиб келинаётган "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" кўрсаткичларининг жойланиши ҳам юқорига тартибга умуман оганда ўхшашдир. Фарқ шундаки, бизда қўлланиб келинаётган ҳисоботнинг охирги бўлимида фақат соф фойда (зарар)нинг умумий суммаси акс эттирилади, унда «битта акцияга тўғри келувчи соф фойда» кўрсаткичи назарда тутилмаган.

Ҳам халқаро амалиётда қўлланилаётган "Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот", ҳам бизнинг республикамизда қўлланилаётган "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" маълум ахборот чекловларига эга. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

3. Ушбу ҳисобот шакллари корхоналар томонидан олинган фойдага сифат жиҳатидан баҳо бера олмайди. **Фойда сифати**, одатда ҳар бир акция бўйича тўланган соф фойда суммаси билан эмас, балки ҳар бир акция келтирган соф фойда суммаси билан ўлчанади. Ҳисоботда битта акцияга тўғри келадиган соф фойда миқдорини ўхшаш компаниялар билан таққослама маълумотлари бўлмаганлиги сабабли, фойдаланувчилар бу кўрсаткич сифатига баҳо бериш имкониятига эга эмаслар.

4. Корхоналарнинг соф фойдаси, одатда, унинг барча турдаги фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Ҳисоботда кўрсатилган соф фойданинг суммаси унинг қайси фаолиятдан кўпроқ олинганлигини кўрсатмайди. Бу, мос равишда, келгусида даромадларни бюджетлаштиришда маълум қийинчиликлар туғдиради.

5. Ушбу ҳисобот шакллари корхоналар томонидан қилинган сарф-харажатларга ҳам сифат жиҳатидан баҳо бера олмайди. **Харажатлар сифати** деганда, одатда, уларнинг мақсадга мувофиклиги, самарадорлиги тушунилади. Бинобарин, бундай сифат кўрсаткичини ҳар бир фаолият бўйича аниқлаш, ўхшаш компаниялар билан таққослаш кўпроқ наф беради. Бироқ, ҳисобот шаклларида ҳозирги пайтда келтирилган маълумотлар ҳар бир фаолият бўйича ҳамда жами корхона бўйича ушбу сифат жиҳатларни баҳолашга имкон бермайди.

6.Халқаро амалиётда қўлланилаётган "Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот" ҳамда бизнинг республикамизда қўлланилаётган "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" у ёки бу фаолиятга доир даромадлар, харажатларнинг таркиби тўғрисида тўлиқ маълумот бера олмайди. Бундай маълумотларни олиш учун махсус жадваллар-расшифровкалар тузиш лозим бўлади.

7.Ушбу ҳисобот шакллари корхоналар тўлайдиган фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган доимий ва вақтинчалик фаркларни (яъни норационал

харажатларни), солиқ имтиёзларини махсус каторда кўрсатилишини назарда тутмаган. Бу, мос равишда, ҳисобот бўйича фойдадан солиқларни тўғри ҳисобланганлигини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

2.ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИНГ ФОРМАТЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ТЎЛҒАЗИШ УСУЛЛАРИ

Халқаро ва миллий амалиётда "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот"ни тузишнинг турли форматлари қўлланилади. Бу форматлар уларнинг шакли, таркибий кўрсаткичлари, уларни тўлғазилиши бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Халқаро амалиётда "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот"нинг бир-биридан фарқ қилувчи иккита формати кенг қўлланилади:

1. Харажатлар характерига асосланган формат.
2. Харажатлар функцияларига асосланган формат.

Харажатлар характерига асосланган формат. Ушбу форматда корхона харажатлари уларнинг характерига қараб кўрсатилади. **Харажатлар характери** деганда, одатда, уларнинг моддий, меҳнат ва молиявий, пуллик ва пулсиз, бевосита ва билвосита харажатларга ажратилиши тушунилади.

Моддий харажатлар – бу ишлаб чиқаришга сарфланган хом-ашё ва материалларнинг таннархидир.

Меҳнат харажатлари – бу корхона ходимлари меҳнати учун ҳисобланган иш ҳақи ва уларга мос равишда ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов (мажбурий ажратмалар) суммасидир.

Молиявий харажатлар – бу банк хизматлари, олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари, мол-мулк ва бошқа хўжалик рисклларини суғурталар, хўжалик муносабларидан келиб чиқадиган пуллик тўловлар ва бошқалардир.

Амортизация харажатлари – бу узоқ муддатли асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисобланган пулсиз харажатлардир.

Бошқа харажатлар – бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятига доир бошқа билвосита харажатларидир.

"Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот" харажатлар характери форматига кўра қуйидаги шаклда тўлғазилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида хисобот
(харажатлар характери формати бўйича)

Кўрсаткичлар	Хусусий сумма	Жами сумма
1. Асосий фаолият даромадлари		
2. Асосий бўлмаган фаолият даромадлари		
3. Материал харажатлар		
4.Иш ҳаки ва суғурта харажатлари		
5. Суғурта харажатлари		
6.Амортизация харажатлари		
7.Бошқа харажатлар		
8.Жами харажатлар		
9. Фойда		
10.Муомаладаги 1 та оддий акцияга тўғри келадиган соф фойда		

Харажатлар функцияларига асосланган формат. Ушбу форматда корхона харажатлари уларнинг функцияларига қараб кўрсатилади **Харажатлар функциялари** деганда, одатда, уларнинг корхоналарнинг ишлаб чикариш, сотиш, бошкариш ва бошка фаолият турларига доир (дахлдор функцияларга тегишлилиги тушунилади. Чунончи, сотилган махсулот бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотилган кисмига тегишли бўлган барча ишлаб чикариш харажатлари хисоботнинг ушбу форматида «Сотиш таннархи» кўрсаткичида кўрсатилади. Махсулот (иш, хизмат)ларнинг сотишга оид харажатлар 2Сотиш харажатлари», бошкарувга оид харажатлар «Бошкарув харажатлари», бошка фаолият турларига оид харажатлар эса «Бошка харажатлар» каторида кўрсатилади.

"Фойда ва зарарлар тўғрисадаги хисобот" харажатлар функциялари форматига кўра куйидаги шаклда тўлғазилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида хисобот
(харажатлар функцияси формати бўйича)

Кўрсаткичлар	Даромад	Харажат
1. Асосий фаолият даромадлари		x
2. Сотиш таннархи	X	
3. Ялпи фойда		
4.Бошка операцион даромадлар		x
5. Сотиш харажатлари	X	
6.Бошкарув харажатлари	X	
7.Бошка харажатлар	X	
8.Соликлар	X	
9. Соф фойда (зарар)		
10. Муомаладаги 1 та оддий акцияга тўғри келадиган соф фойда		x

Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган "Молиявий натижалар ўғрисида хисобот" ўзининг мазмуни ва таркибий тузилмасига кўра харажатлар функциялари форматига мос келади.

Молиявий натижалар тўғрисида хисобот
(Ўзбекистон Республикасида)

№	Кўрсаткичлар	Даромад	Харажат
1.	Жами даромадлар (соф тушум)		X
2	Сотиш таннархи	X	
3.	Сотишдан олинган ялпи фойда (1-2)		
4	Давр харажатлари	X	
5	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар		X
6	Асосий фаолиятдан олинган фойда (3-4+5)		
7	Молиявий фаолиятдан даромадлар		X
8	Молиявий фаолиятга доир харжатлар	X	
9	Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (6+7-8)		
10	Фавкулотдаги фойда		X
11	Фавкулотдаги зарарлар	X	
12	Солиққача фойда (9+10-11)		
13	Фойда солиғи	X	
14	Ободонлаштириш солиғи	X	
15	Соф фойда (12-13-14)		

Халқаро амалиётда қўлланилаётган "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги хисобот"да корхоналарнинг соф фойдаси узлуксиз давом этаётган фаолият ва якин ўртада тугатилаётган фаолият турлари якуний молиявий натижалари ажратиборга олинган холда акс эттирилади. Бунда, узлуксиз давом этаётган фаолиятдан олинган фойда (зарар) хамда якин ўртада тугатилаётган фаолият турлари бўйича фойда (зарар) алоҳида-алоҳида қаторларда кўрсатилади.

Халқаро амалиётда бизнеснинг муҳим кўрсаткич индекатори сифатида "битта акцияга тўғри келувчи фойда" кўрсаткичи фойдаланилади. Ушбу кўрсаткични хисоблаш негизида қуйидагилар ётади:

1. Соф фойда.
2. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар.
3. Муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача сони.

Ушбу элементлар асосида битта оддий акцияга тўғри келувчи фойда (Ф1а) қуйидагича топилади:

$$Ф1а = \frac{Сф - Диа}{Ао}$$

Бу ерда: **Сф**- соф фойда; **Диа**- -имтиёзли акцияларга тўғри келувчи дивиденд суммаси; **Ао**- муомаладаги оддий акциялар сони.

Мисол: корхонанинг соф фойдаси 150 млн сўм. Имтиёзли акцияларга ҳисобланган дивидендлар 50 млн, муомаладаги акциялар сони 100 минг дона бўлса, битта акцияга тўғри келувчи фойда 1 минг сўмни ташкил килади.

Халкаро таълимотда битта акцияга тўғри келувчи соф фойда суммаси "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот"да узлуксиз давом этаётган фаолиятнинг, шунингдек якин ўртада тугатилаётган фаолият турлари эътиборга олинган ҳолда акс эттирилади. Бундай ҳисобот қуйидагича тузилади:

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот
(ихчамлаштирилган формат)

№	Кўрсаткичлар	Сумма, млн.сўм
1	Сотишдан соф тушум	1500
2	Таннархи	600
3	Ялпи фойда	900
4	Давр харажатлари	300
5	Операцион фойда	600
6	Фоиз даромадлари	10
7	Инвестицияларни сотишдан зарарлар	50
8	Доимий фаолиятдан олинган фойда	560
9	Фойда солиғи, 10%	(56)
10	Доимий фаолиятга доир соф фойда	504
11	Тугатилаётган фаолиятдан олинган зарарлар	(80)[1]
12	Соф фойда	424
13	Давом этаётган фаолият бўйича 1 та акцияга тўғри	
14	келувчи соф фойда (504000/100000 дона)	5,04
15	Тугатилаётган фаолият бўйича 1 та акцияга тўғри келувчи зарар (80000/100000 дона) дан зарар	(0,8)
16	1 та акцияга тўғри келувчи соф фойда	4,24

3. ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИНГ МУҲИМ МОДДАЛАРИНИ ОЧИБ БЕРИШ ВА ИЗОҲ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН АХБОРОТЛАРНИ АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

Халқаро амалиётда қўлланилаётган «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» ҳамда бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» айрим изоҳ талаб қиладиган маълумотларни ўз ичига олади. Бундай маълумотлар сирасига қуйидагилар киради:

1.ТМЗ қийматини уларнинг соф сотиш қийматига етказиш бўйича кўрилган зарарлар.

2.Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича кўрилган зарарлар.

3.Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қайта баҳоланишидан кўрилган даромад ва харажатлар.

[1] Тугатилаётган фаолият фойда билан якунланган бўлса, у ҳолда ушбу каторда кавссиз кўрсатиладн ва кейинги кўрсаткичлар у ҳисобга олинган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Чунончи, соф фойда, 1 та акцияга тўғри келадиган фойда кўрсаткичлари кўпаяди.

4.Инвестицияларнинг чикиб кетишидан кўрилган даромад ва харажатлар.

5.Тугатилаётган фаолиятнинг молиявий натижаси ва фойда солиғига таъсири.

6.Суд жараёнидаги жараёнларнинг молиявий натижалар кўрсаткичларига таъсири.

7. Фавкулотдаги фойда ва зарарлар.

Халкаро амалиётда қўлланилаётган «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» ҳамда бизнинг мамлакатимизда қўлланилаётган «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» айрим изоҳ талаб қиладиган маълумотлар қўйидаги усуллар асосида очиб берилади: (1) тушунтириш хати; (2) изоҳ; (3) тафсилотнома (расшифровка).

Тушунтириш хати - бу фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг айрим моддаларида келтирилган суммаларини асослаш, масалан тугатилаётган фаолият, унинг молиявий натижаси, жами соф фойдага ва 1 та акцияга тўғри келувчи фойдага таъсири.

Изоҳ – фақат изоҳ талаб қиладиган моддалар бўйича берилади. Масалан, фавкулотдаги фойда ва зарарлар, акциялар, облигацияларни қўшимча чиқариш, уларни қайта баҳолаш натижалари.

Тафсилотнома (расшифровка), одатда, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботнинг у ёки бу моддасига киритилган суммаларнинг очиб берилиши. Тафсилотномалар (расшифровкалар), одатда, жадвал кўринишида бўлади. Масалан, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботда келтирилган асосий бўлмаган фаолиятдан даромад ва харажатлар, сотиш, бошкариш ва бошка операцион харажатларнинг умумий суммалари жадвал даромад ва харажат гурухлари кесимида уларнинг моддалари бўйича келтирилади.


4.ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР) ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА УНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

Халкаро амалиётда молиявий ҳисоботнинг мухим шаклларидан бири бўлиб "Тақсимланмаган фойда тўғрисида ҳисобот" ҳисобланади. Ушбу ҳисоботнинг асосий мақсади ахборот фойдаланувчиларга тақсимланмаган фойданинг давр боши ва охиридаги қолдиғи, шунингдек, унинг ҳисобот даврида кўпайиши ёки камайиши тўғрисида ахборотларни беришдир. Ушбу ҳисобот "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот" ҳамда "Хусусий капитални ўзгариши тўғрисида ҳисобот"ни бир-бирлари билан боғловчи восита ҳисобланади. Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисоботнинг элементлари қуйидагилар:

1. Тақсимланмаган фойданинг давр бошидаги қолдиғи (S_1).
2. Ҳисобот даврининг соф фойдаси ($С_ф$).
3. Ҳисобот йилида киритилган тузатишлар (К).
4. Ҳисобот йилида ҳисобланган ёки тўланган дивидендлар (Д).

5.ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ВА ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР) ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ АХБОРОТЛАРИНИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТГА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

Корхоналарнинг ҳисобот даврида олган соф фойдаси ёки кўрган зарарлари улар хусусий капиталининг тегишли элементлари орқали бевосита унинг умумий суммасини кўпайиш ёки камайиш томонга ўзгартиради. Бундай ўзгаришлар махсус ҳисоботда акс эттирилади. Халкаро амалиётда бу ҳисобот «Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот», бизнинг республикамизда эса «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» деб номланади.



5. Ҳисобот йилида тақсимланмаган фойданинг фондларга киритилиш ($Р_к$).

6. Тақсимланмаган фойданинг давр охирига қолдиғи (S_2).

Ушбу элементлардан фойдаланган ҳолда тақсимланмаган фойданинг дав охирига қолдиғи (S_2) қуйидагича топилади.

$$S_2 = S_1 + С_ф + К - Д - Р_к$$

Тақсимланмаган фойданинг йил бошига қолдиғи - бу ўтган йилларда буён тўпланиб келаётган тақсимламаган фойда суммасидир. Ҳисоботнинг ушб моддаси бухгалтерия баланси пассивида биринчи бўлимида кўрсатилган ўтга йилларнинг тақсимланмаган фойдаси моддаси суммасига, шунингдек бо китобда очилган 8720 счётининг қолдиғи суммасига тенг бўлиши керак.

Соф фойда – бу ҳисобот йилида эришилган якуний натижа бўлиб, ўтга йиллар фойдасини кўпайишига олиб келувчи кўрсаткич. Ҳисобот йили зара билан якунлангаида у ўтган йиллар фойдасини камайтиришига олиб келади Соф фойда суммаси "Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот" нинг энг охирг моддаси суммасига тенг бўлиши лозим.

Ҳисобот йилида ўтган йиллар фойдасига киритилган тузатишла деганда ўтган йиллар хатоларини ҳисобот йилида тузатиш тушунилади.

Ҳисобот йилида ҳисобланган ёки тўланган дивидендлар - бу ўтга йиллар фойдасидан акциядорлар ва таъсисчиларга дивиденд сифати ажратилган тақсимланмаган фойда ёки унинг бир қисмидир.

"Тақсимланмаган фойда тўғрисида ҳисобот" қуйидаги шаклда тузилади:

Тақсимланмаган фойда тўғрисида ҳисобот

(Млн.сўм ҳисобида

№	Кўрсаткичлар	Хусусий сумма	Умумий сумма
1.	Йил бошига тақсимланмаган фойда		250
2	Ҳисобот йилнинг соф фойдаси		424
3.	Ҳисобот йилда тақсимланмаган фойданинг ишлатилиши		
3.1	Дивидендларга	250	
3.2	Резерв капиталига	20	270
3.3	Бошка максадларда	-	
4	Ҳисобот йилда тақсимланмаган фойданинг кўпайиш томонга тузатилиши		
4.1.	Кўпайиш томонга	10	
4.2	Камайиш томонга	(25)	(15)
5	Йил охирига тақсимланмаган фойда (1+2-3 +4.1 – 4.2)		389

Халкаро ва миллий амалиётда қўлланиладиган ушбу ҳисоботларнинг асосий мақсади - фойдаланувчиларга хусусий капиталнинг ҳар бир элементи ва жами суммасининг давр боши ва охиридаги колдиғи, шунингдек, уларнинг ҳисобот даврида кўпайиши ёки камайиши тўғрисида ахборотларни беришдир. Ушбу ҳисобот, бир томондан, "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот" ҳамда «Таксимланмаган фойда (копланмаган зарарлар) тўғрисида ҳисобот» билан, иккинчи томондан эса, давр охирига тузиладиган «Баланс ҳисоботи» билан узвий боғликдир. Ушбу боғликни кўргазмали тарзда юкорида келтирилган расмдан ҳам кўриш мумкин.

Расмдан кўриниб турибдики, "Фойда ва зарарлар тўғрисадаги ҳисобот"даги ҳисобот йилнинг соф фойдаси шу йил охирида тузиладиган «Таксимланмаган фойда (копланмаган зарарлар) тўғрисида ҳисобот»га ўтказилади, яъни трансформация қилинади. Ўз навбатида, «Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарарлар) тўғрисида ҳисобот»даги таксимланмаган фойданинг таксимланиши ва ишлатилиши «Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот»нинг тегишли элемегнтларининг кўпайиши ва камайишига ўтказилади, яъни трансформация қилинади. Мос равишда, барча тузатишлар киритигач, «Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот»даги хусусий капиталнинг давр охирга колган суммаси ой охирига тузиладиган «Баланс ҳисоботи»га ўтказилади.

Халкаро амалиётда қўлланиладиган «Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот», шунингдек бизнинг республикамизда қўлланиладиган «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» шаклан фарк қилмасада, бирок ички таркибий тузулмаси, унда келтириладиган кўрсаткичлари бўйича бир-биридан фарк қилади.

4-маъруза	**ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ВА ПУЛНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ҚИЙМАТИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	**Талабалар сони:** 20 та

Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза

Маъруза режаси:

1.Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади, аҳамияти, таркибий элементлари, шакли ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари

2.Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш усуллари.

3.Пулнинг вақтинчалик қийматининг турлари ва уларни бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши.

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади, аҳамияти, таркибий элементлари, шакли ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, ҳисоботни тузиш усуллари, пулнинг вақтинчалик қийматининг турлари, уларни аниқлаш тартиби, шунингдек пулнинг вақтинчалик қийматини бухгалтерия ҳисобида қўлланилиши тўғрисида тушунчалар бериш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади, аҳамияти, таркибий элементлари, шакли ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, ҳисоботни тузиш усуллари, пулнинг вақтинчалик қийматининг турлари, уларни аниқлаш тартиби, шунингдек пулнинг вақтинчалик қийматини бухгалтерия ҳисобида қўлланилишини тушунтириш.	Талабалар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади, аҳамияти, таркибий элементлари, шакли ва ахборот беришдаги чекланган имкониятлари, ҳисоботни тузиш усуллари, пулнинг вақтинчалик қийматининг турлари, уларни аниқлаш тартиби, шунингдек пулнинг вақтинчалик қийматини бухгалтерия ҳисобида қўлланилишини билиб оладилар

Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.

Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*

Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*

Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.


Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.

1.ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИНГ МАҚСАДИ АҲАМИЯТИ, ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ, ШАКЛИ ВА АХБОРОТ БЕРИШДАГИ ЧЕКЛАНГАН ИМКОНИЯТЛАРИ

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботнинг (4-сон шакл) асосий мақсади бўл корхонада ҳисобот даврида юз берган пул оқимлари (кирим ва чиқим шунингдек пул маблағларининг давр боши ва охиридаги ҳолати тўғрисид йиғма маълумотларни акс эттириш ҳисобланади. Ҳисобот тўртта устунчад иборот бўлиб, унинг 1 ва 2- устунларида ҳисоботнинг кўрсаткичлари ва улар биркитилган сатрларнинг рақамлари кўрсатилади. Ҳисоботнинг 3 ва устунларида мос равишда пул маблағларининг кирими ва чиқимига до маълумотлар акс эттирилади.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот икки бўлимдан иборот бўлиб, уни биринчи бўлимида миллий валютадаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракат иккинчи бўлимида эса чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳолати ҳаракати Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг курси бўйича милли валютада акс эттирилади.

Ҳисоботда пул оқимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар корхонанинг п оқимлари тўғрисидаги маълумотларни бевосита фаолият турлари бўйи гуруҳлашга йўналтирилган. 9-сон БҲМС "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" мувофиқ корхоналарнинг пул оқимларини асосан қуйидаги фаолият турла бўйича гуруҳлаш кўзда тутилган:



АСОСИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ПУЛ ОҚИМЛАРИ

КИРИМ (+)	ЧИҚИМ (-)
1. ТМБларни сотишдан олинган пул Тушумлари	1.Таъминотчиларга тўловлар
2. Роялти, гонорар, воситачилик хаки ва бошка тушумлар	2.Ходимларга тўланган иш ҳаки ва улар номидан тўловлар
3. Суғурта компаниясидан олинган Тушумлар	3.Тўланган соликлар ва мажбурий ажратмалар
4. Таъминотчилардан қайтиб тушган пуллар	4.Суғурта компанияларига тўловлар
5. Қайтариб берилган соликлар	5. Харидорлардан олинган авансларни қайтарилиши

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ПУЛ ОҚИМЛАРИ

КИРИМ (+)	ЧИҚИМ (-)
1. Асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий инвестициялар, тугалланмаган капитал курилиш объектларини сотишдан олинган пул тушумлари	1. Асосий воситалар, номоддий активлар, жихозлар сотиб олишга ва капитал курилиш, реконструкция, модернизация ва кенгайтиришга кетган пул маблағлари
2. Ўзгаларнинг сотиб олинган кимматли қоғозларини, таъсис бадали сифатида берилган ҳиссани, ўзга шахсларга берилган қарзларни сотишдан тушумлар	2.Молиявий инвестицияга сарфланган пул маблағлари (таъсис бадали, кимматли коғозларни сотиб олиш, вактинчалик кредит ва қарз бериш)
3. Киритилган молиявий инвестицияларнинг қайтиб келиши	
4. Олинган дивидендлар	

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ПУЛ ОҚИМЛАРИ

КИРИМ (+)	ЧИҚИМ (-)
1. Чикарилган кимматли коғозлар (акция, облигация ва бошқалар)ни сотишдан олинган пул тушумлари	1. Чикарилган кимматли коғозлар (акция, облигация ва бошқалар) суммаларини қайтариш ва уларни қайта сотиб олишга кетган пул маблағлари
2. Олинган кредитлар ва қарзлар	2. Олинган кредитлар ва қарзларни қайтариш
	3. Тўланган дивиденд ва фоизлар
	4. Молиявий лизинг тўлови

ПУЛСИЗ ОПЕРАЦИЯЛАР	
Асосий фаолият бўйича	*Амортизация ажратмалари; *Бартер
Инвестиция фаолияти бўйича	*қарзни бошқа актив билан қайтарилиши *қарзни эвазига берилиши;
Молиявий фаолият бўйича	*кимматли қоғозларни сотиб олиш ва номинал киймати ўртасида фаркни (чегирма ёки устамаларни хисобдан чикариш)

СОФ ЎСИШ	бу пул киримининг пул чикимидан ортик кисми (К>Ч)
СОФ КАМАЙИШ	бу пул чикимининг пул киримидан ортик кисми (К<Ч)

2. ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ УСУЛЛАРИ

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботни тузишнинг бевосита усули

> пул кирими ва чиқими ҳар бир фаолият тури бўйича ҳисоботни алоҳида бўлимларида кўрсатилади ва уларнинг ҳар бири бўйича соф ўсиш ёк соф камайиш суммаси кўрсатилади (мос равишда кирим ва чиқим учу ажратилган устунларда);

> пул кирими ва чиқимини аниқлашда пул маблағлари деганда кассадаг банкдаги депозит счётлардаги ва йўлдаги пул маблағлари тушунилади;

> пул маблағлари ҳаракати пул маблағлари счётлари ўртасида к берадиган ички алмашувларни ўз ичига олмайди;

>пул маблағлари ҳаракати пул маблағларини фақат четдан келиши уларнинг четга чиқиб кетишини ўз ичига олади;

> ҳисоботнинг алоҳида қаторида ҳисобот даврда барча фаолият турлар бўйича биргаликда олингандаги соф ўзгариш (кўпайиш ёки камайиш) сумма кўрсатилади;

> пул маблағларининг ҳисобот давр охиридаги қолдиғи ҳисобот давр бошидаги қолдиқни соф ўзгариш суммасига тузатиш (қўшиш ёки айириш орқали топилади.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботнинг алоҳида фаолият турлари бўйич бўлимлари қуйидаги тартибларга асослаган ҳолда тўлғазилади.

АСОСИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА

Биринчидан, асосий фаолият бўйича пул кирими ва чиқими суммаларин топиш учун ҳисобот даврида (давр боши ва давр охирида) баланс моддаларид юз берган ўзгаришлар (кўпайиш ёки камайишлар) аниқланади.

Иккинчидан, асосий (операцион) фаолият бўйича пул оқимларин ҳисоблашда уларнинг кирими ва чиқими "Молиявий натижалар тўғрисид ҳисобот»нинг уларга мос келувчи соф тушум, таннарх, дав харажатлари,солиқ тўловлари каби кўрсаткичлари билан узвий боғланади Жумладан , пул кирими соф тушум билан, пул чиқимлари ҳисоботнин таннарх, давр харажатлари, солиқ тўловлари каби моддалари билан боғланад Пул оқимларини ҳисоблашда молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнин юқорида келтирилган кўрсаткичлари асос қилиб олинади ва ушб кўрсаткичлар уларга таъсир этувчи баланс моддасида ҳисобот даври охири в бошидаги ўзгариш суммасига тузатилади. Ушбу тузатишлар, жумладан қуйидагича амалга оширилади:

1.Харидорлардан келиб тушган пул малағлари суммаси (Пк) ни топиш учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда кўрсатилган сотишдан олинга даромад (Сд) суммаси корхона балансининг давр бошига ва охирига кўрсатилган харидорлар бўйича дебиторлик карзларининг (Дк) кўпайиш ёки камайиш суммасига тузатилади, жумладан дебиторлик суммасини ошиш

(+Дк) пул киримларини камайтиради, аксинча дебиторлик қарзларнинг камайиши (-Дк) эса пул киримларини кўпайтиради, яъни:

Харидорлардан тушган пул маблағлари (Пк) =	Сотишдан олинган даромад (Сд)	+ Дебиторлик қарзларнинг камайиши (-Дк) - Дебиторлик қарзларнинг кўпайиши (+Дк)

Мисол учун, сотишдан олинган даромад суммаси (Сд) ҳисобот йилида 5000 минг сўмни, харидорларнинг дебиторлик қарзлари баланс бўйича йил бошида 1000 минг сўмни, йил охирида эса 2000 минг сўмни ташкил этди, дейлик. У ҳолда харидорлардан келиб тушган пул маблағлари (Пк) 4000 минг сўмни ташкил этади

(5000 – 1000), агар дебиторлик қарзлари йил охирида 500 минг сўмни ташкил этганда эди, у ҳолда харидорлардан келиб тушган пул маблағлари (Пк) 4500 минг сўмни ташкил этар эди (5000+500).

2.Таъминотчиларга ўтказилган пул маблағларининг суммасини топиш (Пчт) учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг сотиш таннархи (Ст) кўрсаткичи асос килиб олинади ва ушбу сумма корхона балансининг давр бошига ва охирига кўрсатилган товар захираларининг (Тз), шунингдек таъминотчилар олидиги кредиторлик қарзларининг кўпайиш ёки камайиш суммасига тузатилади, жумладан товар заҳираларининг кўпайиши (+Тз) пул чиқимларини кўпайишига, товар заҳираларининг камайиши (-Тз) эса пул чиқимларини камайишига, таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзларнинг ошиши (+Кк) пул чиқимларининг камайишига, аксинча кредиторлик қарзларнинг камайиши (-Кк) эса пул чиқимларининг кўпайишига олиб келади, яъни:

Таъминотчиларга тўланган пул маблағлари (Пчт) =	Сотиш таннархи (Ст)	+ Товар захираларини кўпайиши (+Тз) - Товар захираларини камайиши (-Тз)	+ Кредиторлик қарзларнинг камайиши (-Кк) - Кредиторлик қарзларнинг кўпайиши (+Кк)

Мисол учун, сотиш таннархи 4000 минг сўм дейлик, товар захиралари ҳисобот давр бошига 6000 минг сўм, ҳисобот давр охирига 5500 минг сўмни, таъминотчилар олидидаги қарзлар ҳисобот давр бошига 2000 минг сўм, ҳисобот давр охирига 1000 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда таъминотчиларга ўтказилган сумма молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва баланс маълумотларга кўра 4500 минг сумни (4000-500+1000) ташкил этади.

Фойдадан олинадиган соликлар бўйича пул тўловлари = (Пчс)	**Фойдадан солиқлар (Сф)**	**+Солиқлар бўйича қарзларнинг камайиши (-Кс) - Солиқлар бўйича қарзларнинг кўпайиши (+Кс)**

Мисол учун, фойда (даромад)дан олинадиган соликлар молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботга кўра 300 минг сўмни, ушбу соликлар бўйича карз суммаси хисобот давр бошига 60 минг сўм, хисобот давр охирига 50 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда фойда (даромад) дан олинадиган соликлар бўйича пул чикимининг суммаси молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот хисобот ва баланс маълумотларга кўра 310 минг сумни (300+10) ташкил этади.

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА

Биринчидан, инвестициялардан олинган фоизлар бўйича пул тушумлари куйидагича аникланади.

Дивидендлар кўринишида тушган пул маблағлари (Дк) =	**Дивиденд кўринишидаги даромад (Дд)**	**+ Дивидендлар бўйича дебиторлик карзларнинг камайиши (-Дк) - Дивидендлар бўйича дебиторлик карзларнинг кўпайиши (+Дк)**

Иккинчидан, узок муддатли активларни сотиш ва инвестицияларни кайтарилишидан пул тушумлари бевосита пул маблағлари счётлари дебетидаги ёзувлар суммалари асосида аникланади.

Учинчидан, узок муддатли активларни сотиб олиш ва инвестицияларга йўналтирилган пул чикимлари пул маблағлари счётлари кредитидаги ёзувлар суммалари асосида аникланади.

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА

Биринчидан, тўланган фоизлар ва дивидендлар бўйича пул чикимлари куйидагича аникланади.

Фоиз ва дивиденд кўринишида пул маблағлари чикими (ФДч) =	**Фоиз ва дивиденд кўринишидаги харажатлар (ФДч)**	**+ Фоиз ва дивидендлар бўйича кредиторлик карзларнинг камайиши (-Кк) - Фоиз ва дивидендлар бўйича кредиторлик карзларнинг кўпайиши (+Кк)**

Иккинчидан, молиявий фаолият бўйича пул тушумлари бевосита пул маблағлари счётлари дебетида акс эттирилган олинган кредит ва карзлар, кимматли коғозларни чикаришдан тушумларни ифодаловчи ёзувлар суммалари асосида аникланади.

3.Операцион харажатларга доир пул чиқимлари суммасини топи (Птох)учун асос килиб давр харажатлари (Дх) олинади ва топилган сумм баланснинг давр боши ва охиридаги келгуси давр харажатларининг (Кдх) мажбуриятларнинг (М) суммаларидаги ўзгаришларга тузатилади, шунингд тузатишда молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда акс эттирилга амортизация ва бошқа пулсиз харажатлар (Апх) суммалари айирили ташланади, жумладан келгуси давр харажатларининг кўпайиши (+Кдх) пу чиқимларини кўпайишига, келгуси давр харажатларининг камайиши (-Кдх) э пул чиқимларини камайишига, хисобланган мажбуриятларнинг ошиши(+М пул чиқимларининг камайишига, аксинча хисобланган мажбуриятларни камайиши (-М) эса пул чиқимларининг кўпайишига олиб келади, яъни:

Операцион харажатлар бўйича пул тўловлари (Птох) =	**Давр харажатлари (Дх)** +	**+ Келгуси давр харажатларининг кўпайиши (+Кдх)** - **Келгуси давр харажатларининг камайиши (-Кдх)**	**+ Мажбуриятларни камайиши (-М) - Мажбуриятларни кўпайиши (+М)**	**- Амортизацик ва бошқа пулсиз харажатлар (Апх)**

Мисол учун, давр харажатлари 1000 минг сўм дейлик, келгуси дав харажатлари хисобот давр бошига 60 минг сўм, хисобот давр охирига 50 мин сўмни, хисобланган мажбуриятлар хисобот давр бошига 200 минг сўм, хисобо давр охирига 100 минг сўмни, амортизация харажатлари 150 минг сўмн ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда операцион харажатларга доир пу тўловларининг суммаси молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот ва балан маълумотларга кўра 940 минг сумни (1000-10+100 -150) ташкил этади.

4.Корхона фойдаси (даромади)дан олинадиган соликлар бўйича пу тўловлари суммасини (Пчс) топиш учун асос килиб фойда (даромад) в бошқа даромаддан олинадиган соликларнинг (инфраструктуран ривожлантириш солиғи, ягона солик, ялпи тушумдан солик) молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда кўрсатилган суммалари (Сф) олинади в ушбу сумма баланснинг давр боши ва охиридаги ушбу соликлар бўйича кар (Кс) суммаларидаги ўзгаришларга тузатилади, жумладан соликлар бўйича кар суммасини камайиши (-Кс) пул чиқимларини кўпайишига, карз суммасин кўпайиши (+Кс) эса пул чиқимларини камайишига олиб келади, яъни:

Учинчидан, молиявий фаолият бўйича пул чикимлари бевосита п маблағлари счётлари кредитида акс эттирилган олинган кредит ва карзл қимматли қоғозлар қийматини қайтарилишини ифодаловчи ёзувлар суммала асосида аникланади.


ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

(бевосита усул)

Фаолият турлари	Кирим (+)	Чиқим (-)
Асосий фаолият:		
Харидорлардан тушум		
Таъминотчиларга тўловлар		
Тўланган операцион харажатлар		
Фойда солиғи бўйича тушум ва тўлов		
Жами асосий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш		
Инвестиция фаолияти:		
Молиявий инвестицияларни сотиш ва сотиб олиш		
Олинган фоиз ва дивидендлар		
Узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва сотиш		
Жами инвестиция фаолияти бўйича соф ўсиш ёки камайиш		
Молиявий фаолият:		
Облигацияларни чикариш ва қайтариш		
Тўланган фоизлар		
Акцияларни чиқариш ва сотиб олиш		
Тўланган дивидендлар		
Жами молиявий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш		
Ҳисобот давридаги жами соф ўсиш ёки камайиш		
Ҳисобот даври бошига пул маблағлари		
Ҳисобот даври охирига пул маблағлари		

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИ ТУЗИШНИНГ БИЛВОСИТА УСУЛИ

Ушбу усулда ҳам бевосита (тўғри) усулдаги каби пул оқимларин хисоблашда молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот асос қилиб олинади лекин олдинги усулдан ўларок тузатишлар хисоботнинг хар бир моддас бўйича эмас, балким унинг энг охирги кўрсаткичи бўлган "соф фойда" бўйич амалга оширилади. Жумладан пул оқимлари (кирим ва чиқим) суммасин топиш учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган со фойда суммаси қуйидагиларга тузатилади:


Соф фойда
Қўшилади
Айрилади
Асосий воситалар бўйича амортизация харажатлари
Номоддий активлар ва кечиктирилган харажатлар бўйича амортизация суммаси
Облигациялар дисконтининг амортизацияси
Муддати кечиктирилган даромад солиғи бўйича мажбуриятларни ошиши
Акцияларга киритилган инвестициялардан кўрилган зарарлар
Асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар
Активларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар
Олинадиган счётларни камайиши
ТМЗ ларни камайиши
Олдиндан тўланган харажатларни камайиши
Тўланадиган счётларни кўпайиши
Ҳисобланган мажбуриятларни Кўпайиши
- Облигациялар бўйича мукофатларни амортизацияси
- Муддати кечиктирилган даромад солиғи бўйича мажбуриятларни камайиши
- Акцияларга киритилган инвестициялардан олинган фойда
- Асосий воситаларни сотишдан олинган фойда
- Олинадиган счётларни кўпайиши
- ТМЗ ларни кўпайиши
- Олдиндан тўланган харажатларни кўпайиши
- Тўланадиган счётларни камайиши
- Ҳисобланган мажбуриятларни камайиши

ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
(билевосита усул)

Фаолият турлари	Кирим (+)	Ч
Асосий фаолият:		
Соф фойда		
+ хисобот даврида ҳисобланган амортизация		
+ узок муддатли активларни сотишдан зарар		
- узок муддатли активларни сотишдан фойда		
+ инвестицияларни сотишдан зарар		
- инвестицияларни сотишдан фойда		
+ фоизлар кўринишидаги харажатлар		
- фоиз ва дивидендлар кўринишидаги даромад		
- олинадиган счётларни камайиши		
+ олинадиган счётларни камайиши		
+ олинган бўнакларнинг кўпайиши		
- олинган бўнакларнинг камайиши		
+ ТМЗнинг камайиши		
- ТМЗларнинг кўпайиши		
+ тўланадиган счётларнинг кўпайиши		
- тўланадиган счётларнинг камайиши		
+ келгуси давр харажатларини камайиши		
- келгуси давр харажатларини кўпайиши		
+хисобланган мажбуриятларнинг кўпайиши		
-хисобланган мажбуриятларнинг камайиши		
+фойда солиги бўйича қарзнинг кўпайиши		
- фойда солиги бўйича қарзнинг камайиши		
Жами асосий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш		
Инвестиция фаолияти:		
Молиявий инвестицияларни сотиш ва сотиб олиш		
Олинган фоиз ва дивидендлар		
Узок муддатли активларни сотиб олиш ва сотиш		
Жами инвестиция фаолияти бўйича соф ўсиш ёки камайиш		
Молиявий фаолият:		
Облигацияларни чиқариш ва қайтариш		
Тўланган фоизлар		
Акцияларни чикариш ва сотиб олиш		
Тўланган дивидендлар		
Жами молиявий фаолият бўйича соф ўсиш ёки камайиш		
Хисобот давридаги жами соф ўсиш ёки камайиш		
Хисобот даври бошига пул маблағлари		
Хисобот даври охирига пул маблағлари		

3.ПУЛНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бухгалтерия молиявий ҳисобининг муҳим усулларидан бири бўлиб унинг объектлари қийматини баҳолаш ва пулда ифодалаш ҳисобланади. Ушбу усулларни қўллаш амалиётда пулнинг вақтинчалик қийматини ҳисоб-китоб қилишни тақозо этади. Пулнинг вақтинчалик қиймати бўлиб уларнинг жорий ва бўлғуси қийматлари ҳисобланади.

Пулнинг жорий қиймати - бу бўлғуси пул оқимларининг дисконтланган қийматидир.

Пулнинг бўлғуси қиймати - бу ҳозир инвестиция қилинган пул оқимларининг келажакдаги қийматидир.

Аннуитетлар - пул маблағларини маълум сондаги йиллар мабойнида бир хил оралиқда олинадиган ёки ўтказиб бериладиган бир хилдаги миқдоридир.

Халқаро ҳисоб амалиётида бўлғуси пул оқимларининг ва аннуитетнинг жорий (дисконтланган) қиймати (**PV**) қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$PV = FV / (1+r)^n = FV * [1 / (1+r)^n]$$

Ҳозир инвестиция қилинган пул оқимларининг ва аннуитетнинг бўлғуси қиймати (**FV**) қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$FV = PV * (1+r)^n$$

Бу ерда: r – фоиз ставкаси; **n**- даврлар сони.

Фоизлар – бу ўзгаларга киритилган ёки ўзгалардан олинган пул маблағи учун олинадиган ёки тўланадиган қўшимча тўловдир. Ўзгаларга киритилган пул маблағи учун олинадиган қўшимча тўлов, одатда, даромад ҳисобланади. Ўзгалардан олинган пул маблағи учун тўланадиган қўшимча тўлов корхона учун, одатда, харажат ҳисобланади.

Олинадиган ва тўланадиган фоизлар оддий ва мураккаб фоизларга бўлинади.

Оддий фоизлар – бу ҳисоблашни бутун даври мобайнида олинган ёки киритилган пул суммаси учун бир хилдаги тўланадиган ёки олинадиган тўловдир. Мисол: корхона 5 миллон сўмлик кредитни 3 йилга 10 % оддий фоиз ставкасида олди. Бу ҳолда олинган кредит учун тўланадиган оддий фоиз тўлови ҳар йили бир хил миқдорда 500000 сўмни (5000000*10%), уч йил ичида эсаа 1500000 сўмни (5000000*10%*3) ташкил қилади.

Мураккаб фоизлар – бу ҳисоблашни бутун даври мобайнида олинган ёки киритилган пул суммаси учун ҳар даврдан кейин олдинги даврдаги тўланиши ёки олиниши кўзда тутилган фоиз тўлов суммаси билан бирга топилган суммадан тўланадиган ёки олинадиган тўловдир. Мураккаб фоизни ҳисоблаш дисконтлашга тескари бўлган жараёндир. Чунки мураккаб фоиз ёрдамида охирги пайтда олинган ёки киритилган пул маблағларининг бўлғуси қиймати аниқланади. Худи шунингдек, олинадиган ва киритиладиган пул маблағларининг бўлғуси қиймати олдиндан белгиланган ҳолда мураккаб фоизлар асосида уларнинг жорий қиймати (дисконтланган қиймати ҳам аниқланиши мумкин.

Мураккаб фоизларни олдинги йиллардаги фоиз тўловлари бил биргаликда хисоблашни осон амалга ошириш учун махсус жадваллар ишл чикилган. Бу жадвалларда пул маблағлари жорий кийматларини маълу муддатдан кейин маълум фоизлар асосидаги бўлғуси кийматини топи шунингдек пул маблағлари бўлғуси кийматларини маълум муддатдан кей маълум фоизлар асосидаги жорий кийматини кийматини топи коэффициентлари келтирилган. Жорий ёки бўлғуси киймат сифатида олинг суммани ушбу коэффициентларга кўпайтириш, мос равишда, уларни бўлғуси ва жорий кийматларини аниклаш имконини беради. Худи шунд тартиб бевосита бир хил микдорда бир хил вакт мабойнида олинадиган ё тўланадиган тўловлар, яъни аннуитетларнинг жорий ва бўлғуси кийматлари аниклашга хам тегишлидир.

Мисол 1.Корхона 10 млн.сўмлик пул маблағларини бошка корхонага йилга хар йили 10 % қўшимча тўлов билан инвестиция килди дейлик. Бу хол ушбу инвестициянинг 5 йилдан кейинги киймати (бўлғуси киймат қуйидагича бўлади:

$$10000000 * 1{,}611 = 16110000 \text{ сўм.}$$

Бу ерда 1,611 – инвестициянинг жорий кийматини 5 йилдан кейинги 10 лик йилик ставкада бўлғуси кийматга ўтказувчи махсус жадвалда келтирилг коэффициентдир.

Мисол 2. Корхона 4 йилдан кейин хар йиллик тўлови 6 %лик бўлғ инвестицияни 10 млн.сўм микдорида кайтариб олиш тўғрисида шартно тузишни ўйлаяпти. Ушбу микдордаги инвестицияни юкоридаги шартлар олиш учун у хозир 7920000 сўмни киритиши лозим ва бу сум инвестициянинг жорий кийматини ташкил килади:

$$10000000 * 0{,}792 = 7920000 \text{ сўм.}$$

Бу ерда 0,792 – инвестициянинг 4 йилдан кейинги 6 % лик йил ставкадаги бўлғуси кийматини жорий кийматга ўтказувчи махсус жадвал келтирилган коэффициентдир.

Мисол 3. Корхона йиллик 10 % ставка бўйича 2,5 млн.сўмлик маблағни йил мабойнида инвестиция килишга карор килди. Аннуитетнинг бўлғу киймати бу холда 3 йилдан кейин 8275000 сўмни ташкил этади:

$$2500000 * 3{,}31 = 8275000 \text{ сўм.}$$

Бу ерда 3,31 – аннуитетнинг жорий кийматини 3 йилдан кейинги 10 % л йилик ставкада бўлғуси кийматга ўтказувчи махсус жадвалда келтирилг коэффициентдир.

Мисол 4. Корхона йиллик 10 % ставка бўйича хар йилнинг охирида 2 минг сўмлик маблағни 3 йил мабойнида олиш учун инвестиция килишга кар килди. Ушбу шартдаги аннуитетнинг жорий киймати хар йилнинг ва учин йилнинг охирида қуйидагича бўлади:

1-йил	250 * 0,9091 =	227,20
2-йил	250 * 0,8264 =	206,57
3-йил	250* 0,7513 =	187,95
	2,4868	621,72

Бу ерда: 0,9091 – аннуитетнинг бўлғуси қийматини 1- йилдан кейинги 10 % лик йиллик ставкада жорий қийматга ўтказувчи махсус жадвалда келтирилган коэффициентдир.

0,8264 – аннуитетнинг бўлғуси қийматини 2- йилдан кейинги 10 % лик йиллик ставкада жорий қийматга ўтказувчи махсус жадвалда келтирилган коэффициентдир.

0,7513 – аннуитетнинг бўлғуси қийматини 1- йилдан кейинги 10 % лик йиллик ставкада жорий қийматга ўтказувчи махсус жадвалда келтирилган коэффициентдир.

2,4868 – аннуитетнинг бўлғуси қийматини жами 3 йилдан кейинги 10 % лик йиллик ставкада жорий қийматга ўтказувчи махсус жадвалда келтирилган коэффициентдир.

5-маъруза	**УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР: БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЖИҲАТЛАРИ**

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: 2 соат	**Талабалар сони:** 20 та

Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза

Маъруза режаси:

1. Қурилиш учун олинган кредитларга тўланадиган фоизларни капиталлаштириш тартиби ва ҳисоби
2. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича лизинг тўловларининг ҳисоби
3. Табиий ресурслар қийматини ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби
4. Гудвил, бэдвил ва ташкилий харажатларнинг ҳисоби
5. Илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) ва тажриба конструкторлик ишланмаларининг ҳисоби

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга узоқ муддатли активлар ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари тўғрисида тушунчалар бериш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
Қурилиш учун олинган кредитларга тўланадиган фоизларни капиталлаштириш тартиби ва ҳисоби, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича лизинг тўловларининг ҳисоби, табиий ресурслар қийматини ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби, гудвил ва ташкилий харажатларнинг ҳисоби, ИТИ ва тажриба конструкторлик ишланмаларининг ҳисобини юритиш тартибларини тушунтириш.	Талабалар қурилиш учун олинган кредитларга тўланадиган фоизларни капиталлаштириш тартиби ва ҳисоби, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича лизинг тўловларининг ҳисоби, табиий ресурслар қийматини ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби, гудвил ва ташкилий харажатларнинг ҳисоби, ИТИ ва тажриба конструкторлик ишланмаларининг ҳисобини юритиш тартибларини билиб оладилар

Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.

Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*

Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*

Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.

Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.

1.ҚУРИЛИШ УЧУН ОЛИНГАН КРЕДИТЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ФОИЗЛАРНИ КАПИТАЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ҲИСОБИ

Корхона ва ташкилотларда асосий воситаларни кўпайтиришнинг мухим йўлларидан бири бўлиб уларни қуриш ҳисобланади. Капитал қурилиш, ўз навбатида, иккита манба эвазига амалга оширилади: (1) хусусий маблағлар; (2) кредит ва қарзлар.

Капитал қурилишни кредит ва қарзлар эвазига амалга оширилиши ушбу олинган кредит ва қарзлар учун тўланадиган фоиз тўловларининг маълум бир қисмини қурилаётган объект қийматига киритиш, яъни капиталлаштириш ҳамда бошқа бир қисмини харажат сифатида тан олиш масаласини кўндаланг қилиб қўяди. Бу, ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобида кредит ва қарзлар учун тўланадиган фоиз тўловларининг капиталлашадиган ва харажат сифатида тан олинадиган суммасини аниқ ҳисоб-китоб қилишни ва, мос равишда, тегишли счётларда акс эттиришни тақозо этади.

23-БҲХС га мувофиқ қарзлар бўйича сарфлар қайси даврда амалга оширилган бўлса ўша давр харажатларига киритилади, шу билан бирга айрим вазиятларда активни сотиб олиш ва қуриш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу актив таннархининг бир қисми сифатида капиталлаштирилади.

Ушбу ёндашувнинг негизида шу нарса ётадики, актив қурилиш даврида даромад келтирмайди, шундай экан қарзларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни муддати кечиктирилади (капиталлаштирилади). Қурилиш тугагандан сўнг актив фойдаланишга тайёр бўлади ва даромад олиб кела олади. Шу пайтдан бошлаб қарз бўйича тўловлар харажатларга олиб борилади. Ушбу ёндашувни амалга ошириш учун учта саволни кўриб чиқиш лозим:

- маълум бир талабларга жавоб берувчи активлар;
- капиталлаштиришнинг даври;
- капиталлаштириладиган сумма.

Маълум бир талабларга жавоб берувчи активларга қуйидагилар киради

1. Корхона ўзи келгусида ишлатиши учун кураётган активлари (бино, завод, йирик машина ускуналари);

2. Алоҳида лойиҳа сифатида сотиш ёки ижарага бериш учун қурилаётган активлар (масалан, кема ёки кўчмас мулкни қурилиши).

Қуйидаги активларнинг фоиз бўйича харажатлари капиталлаштирилмайди:

1. Ишлатилаётган ёки фойдаланишга тайёр бўлган активлар.

2. Корхона фаолиятида ишлатилмайдиган, фойда олишга йўналтирилган ва уларни фойдаланиш ҳолатига келтирилмайдиган активлар (ўзлаштирилмаган ер, маънавий эскирганлиги ёки ортиқча куч талаб этилиши туфайли ишлатилмайдиган активлар ёки таъмирлаш лозим бўлганлари кабилар).

Капиталлаштиришнинг даври – бу фоизлар капиталлаштирилиши лозим бўлган вақт оралиғи. Капиталлаштириш даври қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда бошланади:

- қарзлар бўйича сарфлар амалга оширилганда;
- активни кўзда тутилган фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш бўйича керакли ишлар давом этаётганда;
- фоиз бўйича харажатлар мавжуд бўлганда.

Келтирилган учта шарт мавжуд бўлган давргача фоизларнинг капитализацияси давом этади.

Капиталлаштириш даври актив қурилиши тугаганда ва фойдаланишга топширилганда тугайди.

Капиталлаштириладиган сумма - капиталлаштириладиган қарзлар бўйича сумма маълум вақт давомида пайдо бўлган ҳақиқатда амалга оширилган қарз бўйича харажатлар билан ёки қилинмаслиги мумкин бўлган харажатлар билан чегараланади.

Капитал қурилишга доир кредитлар учун фоиз тўловларини капиталлаштириш маълум кетма-кетликда ва тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, ҳисобот даврида капиталлашадиган фоиз тўловларининг ўртача фоизи топилади. Ушбу капиталлашувнинг ўртача фоиз қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Кф = \frac{Фт * 100\ \%}{Кс}; \quad Фт = Кс*Ст/100\%$$

Бу ерда: **Кф** - капиталлашувнинг ўртача фоизи; **Фт-** ҳисобот даврида тўланган фоиз тўловлари суммаси; **Кс-** ҳисобот даврида олинган жами қарз суммаси; Ст- йиллик фоиз ставкаси.

Иккинчидан, ҳисобот даврида капиталлашадиган фоиз тўловлари суммаси топилади. Ушбу капиталлашадиган фоиз тўлови суммаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Кфт = Кф* Кс /100\ \%$$

Бу ерда: **Кфт** – капиталлашадиган ўртача фоиз тўловлари суммаси;

Кс- ҳисобот даврида капитал қурилишга сарфлар суммаси.

Учинчидан, ҳисобот даврида капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси топилади. Ушбу капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Хфт = Фт - Кфт$$

Бу ерда: **Хфт** – капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси;

Фт- ҳисобот даврида тўланган жами фоиз тўлови.

Тўртинчидан, ҳисобот даврида капиталлашадиган, яъни янги қурилиш объекти қийматига киритиладиган фоиз тўлови суммасига ҳамда капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари берилади.

Мисол: «А» объект курилиши капитал сарфи смета бўйича 100 миллион сўм. Унга хакикий сарфлар қуйидагича: январь ойида – 15 млн.сўм; февраль ойида 20 млн сўм; март ойиа -25 млн сўм; апрель ойида 15 млн сўм; май ойида 15 млн сўм; июнь ойида -10 млн сўм. Хисобот йилнинг 2 январида 1 йилга олинган кредит 80 млн сўм. Йиллик тўлов ставкаси -10 %. Фоизлар хар чоракда ўртача фоиз усулида капиталлашади.

Талаб килинади:

1. Ушбу капитал курилиш объекти бўйича капиталлашадиган фоиз тўловининг ўртача фоизини 1 ва 2- чораклар учун хисоблаш;
2. Хар чоракда фоиз тўлови суммасини хамда унинг капиталашадиган ва капиталлашмайдиган суммаларини топиш;
3. Фоиз тўловларининг капиталлашувига ва уларнинг капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган суммаларига бухгалтерия ёзувларини қилиш.

Мисол ечими:

Капитал курилишга доиз кредитлар учун фоиз тўловларини капиталлаштириш тартиби

№	Операция мазмуни	Хисоб-китоблар
1	Чорakликда энг катта капиталлашуви мумкин бўлган фоиз тўлови суммаси	Фт = 80*10% /12*3 = 2,0 млн.сўм
2	1-чоракда капиталлашадиган фоиз тўловларининг ўртача фоизи	Фў = Фт/ Кс *100% = 2/80*100 = 2,5%
3	1-чоракда капиталлашиши мумкин бўлган фоиз тўловлари суммаси	Кфт = Кф* Кс /100 %= = 2,5*60 = 1,5 млн. сўм
4	1-чоракда капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммасини хисоблаш	Хфт = Фт – Кфт = = 2,0-1,5 = 0,5 млн. см
5	2-чорaклик энг катта капиталлашуви мумкин бўлган фоиз тўлови суммаси	Фт = 80*10% /12*6 =4,0 млн.сўм
6	2-чоракда капиталлашадиган фоиз тўловларининг ўртача фоизи	Фў = Фт/ Кс *100% = 4/80*100 = 5%
7	2-чоракда энг катта капиталлашиши мумкин бўлган фоиз тўловлари суммаси	Кфт = Кф* Кс /100 %= = 5*100 = 5 млн. сўм
8	2-чоракда хакикатда капиталлаштириладиган фоиз тўловлари суммаси	Кфт = 4,0 – 1,5 = 2,5 млн. см
9	Фоизларнинг капиталлашувига бухгалтерия ёзуви	
	1-чоракда	Дебет 0810 Кредит 6920 – 1,5 млн. сўмга
	2-чоркда	Дебет 0810 Кредит6920 – 2,5 млн.сўмга
10	Капиталлашмайдиган ва харажат сифатида тан олинадиган фоиз тўловлари суммаси	
	1-чоракда	Дебет 9610 Кредит 6920 – 0,5 млн. сўмга
	2-чоракда	Дебет 9610 Кредит 6920 – 0,5 млн. сўмга (сторно)

2.АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БЎЙИЧА ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикасида лизинг операцияларининг ҳисоби «Лизи тўғрисида Қонун», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Қонун», Солиқ кодекси, сон БҲМС "Лизинг ҳисоби" ва бошқа меъёрий ҳужжатлар била регламентлаштирилган. Ушбу қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлард лизингга доир барча атама ва тушунчаларнинг моҳияти, лизин операцияларини ҳисобга олиш тартиби атрофлича очиб берилган.

Лизинг тўғрисида қонунга мувофиқ (2- модда), лизинг ижар муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафда (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизин шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкн (лизинг обьектини) олади.

Лизинг берувчи - бу лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи келгусида топшириш мақсадида лизинг обьектини сотувчидан мулк кили олувчи шахс (субьект).

Лизинг олувчи - бу эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизин шартномаси бўйича лизинг обьектини олаётган шахс (субьект).

Сотувчи - бу лизинг берувчига лизинг обьектини сотган шахс (субьект).

Лизинг обьекти - бу истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, ш жумладан, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк. Ер участкалари в бошқа табиат обьектлари, шунингдек эркин муомалада бўлиши кону ҳужжатлари билан тақиқланган ёки муомалада бўлишининг махсус тартиб белгиланган мол-мулк (масалан, ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар, хом-ашё в материаллар, товарлар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва шу кабилар лизинг обьекти бўлиши мумкин эмас.

Лизинг молиявий ва оператив (жорий) лизингга бўлинади.

Молиявий лизинг - бу лизингни шундай тури бўлиб, унда лизин обьектига мулкий ҳуқуқ ва ундан келиб чиқадиган риск ва манфаатдорликнин асосий қисми лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчига ўтади. Лизингни ушбу турида лизинг шартномаси муддатини тугаши билан лизинг обьект лизинг олувчининг мулкига ўтади, агарда шартномада бошқа ҳолат кўзд тутилмаган бўлса. Моливий лизинг деб тан олиниш учун лизинг шартномас қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

* лизинг муддати тугагач, лизинг обьекти лизинг олувчининг мулкиг ўтади;

* лизинг шартномаси муддати лизинг обьектининг хизмат муддатидан 80 % дан ортиғини ташкил қилса ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизин обьектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 % дан камин ташкил этса ;

* лизинг олувчи лизинг обьектини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқукига эга бўлса;

*лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг обьекти қийматининг 90 % идан ортиғини ташкил қилса.

Оператив (жорий) лизинг - бу лизингни шундай тури бўлиб, унда тузилган лизинг шартномаси молиявий лизинг шартномасига қўйилган талабларнинг биронтасига ҳам тўғри келмаслиги керак. Оператив лизингнинг муддати, одатда, бир йилдан ошмайди, ушбу муддат тугагач лизинг обьекти лизинг олувчидан лизинг берувчига хайтарилади. Лизинг берувчи лизинг обьектини ўз балансидан чикармайди, лизинг олувчи эса уни ўз балансига кабул этмайди. Демак, оператив лизингда лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг обьектидан вактинчалик фойдаланиш ҳукукини хак тўлаш шарти билан беради. Лизинг шартномаси муддати тугаши билан лизинг обьекти лизинг олувчидан лизинг берувчига қайтарилади.

Сублизинг-бу лизинг олувчи томонидан лизинг берувчининг розилиги билан лизинг обьектини бошка учунчи шахс (субьект)га ижарага берилиши. Бунда лизинг берувчи сотувчига, лизинг олувчи лизинг берувчига ва сублизинг олувчи лизинг олувчига айланади. Сублизинг муддати дастлабки лизинг шартномасида кўрсатилган муддатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Лизинг тўлови - лизинг шартномасининг муҳим элементи бўлиб, лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган карз суммасини билдиради. Молиявий лизингда лизинг тўлови ўз ичига лизинг обьектининг қиймати ва лизинг берувчининг фойдаси суммаларини олади. Оператив лизингда лизинг тўлови лизинг берувчининг шартномада кўрсатилган фойда суммасидан иборат бўлади. Лизинг берувчи оладиган фойда суммаси лизинг обьекти бўйича ҳисобланадиган амортизация ҳаражатлари, таъмирлаш ҳаражатлари, мол-мулк солиғи харажатлари, шунингдек лизинг суммасидан олинадиган ҚҚС суммаларини тўлик коплаши, шунингдек унга маълум даражада соф даромад келтириши талабига жавоб бериши лозим.

Халкаро амалиётда ижарага олувчи ва ижарага берувчи томонидан ижарани бир хил тушуниши учун қуйидаги икки мезонлар мавжуд:

1. Энг кам ижара тўловларининг суммаси тахминий асосланган бўлиши керак.
2. Ижарага берувчи ўз зиммасига олиши шарт бўлган копланмайдиган харажатлар (суғурталаш, саклаб туриш, соликларни тўлаш харажатларидан ташкари), ўчанадиган ва тахминлаштириладиган бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мезонларнинг ҳар иккаласи ижара ҳолатини тан олишни ўзгартирмайди, Улар фақатгина консерватизм тамойилига диккат-эътиборни каратади. Шунингдек, бу мезонлар ижара мазмунини қуйидаги иккита омил билан тўлдиради:

а) эгалик қилишдан келиб чиккан таваккалчилик ва даромадларни тан олиш,

б) ижарага берувчининг соф дебиторлик карзини баҳолашнинг ишончийлик даражаси.

Молиявий ижаранинг ижарага олувчидаги хисоби

Ижара тўловлари хисобда молиявий тўлов (фоизлар бўйича харажатлар) мажбуриятларни камайтириш бўйича тўловлар (ижара келишуви бўйи тўловлар)га таксимланади.

Молиявий тўлов ижара муддати мобайнидаги энг кам иж тўловларининг суммаси ва бошлангич ёзилган мажбурият суммаларин фаркидан иборатдир. Молиявий тўлов ижара муддати мобайнида давр бўйича шундай таксимланадики, хар бир даврда мажбуриятлар колдиг нисбатан доимий ставка сакланиб колиниши керак.

Ижарага олинган мулкнинг амортизацияси унга бўлган эгалик кил хукуки ўтказилган пайтда аникланади. Агар эгалик килиш хукуки ижарач ижара муддати тугагандан кейин ўтса ёки бу кўзда тутилган бўлса, бу хол амортизацияни хисоблаш учун давр бўлиб активнинг фойдали иш фаолия муддати хисобланади. Агар эгалик килиш хукуки ўтказилмаса, амортизация хисоблаш учун давр бўлиб куйидаги икки даврдан энг кискаси олинади:

*ижара муддати;

*ёки активнинг фойдали иш фаолияти муддати.

Одатда молиявий тўлов ва хисобланган амортизация суммаси хисоб даври учун тўланган ижара тўловига тенг бўлмайди ва бунинг натижаси ижарага олинган актив киймати ва у билан боғлик мажбурият киймати ижа муддатининг бошланишидан хамма даврлар учун тенг бўлмайди.

Ижаранинг бошланиш муддати - бу куйидаги вактлардан энг вактлир бўлганидир:

- ижара буйича шартнома тузилган вакт;

- ёки ижаранинг асосий шартлари юзасидан томонлар мажбуриятларни зиммасига олган сана.

Ижара муддати - ижарага олувчи активни ижарага олишни шартлашг муддат. Ушбу муддатда ижара шартномаси бекор килиниши мумкин эма Ундан ташкари бу муддатга ижарага олувчи тўлов оркали ёки тўловсиз равишд ижарани давом эттириш имкониятини берувчи хар кандай кўшимча муддатл киради.

Юкоридаги тартиблар эътиборга олинган холда ижарачида куйидагил хисобга олиниши керак.

Биринчидан, ижара тўловларининг жорий (дисконтланган) киймат ижарага олувчининг балансида актив томонида акс эттирилиши керак. Ижа муддатининг бошида капитализацияланадиган сумма ижара объектини бозордаги бахоси асосида аникланадиган энг кам ижара тўловларини жорий дисконтланган кийматига тенг бўлиши лозим. Энг кам ижа тўловларининг дисконтланган кийматини хисобга олиш омили бўл ижаранинг тахмин килинган фоиз ставкаси хисобланади. Агар тахмин килинга фоиз ставкасини аниклаб бўлмаса, бу холда мукобил фоиз ставка кўлланилади. **Фоиз ставкаси** – бу ижарачи томонидан ушбу активларни сот олиш учун карзга олинган маблағлар учун тўланадиган кўшимча тўл суммасидир.

Иккинчидан, ижара буйича мажбуриятлар баланснинг "Мажбуриятлар" бўлимида: 1 йил муддатда туланиши керак булган мажбуриятлар киска мажбуриятлар сифатида ва 1 йилдан ортик муддатли мажбуриятлар эса - узок муддатли мажбуриятлар таркибида кўрсатилиши керак.

Учинчидан, эгалик хукуки ўтган ижара мулки бўйича амортизация хисобланиши ва хисобда алохида акс ээтирилиши лозим.

Тўртинчидан, ижара муддати тугагач, ижарага олинган мулк киймати ва у бўйича хисобланган амортизация суммаси тегишли асосий воситалар ва улар амортизацияси хисоби учун мўлжалланган счётларга ўтказилиши керак.

Мисол. Ускунанинг ижара муддати 5 йил, сотиш киймати 110000 минг сўм. Ижарага бериш вактида мулк хукуки ижарачига ўтмайди, кафолатланмаган колдик киймати (сотилиши ижарага олувчи томонидан таъминланмаган ёки факат ижарага берувчи билан боглик бўлган томон билан кафолатланган) ижарага олинган активнинг колдик киймати 10000 минг сўм. Ижара тўлови 5 йил мобайнида 100000 минг сўм бўлиб, ижарачи хар йили 28000 минг сўмлик ижара тўловларини амалга оширишни ўз зиммасига олади. Келишилган фоиз ставкаси 7,93%, дейлик.

Ушбу мосол шартидан келиб чикиб, ижарачида ижара тўловларининг таксимоти куйидагича бўлади.

Ижара тўловларини тақсимлаш жадвали
(7,93 % самарали ставкасида)

Йиллар	Йил бошига карз	Хар йиллик минимал ижара тўлови	Шундан		Йил охирига карз
			Ижара мулки киймати	Фоиз тўлови	
1	100000,00	25000	17070,00	7930,00	82930,00
2	82930,00	25000	18423,65	6576,35	64506,35
3	64506,35	25000	19884,65	5115,35	44621,70
4	44621,70	25000	21461,50	3538,50	23160,20
5	23160,20	25000	23160,20	1839,80	0
		125000		**25000,00**	

Ижара тўловларини тақсимлаш жадвалига асосан ижарачида куйидаги бухгалтерия ёзувлари берилиши лозим.

№	Сана	Дт	Кт	Сумма
1	Ижара муддати бошига: ижара мулкининг жами дисконтланган кийматига	0310	7910	100 000 000
2	Ижара мажбуриятининг жорий кийматига	7910	6950	17 070 000
3	1-йил учун фоиз тўловига	9610	6920	7 930 000
4	Ижара мажбуриятининг ўтказиб берилишига	6950	5110	17 070 000
5	Фоиз тўловларининг ўтказиб берилишига	6920	5110	7 930 000
6	Ижара мулки бўйича 1-йил учун хисобланган амортизация суммасига	Харажатлар счётлари	0299	15 000 000

Юкорида келтирилган 2,3,4,5,6- ёзувлар ижаранинг кейинги йилларида хам берилиши лозим				
7	Ижара муддати охирида: ижара мулки асосий воситалар сафига киритилганда	0130	0310	100 000 000
8	Хисобланган амортизация суммасини ускуналар эскириши счётига ўтказилишига	0299	0230	75 000 000

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижаранинг хисоби

Ижарага берувчи нуктаи назаридан ижара ёки молиявий ёки соту туридаги ижара бўлиб ифодаланиши мумкин. Ижарага берувчи учун молиявий ижарага берилган активлар балансда асосий воситалар сифатида эмас, балки ижара килинган соф инвестицияларга тенг бўлган дебиторлик карз сифатида акс эттирилади. Бундай дебиторлик карзнинг соф киймати энг кам ижара тўловларининг жорий дисконтланган киймати оркали аникланиши керак, улар кафолатланган ёки кафолатланмаган бўлишидан катъий назар. Ижарага берувчи хисоботда ижарадан олинган фойдани фоизлардан тушган фойда сифатида акс эттиради. Бутун фойда капитал куйиламалардан олинган фойдадир деб хисобланади.

Ижара бўйича *ялпи капитал куйилма* (ялпи инвестициялар) = энг кам ижара тўловлари + кафолатланмаган колдик киймат.

Юкорида келтирилган мисол шартига кўра ялпи капитал куйилма суммаси 135 000 000 сўмни ташкил килади (125,000 + 10,000 = 135,000).

Ижара бўйича *олинмай колинган даромад (ОД)* ижарага берилган мулкнинг хозирги киймати бўйича ялпи капитал куйилма (ЯК) ва дебиторлик карз (ДК) ўртасидаги фаркдан иборат бўлади.

Соф капитал куйилма (соф инвестициялар) ялпи капитал куйилма (ЯК) ва *олинмай колинган даромад (ОД) ўртасидаги фарк суммасидан иборат бўлади.*

Ск = ЯК-ОД = ЯК-(ЯК-ДК)

Ижара тўловларини таксимлаш жадвалига асосан ижарага берувчида куйидаги бухгалтерия ёзувлари берилиши лозим.

№	Сана	Дт	Кт	Сумма
1	Ижара муддати бошига: ижарага берилган мулкнинг жами дисконтланган кий-матига	0920	9210	100 000 000
2	Ижара бўйича дебиторлик карзнинг жорий кийматига	4810	0920	17 070 000
3	1-йил учун фоиз тўловига	4830	9530	7 930 000
4	Ижара бўйича дебиторлик карзнинг келиб тушишига	5110	4810	17 070 000
5	Фоиз тўловларининг келиб тушишига	5110	4830	7 930 000
Юкорида келтирилган 2,3,4,5- ёзувлар ижаранинг кейинги йилларида хам берилиши лозим				

Молиявий ҳисоботда маълумотни ёритиш

Ижарага олувчилар ва ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида ижарага оид қуйидаги ахборотлар ёритилиши зарур:

Ижарага олувчида	Ижарага берувчида
(а) баланс тақдим этишнинг ҳар бир санасига - молиявий ижара шароитида ижарага олинган активларнинг қиймати; (б) молиявий ижарага тегишли жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни бир-биридан ва бошқа мажбуриятлардан ажратган ҳолда ушбу ижарага олинган активлар бўйича мажбуриятлар; б) умумлаштирилган шаклда ижара бўйича ижара тўловларига тааллукли мажбуриятлар суммаси ва уларни тулаш даври тўғрисидаги маълумотлар; в) салмокли молиявий чекловлар, ижарани қайта тиклаш ҳукуклари, ижара объектларини харид қилиш ва ижара билан боғлиқ бўлган бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича маълумотлар; г) ҳар бир молиявий ҳисоботни тузиш санасига ижара тўловларининг қолдиқ суммаси ва ижарага берувчининг даромади, шунингдек ижара объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати; д) лизинг даври учун копланмаган мажбурият қолдигига доимий фоиз ставкасини олиш учун ижарага берувчининг даромади (ижара буйича фоизлар) ни тақсимлашда фойдаланиладиган усул; е) молиявий ҳисобот тузиш санасида иккиламчи ижарадан олиниши кутилаётган келгуси ижара тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар.	(а) молиявий ҳисоботни тақдим қилиш санасида ижара объектлари ҳисобланган активлар қиймати тўғрисида маълумотлар. Мазкур ижара мулклари билан боғлиқ бўлган қарзлар дебиторлик қиска муддатли ва узоқ муддатлига ажратилган ҳолда бошқа қарзлардан алоҳида тан олиниши керак; (б) даромадни таксимлашда фойдаланилган усул; (в) операцион ижарага берилган активларни қиймати ва ҳар бир баланс ҳисоботининг санасига ва активларнинг ҳар бир асосий туркуми бўйича у билан боғлиқ бўлган амортизация ажратмалари.

3. ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ҚИЙМАТИНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШНИНГ ҲИСОБИ

Табиий ресурслар – бу узоқ йиллар фойдаланиладиган ер ости ва ер устидаги бойликлардир. Улар борган сари емирилиб бориладиган ресурслар деб аталади. Табиий ресурсларга мисоллар бўлиб ўрмонзорлар, нефт ва газ қазилмалари ва бошқа қазилма бойликлар ҳисобланади. Емириладиган активларнинг фарқ қилувчи тавсифи - бу уларни дарахтларни кесиш, табиий бойликларни ер тагидан чикариш ёки қазиб олиш натижасида захираларга айлантиришдир. Масалан, нефт кони - бу чикарилмаган нефтнинг табиий шакли, кўмир шахтаси эса қазиб олинмаган кўмир қатламларидир.

Халкаро таълимотда табиий ресурслар "Ер майдонлари", "Кўмир ва
хавзалари", "Табиий казилма бойликлар захиралари" деб номланадиган уз
муддатли активлар сифатида балансда акс эттирилади. Ўрмонзордаги дарахтл
кесиб бўлингандан, нефт чикарилгандан, кўмир казиб бўлингандан кейин, ул
сотилишга мўлжалланган махсулот захираларига айланади. Табиий ресурсл
ишлаб чиқиш билан боғлик айрим харажатларни ўз ичига киритган сотиб оли
баҳоси бўйича акс эттирилади. Ресурс кесиб олиниши, казиб чикарилиши
мувофик равишда актив мутаносиб кийматда камайтирилишн керак. Не
казилма бойликларни баланс қиймати балансда, масалан, хар бир казиб олинг
нефт баррел кийматига камайиб боради. Бунинг натижасида нефт казил
бойлиги дастлабки қиймати бора-бора камаяди ва хисобда ушбу сумма
емирилиш тан олинади.

Табиий ресурслар емирилиши

«Емирилиш» атамаси (depletion) нафақат табиий ресурслар бўйич
харажатларни нфодалаш учун фойдаланади, шунингдек олинган махсуло
бирлигига табиий ресурс кийматини мутаносиб равишда ўтказиш учун ха
қўлланилади. Қиймат амортизация хисобланишида ишлаб чиқариш усулиг
ўхшаш усул билан таксимланади. Табиий ресурсларни сотиб олишда ёки ишла
чикишда олиниши мумкин бўлган ресурсларни умумий хажми бўйича хисоб
китоб қилинган маълумотлар бўлиши керак, масалан нефт бўйича баррелда
кўмир буйича тоннада ва ўрмон бўйича куб.метрда. Ресурс бирлигига тўғри
келадиган емирилиш харажатлари табиий ресурс кийматини (агар тугатиш
қиймати бўлса уни чегирган ҳолда) ресурснинг хисоб қилинган тахминий
хажмига бўлиш билан аникланади. Хар бир хисобот даврига гўғри келадиган
емирилиш харажатлари ресурснинг бирлигига тўғри келадиган емирилишни
қазиб олинган, чнкарилган ва кесилган дарахтлар сонига кўпайтириш йўли
билан хисобланади. Масалан, агар шахтада тахмин килинган кўмир захиралари
1,500,000 тонна, унинг қиймати 1,800,000 ш.б. ва хисобланган тугатиш қиймати
300,000 ш.б. бўлса, унда 1 тонна кўмирга тўғри келадиган емирилиш
харажатлари 1ш.б.га тенг бўлади. Бинобарин, агар йил давомида 115,000 тонна
кўмир қазиб олинииб сотилган бўлса, унда бир йилга емирилиш харажатлари
115,000 ш.б.ни ташкил этади. Ушбу харажатлар хисобда қуйидагича акс
эттирилади:

31 декабрь Емирилиш буйича харажатлар, кўмир захиралари
115,000
Жамғарилган эскириш, кўмир захиралари 115,000

Кўмир шахтасини емирилишини акс эттириш: 115,000 тонна қазиб олинган
ва сотилган кўмир, бир тонна учун 1 ш.б. хисобидан шахта балансида
қуйидагича акс эттирилади:

Кўмир захиралари	1800000	
Жамғарилган емирилиш	115000	
Захира колдиги		1685000

Баъзида ресурс бир йилда қазиб олиниб бошқа йилда сотилади. Бундай ҳолларда емирилиш харажатлари қайси йилда сотув амалга оширилган бўлса, ўша йилда тан олинади. Табиий ресурсларнинг сотилмаган қисми захиралар сифатида кўрилади.

Табиий ресурслар емирилишининг ҳисоб-китоби

Давр	Бош қолдиқ		Ҳисобот йилида ишлатилган		Жамланган емирилиш		Охирги қолдиқ	
	Тонна	Млн.сўм	Тонна	Млн.сўм	Тонна	Млн.сўм	Тонна	Млн.сўм
201_й	660000	26812,5	60000	2700	360000	14887,5	600000	11925

4.ГУДВИЛ, БЭДВИЛ ВА ТАШКИЛИЙ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Халқаро ҳисоб таълимотида гудвил ишчанлик қобилияти сифатида энг кенг тарқалган ва муҳим бўлган номоддий активлардан бири ҳисобланади. Гудвил корхонанинг ижобий таъсир кўрсатадиган тавсифлардан келиб чиқадиган бойликларини ифодалайди, бунинг натижасида корхонанинг ишқланган активларидан олинадиган даромадга қўшимча бўладиган даромадларни кўпайтиради.

Гудвил корхонанинг тахмин килинадиган бўлғуси молиявий кўрсаткичларини одатий кўрсаткичлардан ошганлигидир. Бу тахмин корхона ёки унинг операцион муҳитга тегишли номоддий ижобий тавсифлар ёки омиллар корхона учун ўртачадан кўра кўпроқ даромадларни келтириш эҳтимолидан вужудга келади.

Гудвилни баҳолаш. Айирбошлаш операциясини амалга ошириш санасига харид кийматини солиштириладиган сотиб олинган активлар ва мажбуриятларни ҳаққоний кийматидан ошиб кетиши гудвил деб номланади ва активлар сифатида тан олинади.

Гудвил ҳисоб-китоби

Харид баҳо
минус (-)
корхона соф активларининг бозор қиймати
Тенг (=)
Гудвил

Гудвил ўта ноёб номоддий актив ҳисобланади, у алоҳида сотилиши ёки бозорда алмаштирилиши мумкин бўлган дебиторлик қарзлар, ТМЗ ва патентларга нисбатан фақат бутун корхона билан солиштирилиши мумкин.

Гудвил фақат бутун бизнесни сотиб олишда ҳисобга олинади. Шу боис ҳам гудвил фаолият кўрсатадиган корхонани баҳоловчи восита сифатида ҳисобда махсус акс эттирилади.

Мисол: «А» компанияси «Б» компаниясини 400 млн.сўмга сотиб олди. «Б компанияси соф активларининг баланс қиймати 300 млн. сўмга тенг (370-70 ушбу киймат соф активларнинг бозор қийматига мос, дейлик.

Қуйида «А» ва «Б» компанияларни сотиб олишдан олдин тузилга балансли ва «А» компаниясини «Б» компаниясини сотиб олишдан кейи тузилган балансли келтирилган. Қовус ичида компаниянинг бирлашу баланси тузилишида айриладиган суммалар келтирилган.

Баланс моддалари	«А» компанияси, млн. сўм.	«Б» компанияси, млн.сўм	«А» компаниясини бирлашув баланси, млн. сўм.
Пул маблағлари	510 (-400)	90	200
Бошқа жорий активлар	450	80	530
Узоқ муддатли активлар	300	200	500
Гудвил	-	-	100
Барча активлар	**1260**	**370**	**1330**

Баланс моддалари	«А» компанияси, млн. сўм.	«Б» компанияси, млн.сўм	«А» компаниясини бирлашув баланси, млн. сўм.
Жорий мажбуриятлар	205	70	275
Акциядорлик капитали	800	250 (-250)	800
Таксимланмаган фойда	255	50 (-50)	255
Барча активлар ва мажбуриятлар	**1260**	**370**	**1330**

Гудвилл = сотиб олиш нархи - бозор нархи = 400 - 300 = 100 млн. сўм.

«А» компанияси «Б» компаниясини сотиб олгандан кейин, унинг умумий балансини тузишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

1. Компаниянинг пул маблағлари 400 млн. сўмга камаяди, чунки ушбу суммани «А» компанияси «Б» компаниясининг акциядорларига тўлайди.

2. «Б» компаниясининг хусусий капиталининг таркибий қисми (акциядорлик капитал ва таксимланмаган фойда) ҳисобдан чиқарилади, чунки улар «А» компанияси томонидан «Б» компаниясининг сотиб олиш учун тўланган соф активлари суммасига тенг бўлади.

3. «Б» компаниясининг сотиб олиш нархи ва унинг баланс қиймати орасидаги фарқ гудвил сифатида акс эттирилади.

Гудвилнинг амортизацияси. Гудвил амортизациясининг ҳисоби айрим хусусиятларга эга. Агар номоддий активлар амортизацияси харажатлар счётларининг дебетида ва номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттириладиган бўлса, гудвилнинг амортизацияси эса гудвил счётининг кредитида акс эттирилади, яъни:

Дебет *Харажатлар счёти*

Кредит *Гудвилл счёти*

7-сон БҲМС «Номоддий активлар»га мувофик гудвиллнинг амортизацияланадиган қиймати унинг фойдали хизмат муддати мобайнида,

лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан ошмаган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Фойдали ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаганда гудвиллнинг амортизация қиймати 5 йилни ҳисобга олиб (лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти муддатидан ошмаган ҳолда) мунтазам асосда тақсимланиши керак.

Бэдвил ҳисоби

Сотиб олинган соф активларнинг ҳаққоний қиймати корхонанинг харид қийматидан юқори бўлса, бу сотиб олган компания учун қулай хариддир. Сотиб олинган активларнинг харид нархи ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқни олиш билан ҳисоблаб чиқиладиган гудвилл суммаси салбий ҳисобланади ва *салбий ишчанлик қобилияти, яъни бэдвил* деб аталади. Ҳар қандай салбий ишчанлик қобилият сотиб олинган фирма моддий активлариии камайишига мутаносиб равишда тақсимланиши зарур. Моддий активлар қийматини шу даражада камайтириш лозимки, бунда салбий гудвилга ўрин қолмасин. Корхона активларини ҳаққоний қийматини рўйхатга олиш мумкин бўлмаганда, БҲХС ушбу кўпайишни салбий гудвил сифатида ифодаланиши ва шу захотиёк фойда сифатида акс эттирилишини талаб этади.

Мисол: «А» компанияси «Б» компаниясини 200 млн.сўмга сотиб олди. «Б» компанияси соф активларининг баланс қиймати 300 млн. сўмга тенг (370-70), ушбу киймат соф активларнинг бозор кийматига мос, дейлик.

Қуйида «А» ва «Б» компанияларни сотиб олишдан олдин тузилган балансли ва «А» компаниясини «Б» компаниясини сотиб олишдан кейин тузилган балансли келтирилган. Қовус ичида компаниянинг бирлашув баланси тузилишида айриладиган суммалар келтирилган.

Баланс моддалари	«А» компанияси, млн. сўм.	«Б» компанияси, млн.сўм	«А» компаниясини бирлашув баланси, млн. сўм.
Пул маблағлари	510 (- 200)	90	400
Бошқа жорий активлар	450	80	530
Узок муддатли активлар	300	200	500
Барча активлар	**1260**	**370**	**1430**

Баланс моддалари	«А» компанияси, млн. сўм.	«Б» компанияси, млн.сўм	«А» компаниясини бирлашув баланси, млн. сўм.
Жорий мажбуриятлар	205	70	275
Акциядорлик капитали	800	250 (-250)	800
Таксимланмаган фойда	255	50 (-50)	255
Бэдвил (муддати узайтирилган даромад)		-	100
Барча активлар ва Мажбуриятлар	**1260**	**370**	**1430**

Бэдвил = сотиб олиш нархи - бозор нархи = 200 - 300 = -100 млн. сўм.

«А» компанияси «Б» компаниясини сотиб олгандан кейин, унинг умум балансини тузишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

1.Компаниянинг пул маблағлари 200 млн. сўмга камаяди, чунки уш суммани «А» компанияси «Б» компаниясининг акциядорларига тўлайди.

2.«Б» компаниясининг хусусий капиталининг таркибий кис (акциядорлик капитал ва тақсимланмаган фойда) ҳисобдан чиқарилади, чун улар «А» компанияси томонидан «Б» компаниясининг сотиб олиш уч тўланган соф активлари суммасига тенг бўлади.

3.«Б» компаниясининг сотиб олиш нархи ва унинг баланс қийма орасидаги фарқ бэдвил (муддати узайтирилган даромад) сифатида а эттирилади.

Бэдвилни ҳисобдан чиқариш худди гудвилл сингари унинг фойдали хизм муддати мобайнида, лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаоли муддатидан ошмаган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Фойдали ишлати муддатини белгилаш мумкин бўлмаганда бэдвил суммаси 5 йилни ҳисобга ол (лекин хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти муддатидан ошмаган ҳолд мунтазам асосда жорий ҳисобот даври даромадларига ўтказилиши керак.

Ташкилий харажатлар – бу фаолиятни ташкил қилишга кетга харажатлардир. Улар ҳам корхоналарда ишчанлик кобилиятини оширишга имк берувчи маблағлардир. Шу боис ҳам ташкилий харажатлар ҳисобда номодди активларнинг бир тури сифатида акс эттирилади. Ташкилий харажатларнин номоддий активлар сифатидаги қиймати ўз ичига қуйидагиларни олади:

Ташкилий харажатларнинг қиймати

+ янги корхонани қайд этиш учун ўтказилган сумма
+ янги иш ўринларини ташкил қилиш харажатлари
+ янги мутахассисларни тайёрлаш харажатлари
+ нотариусга пул кўчирмаси
+юридик маслаҳатлар учун тўловлар
+ муҳр, штамп ясаш учун тўловлар ва бошқалар

Юқоридаги таркибдан келиб чиқиб, ташкилий харажатлар 045 «Ташкилий харажатлар» счётининг дебетида тўпланади, бунда пул маблағлари мажбуриятларни акс эттирувчи счётлар кредитланади.

Ташкилий харажатларнинг амортизацияси. 7-сон БҲМС «Номодди активлар»га мувофик ташкилий харажатларнинг амортизацияланадига қиймати уларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида, лекин хўжали юритувчи субъектнинг фаолият муддатидан ошмаган ҳолда ҳисобда чиқарилади. Фойдали ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаганд гудвиллнинг амортизация қиймати 5 йилни ҳисобга олиб (лекин хўжали

юритувчи субъектнинг фаолияти муддатидан ошмаган ҳолда) мунтазам асосда тақсимланиши керак. Ушбу тартибда ташкилий харажатларга ҳисобланган амортизация суммаси харажатлар счётларининг дебетида ва 0550 «Ташкилий харажатлар амортизацияси» счётининг кредитида акс эттирилади,яъни:

Дебет *Харажатлар счёти*

Кредит *«Ташкилий харажатлар амортизацияси»*

Ташкилий харажатлар қиймати ва ҳисобланган амортизациясининг ҳисобдан чиқарилишига қуйидагича ёзувлар қилинади:

• бошланғич қийматига

Дебет 9220 *«Бошқа активларнинг чиқими»*

Кредит 0450 *«Ташкилий харажатлар»*

• жамланган амортизация қийматига

Дебет 0450 *«Ташкилий харажатлар амортизацияси»*

Кредит 9220 *«Бошқа активларнинг чиқими»*

• тўлиқ амортизация қилинмаган қийматини ҳисобдан чиқарилишига

Дебет 9430 *«Бошқа операцион харажатлар»*

Кредит 9220 *«Бошқа активларнинг чиқими»*

5.ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ (ИТИ) ВА ТАЖРИБА КОНСТРУКТОРЛИК ИШЛАНМАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

38-сон БҲХС «Номоддий активлар»да илмий тадкикот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига куйидагича таъриф берилган:

Илмий тадкикот ишлари - бу режалаштирилган изланишлар бўлиб, уларнинг максади янги илмий ва техникавий билимларни олиш ҳисобланади. Бундай турдаги изланишлар муайян максад ёки қўлланишга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Тажриба-конструкторлик ишланмалар - бу илмий тадкикот изланишлар ва бошка билимлар натижаларини янги ёки мавжуд бўлган материаллар, асбоблар, махсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларни такомиллаштиришни режалаштириш ва ишлаб чикаришга жорий этишдир. Ишланмалар ўз ичига тадкикот махсулотлари тушунчаларини, тадкикот махсулотларини ишлаб чикариш ва текширишни, тимсол корхоналар курилишини, шунингдек тажриба корхоналаридан фойдаланишни олади. Мавжуд махсулот, ишлаб чикариш тизимлари, кайта ишлаб чикариш ва бошка амалдаги жараёнларга оддий ва даврий ўзгаришларни киритиш ривожланиш жумласига кирмайди. У, шунингдек, бозорни тахлил килиш ёки бозорда товарларни текширишни ўз ичига олади.

Илмий тадкикотга киритиладиган фаолият турлари:

а. Янги билимларни олишга йўналтирилган лаборатория изланишлари;

б. Янги тадкикот топилмалар ва бошка билимларни излаш;

в. Тушунчаларни таърифлаш ва булгуси махсулот ёки ишлаб чикариш вариантлари бўйича ишланмалар.

г. Маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлларини ёки унинг ишлаб чиқариш бўйича мукобил усулларини излаш максадида текширишларни ўтказиш.

д. Ишлаб чиқаришдан олдин тимсоллар ва моделларни текшириш куриш ва ишлаб чиқариш.

е. Асбобларни, андоза, қолиплар, қуйма шакллар ва матрицаларни ишлаб чиқариш.

ИТИга киритилмайдиган фаолият турлари:

а. Барвақт боскичда тижорат ишлаб чиқаришни мухандис-техникавий томонидан тугатилиши;

б. Маҳсулотни кундалик текширувини ўз ичига киритган ишлаб чиқариш вактида сифат назорати:

в. Ишлаб чиқариш вактида бузилишларни аниклаш ва бартараф этиш;

г. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, ишлаб чиқариш тизимларига, қайта ишлов бериш ишлаб чиқаришлар ва бошка фаолият курсатадиган жараёнларга кундалик равишда ёки вақти-вақти билан ўзгаришларни киритиш, ҳаттоки агар ушбу ўзгаришлар яхшилашни киритса хам;

д. Давом этадиган ишлаб чиқаришнинг кисми сифатида, мижознинг муайян талаблари ва эҳтиёжлари учун мавжуд имкониятларни мувофиклаштириш;

е. Асбоблар, андозалар, қолиплар, қуйма шакллар ва матрицаларни кундалик ишлаб чиқарилиши:

ж. Курилиш, кўчиш, қайта жихозлаш ёки иншоотлар ёхуд ускуналарни фойдаланишга топширнш бидан боғлик иншоотлар ва курилиш техникаси, ИТИни муайян лойиҳаси учун мўлжалланган иншоотлар ва ускуналардан ташкари.

"Илмий тадкикот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига кетган харажатлар" андозасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ИТИ ва ТКИ ларига сарфланган маблағларни харажатлар сифатида тан олишга асос бўлади. Ушбу харажатлар бир канча ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, ИТИ ва ТКИ га сарфланган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш харажатлари хисобланмайди. Мазмуни ва характерига кўра ИТИ ва ТКИ ларига сарфланган харажатлар ишлаб чиқилган у ёки бу маҳсулотга (ишга, хизматга) бевосита таалукли бўлмайди. Шунинг учун ИТИ ва ТКИ га сарфланган харажатлар ишлаб чиқилган маҳсулотлар (иш, хизматларнинг) таннархига киритилмайди, демак бу харажатлар ишлаб чиқариш таннархини акс эттирувчи 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счетида хисобга олинмайди.

Иккинчидан, ИТИ ва ТКИ га сарфланган харажатлар шу даврнинг ўзида эмас, балким келгуси даврда самара бериши, яъни даромад келтириши мумкин. ИТИ ва ТКИ га сарфланган харажатлар келгуси даврларда хам самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун хисобот даврларида ИТИ ва ТКИ га килинган сарф харажатларни то улар иктисодий самара бергунларига кадар

3110 "Келгуси давр харажатлари" счетида синтетик ва аналитк счетларда акс эттириш мумкин.

Учинчидан, ИТИ ва ТКИ га сарфланган харажатлар келгусида эришилган натижага кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг активи ёки давр харажатлари сифатида тан олиниши мумкин. Биринчи холда 3110 "Келгуси давр харажатлари" счетида жамланган ИТИ ва КТИ га сарфланган харажатлар олинган натижанинг турига кўра у ёки бу активни акс эттиришга мўлжалланган бухгалтерия счетига ўтказилиши ва шу йўл билан улар хисобдан чикарилиши лозим.

Тўртинчидан, ИТИ ва ТКИ ларига сарфланган харажатлар ушбу фаолият турларининг кийматини ёки бошқачасига таннархини ташкил этади. ИТИ ва ТКИ киймати (таннархига) ўз ичига куйидаги харажат моддаларини олади:

- ИТИ ва ТКИ билан банд ходимларга хисобланган иш хаки;
- ИТИ ва ТКИ ларига сарфланган хом ашё ва материалларнинг киймати;
- ИТИ ва ТКИ ни бажаришда фойдаланилган асосий воситалар, номоддий активларнинг эскириш суммалари;
- ИТИ ва ТКИ лари билан боғлик бўлган бошка устама харажатлар (кўрсатилган харажатлар, сафар харажатлари, телефон-телеграф, концелярия харажатлари ва бошкалар).

Харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофик ИТИ ва ТКИ лар натижаларини сотиш билан боғлик харажатлар ушбу фаолиятлар кийматига (таннархига) кирмайди. Балки давр харажатлари сифатида умумий даромад хисобидан копланади..

Бешинчидан, ИТИ ва ТКИ га сарфланган ва актив сифатида тан олинмаган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ялпи даромадига эвазига хисобдан чикарилади. Шунинг учун хам ушбу харажатлар фойда солиғини хисоблашда бевосита эътиборга олиниши Низом ва Солик Кодексига асосан ИТИ ва ТКИ га сарфланган харажатлар хисобот даврида соликка тортиладиган базадан чегирилмайди, лекинда келгусида 10 йил мобайнида чегириб борилиши керак.

Илмий изланиш ва тажриба-конструкторлик ишлар бўйича харажатларини хисобдан чикариш тартиби

Илмий текшириш ишланмалари бўйича сарфлар улар юзага келган хисобот даврида харажат деб тан олинади ва улар активлар таркибига киритилмаслиги лозим. Тажриба конструкторлик ишланмалари харажатлари, агар улар куйидаги мезонларга жавоб берса актив деб тан олинади:

а. Махсулот ёки жараён катьий белгиланган ва харажатлар аникланиши мумкин бўлган такдирда;

б. Махсулот ёки жараённинг техникавий асосланиши аникланган холатда;

в. Корхона маъмурияти махсулот ва жараёнларни ишлаб чикариш хамда бозорда сотиш ёки улардан фойдаланиш максадларини намоён килганда;

г. Махсулот ёки жараён учун мулжалланган келгуси сотиш бозори ёки ички фойдаланиш аник белгиланган булса;

д. Лойихани тугатиш учун мувофик ресурслар мавжуд бўлган такдирда.

ИТИ ва ТКИ ларига сарфланган харажатлар актив сифатида тан олинмаё ёки буни аниклашнинг иложи бўлмаса, улар давр харажатлари сифатида та олиниши лозим. Бундай холда 3110 счетда жамланган харажатлар Ўзбекисто Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-карор билан тасдикланган "Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чикариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантири тўғрисида Низом" га мувофик, шунингдек "Бухгалтерия хисоби тўғрисид Қонун", "Молиявий хисоботни тузиш ва такдим этиш учун Концептуа асослар", "Ҳисоб сиёсати ва молиявий хисобот" ва бошка стандартларга асосан юз берган даврдан бошлаб "Давр харажатлари" счетига ўтказилиши ва шу йўл билан хисобдан чикарилиши лозим.

Шундай килиб, ИТИ ап ТКИ харажатларини хисобдан чикариш бухгалтерия хисобида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади.

№	Тан олиш тури	Дт	Кт	Асос
1	Номоддий актив сифатида	0400	3190	Далолатнома
2	Асосий восита сифатида	0130	3190	Далолатнома
3	ТМБ сифатида	1000, 2800, 2900	3190	Далолатнома
4	Зарар сифатида	9430	3190	Далолатнома

6-маъруза	**ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР: БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЖИҲАТЛАРИ**

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та
Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Товар-моддий захиралар (ТМЗ)нинг моҳияти, таркиби ва улар киймати (таннархи)ни шакллантириш 2.ТМЗ чиким кийматини баҳолаш усуллари ва уларнинг молиявий натижалар ҳамда фойда солиғига таъсири 3.Товарлар ҳисобининг узлуксиз ва даврий тизимлари 4. ТМЗлар билан боғлик маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиш	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга товар-моддий захиралар ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: ТМЗ моҳияти, таркиби ва улар киймати (таннархи)ни шакллантириш, уларнинг чиким кийматини баҳолаш усуллари, бу усулларни молиявий натижалар ҳамда фойда солиғига таъсири, ТМЗ ҳисобининг узлуксиз тизими ва даврий тизимини тушунтириш.	**Ўқув фаолияти натижалари:** Талабалар ТМЗ моҳияти, таркиби ва улар киймати (таннархи)ни шакллантириш, уларнинг чиким кийматини баҳолаш усуллари, бу усулларни молиявий натижалар ҳамда фойда солиғига таъсири, ТМЗ ҳисобининг узлуксиз тизими ва даврий тизимини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*	
Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*	
Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАР (ТМЗ)НИНГ МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА УЛАР ҚИЙМАТИ (ТАННАРХИ)НИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Товар-моддий захиралар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг қуйида шаклдаги активларидир:

а) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилиши кўзда тутилга хом ашё, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ёкилги, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар;

б) тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш;

в) хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида сотиш учун мўлжалланган тайё маҳсулот ва товарлар.

Мавжуд бўлган товарларни моддий захиралар таркибига киритиш ва киритмаслик холлари. Инвентаризация пайтида корхона эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган ва бўлмаган товарлар аниқланади.

Корхона эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган товарларга мижознинг буюртмасига асосан тайёрланган, у томонидан тўланган (яъни, олди-сотди битими бажарилган), унга қарашли ва жўнатишни кутаётган товарлар киради.

Корхона эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган товарлар таркибига кирмайдиган товарлар тоифасига, шунингдек, консигнациядаги товарлар ҳам киради. Консигнация - бу консигнант деб аталадиган мулкдорнинг ўз товарларини бошқа компания омборларида жойлаштиришидир. Консигнатор бундай товарларни ўзининг моддий захиралари таркибига киритмаслиги керак, чунки сотиш давригача бу товарлар жўнатувчи - консигнантнинг мулки ҳисобланади.

Корхона эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган товар-моддий захираларга қуйидагилар киради:

№	Ҳисоб объектлари
1	Бошқа корхоналар омборларида турган консигнацион товарлар
2	Франко-жой шарти билан сотиб олинган ва ҳали йўлдаги товарлар
3	Харидорлар томонидан қайтарилган товарлар
4	Омбордаги материаллар
5	Ярим тайёр маҳсулотлар
6	Тайёр маҳсулотлар
7	Яроксиз маҳсулотлар
8	Металлолом
9	Тара материаллари
10	АЁҚШдаги бензин
11	Хўжалик инвентарлари
12	Бокувдаги ва ўстиришдаги моллар

Товар-моддий захираларни баҳолаш. Товар-моддий захиралар таннарх ёки соф сотиш қийматидан энг кам бўлган қиймати бўйича баҳоланадн.

4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофик товар-моддий захираларнинг таннархи қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатлари, жумладан харид қиймати, импорт божхона божлари ва тўловлари, тайёрлов-воситачилик ташкилотларига тўланган комиссион тўловлар, бошқа солиқлар (корхона кейинчалик қайтариб олиши мумкин бўлганлардан ташқари), фрахт қиймати захираларни сотиб олиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов ва йўлдаги товарларни сугурталаш харажатлари), сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар);

б) қайта ишлаш харажатлари, тайёр махсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлардан, жумладан:

* ишлаб чиқаришга тааллукли материал харажатлари;

* асосий ишлаб чиқаришда, яъни дастгох ва ускуналарда хомашё ва материалларни тайёр махсулотга қайта ишлаш билан банд бўлган ишчиларининг иш хаки ва ишлаб чиқаришга тааллукли ижтимоий суғуртага ажратмалар;

*билвосита харажатлар, яъни ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари, чунончи ёрдамчи ишчиларнинг вактбай иш хаки, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари, махсулот хажмининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган бошқа шартли доимий харажатлар.

в) бошқа харажатлар - ТМЗларни керакли жойга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт ва уларни тегишли холатда ушлаб туриш билан боғлиқ бошқа харажатлар (тайёр махсулотни омборга ташиб келтириш, якка тартибда буюртмалар бўйича товарларни конструкция қилиш харажатлари ва бошқалар).

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ТМЗлар таннархи қуйидагилардан ташкил топади:

а) хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган ходимларнинг (бошқарув ходимлари билан бирга) иш хаки ва ижтимоий суғуртага ажратмалар каби харажатлар;

б) ёрдамчи материаллар харажатлари;

в) хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келган бошқа устама харажатлар.

ТМЗ таннархига киритилмайдиган харажатлар (хизмат кўрсатишни кўшган холда барча сохаларда):

а) меъёрдан ортиқ материал, иш кучи ва бошқа режада кўзда тутилмаган харажатлар;

б) технологик жараёнда назарда тутилмаган ишлаб чиқариш циклининг алохида босқичлари ўртасида ТМЗни сақлаш харажатлари;

в) умумий ва маъмурий - бошқарув харажатлари;

г) сотиш билан боғлиқ харажатлар.

2. ТМЗ ЧИҚИМ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲАМДА ФОЙДА СОЛИҒИГА ТАЪСИРИ

ТМЗ корхонага кирим қилингандан кейин турли усулларда чиқим қилинади. Ушбу усуллар бўлиб қуйидагилар хисобланади.

Ялпи солиштириш (идентификация) усули - ўзаро алмаштирилмайдиган захираларнинг алохида моддалари таннархини,

шунингдек, махсус буюртмалар учун мўлжалланган ва ишлаб чиқарилган тов ва хизматлар таннархини якка тартибдаги аниқ харажатларни солиштир қилиш йўли орқали аниқлаш усули.

Ўртача тортилган қиймат усули (AVECO) -ТМЗлар ҳар бир бирли қийматини ҳисобот даври бошидаги бирликлари ва ҳисобот даври давоми сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бирликлари билан биргаликда олинг ҳолда ўртача тортилган қийматини аниқлаш усули.

Биринчи харид баҳолари бўйича баҳолаш усули (FIFO) - (бирин кирим - биринчи чиким) - биринчи навбатда сотиб олинган товарларни таннархи биринчи навбатда сотиб юборилган товарларга олиб борилиши кер деган тахминга асосланган усул.

Инфляция шароитида FIFO усули соф фойданинг энг юкори бўлг даражасини таъминлайди. Бунга сабаб шундаки, компаниялар жорий нархл ошганда сотиш нархларини ҳам оширишга интиладилар. Нархларни пасайи шароитида эса тегишли равишда буни тескари жараёни кузатилади. FI усулининг асосий камчилиги шундан иборатки, у фойда кўрсаткичи иктисодий ривожланиш цикли таъсирини кучайтиради. Ушбу усулнинг асос афзаллиги шундан иборатки, уни қўллаш товар захиралар чиқимида жор харажатларни реал баҳолар асосида топиш имконини беради.

Охирги харид нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO) - (охирги кири биринчи чиқим) - охирги харид қилинган товарларнинг таннархи бирин навбатда сотилган товарлар қийматини аниқлаш учун, ҳисобот даврини охирига бўлган захираларнинг таннархи эса биринчи навбатда харид қилинг товарлар таинархи асосида ҳисоб қилинади деган тахминга асосланган усул.

Ушбу усулни қўллаш инфляция шароитида энг кам бўлган фойдани дефляция жараёнларида эса энг кўп бўлган соф фойдани беради. Шундай кил иктисодий ривожланиш цикли (кўтарилиш ва инкироз) таъсирини юмшати имкониятини яратади. Ушбу усулнинг камчилиги шундан иборатки, вакт ўтг сари LIFO усули бўйича захираларни баҳолаш ҳақиқатдан борган са узоқлашади ва сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатларни ҳам, ўрни босадиган харажатларни ҳам акс эттира олмайди.

LIFO усули компаниянинг пул маблагларини ҳаракатига имкон яратса аммо барча компаниялар уни қуйидаги сабабларга кўра қўлламайдилар:

(а) аксарият компаниялар миллатлараро бўлиб, LIFO усули таъқиқланг давлатларда операцияларни амалга оширадилар;

(б) хозирги пайтда дунё миқиёсида инфляция юз беришига карамасд товар захираларнинг муайян буюмларига бўлган нархлар ошмаслиги мумк (масалан, электроника буюмлари ва бошқалар);

(в) LIFO усули ёрдамида пул маблағлари ҳаракатини яхшиланиши б акцияга тўғри келадиган фойдани молиявий ҳисоботда кўрсатмасликка ол келади.

Бизнинг республикамизда қўлланилаётган 4-сон БҲМС «Товар-модд захиралар» ТМЗлар чикимини баҳолашда **LIFO** усулини қўллашни тавс килмайди.

ТМЗ чикимида улар кийматини турли усулларда баҳолаш, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган тайёр маҳсулотлар, харид товарларининг сотиш киймати, уларнинг қолдиқ кийматига, сотишдан олинаётган фойдага, шунингдек фойдадан солиққа ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Мисол. Корхонада қуйидаги ТМЗ кирим қилинган дейлик.

Сана	Бирликлар	Маҳсулот бирлигининг киймати, сўм	Умумий киймат, сўм
15 январ	5000	600	3000000
22 май	8000	700	5600000
10 сентябр	6000	800	4800000
Жами:	**19000**		**13400000**

Йил охирида омборда 4000 дона маҳсулот қолган. Сотишдан келган соф тушум 12500000 сўмни ташкил этган. Фойда солиғи ставкаси 9 %.

Талаб қилинади: ТМЗлар чиқим кийматини турли усулларини улар қолдиғига, сотиш таннархига ва удан олинаётган фойдага, шунингдек фойдадан солиққа ҳам бевосита таъсирини аниқлаш.

Масала ечими:

1. Биринчи харид нархларида баҳолаш усули (FIFO) қўлланилганда, сотилган маҳсулот ва давр охирига ТМЗ таннархи, сотишдан олинган фойда ва фойда солиғи қуйидагича бўлади.

Сотишдан тушган даромад 12500000
Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи 13400000
Давр охиридаги ТМЗ (4000 x 800) 3200000
Сотилган маҳсулотлар таннархи 10200000
Сотишдан олинган яппи фойда 2300000
Фойда солиғи 9 % 207000
Соф фойда 2093000

2. Ўртача тортилган киймат усули (AVECO) қўлланилганда, сотилган маҳсулот ва давр охирига ТМЗ таннархи, сотишдан олинган фойда ва фойда солиғи қуйидагича бўлади.

ТМЗ бирлигининг ўртача тортилган қиймати (13400000/19000) 705,3
Сотишдан тушган даромад 12500000
Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи 13400000
Давр охиридаги ТМЗ (4000x 705,3) 2821200
Сотилган маҳсулотлар таннархи 10578800
Сотишдан олинган ялпи фойда 1921200
Фойда солиғи 9% 172908
Соф фойда 1748292

3.Охирги харид нархларида баҳолаш усули (LIFO) қўлланилганда сотилган маҳсулот ва давр охирига ТМЗ таннархи, сотишдан олинган фойда ва фойда солиғи қуйидагича бўлади.

Сотишдан тушган даромад	*12500000*	
Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи	*13400000*	
Давр охиридаги ТМЗ (4000 х 600)	*2400000*	
Сотилган маҳсулотлар таннархи	*11000000*	
Сотишдан олинган ялпи фойда		*1500000*
Фойда солиғи 9%	*135000*	
Соф фойда	*1365000*	

УСУЛЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ

Курсаткичлар	Биринчи харид баҳолари усули бўйича баҳолаш (FIFO)	Ўртача тортилган қиймат усули (AVECO)	Охирги харид баҳолари усули бўйича баҳолаш (LIFO)
Сотишдан олинган даромад	12500000	12500000	12500000
Сотишга тайёр бўлган махсулот таннархи	13400000	13400000	13400000
Давр охиридаги ТМЗ	3200000	2821200	2400000
Сотилган махсулот таннархи	10200000	10578800	11000000
Сотишдан олинган ялпи фойда	2300000	1921200	1500000
Фойда солиғи	207000	172908	135000
Соф фойда	2093000	1748292	1365000

Юқоридаги ҳисоб-китоблар ва таққослама жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг катта ялпи фойда, фойда солиғи ва соф фойда ФИФО усули қўлланилганда олинади. Энг кичик ялпи фойда, фойда солиғи ва соф фойда ЛИФО усули қўлланилганда олинади. Айнан шу боис ҳам, ФИФО усулини қўллаш, ЛИФО усулини қўлламаслик БҲҲС ва БҲМСларида тавсия этилган.

Товар-моддий захираларни ўртача таннархи бўйича баҳолаш Амалиётда корхонанинг ўзида ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар ва товарлар ўртача кирим қиймати (таннархи), шунингдек сотилган тайёр маҳсулотлар ўртача таннархи бўйича ҳам баҳоланади. Ўртача кирим таннархи ва сотиш таннархи турли усулларда махсус ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китоблар қуйида келтирилган.

Тайёр махсулот ва товарлар кирим киймати (таннархи) хисоб-китоби

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	Тайёр махсулот «А»	Товар «М»
1	Давр бошига колдик	-	-
2	Товарларнинг сотиб олиш киймати, минг сўм	-	500
3	Ишлатилган материаллар киймати, минг сўм	120	-
4	ТМЗни ташиб келтириш харажатлари, минг сўм	60	50
5	Бино ижараси, минг сўм	80	20
6	Иш хаки харажатлари, минг сўм	105	25
7	Амортизация, минг сўм	40	12
8	Коммунал хизматлар, минг сўм	32	8
9	Ишлаб чикарилган махсулот сони, дона	100	-
10	Сотиб олинган товар сони	-	50
11	Жами таннарх, минг сўм	437	550
12	Бир бирлик ТМЗ таннархи, минг сўм	4,37	11,0

Тайёр махсулотлар баланси асосида сотилган ва колдик тайёр махсулотлар ўртача таннархини аниклаш хисоб-китоби

Минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Таннархи бўйича	Сотиш бахоси бўйича	Фарки
1	Тайёр махсулотнинг йил бошига колдиги	25000	30000	5000
2	Тайёр махсулот кирими	224000	270000	46000
3	Жами тайёр махсулот	249000	300000	51000
4	1 сўмлик тайёр махсулотнинг сотиш бахосига тўгри келувчи таннарх	X	0,83	
5	Сотилган тайёр махсулот	166000	200000	34000
6	Тайёр махсулотнинг йил охирига колдиги	83000	100000	17000

ТОВАР БАЛАНСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Бош колдик + Кирим = Чиким + Охирги колдик
Бош колдик = Чиким + Охирги колдик – Бош колдик
Кирим = Чиким + Охирги колдик - Бош колдик
Чиким = Бош колдик +Кирим – Охирги колдик
Охирги колдик = Бош колдик +Кирим – Чиким

Товар-моддий захираларни соф сотиш киймати бўйича бахолаш

Товар-моддий захираларнинг соф сотиш киймати - бу товарлар сотилишининг тахминий кийматидир. Товар-моддий захираларни соф сотиш киймати таннарх кайта тикланиши мумкин бўлмаган куйидаги холларда кўлланилади:

- товар-моддий захиралар шикастланганда;

- улар қисман ёки бутунлай эскирганда;
- уларни сотув нархи пасайган ҳолатларда.

Товар-моддий захираларнинг таннархи ёки соф сотиш қиймати бўйича эн кам бўлган бахосини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

(а) **моддалар усули** - товар-моддий захираларни ҳар бир номи бўйич уларнинг баланс қиймати (таннархи) ёки соф сотиш қийматидан энг кичиг танланади;

б) **асосий товар гурухлари усули** - товар-моддий захираларни ҳар би гурухи бўйича уларнинг баланс қиймати (таннархи) ёки соф сотиш қийматида энг кичиги танланади;

(в) **захираларнинг умумий сатхи усули** - товар-моддий захираларн умумий сатхи бўйича уларнинг баланс қиймати (таннархи) ёки соф сотиш қийматидан энг кичиги танланади.

Масала: Айтайлик, маиший-хўжалик товарлари билан савдо қилувч «Савдо маркази» музлаткичларни сотиш билан ҳам шуғулланади. 20__ йил 3 декабрь куни охирига савдо марказида ушбу музлаткичлар қолдиғи қуйидагича дейлик.

№	Гурух	Таннархи	Соф сотиш қиймати
1	А	350000	300000
2	А	360000	360000
3	А	370000	380000
4	А	380000	340000
Жами		**1460000**	**1380000**
5	Б	450000	400000
6	Б	470000	500000
7	Б	500000	450000
Жами		**1420000**	**1350000**
8	В	600000	600000
9	В	700000	800000
10	В	650000	700000
11	В	750000	800000
12	В	800000	900000
Жами		**3500000**	**3800000**
Ҳаммаси		**6380000**	**6530000**

Масала ечими:

Савдо марказидаги музлаткичларнинг таннархи ёки соф сотиш қиймати бўйича энг кам бўлган бахоси асосида балансда акс эттириладиган қиймати юқоридаги усулларда қуйидагича бўлади:

№	Гурух	Таннархи	Соф сотиш киймати	ТМЗ кийматини энг кичик бўйича бахолаш		
				моддалар усули бўйича	асосий товар гурухлари усули бўйича	Захираларнинг умумий сатхи усули бўйича
1	А	350000	300000	300000	1380000	
2	А	360000	360000	360000		
3	А	370000	380000	370000		
4	А	380000	340000	340000		
Жами		**1460000**	**1380000**	**1370000**		
5	Б	450000	400000	400000	1350000	
6	Б	470000	500000	470000		
7	Б	500000	450000	450000		
Жами		**1420000**	**1350000**	**1320000**		
8	В	600000	600000	600000	3500000	
9	В	700000	800000	700000		
10	В	650000	700000	650000		
11	В	750000	800000	750000		
12	В	800000	900000	800000		
Жами		**3500000**	**3800000**	**3500000**		
Хаммаси		**6380000**	**6530000**	**6190000**	**6230000**	**6380000**

Хисоб-китобга изох:

(а) **моддалар усулида** – 6190000 сўм (300000 +360000 +370000 +340000+400000+470000+450000+600000+700000+650000+750000+800000);

б) **асосий товар гурухлари усулида** – 6230000 сўм (1380000+1350000+3500000);

(в) **захираларнинг умумий сатхи усулида** - 6380000 сўм.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ТМЗ соф сотиш кийматини аниклашнинг у ёки бу усулини қўллаш уларнинг баланс кийматига (таннархига) турлича таъсир кўрсатади: Чунончи::

(а) **моддалар усулида** – ТМЗ киймати 190000 сўмга камайтирилади (6190000- 6380000), чунки уларнинг соф сотиш киймати уларнинг таннахидан ушбу суммага кам бўлган бўлади;

б) **асосий товар гурухлари усулида** – ТМЗ киймати 150000 сўмга камайтирилади (6230000- 6380000). чунки уларнинг соф сотиш киймати уларнинг таннахидан ушбу суммага кам бўлган бўлади;

(в) **захираларнинг умумий сатхи усулида** - ТМЗ киймати ўзгаришсиз колади, чунки уларнинг соф сотиш киймати уларнинг таннахига тенг бўлади (6380000 – 6380000 = 0)

Таъкидлаш жоизки, ТМЗларнинг соф сотиш киймати уларнинг таннархидан юкори бўлганда, улар бухгалтерия балансида факат таннархи бўйича акс эттирилади.

ТМЗларнинг соф сотиш киймати уларнинг таннархидан паст бўлг ҳолларда ўртадаги салбий фарк, яъни кийматни пасайтиришдан кўрилган зар сифатида тан олинади ва ушбу сумма ҳисобда куйидагича акс эттирилади:

Дебет «Бошка операцион харажатлар»

Кредит «ТМЗларни ҳисобига мўлжалланган счетлар».

ТМЗларни соф сотиш киймати бўйича баҳолашнинг юкоридаги усулларидан э самаралиси бўлиб моддалар усули ҳисобланади. Чунки бу усул ТМЗлар кийматин балансда энг реал акс эттиради. Бирок колдикда кЎп сонли ТМЗлар мавжуд бўлган моддалар усулини кўллаш мураккаблашади ва кўп вактни талаб килади. Шу боис ҳа кўп сонли ТМЗлар колдиғи мавжуд ҳолларда, одатда, товар гурухлари усулини кўлла амалий жихатдан энг самарали ҳисобланади.

3.ТОВАРЛАР ҲИСОБИНИНГ УЗЛУКСИЗ ВА ДАВРИЙ ТИЗИМЛАРИ

Халкаро ва миллий амалиётда товарлар ҳисобининг иккита бир-бирида фар килувчи тизимлари кўлланилади. Булар:

1.Товарлар ҳисобининг узлуксиз тизими.

2.Товарлар ҳисобининг даврий тизими.

Товарлар ҳисобининг узлуксиз тизими - бу уларнинг кирими ва чикимин батафсил акс эттириш тизимидир. Ушбу тизимда товарлар ҳисоби куйидаг тартибда юритилади.

1.Товарларнинг бош ва охирги колдиғи, шунингдек кирими ва чиқим бевосита ҳар бир операциядан сўнг 2900 «Товарлар» счётида акс эттирилади.

2.Сотилган товарларнинг таннархи ушбу тизимда ҳар бир операцияда кейин топилади ва 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счётининг дебетид 2900 «Товарлар» счёти билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади.

3.Вактинчалик 9120 «Сотилган товарлар таннархи» ва 9020 «Товарларн сотишдан даромад» транзит счётлар ой охирида 9910 «Якуний молияви натижа» счётиг ёпилади, шунингдек охирги счёт, мос равишда, 8710 «Ҳисобо даврнинг таксимланмаган фойда» счётига ёпилади.

4.«Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» ҳамда «Ҳисобот баланси юкорида келтирилган шаклларда очилган счётлар маълумотлари асосид тузилади.

Товалар ҳисобининг узлуксиз тизими куйидаги афзалликларга эга:

1. Қайтариладиган буюртмани вакти ва микдорини танлашда в буюртмачиларни муайян талабларининг тахлилида ҳар бир моддани батафси ҳисоби таъминланади.

2. Ҳакикатда мавжуд бўлган товарларнинг ҳисоб-китоби захирала регистрларини аниклилиги текширилганда кўлланилиши мумкин Нобудгарчилик ва бузилишлар натижасида товар захираларини камайиш сотилган товарлар таннархида яширилмасдан алоҳида аникланиши мумкин.

3.Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳакикатда мавжуд бўлга захираларни инвентарлашни ўтказмасдан тайёрланиши мумкин.

Товарлар ҳисобининг даврий тизими – бу улар кирими катъий ҳужжатлаштириладиган, чикими эса катъий ҳужжатлаштирилмайдиган тизимдир

Ушбу тизимдаги корхоналар ҳисобот даври ичида товарлар ҳисобини қуйидаги тартибда юритадилар:

1.Тларнинг бош ва охирги қолдиғи 2900 «Товарлар» счётида акс эттирилади. Бу счётнинг дебетида улар кирими акс эттирилмайди.

2.Товарлар кирими (хариди) махсус 9140 «Товарлар хариди» счётида юритилади.

3.Инвентаризация асосида товарларнинг ой охиридаги қолдиғи топилади ва у 2900 «Товарлар» счётида қолдиқ сифатида кўрсатилади. Бу счётнинг ой бошига ва ой охиридаги қолдиғи ўртасидаги фарқи унинг дебети (кўпайиши) ёки кредитига (камайиши) ёзилади.

4. Сотилган товаларнинг таннархи ушбу тизимда ҳар бир операциядан кейин топилмайди. У ой охирида қуйидагича топилади:

Сотилган товарлар таннархи	**=**	**ТМЗнинг бош қолдиғи**	**+**	**ТМЗ хариди**	**-**	**ТМЗнинг ой охирида инвентаризацияда аниқланган қолдиғи**

А) «Сотилган ТМЗ таннархи» (9120) счётига 9140 «ТМЗлар хариди» счётининг дебетига ёзилган барча сумма ўтказилади, хариддан ортиқ сотилган товарлар таннархи эса 2900 «Товарлар» счётидан ўтказилади.

Б) ТМЗларни сотишдан олинган даромадлар 9020 «ТМЗни сотишдан даромад» счётининг кредитида «Пул маблағлари» ва «Олинадиган счётлар» счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда ўтказилади.

В) Вактинчалик 9120 «Сотилган ТМЗ таннархи» ва 9020 «ТМЗни сотишдан даромад» транзит счётлар ой охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» счётиг ёпилади, шунингдек охирги счёт, мос равишда, 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойда» счётига ёпилади.

Г) «Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот»ни қуйидаги шаклда тузилади.

Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Сотишдан олинган даромад (тушум)	
2	ТМЗнинг сотиш таннархи (2.1+2.2.- 2.3)	
2.1	Ой бошига қолдиқ	
2.2	Харид	
2.3.	Ой охирига қолдиқ	
3.	Ялпи фойда (1-2)	

Кўриниб турибдики, ТМЗ ларнинг узлуксиз ва даврий ҳисобга олиш тизимлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. ТМЗлар ҳисобининг узлуксиз тизими улгуржи савдо корхоналарида, улар ҳисобининг даврий тизим эса чакана савдо ва умумий овқатлантириш корхоналарида кенг фойдаланилади.

4.ТМЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА ЁРИТИШ

Бухгалтерия ҳисобининг халкаро ва миллий стандартларига мувофик ТМ лар бўйича корхоналар молиявий ҳисоботларида қуйидагилар ёритилиш керак:

(а) товар-моддий заҳираларни баҳолаш учун қабул қилинган ҳисо сиёсати;

(б) товар-моддий заҳиралар туркумланиши бўйича улар баланс қиймати тавсифи;

(в) сабаблари кўрсатган холда ТМЗларни соф сотиш кийматигач аҳамиятли бўлган ҳисобдан чиқаришлар;

(г) ТМЗ лар чиқим қийматини турли усулларда ҳисоблаш натижасид ТМЗнинг баланс қиймати ва уларнинг энг кам бўлган киймати орасидаги фарк

(д) сотилган товар-моддий заҳиралар таннархи;

(е) мажбуриятлар бажарилишининг кафолати сифатида гаровга қўйилга товар-моддий заҳираларнинг баланс қиймати.

7-маъруза	**ОЛИНАДИГАН ВА ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР: (БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИВИЙ ҲИСОБИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЖИҲАТЛАРИ)**

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та

Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза

Маъруза режаси:

1. Олинадиган ва тўланадиган счетларни таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари.
2. Олинадиган счетлар ва шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби.
3. Олинадиган векселлар ва облигацияларнинг ҳисоби.
4. Тўланадиган векселлар ва облигацияларнинг ҳисоби.
5. Кечиктирилган мажбуриятларнинг ҳисоби.
6. Шартли мажбуриятларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиби.

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга олинадиган ва тўланадиган счётлар ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари тўғрисида тушунчалар бериш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
Олинадиган ва тўланадиган счетларни таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари, олинадиган счетлар ва шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби, олинадиган векселлар ва облигацияларнинг ҳисоби, тўланадиган векселлар ва облигацияларнинг ҳисоби, кечиктирилган мажбуриятларнинг ҳисоби, шартли мажбуриятларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибини тушунтириш	Талабалар олинадиган ва тўланадиган счетларни таснифлаш, тавсифлаш ва тан олиш асослари, олинадиган счетлар ва шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоби, олинадиган векселлар ва облигацияларнинг ҳисоби, тўланадиган векселлар ва облигацияларнинг ҳисоби, кечиктирилган мажбуриятларнинг ҳисоби, шартли мажбуриятларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибини билиб оладилар

Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.

Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*

Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*

Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.

Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.

1.ОЛИНАДИГАН ВА ТЎЛАНАДИГАН СЧЕТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ТАВСИФЛАШ ВА ТАН ОЛИШ АСОСЛАРИ

Олинадиган счётлар деганда харидорлар ва буюртмачиларнинг сотил товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар уч шунингдек турли юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум максадла олган маблағлари учун корхона олдидаги дебиторлик қарзлари тушунила Бухгалтерия ҳисобида олинадиган счётларни асосан муддати и характ бўйича акс эттириш тартиби кенг кўлланилади.

Муддат белгиси олинадиган счётларни турли жихатлари бўйи гурухлашга имкон беради, жумладан ҳисобот даврлари, тўлов ва да муддатлари, шунингдек келиб тушиш эҳтимолига кўра.

Ҳисобот даврларига кўра олинадиган счётлар қисқа муддатли (б йилгача) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ) бўлиши мумкин.

Тўлов муддатига кўра олинадиган счётлар тўлов муддати ўтмаган ва тўл муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларга бўлинади. Ўзбекист Республикасида қабул қилинган тартибга асосан 90 кунгача олинмаган счётл муддати ўтмаган, 90 кундан ортиқ муддатда тўланмаган счётлар тўлов муддат ўтиб кетган дебиторлик қарзлари бўлиб ҳисобланади. Республикам конунларига мувофик 90 кундан тўлов муддати ошиб кетган дебиторл қарзларига йўл қўйганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларни рахбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий ва молиявий жазога тортилади.

Даъво муддатига кўра олинадиган счётлар даъво муддати ўтиб кетмаган даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларга бўлинади. Тўлов муддати йилдан ошмаган олинадиган счётлар даъво муддати ўтмаган дебиторл қарзлари, тўлов муддати 3 йилдан ошиб кетган олинадиган счётлар эса даъ муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари бўлиб ҳисобланади. Соли тўловлари бўйича тўлов муддати 5 йилдан ошмаган олинадиган счётлар даъ муддати ўтмаган дебиторлик қарзлари, тўлов муддати 5 йилдан ошиб кетг олинадиган счётлар эса даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари бўли ҳисобланади. Республикамиз қонунларига мувофиқ даъво муддати ўтиб кетг дебиторлик қарзлари балансдан чиқарилиши, даъво муддати ўтиб кетмаг дебиторлик қарзлари асоссиз балансдан чиқарилмаслиги лозим.

Келиб тушиш эҳтимолига кўра олинадиган счётлар келиб тушуш шубҳали ва келиб тушиши шубҳасиз бўлган дебиторлик қарзларга бўлинади.

Шубҳали дебиторлик қарзлар деганда, одатда, инкирозга учраг фаолиятини тўхтатиб қўйган ёки умуман ёпилиб кетган, катта микдор кредиторлик қарзларга эга бўлган, тўлов қобилиятига эга бўлмаган, фаолият учун суд ва прокуратура органлари олдида жавоб бераётган юридик ж жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги қарзлари тушунилади. Шубҳал қарзлар суд органлари орқали ундирилади, ундириш имконияти бўлмаганд корхонанинг зарарига олиб борилади.

Характерига кўра олинадиган счётлар товар характеридаги ва нотова характеридаги дебиторлик қарзларга бўлинади. Товар характеридаг

олинадиган счётларга бевосита товар операцияларига дахлдор бўлган дебиторлик қарзлари, масалан харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари, таъминотчиларнинг олган авансlар бўйича қарзлари киради. Бевосита товар операциялари билан боғлик бўлмаган олинадиган счётлар нотовар характеридаги дебиторлик қарзлари ҳисобланади. Уларга, масалан, ходимларнинг қарзлари, таъсисчиларнинг қарзлари, бюджет ва ижтимоий суғурта органларининг қарзлари ва бошқалар киради.

Дебиторлик қарзлар ҳисоблаш тамойилига мувофиқ хўжалик операциялари юз берган санадан бошлаб тан олинади. Тан олинган дебиторлик қарзлари бошланғич (дастлабки) қийматда ва соф қийматда баҳоланади. Дебиторлик қарзлар бухгалтерия ҳисоби счётларида бошланғич қийматида, баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларида эса соф қийматида акс эттирилади

Дебиторлик қарзларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати деганда уларнинг вужудга келган санасидаги қиймати тушунилади. Ушбу киймат бўлиб, одатда, счёт-фактура ва далолатномаларда кўрсатилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнииг сотиш баҳосидаги қиймати ҳисобланади.

Дебиторлик қарзларнинг соф қиймати деганда харидор ва буюртмачиларга берилган пулли чегирмалар, савдо чегирмалари, улардан қайтиб келган товар-моддий бойликлар, шубҳали қарзлар суммалари айирилиб ташлангандан кейин, шунингдек чет эл валюталари курслари ва миллий валюта курси ўртасидаги фарқлар ҳисобга олиб топилган қиймат тушунилади.

Пулли чегирмалар ёки (сотувдан чегирмалар) – бу жами олинадиган счётлар суммасининг маълум бир қисмини рағбатлантириш воситаси сифатида харидор ва буюртмачилар ихтиёрида қолдириладиган қисми. Бундай чегирмалар, одатда, сотувчи томонидан дебиторлик қарзларни тезроқ ундириб олиш, шубҳали қарзларни вужудга келишининг олдини олиш мақсадларида берилади. Пулли чегирмалар олинадиган счётлар суммасига нисбатан фоизлар кўринишида ёки қатъий суммада белгиланиши мумкин. Масалан, "А" корхона "Б" корхонага товарлар учун 10 кун ичида туловни амалга ошириш шарти билан 5%ли чегирмани таклиф этди, дейлик. Туловнинг энг узок муддати - 30 кун. Туловнинг дастлабки суммаси 10000000 сўм. Ушбу шарт тўлик бажарилса, «Б» корхонага бериладиган пулли чегирмалар (сотувдан чегирмалар) суммаси 500000 сўмни (10000000*5 %) ташкил этади.

Савдо чегирмалари – бу товарларни тезроқ катта миқдорда сотиш мақсадида, шунингдек уларни реклама қилиш мақсадида харидорлар фойдасига сотиб олишда товарнинг сотиш баҳосидан камайтириладиган қисми. Масалан, нархи 5000 сўм бўлган товар, агар у 1,000 донадан ортик хажмда сотилиб олинадиган бўлса, 30% ли чегирма берилади, дейлик. Бу ҳолда бир дона товарнинг тўлов бахоси харидор учун 3500 сўмни ташкил этади (5000 х 0,7).

Қайтарилган товар-моддий бойликлар қиймати – бу харидор ва буюртмачиларга жўнатилган, лекинда маълум сабабларга кўра улар томонидан қайтариб берилган, шунинг учун келиб тушадиган дебиторлик қарзлар суммасидан айириб ташланадиган киймат.

Мажбуриятлар корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахсл олдидаги қарзларини билдиради. Мажбуриятларни тўланадиган счётлар ҳа деб атайдилар.

Тўланадиган счётлар - одатий фаолият натижасида такрорланадига савдо мажбуриятлари учун мўлжалланган мол етказиб берувчилар билан хисо китоблардир. Бу мажбуриятлар корхонанинг асосий фаодияти давомид вужудга келиб, товар ва материалларни сотиб олиш, етказиб беришн шунингдек корхона товар ва хизматларини ишлаб чиқараётганда ва сотаётганд фойдаланадиган хизматларни ўз ичига олади. Савдо счётлари таърифига тўғр келмайдиган бошқа барча кредиторлик қарзлари (масалан, даромад солиғи в узоқ муддатли қарзнинг жорий қисми) тўланадиган счётлардан алоҳид кўрсатилиши керак.

Мажбуриятлар ёки тўланадиган счётлар деб тан олиниши учун ула қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

• Мажбуриятлар юз бериб ўтган вокеа ва ходисалар, хўжалик операциялар натижаси бўлиб хисобланиши керак. Масалан, корхонанинг таъминотчила олдидаги мажбуриятлари улардан товар-моддий бойликларни тўловни келгусида амалга ошириш шарти билан олинганлиги натижасида вужудга келади ёки корхонанинг ўз ходимлари олдидаги қарзи уларга килган мехнатлари учун иш хакини хисобланиши натижасида пайдо бўлади.

• Мажбуриятлар суммаси аник ўлчанадиган ва шубха туғдирмайдига бўлиши керак. Мажбуриятлар суммасини ўлчаш уларни юз берган вактида намоён бўлган хаккоий қийматларида, келгуси даврларда эса валюталар курсларидаги ўзгаришлар билан қайта хисобланган дисконтланган кийматларда баҳолаш йўли билан амалга оширилади. Мажбуриятларнинг шубха туғдирмаслиги уларнинг хужжатли асосга эга бўлишлиги билан кафолатланади.

• Мажбуриятларни вужудга келтирган хўжалик муносабатлари, активлар, бажарилган ишлар ва хизматлар келгусида корхонага иқтисодий манфаат олиб келиши лозим.

• Мажбуриятларни хисобда туриши ва хисобдан чикарилиши, қайтарилиши ёки тўланиши вакт бўйича чегараланган бўлиши керак. Белгиланган муддатларда қайтарилмаган мажбуриятлар корхонага жарималар тўлаш натижасида қўшимча зарарлар келтириши ва қўшимча мажбуриятларни вужудга келишига сабабчи бўлиши мумкин.

Корхоналарнинг мажбуриятларини хпи турли белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

Муддатига кўра корхона мажбуриятлари узоқ ва киска муддатли турларга бўлинади. Узоқ муддатли мажбуриятларга бир йилдан кўп муддатга олинган банк кредитлари ва бошқа шахслардан олинган қарзлар киради. Киска муддатли мажбуриятларга мудлати бир йилдан ошмайдиган барча бошқа қарзлар (тўланадиган счётлар) киради.

Характерига кўра барча мажбуриятлар товар характеридаги ва нотовар характеридаги мажбуриятларга бўлинади. Товар характеридаги мажбуриятларга таъминотчилар ва пудратчилар олдидаги қарзлар,

харидорлардан олинган авансlар бўйича қарзлар киради. Нотовар характеридаги мажбуриятларга корхонанинг иш хақи, суғурта, солиқ ва ажратмалар бўйича қарзлари, таъсисчилар ва бошка кредиторлар олдидаги қарзлари киради.

Тўлов муддатига кўра мажбуриятлар жорий ва муддати узайтирилган мажбуриятларга бўлинади. Жорий мажбуриятларга хисобот давр тугаши билан тўланадиган қарзлар, масалан, иш хаки, иш хаки фондидан ажратмалар ва ушланмалар, соликлар ва бошка тўловлар бўйича қарзлар киради. Муддати узайтирилган мажбуриятларга тўлов муддати хукумат ёки турли кредиторлар томонидан маълум вақтгача кечиктирилган қарзлар, масалан соликлар, мажбурий ажратмалар ва бошка тўловлар киради.

2. ОЛИНАДИГАН СЧЕТЛАР ВА ШУБҲАЛИ ҚАРЗЛАРНИ ХИСОБДАН ЧИҚАРИЛИШНИНГ ҲИСОБИ

Корхоналарда ТМЗ, ишлар ва хизматлар накдсиз пулга сотилганда (бажарилганда ва кўрсатилганда) шубҳали қарзлар пайдо бўлиши мумкин. Бу холат ҳисоб ва хисоботда шубҳали олинадиган счётларни, яъни қарзларни акс эттиришни такозо этади. Халқаро ҳисоб таълимотига мувофик, шубҳали олинадиган счётлардан кўриладиган зарарлар сотиш амалга оширилган ҳисобот даврида тан олиниши лозим. Тахмин қилинган олинадиган счётлар *шубҳали қарзларга харажатлар каби*, одатда, операцион фаолият харажатлари сифатида акс эттирилади.

Агарда шубҳали олинадиган счётлар кутилмаётган бўлса, у холда бундай қарзларни алохида ҳисобини юритиш талаб этилмайди. Бу холатда ундирилиш имкони бўлмаган қарз шубҳали қарз сифатида тан олинган даврида ҳисобдан чикарилади. Бу ёндошув *бевосита ҳисобдан чиқариш усули* дейилади.

Агарда корхонада шубҳали олинадиган счётларнинг кутилиши бошкарув сиёсатининг муҳим элементи ҳисобланса, у холда бундай қарзларни алохида ҳисобини юритиш талаб этилади. Бу холатда ундирилиш имкони бўлмаган қарзлар шубҳали карз сифатида тан олинади ва уларни ҳисобдан чиқариш учун махсус резерв ташкил этилиши мумкин. Ушбу максадда ташкил қилинган резерв бухгалтерия ҳисобида махсус «Шубҳали қарзлар учун резерв» счётида акс эттирилади. Бу счёт олинадиган счётларга контрсчётдир. Шубҳали қарзларни ташкил қилинган резерв ҳисобидан чикарилишига *қарзларни билвосита ҳисобдан чиқариш усули* дейилади.

Корхонада шубҳали қарзларни билвосита ҳисобдан чикариш усули кўлланилганда соф дебиторлик қарз олинадиган счётлар қолдиғидан шубҳали карзлар учун резервлар қолдигини айириш орқали топилади.

Шубхали карзларни бахолаш

Халқаро амалиётда шубҳали қарзларни бахолашнинг иккита усули кенг кўлланилади:

-соф кредитга сотишдан фоиз усули;

-тўлов муддати бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш усули.

Биринчи усулнинг мақсади шубҳали дебиторлик қарзлари натижасида пайдо бўладиган харажатларни аниқ ўлчаш ҳисобланади. Иккинчи усулнинг мақсади - дебиторлик қарзларнинг соф қийматини ўлчашдир.

Соф кредитга сотишдан фоиз усули

Ушбу усулда аввалги йилларнинг маълумотларига асосланиб соф кредитга сотиш ва шубҳали қарзлардан олинган ҳақиқий зарарларнинг ўртача фоизи ҳисобланади. Сўнгра, шубҳали қарзлар қийматини аниқлаш мақсадида ушбу фоиз ҳисобот давридаги ҳақиқий соф сотиш қийматига қўлланилади.

Мисол: Айтайлик, корхонанинг охирги уч йилдаги сотиш хажми ва шубҳали қарзлари қуйидагича бўлган.

Йил	Сотиш, млн.сўм	Шубҳали қарзлар буйича зарарлар, млн. сўм	Фоиз
20X1	520	10	1.96
20X2	600	14	2.34
20X3	580	10	1.69
Жами	**1700**	**34**	**2.00**

Ҳисобот йилида корхонанинг сотиш хажми 700 млн.сўмни ташкил этди, сотилган товарларни қайтарилиши 30 млн сўм, берилган чегирмалар 25 млн.сўм, шубҳали қарзлар учун резерв счётининг ҳисобот даври бошига қолдиғи 4 млн.сўм. Корхона рахбарияти, ҳисобот йилда хам сотишдаги шубҳали қарзлар улушини 2 % миқдорида бўлишини тахмин қилмокда.

Юқоридагилар асосида ҳисобот даври учун қўшимча ҳисобланадиган шубҳали қарзлар учун резерв суммаси 12,9 млн.сўмни ташкил қилади (700 - 30 – 25) *2 %/100%).

Ҳисобот йилида юқоридаги хисоб-китоблар асосида ташкил қилинган шубҳали қарзлар учун резерв суммасига қуйидаги ёзув қилинади:

Шубҳали қарзлар бўйича харажатлар 12,900

Шубҳали қарзлар учун резерв 12,900

Ҳисобот йили охирида "Шубҳали қарзлар учун резерв" счётининг қолдиғи 16,9 млн. сўмни ташкил этади.

Тўлов муддати бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш усули

Бу усул соф дебиторлик карзининг ҳисоб қолдиғига асосланган. Унга кўра кутилаётган шубхали карз буйича фоизни аниқлаш учун аввалги маълумотлардан фойдаланилади. Ушбу усулнинг асосий максади олинаётган счётларнинг соф таннархи - олиниши кутилаётган пул миқдорини бахолашдан иборат. Кредитга соф сотишдан фоиз усулидан фаркли ўларок, тулов муддати

буйича олинадиган счётларни бахолаш усули, дебиторлик карзларининг соф таннархини хисоблаш учун керакли булган шубхали карзлар резервининг якуний колдигини хисоблашга имкон беради. Шубхали карзлар резервининг мавжуд колдиғи талаб килинадиган колдикка мувофик булиши учун хисобот даврида етишмаётган резерв суммасига ёки унинг ортикча хисобланган суммасига тузатиш ёзувлари килинади. Шубхали карзларни кўпайиш томонига тузатилиши харажатлар счётининг дебетида ва резервлар счётининг кредитида акс эттирилади. Шубхали карзларни камайиш томонига тузатилиши харажатлар счётининг дебетида ва резервлар счётининг кредитида сторно усулида акс эттирилади.

Шубхали карзлар буйича резервнинг керакли колдиғини хисоблаш учун умумий дебиторлик карзларга нисбатан ягона ажратма ставкаси ёки алохида олинадиган счётлар муддатига асосланган бир неча ставкалар усуллари кўлланилади. Амалиётда иккинчи усулга кўпрок мухим усул сифатида каралади, чунки у шубхали карзлар учун резерв суммасини хакикатга якин микдорда хисоблашга имкон беради.

Шубхали карзлар учун резервни тўлов муддати бўйича дебиторлик карзларни хисобга олиш усулида хисоб-китоб килиш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Биринчидан, корхонанинг барча олинадиган счётлари уларнинг тўлов муддатлари бўйича гуруҳлаб чикилали ва уларнинг суммалари топилади. Гуруҳлаш негизига тўловларнинг куйидаги муддатлари олинади:

*тўлов муддати келмаган,

*муддати 1 кундан 30 кунгача ўтган,

*муддати 31 кундан 60 кунгача ўутган,

*муддати 60 кундан 90 кунгача ўтган,

*и муддати 90 кундан ўтган.

Иккинчидан, корхонанинг барча тўлов муддатлари бўйича гуруҳлаб чикилган олинадиган счётлари бўйича шубҳали резервга ажратма ставкаси белгиланади. Бунда канчалик тўловлар муддати кўп ўтиб кетган бўлса, шунчалик ажратмани юкори ставкада, улар канчалик кам бўлса, мос равишда, ставкани кичик белгилаш лозимдир. Ушбу стакаларни корхонанинг хисоб сиёсати билан белгилаш максадга мувофикдир.

Учинчидан, корхонанинг барча тўлов муддатлари бўйича гуруҳлаб чикилган олинадиган счётлари бўйича шубҳали резервга ажратманинг алохида ва жами суммалари топилади.

Тўртинчидан, корхонанинг барча тўлов муддатлари бўйича гуруҳлаб чикилган олинадиган счётлари бўйича шубҳали резервга ажратманинг жами суммаси «Шубҳали карзлар учун резервлар» счётининг мавжуд колдиғи билан таккосланади хамда кўшимча резервга зарурат ёки унинг ортикча мавжуд суммаси аникланади.

Бешинчидан, корхонада хисобот даврда резервга кўшимча ажратма суммасига ёки унинг ортикча мавжуд суммасини камайтирилишига тегишли бухгалтерия ёзуви берилади.

Мисол: Айтайлик, корхонада йил бошида олинадиган счётлар қолди тахлилий маълумотлар бўйича қуйидагича:

Харидорлар гуруҳлари	Дебиторлик қарз суммаси	Тулов муддати келмаган	1 кундаи 30 кунгача муддати ўтган	31 кундан 60 кунгача муддати ўтган	61 кундан 90 кунгача муддати ўтган	90 кундан ортиқ муддати ўтган
А	1450	1450				
Б	400			400		
В	4.000	2000	2000			
Г	950				950	
Д	73.000	61000	4000	3000	3000	2000
Жами	**79800**	**64450**	**6000**	**3400**	**3950**	**2000**

Қўшимча маълумотлар:

1. Шубҳали қарзлар учун резервга ажратма қуйидаги ставкалар белгиланган (фоизда):

Тулов муддати келмаган	1 кундан 30 кунгача муддати ўтган	31 кундан 60 кунгача муддати ўтган	61 кундан 90 кунгача муддати ўтган	90 кундан ортиқ муддати ўтган
1.0	**2.0**	**10.0**	**30.0**	**50.0**

2. Корхонада йил бошида счётлар қолдиғи қуйидагича:

Счёт	Счётнинг номи	Сумма, сўм
4010	Олинадиган счётлар	79800000
4910	Шубҳали қарзлар	3259500

3.Корхонада шубҳали қарзлар учун резерв суммасини дебиторлик қарзларнинг тўлов муддатлари бўйича юқоридаги ставкаларда ҳисоблаш усулини қўллаб, ҳисобини юритади.

4. Биринчи чоракда «Д» гуруҳга кирувчи 2 та харидорнинг 2000 минг сўмлик қарзи (муддати 90 кундан ошиб кетган) ҳисобдан чиқарилган.

5. «Д» гуруҳга кирувчи харидорнинг январь ойида ҳисобдан чиқарилган 4000 минг сўмлик шубҳали қарз (муддати 30 кундан ортган) март ойида келиб тушган.

Талаб қилинади:

1.Шуҳбали қарзлар учун резервни 1-чорак учун тўлов муддати бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш усули бўйича ҳисоб-китоб қилиш.

2. Шубҳали деб топилган 2 та харидорнинг қарзини резерв ҳисобидан ҳисобдан чиқариш.

3. Ўтган йили ҳисобдан чиқарилган 4000 минг сўмлик шубҳали қарзни тўлаш тўғрисида харидордан ёзма кафолат келиб тушганлиги сабабли уни дебиторлик қарзлар сафига тиклаш.

4. «Шубҳали қарзлар резерви» счётини 1-чорак бўйича юритиш ва унинг 1-чорак охирига қолдиғини топиш.

Масала ечими

1.Шуҳбали қарзлар учун резервни 1 апрел холатига қуйидагича ҳисоб-китоб килинади.

Шуҳбали қарзлар учун резерв суммасининг ҳисоб-китоби

Дебиторлик қарзлар гурухлари	Дебиторлик қарзлар суммаси	Шубҳали саналган қарзлар фоизи	Шубҳали қарзлар резерви
Муддати етиб келмаган	64450	1	644,5
01-30 кун	2000	2	40
30-60 кунгача	3400	10	340
61-90 кунгача	3950	30	1185
90 кундан ортик	-	50	-
Жами	**73800**		**2209,5**

2.Келиб тушган шубҳали қарз суммасига дебиторлик қарз камайтирилишига қуйидаги ёзув килинади.

Дебет 5110 Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари – 4000000

Кредит 4010 «олинадиган счётлар -4000000

3.Ҳисобдан чиқарилган шубҳали қарз 4910 «Шубҳали қарзлар резерви» счётининг дебетида акс эттирилади.

Дебет 4910 «Шубҳали қарзлар резерви» – 2000000

Кредит 4010 «Олинадиган счётлар -2000000

4. Чорак охирида 4910 «Шубҳали қарзлар резерви» счётининг кредитида юқоридаги ҳисоб-китоб бўйича топиладиган резерв суммасига етишмаган сумма акс эттирилади – 950 минг сўм [2209,5 – (3259,5-2000)].

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» – 950000

Кредит 4910 «Шубҳали қарзлар резервлари» -950000

3.ОЛИНАДИГАН ВЕКСЕЛЛАР ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Олинадиган вексел - бу маълум муддат ичида маълум суммани тўлаш бўйича ёзма мажбуриятдир. Векселни имзолаган ва шу билан вексел бўйича тловни уз зиммасига олган шахс вексел берувчи деб аталади. Вексел бўйича тўловни оладиган шахс ремитент деб аталади. Агар векселнинг тулов муддати бир йилдан кам булса, у холда ремитент уни *олинадиган векселлар* сифатида

балансниng ликвидли активлар бўлимида акс эттириши керак, вексел берувч эса уни *берилган векселлар* сифатида жорий мажбуриятлар бўлимида ак эттириши керак.

Одатда, олинадиган векселлар қуйида келтирилган сабабларга кўр қўлланилади:

- тулов муддатининг узайтирилиши, яъни тўлов муддати ўтиб кетга олинадиган счётларнинг копланиши учун;
- счёт-фактура ва бошка хужжатларга нисбатан карзни тасдикловч мухимрок далил эканлиги учун;
- фоизларни ундириб олишга расмий асос бўла олиши учун;
- муомалага чикариш имконининг мавжудлиги учун.

Векселларни *фоизли* ва *фоизсиз* векселларга ажратиш мумкин. Фоизл векселлар фоизлар тўлашни ҳисоблашда номинал қийматга қўлланиладига фоиз ставкасини ифодалайди. Фоизсиз векселларда фоиз ставкас кўрсатилмайди, лекин у умумий суммадан юкори бўлган номинал кийма оркали ифодаланади.

Ўз навбатида, фоизли векселлар талаб қилинган пуллик тўловларга мо ҳолда икки турга ажралади:

(1) *оддий векселлар*- якуний тўловдан бошка, факат фоизларнинг пуллик тўловлари;

(2) *мураккаб векселлар*- пуллик тўловлар ўз ичига фоизларни ҳамда асосий суммани олади.

Оддий векселлар ҳисобини юритишда қуйидагилар мухим аҳамиятга эга:

- коплаш муддати,
- векселнинг муомала муддати,
- ссуда фоизи ва фоиз ставкаси,
- тўлов суммаси,
- векселнинг ҳисоби ва ҳисоб ставкаси,
- ҳисобга олинган векселнинг тўлови.

Коплаш муддати - векселнинг тўлов санасидир. У тўгридан-тўгр векселда ёки бошка йўл билан кўрсатилади. Векселлар бўйича қуйидаги тўло саналари кўпрок кўрсатилади:

- векселнинг расмийлаштириш санасидан бошлаб муомалада бўладига ойлар сони;
- векселни расмийлаштириш санасидан бошлаб муомалада бўладига кунлар сони.

Векселнинг муомала муддати кунларда календар кунлар сонига кара аникланади. Масалан, 10 майдан то 10 августгача ёзилган векселнинг муомал муддати 93 кунни ташкил этади.

Майда колган кунлар	22
Июндаги кунлар	30
Июлдаги кунлар	31
Августдаги кунлар	10
Жами кунлар	**93**

Ссуда фоизи ва фоиз ставкаси кредитдан фойдаланганлиги учун тўловни ёки берилган кредит учун мукофотни акс эттиради.

Ссуда фоизининг даражаси учта омилга боғлиқ: векселнинг номинал қиймати, фоиз ставкаси ва кредитнинг муддати.

Векселнинг номинал қиймати - бу векселда кўрсатилган пул суммасидир. Бу суммага векселнинг муомаладаги муддатининг охирида тўланадиган фоизлар суммаси қўшилмайди. Агарда эълон қилинган фоиз ставкаси бозор фоиз ставкасига тенг бўлса, векселнинг асосий суммаси номинал қийматга тенг бўлади. Векселнинг айланиш муддати давомидаги умумий фоиз кўринишидаги даромад келиб тушган пул тушумлари умумий суммасидан номинал (асосий) сумманинг айирмасига тенгдир.

Вексел бўйича фоиз тўлови суммаси қуйидаги формула асосида топилади:

Фоиз тўлови = Асосий сумма х Фоиз ставкаси х Муддат

Асосий сумма – бу векселнинг номинал қиймати.

Вексел бўйича умумий қарз суммаси вексел бўйича асосий сумма ва тўланадиган фоизлардан иборат.

Векселда кўрсатилган фоиз ставкаси уларнинг бозор ставкасига тенг бўлмаслиги мумкин. Агар эълон қилинган ставка ва бозор ставкаси мос келмаганида, векселни баҳолаш ва фоиз бўйича даромадни ўлчаш учун бозор ставкаси қўлланилади.

Бозор ставкаси - бу вексел берувчи ва вексел олувчи тарафидан қабул қилинган ставкадир.

Фоиз ставкалари, одатда, йиллик базисга асосланади. Масалан, 8% ставкали, тўлов муддати бир йил бўлган 1000000 сўмлик вексел бўйича ссуда фоизи қуйидагича ҳисобланади:

1000000х8%/100х1 йил = 80000 сўм

Агар векселнинг муддати бир йил эмас, 3 ой бўлса, ссуда фоизи қўйидагича топилади:

1000х8%/100х3/12 = 20000 сўм

Векселларнинг ҳисоби бўйича бухгалтерия ёзувлари

1.Векселнинг олиниши. Айтайлик, дебиторлик қарзни қоплаш ўрнига харидордан йиллик 12%лик 1000000 сўмлик вексел 30 кунга олинди.

Олинган векселлар *1000000*

Олинадиган счётлар *1000000*

2.Вексел бўйича фоиз тўлови суммасига – 10000 сўмга (1000000*12*1/12):

Олинадиган фоизлар *10000*

Фоиз кўринишидаги даромадлар *10000*

3.Векселнинг ва фоиз тўловларининг келиб тушишига:

Пул маблағлари *1010000*

Олинган векселлар *1000000*

Олинадиган фоизлар *10000*

4.Белгиланган муддатда вексел кийматини тўлашдан бош тортилганда:

Олинадиган счётлар 1000000

Олинадиган фоизлар 10000

Олинган векселлар 1000000

Фоиз кўринишидаги даромадлар 10000

Олинадиган облигациялар – корхона томонидан бошка компаниялар ва давлат ташкилотларининг катта суммаларда чикарилган карз гувохномаларин гувохловчи облигацияларига маълум шартларда киритилган маблағлардир. Дема олинадиган облигациялар корхоналар молиявий инвестицияларининг мухи туридир.

Бухгалтерия хисобида сотиб олинган облигациялар 0610 «Қимматл қоғозлар» счётида хисобга олинади. Сотиб олувчиларда облигациялар ушб счётда уларнинг номинал киймати, шунингдек чегирма ва устамалар эътибор олинган кийматлари бўйича акс эттирилади.

Облигацияларни номинал қиймати бўйича сотиб олиш операцияларининг хисоби

Айтайлик, «А» компанияси хисобот йилнинг 1 январида тижорат банкининг 9 %ли облигацияларни 10 000 000 сўмга 5 йил муддатга сотиб олди, фоизлар би йилда икки маротаба, яъни 1 июл ва 31 декабрда тўланиши керак. Облигациял номинал қиймати бўйича чикарилган ва сотилган.

Облигацияларни номинал қиймати бўйича сотиб олинишига қуйидаги ёзу килинади:

1 январда:

«Қимматли қоғозлар» 10 000 000

Пул маблағлари 10 000 000

Фоизлар хисобланиши:

Фоиз суммаси = Қимматли қоғозларнинг номинал кийматидаги суммаси х Фоиз ставкаси х Муддат

1 июлда ва 31 декабрда фоиз суммаси 450000 сўмни (10 000 000 х 0,09 х 1/2) йиллик фоиз даромади 900000 сўмни (450000*2) ташкил этади. Мос равишда, июлда ва 31 декабрда облигациялар бўйича олинадиган фоиз суммаларига қуйидаг ёзув қилинади:

Олинадиган фоизлар 450000

Фоиз кўринишидаги даромадлар 450000

Олинадиган фоизлар келиб тушганда, улар суммасига қуйидаги ёзув килинади:

Пул маблағлари 450 000

Олинадиган фоизлар 450000

Сотиб олинган облигациялар эгасига кайтарилганда қуйидаги ёзув килинади:

Пул маблағлари 10 000 000

«Қимматли қоғозлар» 10 000 000

Облигацияларни чегирма билан сотиб олиш операцияларининг ҳисоби

Агар корхона томонидан сотиб олинган облигацияларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, яъни улар чегирмалар билан сотиб олинса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда облигацияларнинг харид қиймати ва чегирма суммаси алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади. Бунда, чунончи, облигацияларнинг харид қийматига қуйидаги ёзувлар қилинади:

Дебет *«Қимматли қоғозлар»*

Кредит *Пул маблағлари*

Облигацияларнинг харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми, яъни чегирма суммаси ҳисобда иккита усулларнинг бири бўйича акс эттирилади:

*бевосита усул;

*билвосита усул.

Бевосита усулда облигациялар харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда бир маромда ҳисобланган чегирма суммасига тўғридан-тўғри қуйидагича ёзувлар амалга оширилади:

Дебет "Қимматли қоғозлар"

Кредит "Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари".

Билвосита усулда облигацияларнинг харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ, яъни чегирма суммаси дастлаб, муддати узайтирилган даромадлар сифатида тан олинади ва унга қуйидагича ёзувлар амалга оширилади:

Дебет "Қимматли қоғозлар"

Кредит "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар".

Облигациялар бўйича узоқ муддатли дисконт (чегирма)лар жорий қисмга ўтказилганда қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

Дебет "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар"

Кредит "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги қисқа муддатли кечиктирилган даромадлар".

Мос равишда, облигациялар харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда чегирма суммаси бир маромда жорий давр даромадига ўтказилганда қуйидагича ёзувлар амалга оширилади:

Дебет "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги киска муддатли кечиктирилган даромадлар"

Кредит "Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари".

Облигацияларни устамалар билан сотиб олиш операцияларининг ҳисоби

Агар корхона томонидан сотиб олинган облигацияларнинг харид киймати уларнинг номинал кийматидан юқори бўлса, яъни улар устама билан сотиб олинса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид киймати ва номинал киймати ўртасидаги фарқ қисми – устама суммаси алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади. Бунда облигацияларнинг харид кийматига юқорида келтирилган ёзув қилинади.

Облигацияларнинг харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми, яъни устама суммаси худди чегирма суммаси каби ҳисобда бевосита ва билвосита усулларнинг бири бўйича акс эттирилади.

Бевосита усулда облигациялар харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда бир маромда ҳисобдан чиқариладиган устама суммасига "Молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари" счётининг дебети ва "Қимматли қоғозлар" счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Билвосита усулда облигацияларнинг харид киймати ва номинал киймати ўртасидаги фарқ, яъни қўшимча устама суммаси дастлаб, муддати узайтирилган харажатлар сифатида тан олинади ва унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар"

Кредит "Қимматли қоғозлар".

Облигациялар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатларга ўтказилган устаманинг жорий қисмига "Бошқа қисқа муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти дебетланади ва "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти кредитланади. Мос равишда, облигациялар харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда тўланган устама суммаси бир маромда жорий давр молиявий харажатларига ўтказилганда "Молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари" счётининг дебети ва "Бошқа қисқа муддатли кечиктирилган харажатлар" счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

4.ТЎЛАНАДИГАН ВЕКСЕЛЛАР ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Тўланадиган векселлар – бу тўланадиган счётларнинг бир тури бўлиб, улар хўжалик муомалалари натижасида пайдо бўладиган мажбуриятларга гувохлик берувчи расмий ҳужжатдир. Халқаро амалиётда савдо вексели ва бошқа хўжалик муомаласи натижасида келиб чиқадиган носавдо вексели кенг қўлланилади. Тўлов муддатига кўра тўланадиган векселлар узоқ муддатли ва қисқа муддатли векселларга бўлинади.

Тўланадиган векселлар фоизли ва фоизсиз бўлиши мумкин. Фоизли векселда фоиз ставкаси вексел суммасидан алоҳида кўрсатилади. Фоизсиз векселларда эса, фоиз дисконтни белгилаш йўли билан олдиндан тўланади, уларда ҳаққоний фоиз ставкаси ёки фоиз даромади деб аталадиган фоиз меъёри билвосита акс эттирилади.

Қандай номланишидан қатъий назар ҳамма қарз воситалари бевосита ёки билвосита қарздор томонидан фоизлар тўлашини талаб қилади. Бу вақт ўтиши билан пулнинг қадрсизланиши олдини олиш учун қилинади.

Қарз мажбурияти бўйича даврий фоиз суммаси қуйидагича аниқланади:

Фоиз суммаси = Асосий суммаси х Фоиз ставкаси х Вақт

Белгиланган фоиз ставкаси - бу қарз ҳужжатида кўрсатилган фоиз меъёридир. Белгиланган фоиз ставкаси қарзнинг асосий суммаси учун тўланадиган фоиз тўловларининг суммасини аниқлайди. Молиявий бозорда фоиз ставкалари умумий иқтисодий вазиятга мувофиқ белгиланади ва вақт давомида ўзгаради, шунингдек фоиз ставкалари кредитнинг муддатига ҳам боғлиқ бўлади.

Қарз бўйича ҳаққоний фоиз ставкаси - бу ушбу даврга маблағларни қарзга олишдаги бозор фоиз ставкасидир. Ҳақиқий фоиз ставкаси қарзнинг келгуси пул тўловларини дисконтлаш учун қўлланилади. Қарздор томонидан олинган пул маблағлари ёки пул эквивалентлари суммасига ҳақиқий фоиз ставкаси қўлланилади. Қарзнинг тўлик суммаси - бу қарзни қайтаришнинг охирги кунига ҳар қандай фоиз тўловлари чегирилгандан кейинги тўланиши лозим бўлган суммадир.

Фоизли векселга мисол. Айтайлик, «А»корхонада ўз қарзини вексел билан тўлашдан бошқа имкони йўқ. У «Б» корхонага 1000000 сўмлик қарзи учун 1 ноябрда тўлов муддати келгуси йилнинг 1 январида тугайдиган йиллик 12 % ставкадаги векселни тақдим этди. Бу хужалик муомаласини акс эттириш учун қуйидаги ёзувлар талаб этилади:

1 ноябрда

Тўланадиган счётлар *1000000*

Тўланадиган вексел *1000000*

30 ноябрда – фоиз тўловлари суммасига:

Фоизлар бўйича харажат (1000 000) х (12%) х (1 /12) *10000*

Ҳисобланган фоизлар *10000*

31 декабрда тўланадиган фоизлар суммасига (10000 сўмга) юқоридагидек ёзув яна берилади.

Келгуси йилнинг 1 январида ҳам вексел қиймати, ҳам фоизлар тўланганда:

Тўланадиган вексел *1000000*

Ҳисобланган фоизлар *20000*

Пул маблағлари *1020000*

Тўланадиган облигациялар. Акциядорлик компаниялари ўз фаолиятини ривожлантириш учун катта суммалардаги маълум муддатлардан кейин қайтариладиган ва маълум фоиз тўловлари тўлаш шарти тўланадиган облигацияларни чиқаришлари мумкин.

Чиқарилган облигациялар уларнинг номинал қийматида, чегирма билан (номинал қийматидан паст нархда) ва мукофот билан (номинал қийматидан юқори нархда) сотилиши мумкин.

Облигацияларни номинал киймати бўйича сотиш операцияларининг ҳисоби

Айтайлик, «А» компанияси ҳисобот йилнинг 1 январида 9 %ли облигацияларни 100000000 сўмга 5 йил муддатга чиқарди, фоизлар бир йилда икки маротаба, яъни 1 январ ва 1 июлда тўланиши керак. Облигациялар номинал киймати бўйича чиқарилган ва сотилган.

Облигацияларни номинал киймати бўйича сотилишига қуйидаги ёзув килинади:

Пул маблағлари *100000000*

Тўланадиган облигациялар *100000000*

Фоизлар ҳисобланиши:

Фоиз суммаси = Қарз суммаси х Фоиз ставкаси х Муддат

100000000 х 0.09 х 1/2 йил = 4500000

Номинал кийматида чиқарилган облигацияларга ҳисобланган фоиз суммасига қуйидаги ёзув килинади:

Фоиз бўйича харажатлар *4500000*

Тўланадиган фоизлар *4500000*

Облигацияларни чегирма билан (номинал кийматидан паст нархда) сотишнинг ҳисоби

Агар бозор фоиз ставкаси белгиланган фоиз ставкадан ортиқ бўлса, облигациялар чегирма билан (номинал кийматидан паст нархда) сотилади.

Айтайлик, «А» компанияси томонидан 100 млн. сўмга чиқарилган 1000 дона облигациялар ҳар бирининг номинал киймати -100000 сўм, қайтариш муддати 5 йил, йиллик фоиз ставкаси 9% фоиз. Бироқ облигацияларнинг бозор ставкаси 10 %. Фоизлар бир йилда икки маротаба, яъни 1 январ ва 1 июлда тўланади.

Облигацияни чегирма билан сотилиши ҳисобини юритиш учун, дастлаб қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

1. Дастлаб, 100000 сўмлик облигация бўйича 5 йил мобайнида ҳар йили икки марта бир миқдорда доимий тўлаб бориладиган фоиз суммаси (аннуитет) топилади. Бизнинг мисолимизда у бир дона облигация бўйича 4500 сўмни (100000*9/2), жами сотилган акциялар бўйича эса 4500000 сўмни (1000*4500) ташкил этади.

2. Энди, 100000 сўмлик облигация бўйича аннутитетнинг ва облигациянинг бозор ставкаларидаги жорий кийматлари топилади.

Номинал киймат ва ставкаларда чиқарилган облигациялар бир донасининг бозор ставкаси бўйича сотиш киймати (**Обк**) қуйидагича топилади:

$$Обк = (А*К^1 + Онк*К^2)$$

Бу ерда: **А** –ҳар бир тўлов муддатида бир хил миқдорда тўлаб бориладиган фоиз тўлови (аннуитет) суммаси; $К^1$ - аннуитетнинг жорий кийматини топиш коэффициенти (2- иловага мувофик топилади); **Онк** – облигациянинг номинал

киймати; K^2 - облигациянинг номинал кийматининг дисконтланган (жорий) кийматини топиш коэффициенти (1-иловага мувофик топилади).

Бу сумма бизнинг мисолимизда 96149 сўмни ташкил этади (4,500 x 7.7217 + 100,000 x 0.6139).

3.Юкоридаги маълумотлар асосида облигация бўйича чегирма суммаси топилади. Бизнинг мисолимизда у бир дона облигация бўйича 3851 сўмни (100000- 96149), жами облигациялар бўйича эса 3851000 сўмни (1000*3851) ташкил этади.

Облигациялар бўйича тўланадиган фоиз тўловлари хам, улар бўйича харидорларга берилган чегирмалар хам сотувчи корхона учун харажат хисобланади. Улар бўйича тўланадиган асосий фоиз тўловлари хисобот даврининг молиявий фаолиятига доир харажатларига тўғридан-тўғри олиб борилади ва хисобда куйидагича акс эттирилади:

Дебет 9610 *"Фоиз бўйича харажатлар"* *4500000*

Кредит 6920 *"Тўланадиган фоизлар"* *4500000*

Облигациялар бўйича харидорларга берилган чегирмалар облигациялар сотилган санада 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узок муддатли кечиктирилган харажатлар" счётида хисобга олинади. Ушбу счётнинг дебетида ва 7830 "Тўланадиган облигациялар" счётининг кредитида облигация бўйича берилган чегирма суммаси (бизнинг мисолимизда 3851000 сўм) акс эттирилади.

Облигациялар бўйича харидорларга берилган чегирмалар облигациялар улар чикарилган бутун муддат йиллари орасида таксимланиши лозим. Чегирмани бундай таксимлаш жараёни облигация чегирмасини хисобдан чикариш деб номланади.

Облигациялар бўйича фоизларнинг жорий кисми хисобдан чикарилганда 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узок муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти 3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" счёти билан богланган холда кредитланади. Мос равишда, хар бир тўловга тўғри келувчи облигация чегирмалари суммаси хисобда куйидагича акс эттирилади:

Дебет 9610 *"Фоиз бўйича харажатлар" - 385100*

Кредит 3220 *"Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" - 385100*

Халкаро амалиётда облигация чегирмаларини хисобдан чикаришнинг куйидаги иккита усули кенг кўлланилади:

(1) *тўғри чизикли усул;*

(2) самарали фоиз ставкаси усули.

Тўғри чизикли усул

1. Тўловнинг умумий сони = Йилдаги тўловлар микдори x Облигациянинг амал килиш муддати = 2x5 =10 марта

2. Фоизларнинг хар бир тўловига тўғри келадиган облигация чегирмаси суммаси:

= *Облигация чегирмаси / Тўловларнинг умумий микдори — 3851 /10 = 385 сўм*

3. Асосий фоиз тўловн (аннуитет) суммаси = *Номинал қиймат х Номина фоиз ставкаси х Вақт =100 000 х0,09 х 0,5 йил = 4500*

4. Тўлов кунига жами фоиз кўринишидаги харажатлар суммаси:

Асосий фоиз тўлови (аннуитет) суммаси + Облигация чегирмаси суммас = 4500 +385= 4885

Биринчи йилнинг 1июлида фоизларни тўлашда бухгалтерия ёзувлар қуйидагича бўлади:

Фоиз кўринишидаги харажатлар	*4885*	
Облигациялар буйича чегирма		*385*
Пул маблағлари		*4 500*

Самарали фонз ставкаси усули

Облигация чегирмаларини самарали фоиз ставкаси усулида хисобдан чиқариш учун улар суммаси қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

Давр	Жами фоиз тўловлари	шундан		Облигациянинг баланс қиймати
		Асосий фонз тўлови (аннуитет)	Ҳисобдан чиқариладиган облигация чегирмаси амортизацияси суммаси	
1	2	3	4	5
0				96 149,00
1	4807,45	4500,00	307,45	96 456,45
2	4822,82	4500,00	322,82	96 779,27
3	4838,96	4500,00	338,96	97 118,24
4	4855,91	4500,00	355,91	97 474,15
5	4873,71	4500,00	373,71	97 847,86
6	4892,39	4500,00	392,39	98 240,25
7	4912,01	4500,00	412,01	98 652,26
8	4932,61	4500,00	432,61	99 084,87
9	4954,25	4500,00	454,25	99 539,12
10	4960,88	4500,00	460,88	100 000,00

Ҳисоб-китобга изоҳ: Облигация чегирмаларининг самарали фоиз ставкаси усулида ҳисобдан чиқариб бориладиган амортизация суммаси қуйидагича топилади:

*дастлаб, жами фоиз тўлови (2-устунча) суммаси ҳар бир тўловдан кейин аниқланган облигацияларнинг чегирмалар билан сотиш қийматидан тўлов даврига тўғри келадиган фоиз харажатлари суммаси бозор ставкаси (бизнинг мисолимизда у 5% - 10/2) асосида топилади.

*кейин чегирманинг ҳисобдан чиқариладиган суммаси, яъни амортизация суммаси (4-устунча) жами ҳисобланган фоиз тўловидан (2-устунча) ҳар бир тўловда бир хил тўланадиган номинал ставкани (бизнинг мисолимизда 9%) ҳисобланган асосий фоиз тўлови (аннуитет) суммасини (3-устунча) айириш орқали топилади.

* ҳар бир тўловдан кейин облигацияларнинг баланс қиймати (5-устунча) уларнинг олдинги тўловдан кейинги қийматига кейинги тўловда ҳисобланган амортизация суммасини қўшиш орқали топилади. Шу йўл билан топилган облигацияларнинг баланс қиймати, яъни чегирмалар билан сотиш қиймати (5-устунча) кейинги тўлов давр учун жами фоиз тўлови (2-устунча) суммасини ҳисоблашга асос бўлади.

*юқоридаги тартибдаги ҳисоб-китобларда 2-устунчада кўрсатиладиган жами фоиз тўлови ҳамда 4-устунчада кўрсатиладиган амортизация суммаси йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

* тўлаш муддати охирида облигацияларнинг бозор киймати (5-устунчанинг охирги суммаси) уларнинг номинал қийматига тенг бўлиши керак.

Ушбу усулда ҳам биринчи йилнинг 1 июлида қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Облигацияларга фоиз бўйича харажатлар	*4807,45*	
Облигациялар бўйича чегирма		*307,45*
Пул маблағлари		*4500,00*

Облигацияларни мукофот билан (номинал кийматидан юкори нархда) сотилишининг хисоби

Агар белгиланган фоиз ставкаси бозор ставкасидан ортиқ бўлса, облигациялар *мукофот* билан (номинал қийматидан юкори нархда) сотилади. Масалан, компания бозор ставкаси 8% бўлган, 5 йил муддатга эга 9%ли номинал киймати 100 000 сўм бўлган 1000 та облигацияни 104 059 000 сўмга сотди, дейлик. Бунда куйидагича бухгалтерия ёзуви қилинади:

Пул маблағлари	*104 059000*	
"Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатга кечиктирилган даромадлар"		*4 059000*
Тўланадиган облигациялар		*100 000000*

7220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатга кечиктирилган даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилган облигацияларни сотишдан олинган мукофот (устама) суммаси облигациялар чиқарилган бутун муддат йиллари орасида таксимланиши лозим. Мукофот (устама)ни бундай тақсимлаш жараёни облигациялар бўйича мукофот (устама)ни хисобдан чиқариш деб номланади.

Облигациялар бўйича узоқ муддатли мукофот (устама)нинг жорий йилга тегишли қисмига 7220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатга кечиктирилган даромадлар" счёти дебетланади ва 6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти кредитланади. Мос равишда, ҳар бир тўловга тўғри келувчи облигация мукофати (устама) суммаси жорий давр даромадига киритилганда қуйидагича ёзув қилинади:


Дебет 6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар"

Кредит 9590 "Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари".

5.КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲИСОБИ

21-сон БҲМС га мувофиқ муддати узайтирилган мажбуриятлар деганда ҳисобот даври харажатларига киритиладиган, лекинда тўлов муддати ҳукумат қарорлари ёки кредиторларнинг розилиги билан маълум вақт мобайнигача узайтириладиган қарзлар, шунингдек келгусида бажариладиган иш, хизматлар учун олдиндан келиб тушган маблағлар бўйича қарзлар ҳамда сотилган ва

сотиб олинган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати ўртасидаги салбий ва ижобий фарқларнинг ҳисобот даври даромадига киритилиш муддатигача тўланадиган суммалари тушунилади. Қопланиш муддатига кўра тўлов кечиктирилган мажбуриятлар узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларга бўлинади. 21-сон БҲМС да ушбу мажбуриятларнинг муддати ва турлари бўйича акс эттириш учун қуйидаги счётлар тизими кўзда тутилган.



Чизмадан кўриниб турибдики, кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларни учта гуруҳга ажратиш мумкин.

1-гуруҳ. Келгуси даврларга тааллуқли даромадларни олдиндан келиб тушишидан вужудга келган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар . Ушбу счётлар (7210, 7220, 7230, 6210, 6220, 6230) қимматли қоғозлар (облигацияларни) сотиб олувчи ва сотувчилар, шунингдек турли хўжалик муносабатлари бўйича олдиндан тўловларни (ижара ҳаки, авиабилетлар ҳақи ва бошқалар) олган корхоналар томонидан ишлатилади. Ушбу счётларнинг кредитида облигацияни сотиб олишда сотиб олувчи томонидан олинган чегирма, сотувчи томонидан олинган мукофот (устама), олдиндан келиб тушган тўловлар акс эттирилади. Тўлов муддати тугагач, бундай даромадлар ҳисобот даврининг даромадларига (9030, 9530 счётларга) ўтказилади.

2-гуруҳ. Солиқлар ва тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятларни акс эттирувчи счётлар. Ушбу гуруҳга кирувчи счетларнинг айримлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли ҳокимият органларининг қабул қилинган қарорларига кўра тўлови бир неча муддатга кечиктирилган солиқлар ва мажбурий тўловларни акс эттирса (6240 ва 7240 счетлар), бошқалари эса (6250 ва 7250 счётлар) бухгалтерия ҳисобида вақтинчалик фарқлар мавжудлиги

туфайли юзага келади. Бу счётларнинг кредитида ваколатли органларнинг қарори билан муддати узайтирилган мажбуриятлар акс эттирилади. Бундай мажбуриятлар суммаси, мос равишда, 6400 "Бюджетга тўловлар бўйича мажбуриятлар" ва 6500 "Суғурта ва давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар бўйича мажбуриятлар" счётларнинг дебетида акс эттирилади. Кечиктирилган тўловлар муддати тугагач, ушбу мажбуриятлар тескари бухгалтерия ёзуви билан, мос равишда, 6400 ва 6500 счётларнинг кредитига тикланади.

Солиқлар ва тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятларда фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ўта муҳим ўрин тутади. Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар фақат ҳисобот йилида солиқ базасидан чегириладиган вақтинчалик фарқлар суммаси вужудга келган ҳолатда аниқланади. Уларга мисол қилиб, чунончи ҳисобот йилида амортизация суммасини солиқ кодексида назарда тутилган меъёрлардан кам ҳисоблаш эвазига тежалган харажатларни келтириш мумкин. Ушбу ҳолатда фойда солиғи ҳақиқатда корхона томонидан ҳисобланган ва молиявий натижаларда акс эттирилган харажатлар бўйича ҳисобланади. Бироқ, амортизация суммасининг кам ҳисобланган қисмига тўғри келадиган фойда солиғи суммаси кечиктирилган мажбурият сифатида тан олинади ва у бухгалтерия ҳисобида Дебет 9810 «Фойда солиғи бўйича харажатлар» Кредит 6240 «Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» ёзуви билан акс эттирилади.

Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоб-китоби шартли маълумотлар асосида қуйида келтирилган.

Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Солиққача фойда	50
2	Солиқ базасига қайта қўшиладиган доимий фарқлар	10
3	Солиқ базаси (1+2)	60
4	Солиқ суммаси (3-қатор* 9%)	5,4
5	Солиқ базасидан чегириладиган вақтинчалик фарқлар	15
6	Тузатилган солиқ базаси (3-5)	45
7	Тузатилган солиқ суммаси (6-қатор*9%)	4,05
8	Солиқ бўйича кечиктирилган мажбурият (7-4)	1,35

3-гурух. Бошқа кечиктирилган мажбуриятларни акс эттирувчи счётлар. Ушбу счётларнинг кредитида (7290, 6290) турли таъминотчи ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларнинг тўлов муддати кечиктирилган қисми акс эттирилади.

6. ШАРТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ ТАРТИБИ

Айрим мажбуриятлар ўзининг моҳияти, баҳоланиши, ўлчаниши, ҳақиқатда бажарилишига кўра шартли ҳисобланади. Бундай шартли мажбуриятларга мисол бўлиб, чунончи кафолатли хизматлар бўйича мажбуриятлар ҳисобланади. Бу турдаги мажбуриятлар, одатда, корхона ўз маҳсулотини сотиш вақтида харидорга кафолатли муддат берганда вужудга келади ҳамда бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолатли хизматлар бўйича мажбуриятлар кафолат суммаси ҳисобланади. Ушбу кафолат суммасини корхона ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиши мумкин. Келгуси даврларга бериладиган кафолат суммаси, одатда, сотиладиган маҳсулот ёки товар сонини уларнинг бир бирлигига тўғри келадиган ўртача чамаланган хизмат қийматини кўпайтириш орқали топилади. Айнан шу йўл билан топилган кафолат сумммаси, ҳолбуки, у реал мажбуриятни ифодаламасада ҳисоб ва ҳисоботда шартли мажбурият сифатида акс эттирилади. Ҳисобланган кафолат суммаси 6940 "Кафолатлар бўйича қарзлар" счётида ҳисобга олинади. Бу счётнинг кредитида кафолатли хизматлар бўйича шартли мажбуриятнинг ҳисобланган суммаси харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади, яъни:

Дебет 9410 "*Сотиш харажатлари*"

Кредит 6940 *"Кафолатлар бўйича қарзлар"*

Кафолатли хизматларнинг реал қиймати аниқлангач, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6940 *"Кафолатлар бўйича қарзлар"*

Кредит *Кафолатли хизматларга сарфлаган моддий, молиявий ва бошқа активларни ҳамда мажбуриятларни акс эттирувчи счётлар*

Кафолатли хизматлар бўйича чамаланган (ҳисобланган) мажбурият суммасининг реал ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар суммасидан ортиқ қисми ҳисобот даври охирида молиявий ҳисоботда (1) қолдик сифатида келгуси йил бошига қолдирилиши ёки (2) сторно қилиниши, яъни бекор қилиниши мумкин. Иккинчи усул қўлланилганда чамаланган (ҳисобланган) мажбурият суммасининг реал ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар суммасидан ортиқ қисмига қуйидаги қизил ёзув берилади.

Дебет 9410 "*Сотиш харажатлари*"

Кредит 6940 *"Кафолатлар бўйича қарзлар"*

Демак, биринчи усул қўлланилганда корхона балансида корхонанинг кафолатли хизматлар бўйича шартли мажбуриятлари акс эттирилади. Иккинчи усулда эса, ҳисобот даври охирида кафолатли хизматлар бўйича реал мажбуриятлар суммаси аниқ бўлганлиги учун шартли мажбуриятларни акс эттиришга зарурат бўлмайди.

8-маъруза	**АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИ: (БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЖИҲАТЛАРИ)**

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ


Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та
Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1.Акциядорлик капиталининг моҳияти ва асосий элементлари. 2.Акцияларни чиқариш ва сотишнинг ҳисоби. 3.Хусусий сотиб олинган акцияларнинг ҳисоби. 4.Қўшилган капиталнинг ҳисоби. 5.Тақсимланмаган фойда ва дивидендлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисоби.	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга акциядорлик капитали ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: Акциядорлик капиталининг моҳияти ва асосий элементлари, акцияларни чиқариш ва сотилиши, хусусий сотиб олинган акциялар, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва дивидендлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисобини юритиш тартибини тушунтириш	**Ўқув фаолияти натижалари:** Талабалар акциядорлик капиталининг моҳияти ва асосий элементлари, акцияларни чиқариш ва сотилиши, хусусий сотиб олинган акциялар, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва дивидендлар бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисобини юритиш тартибини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*	
Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*	
Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1.АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Акциядорлик жамиятларининг бошка ташкилий-хукукий шаклдаги корхоналардан фарки асосан акциядорлик капиталида, бу капиталнинг таркибий элементларида, уларни вужудга келиши, ишлатилиши, хисобдан чикарилиши ва бошка жихатларида ёркин намоён бўлади. Ушбу фаркли жихатлар, мос равишда, акциядорлик капитали хисобини юритишда хам ўзига хос ёндашишни талаб килади.

Акциядорлик капитали – бу бевосита акциядорлик жамиятлари аъзоларига тегишли бўлган мулкдир ёки акциядорлар хусусий капиталининг бир кисмидир.

Халкаро амалиётда акциядорлик капитали акциядорлик корпорациялари мулкдорлари хусусий капиталининг асосий компонентларининг бири сифатида эътироф килинади. Бундай корпорациялар балансида улар мулкдорларига тегишли акциядорлик капитали "Акционерлик капитали" бўлимида акс эттирилади. Ушбу капитал ўз ичига куйидаги моддаларни олади:



Юкоридаги расмдан кўриниб турибдики, хорижий акциядорлик корпорацияларнинг акциядорлик капитали ўз ичига асосан куйидаги элементларни олади:

***қўйилган капитал** – бу капитал чикарилган хамда жойлаштирилган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал кийматидан ташкил топади;

***тақсимланмаган фойда** – бу акциядорлик корпорациясининг фаолият юритиш натижасида тўплаган тақсимланмаган фойдаси.

Хорижий акциядорлик корпорацияларида резерв капитали тақсимланмаган фойданинг бир кисми сифатида эътироф этилади. Оддий акцияларни номинал

қийматидан юқори нархларда сотиш натижасида ҳамда асосий воситаларни қайта баҳолашдан вужудга келган капитал «Акциядорлик капитали»нинг таркибига киритилмайди, аксинча, акциядорлик корпорациясининг хусусий капитали сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида «Акциядорлик капитали» ҳисоб таълимоти ва амалиётида кенг қўлланилмайди. Бу тушунча ўрнига «Ўз маблағлари манбалари» тушунчаси қўлланилади. Ушбу тушунча, бошқачасига «Хусусий капитал» ҳам, деб аталади. Хусусий капиталнинг асосий элеметлари сифатида қуйидагилар тан олинади:

* устав капитали;
*қўшилган капитал;
*резерв капитали;
*тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар);
*мақсадли тушумлар;
*келгуси тўловлар учун резерв.

2.АКЦИЯЛАРНИ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИНГ ҲИСОБИ

Акция акциядорлик жамиятида мулкчиликнинг бирлиги ҳисобланади. Акцияларнинг ушловчиси ушбу акциядорлик жамияти акцияларидаги улушини тасдикловчи акциядорлик сертификатини олади.

Акцияларни чиқариш учун рухсат. Акциядорлик жамиятининг уставида чиқариш учун рухсат этилган акцияларнинг энг кўп миқдори кўрсатилади. Одатда, акциядорлик жамиятлари улар ташкил этилаётган пайтда керакли бўлган акциялар миқдорига қараганда уларни кўпрок чикаришга рухсат оладилар. Бу келажакда корхона томонидан қўшимча капитални жалб килиш учун қўшимча акцияларни чиқариш имкониятини яратади.

Чиқарилган ва айланишда бўлган акциялар. Сотилган ёки ўзга йўл билан бошқаларга ўтказилган акциялар чикарилган деб аталади. Масалан, акциядорлик жамиятига 500000та акциялар чиқаришга рухсат берилган, бирок у очилиш пайтида факат 300000 та акциялар сотилган. Ушбу 300000 та акциялар чикарилган акциялар деб ҳисобланади. Уларнинг ушловчиларига акциядорлик жамиятининг 100% мол-мулки тегишли бўлади. Қолган 200000 та акциялар чиқарилмаган деб ҳисобланади. Улар ҳеч қандай ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлмайди.

Чикарилган ва айланишда бўлган акциялар айланишдаги акциялар деб аталади. Агар акция корхона-эмитетент томонидан қайта сотиб олинса ёки акциядор томонидан унга қайтариб берилса, акция айланишда деб ҳисобланмайди. Корхона томонидан қайта сотиб олинган ва унинг ихтиёрида бўлган чиқарилган акциялар кайта сотиб олинган (олиб қўйилган) акциялар деб номланади.

Одатий (оддий) ва имтиёзли акциялар. Корхона икки турдаги - оддий ва имтиёзли акцияларни чикариши мумкин. Агар факат бир турдаги акциялар чиқарилса, улар оддий акциялар ҳисобланади. Оддий акциялар мажмуини корпорация қолдик капитали деб хам атайдилар. Бу, компания тугатилган

тақдирда барча кредиторлар ва имтиёзли акциялар ушловчиларининг корпорация мол-мулкига бўлган даъволари қондирилади ва шундан кейингина оддий акциялар ушловчиларининг талаблари кўриб чиқилади деганидир.

Имтиёзли акциялар оддий акцияларга қараганда бир қатор имтиёзларга эга: чунончи дивидендлар тўланишидаги афзаллик, тугатилган корпорациянинг мол-мулкини таксимлашда афзаллик, қайтарилувчанлик ёки қайтарувчанмаслик, опцион. Имтиёзли акциялар, оддий акциялардан фарқли ўларок, одатда, овоз бериш ҳукукини бермайди.

Акциялар чиқарилишининг ҳисоби. Акцияларнинг номинал қиймати бу корпорациянинг устав каниталини ташкил этадиган ва акциядорлик капитали счётида акс этиладиган хар бир акциянинг суммаси.

Акциядорлик жамияти акциядорлик капитали устав капиталидан кам бўлишига олиб келадиган дивидендларни эълон қила олмайди. Бинобарин номинал - бу кредиторларга тўловларни кафолатлайдиган капиталнинг энг кам қисмидир. Акцияларни уларнинг номинал қийматидан ортиқ сотилган хар қандай суммалар "Қўшимча тўланган капитал" счётида акс этилади ва компания киритган капиталининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Руйхатга олинган устав капиталининг акс эттирилиши. Масалан, «А» корхонага, таъсис ҳужжатларда рўйхатга олинганидек, номинал қиймати 10000 сўм бўлган 20000 дона оддий акциялар чиқарилишига рухсат берилди:

Тўланмаган капитал	*200 000 000*	
Оддий акциялар		*200 000 000*

Акцияларнинг номинал қиймати бўйича чиқарилиши. Фараз қиламиз, ундан кейин, 1 январда «А» корхона 10000 дона акцияни номинал қиймати бўйича сотди:

1 январь

Пул маблағлари	*100 000 000*	
Тўланмаган капитал		*100 000 000*

Акцияларнинг номинал қийматидан юқори нархда сотилиши. Агар корхона истикболи ва иқтисодий имкониятлари ижобий хисобланса, рахбарият устама билан қўшимча акциялар чиқарилиши ҳақида хохишини исҳор этиши мумкин. Бу вазият шу пайтда акциялари биржада айланиб юрадиган ва уларнинг бозор нархи номинал қийматидан ошиқ бўлган компанияларга тааллуқлидир. Фараз қилайлик, «А» корхонасининг 1000 дона оддий акцияларни 1 март куни, хар бири 12000 сўмдан сотилди.

1 март

Пул маблағлари (12000 х 1000)	*12 000 000*	
Тўланмаган капитал (100 х 1000)		*10 000 000*
Қўшимча тўланган капитал		*2 000 000*

Охирги сумма бўнаклаган (киритилган) капиталнинг қисми бўлиб ҳисобланади. Тўланган қўшимча капитал счётидаги сумма акциядорларга дивиденд кўринишида таксимланмайди. Эмиссия даромади деб аталмиш ушбу қўшимча тўланган капиталнинг пул эквиваленти олингандан кейин компания ихтиёрида қолади.

Акцияларни активларнинг пул кўринишида бўлмаган турлари асосида чикариш. Айрим холатларда пулдан ташкари акциялар мол-мулк ёки хизматлар асосида хам чикарилиши мумкин. Молиявий хисоботнинг халкаро стандартлари (МҲХС)га мувофик бу холатда операция, кайси бири холис ва хаккоий бахоланганига караб, ёхуд активнинг бозор киймати, ёхуд акцияларнинг бозор киймати бўйича акс эттирилади.

Масалан, "А" корхонасини ташкил этиш пайтида директорлар кенгаши корхонага кўрсатилган хизматлар учун 100 та акцияларни сарфлашга рухсат этган. Акциялар чикарилаётган пайтда уларнинг бозор нархи аникланмаган. Бирок, компанияни ташкил этиш бўйича кўрсатилган хизматларга худди шунга ўхшаш буюртмаларнинг нархидан келиб чикиб, 1 500 000 сўм тўланган. Ушбу операцияга куйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

1 *январ*

Ташкилий харажатлар	*1 500 000*	
Тўланмаган капитал (100х10000)		*1 000 000*
Тўланган қўшимча капитал		*500 000*

Икки ой ўтгандан кейин корхона 1000 акцияларини ер бўлагига айирбош килди, деб яна фараз килайлик. Айирбошлаш пайтида акциянинг бозордаги нархи 16000 сўм бўлган, ер нархлари билан боғлик вазиятни аниклаш имконияти йўк. Бунда куйидаги ёзув берилади:

1 март

Ер (1000х16000)	*16 000 000*	
Тўланмаган капитал (1000 х 10000)		*10 000 000*
Тўланган қўшимча капитал		*6 000 000*

Опцион - бу корпорация маъмурияти ва унинг ходимлари ўртасида, одатда, сотув кунида бозор нархларига якин бўлган нархларда акцияларни ходимлар ўртасида муайян имтиёзли шартлар билан тарқатишдир.

Масалан, корхона 200_ йил 1 июнда олий бошкарув аппаратини йил давомида номинал киймати 10000 сўмлик ва шу кунга бозор киймати 15000 сўм бўлган акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи билан мукофотлаган, дейлик. Вице-президент опцион ҳуқуқидан фойдаланилган холда келгуси йил 30 мартда шу кунда бозор нархи 25000 сўм бўлган 2000та акцияни сотиб олган. Бунда куйидагича хисоб ёзуви килинади:

30 март

Пул маблағлари (2000 х 15000)	*30 000 000*	
Оддий акциялар (тўланмаган капитал)		*20 000 000*
Тўланган кушимча капитал		*10 000 000*

Вице-президент амалда 20000 (50000 - 30000) мукофотга эришган бўлса хам, бухгалтерия томонидан хеч кандай тақдирлаш акс эттирилмайди.

3.ХУСУСИЙ СОТИБ ОЛИНГАН АКЦИЯЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Акциядорлик жамияти, акциядорлар умумий мажлисининг карорига мувофик акцияларнинг умумий миқдорини камайтириш максадида акцияларни бир кисмини сотиб олиш йули билан устав капиталини камайтиришга хакли,

лекин конун хужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда. Акциядорлик жамияти бу ҳақда барча кредиторларга хабар бериш лозим, бунда кредиторлар жамият мажбуриятларининг муддатдан олдин ижро этилишини ёки тугатилишини ва уларга келтирилган зарарларни копланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Айтайлик, "А" корхонаси номинал қиймати бўйича 20000 акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисида карор қилган. Бу ҳолда қуйидаги ёзув қилинади:

Олиб қўйилган капитал (20000 x 10000) *200000000*
Пул маблағлари *200000000*

Олиб қўйилган акцияларни сотиш

Олиб қўйилган акциялар кейинчалик турли нархларда, чунончи номинал қийматдан паст ёки ошиқ, шуиингдек номинал қийматда сотилиши мумкин. Бу операциялар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

(а) қайта сотиб олинган акциялар номинал қийматида сотилганда:

Пул маблағлари *200000000*
Олиб қўйилган капитал *200000000*

(б) қайта сотиб олинган акциялар номинал қийматидан паст нархларда сотилганда, айтайлик , "А" корхонаси олиб қўйилган номинал қиймати 10000 сўмлик акцияларнинг ҳар бирини 7500 сўмдан сотганда:

Пул маблағлари (20000 x 75000) *150000000*
Тақсимланмаган фойда *50000000*
Олиб қўйилган капитал *200000000*

(в) қайта сотиб олинган акциялар номинал қийматидан юқори нархларда сотилганда, айтайлик «А" корхонаси ҳар бирининг номинал қиймати 10000 сўм бўлган 20000 та акцияларнинг ҳар бирини 15000 сўмдан сотганда:

Пул маблағлари (20000 x 15000) *300000000*
Олиб қўйилган капитал *200000000*
Қўшимча тўланган капитал *100000000*

4.ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛНИНГ ҲИСОБИ

Хусусий капиталнинг таркибий элементи бўлган қўшилган капитал қуйидаги иккита ҳолатда вужудга келиши мумкин:

•Корхона акциялари номинал қийматидан юқори қийматга сотилганда. Ушбу ҳолатда сотиш ва номинал қийматлар ўртасида вужудга келган фарқ эмиссия даромади деб аталади. Ушбу даромад қўшилган капитални ташкил этади ва махсус 8410 "Эмиссион даромад" счётининг кредитида пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошкалар) дебети билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Эмиссион даромад корхоналарнинг солиқка тортиладиган даромадига киритилмайди. Келгусида эмиссион даромад акцияларни номинал қийматидан паст қийматда сотишдан кўрилган зарарларни, шунингдек сотиб олинган хусусий акцияларини бекор қилишдан кўрилган зарарларни коплаш учун ишлатилади. Ушбу операциялар

8410 "Эмиссион даромад" счётининг дебетида, шунингдек 8610 "Сотиб олинган оддий хусусий акциялар", 8620 " Сотиб олинган имтиёзли хусусий акциялар" счётларининг кредитида акс эттирилади. Эмиссион даромад сифатида тўпланиб қолган қўшилган капитал фақатгина корхона тугатилишида таксимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида таксимланади.

•**Устав капиталини шакллантириш даврида валюта курсалари ўртасида фарк вужудга келганда.** Бундай қўшилган капитал, одатда, чет эл инвестицияси киритилган қўшма корхоналарда мавжуд бўлиши мумкин. Устав ва таъсис шартномасига мувофик чет эл инвесторининг қўшма корхонанинг устав капиталига хиссаси корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасидаги расмий курс билан бахоланади. Шунинг учун чет эл инвестори томонидан хиссани хакикатда киритилиши вактида вужудга келган валюта курслари ўртасидаги ижобий ва салбий фарклар устав капиталига тегишли бўлмайди ва улар қўшма корхонада алохида 8420 " Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк" счётида хисобга олинади. Валюта курслари ўртасида вужудга келган ижобий фарк, бир томондан, инвесторнинг хиссаси сифатида киритилган узок ва киска муддатли активларнинг (асосий воситалар, номоддий активлар, ТМБ, пул маблағлари) кийматига қўшилади (яъни 0110-0190, 0410-0490, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210, 5210 ва бошка счётлар дебетланади), иккинчи томондан, қўшилган капитал сифатида тан олинади ва 8420 "Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк" счётининг кредитида акс эттирилади. Худди эмиссион даромадга ўхшаб, валюта курслари ўртасидаги ижобий фарклар эвазига вужудга келган ушбу қўшилган капитал хам солиқга тортиладиган даромадга киритилмайди, у фақатгина корхона тугатилишида таксимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида таксимланади. Агар юалюта курслари ўртасида салбий фарк вужудга келса, у холда ушбу фарк 8420 "Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк" счётининг дебетида ва 4610 « Таъсисчиларнинг устав капиталига хиссалари бўйича карзи» счётининг кредитида акс эттирилади. Курслар ўртасидаги вужудга келган салбий фарк корхонанинг зарарига олиб борилади ва унинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдасидан копланади. Ушбу зарар 8420 "Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк" счётининг кредитида ва 9620 « Валюта курслари фаркида кўрилган зарарлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

5.ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА ДИВИДЕНДЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Таксимланмаган фойда - бу корхона хусусий капиталининг таркиби кисмларидан биридир. Қайта инвестиция қилинган фойданинг миқдори турл зарарлар, дивидендлар бўйича тўловлар ва бўнакланган капитал транформацияланган кейин колган фойда суммасига тенгдир.

9900 "Охирги молиявий натижа" счётига фойдани ишлатилиши ҳисоб счётини, яъни 9800 счётни ёпилиши билан корхонанинг ҳисобот йил якун бўйича соф фойдаси (копланмаган зарари)ни аниқлаш имкони бўлади. Буни учун 9900 счётнинг дебет ва кредит обороти таккосланади. Ушбу счётни кредит оборотини дебет оборотдан катта бўлиши корхонанинг соф фойдасини кредит оборотдан дебет оборотини катта бўлиши корхонанинг қопланмаган со зарарини билдиради.

Аниқланган соф фойда суммаси 9900 счётнинг дебетига ва 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)" счётининг кредитига ўтказилади. Йил якуни бўйича зарар билан чиқилган бўлса, ушбу зарар суммаси 9900 счётнинг кредитига ва 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)" счётининг дебетига ўтказилади. Ушбу ёзув билан 9900 "Охирги молиявий натижа" счёти тўлиғича ёпилади.

Ҳисобот йили охирида 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)" счётида акс эттирилган соф фойда (копланмаган зарар) таксимланиши ёки таксимланмай колиши мумкин. Бундай таксимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ўртокчилик жамиятларида, масалан, маъсулияти чекланган жамиятларда, қўшма корхоналарда, хусусий корхоналарда, уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиқган холда ҳисобот йилнинг соф фойдаси (копланмаган зарари) таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан таксимланиши ёки таксимланмасдан корхона ихтиёрида жамланган фойда (копланмаган зарар) ҳисобига қолдирилиши мумкин. Бу типдаги корхоналарда таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ҳисобот йилнинг соф фойдасини таксимлаш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

• *Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида бўлинган соф фойда суммасига*

Дебет 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) "

Кредит 6610 "Тўланадиган дивидендлар"

• *Корхонанинг резерв капиталига ажратма суммасига*

Дебет 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) "

Кредит 8520 "Резерв капитали"

•Хисобот йилнинг тақсимланмай қолинган соф фойдаси ўтган йилларнинг жамланган фойдасига қўшилса

Дебет 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) "

Кредит 8720 "Жамланган фойда (копланмаган зарар)"

Агар ўртокчилик жамияти хисобот йили якуни бўйича зарар билан чиккан бўлса, ушбу зарар суммаси 8720 "Жамланган фойда (копланмаган зарар" счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

Дебет 8720 "Жамланган фойда (копланмаган зарар)"

Кредит 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) "

Шундай қилиб, ўртокчилик жамиятларида хисобот йилнинг охирига 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) " счёти тўлигича ёпилади ва ушбу вактинчалик (транзит) счёт колдикга эга бўлмайди.

Акциядорлик жамиятларида 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) " счётида тўпланган фойда ёки зарар суммасини акциядорлар йиғилиши қарорисиз таксимлаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ акционерларнинг умумий йиғилишлари келгуси йилнинг 1 май ойигача ўтказилади. Шу сабабли акциядорлик жамиятларида 8710 "Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) " счётида тўпланган фойда ёки зарар суммаси келгуси йилга қолдиқ сифатида ўтказилади, у фақат хисобот йили фойдаси (зарари) тақсимлангач ёпилади.

Дивидендлар - бу акциядорлар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган соф фойданинг бир кисмидир. Таксимланмаган фойдадан ортик бўлган дивидендлар эълон қилинган тақдирда, корхона, амалда, акциядорларга улар томонидан қўйилган капиталнинг бир кисмини тўлайди. Бундай дивидендлар ликвидлик деб аталади ва, одатда, компания фаолиятини тугатганда ёки унинг операциялар ҳажми кискарганда тўланади.

Дивидендлар тўланиши билан учта мухим сана боғлик:

1) дивидендлар эълон қилиниш санаси,
2) акция эгаларининг рўйхатдан ўтказиш санаси,
3) дивидендларни тўлаш санаси.

Биринчи сана - директорлар кенгаши томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисидаги ниятини расмий равишда эълон килиш санаси. **Иккинчи сана** - дивидендлар олиш хукукига эга бўлган акция эгаларининг белгиланиш санаси. Дивидендлар факат рўйхатга олиш пайтида қўлида акциялар бўлган акциядорларга тўланади. Ушбу санадан кейин акция дивидендга бўлган хукукини йўкотади, яъни агар акциядор рўйхатдан ўтказилган кундан кейин ўз акцияларини сотса, дивидендлар олиш хукуки акциянинг янги эгасига ўтказилмайди. **Учинчи сана** - акциядорларга амалда дивидендларни тўлаш санаси.

Мисол. Директорлар кенгаши 60000 000 сумлик дивидендларни тўлаш тўғрисида карор килди. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги ният 21 февралда эълон қилинди, 10 мартда эса дивидендлар олиш ҳуқукига эга бўлган акциялар

рўйхати тузилди, 31 мартда рўйхатдан ўтказилган акциядорларга дивидендлар тўланди.

Саналар бўйича ёзувлар:

21 февралда:

Тақсимланмаган фойда	60000000	
Тўланадиган дивидендлар		60000000

10 мартда бухгалтерия ёзувини бериш талаб қилинмайди

31 мартда:

Тўланадиган дивидендлар	60000000	
Пул маблағлари		60000000

9-маъруза	КОРХОНАЛАР ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ: БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЖИҲАТЛАРИ

МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та
Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Даромадларни туркумлаш, тан олиш ва баҳолаш 2. Харажатларни туркумлаш, тан олиш ва баҳолаш 3. Муддати узайтирилган даромадларнинг ҳисоби 4. Муддати узайтирилган харажатларнинг ҳисоби 5. Шартли фойда ва зарарларни ҳисобга олиш тартиби	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга корхоналар даромадлари ва харажатлари ҳисобининг кенгайтирилган жиҳатлари тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: Корхоналар даромадлари ва харажатларини таснифи, тан олиниши, хисобга олиш усулларини тушунтириш	**Ўқув фаолияти натижалари:** Талабалар корхоналар даромадлари ва харажатларини таснифи, тан олиниши, ҳисобга олиш усулларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*	
Ўқитиш шакллари: *Коллектив ши*	
Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1. ДАРОМАДЛАРНИ ТУРКУМЛАШ, ТАН ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўли даромадлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг моҳияти, таснифи, тавсифи, та олиниши, счётлар тизими ва улар бўйича бухгалтерия ёзувлар республикамизда кабул қилинган қуйидаги меъёрий ҳужжатларда атрофлич очиб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси;
- БҲМС «Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуа асос»;
- 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар»;
- 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжали фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйич йўриқнома»;
- «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом».

Юкорида номлари зикр этилган меъёрий хужжатларга мувофик даромад деганда, умумий олганда, ҳисобот даврида корхона активларини кўпайиши ёки унинг мажбуриятларини камайиши тушунилади (таъсисчилардан кирим қилинган активлар бундан мустасно).


Корхоналарнинг барча даромадлари Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодексида 13 та турга бўлинган (16-модда), 2-сон БҲМСда ушбу турдаги даромадлар иккита катта гуруҳга, яъни асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга ажратилган (кейинги бетда келтирилган чизмага қаранг).

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар деганда корхона уставида белгиланган асосий фаолиятдан олинган даромадлар тушунилади.

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га мувофик корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари, ўз навбатида, қуйидаги икки гуруҳга ажратилади:

- **Сотишдан олинган даромадлар** – буларга маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушумлар (акциз, ҚҚС ва экспорт бўйича божхона божидан ташқари) киради.
- **Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар** – буларга корхонанинг асосий воситалари ва бошқа активларини сотишдан олинган фойда, ўндирилган жарималар, воз кечилган кредиторлик қарзлари, бепул келиб тушган активлар, инвентаризацияда аникланган ортиқчалар, ТМБ ларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ва бошқалар киради.

Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар деганда бевосита асосий фаолиятга тааллукли бўлмаган фаолият турларидан олинган даромадлар тушунилади. Бундай даромадлар Низомга мувофик молиявий фаолиятдан олинган даромадларга ва фавқулотдаги даромадларга бўлинади.



Корхона даромадларининг таснифи

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар деганда қимматли қоғозлар, люта операциялари, кредит ва карзларни беришдан олинган даромадлар шунилади. Буларга роялти, дивидендлар ва фоизлар, ижобий курс фарклари ринишидаги даромадлар ва бошкалар киради.

Фавкулотдаги даромадлар деганда юз бериши доимий характерга эга лмаган, кутилмаган тасодиф ва ходисалардан олинган даромадлар шунилади. Буларга давлат конунларини ўзгариши, табиий офатлар, волюцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган даромадлар киради.

Даромадларни туркумлашнинг халқаро жиҳатлари:

*БҲҲСга мувофик фойда ва зарарлар ҳисобот балансидаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан кўрилади, яъни даромадлар активлар ва кредиторлик қарзларини бир-бири билан таққосланиши орқали аниқланади;

* даромадларни туркумлаш ахборот фойдаланувчиларга корхонанинг операцияларини тушунишларига йўналтирилади;

* корхона даромадлари операцион (асосий) ва нооперацион (асосий бўлмаган) фаолиятдан олинган даромадларга бўлинади; БХХС операцион ва нооперацион фаолиятдан олинган даромадларни ажратилишига тор бўлган маънодаги таърифланишига урғу беради;

* субъект фаолияти натижасида яратилган ва ҳадя қилинган ёки кўзда тутилмаган омад натижасида пайдо бўлган бойликлар фаркланади;

*даромад алмаштириладиган маҳсулот ёки корхона хизматларини нархи билан ўлчанади, ушбу нарх операция натижасида батамом олинадиган пулга бўлган ҳукукни ифодалайдиган пул эквиваленти ёки дисконтланган қийматидир, аксарият ҳолларда ушбу қиймат шартномада белгиланган нархни ифодалайди;

* даромадни пулнинг жорий қиймати ёки пул эквивалентлари билан ўлчанишининг зарурияти, сотилган товарларни барча қайтарилиши, савдо чегирмалари ва тақдим этилган нархни бошқа турдаги камайтирилиши даромаддан айиришни талаб этади; биринчи қарашда бундай таърифлаш ноаник бўлиб кўринса ҳам, харажатларни эмас, даромадни камайиши (тақдим этилган нархни камайтирилиши) сифатида қаралади;

*нархдан чегирмалар, ушбу чегирмаларни амал қилиш даврида пул воситаларни бахоланишини кредит шартномасига биноан олинган дисконтланган жорий баходаги суммалар билан тенглаштириш учун тақдим этилади, бирок тўлов юзасидан бериладиган чегирмаларни асосий максадларидан бири бўлиб узоқ муддатли ва тўлик тўловни рағбатлантириш ёрдамида шубҳали қарзлардан олинадиган зарарларни камайтириш хисобланади; агар тўлов пайтида чегирма даражаси окилона белгиланган бўлса, соф нархни (чегирмани айиргандан кейин) олиш ёки кутиладиган шубҳали қарзлардан олинадиган зарарларни чегирган тўлик нархни олиш сотувчи учун аҳамиятсиз хисобланади;

* юкорида қайд этилганларнинг барчаси муҳимлик тамойилини назарда тутган ҳолда кўриб чиқилади, чунончи, тушумнинг қисқа муддатида чегирма учта сабаб туфайли эътиборга олинмаслиги мумкин:

- паст ставкали чегирмалар қиймати жуда кам бўлади ва умумий даромадни бахоланишига аҳамиятли таъсир этмайди, масалан, агар қарз 60 кундан кейин тўланса, йиллик 10 % ставкаси бўйича даромаднинг 2 %идан камрок бўлади;

- фоизлар дастлабки битимдан олинган даромадни акс эттирилгандан кейин акс эттирилиши керак, уларни сотувдан олинган даромадга қўшиш ҳисобот даврдаги жами даромадга аҳамиятсиз таъсир кўрсатади;

- агар даромадлар дисконтланмаса, кутиш омили (фоизлар) мавжуд бўлмайди ва даромад сотувдан олинган даромад сифатида ҳисобга олинади.

Даромадларни тан олиш мезонлари. 18-БҲХСга мувофик товарларни сотишдан, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромад қуйида кайд этилган шартларга жавоб берилганда тан олиниши мумкин:

• компания товарларга эгалик килиш билан боғлик барча аҳамиятли таваккалчилик ва манфаатларни харидорга ўтказганда;

• компания, одатда, мулкчилик ҳуқуқи билан боғлик бўлган бошкарувда бошка иштирок этмаганда ва сотилган товарларни назорат килмаганда;

• тушум суммаси ишончли равишда бахоланганда;

• битим билан богланган иктисодий нафлар компанияга келиб тушиш эхтимоли мавжуд бўлганда;

• битим билан боғлик амалга оширилган ва кутиладиган харажатлар ишончли равишда бахоланганда.

Даромадларни тан олишда қуйидаги пайтлар қўлланилиши мумкин:

1. Бериш пайти (сотиш пайти).
2. Бериш пайтидан кейин.
3. Бериш пайтигача.

Даромадни бериш пайти (сотиш пайти)да тан олиш

Даромадни тан олиш учун шартлар шартномани бажариш ва тушум олиш имконияти, одатда, товарлар ёки хизматларни бериш пайтида бажарилади. Шундан келиб чиқиб, маҳсулотларни сотишдан олинган даромад сотиш куни, яъни маҳсулот мижозга берилган куни тан олинади. Кўрсатилган хизматлардан олинган даромад хизматлар бажарилганида тан олинади. Бу усул даромадларни тан олишнинг *сотиш пайти усули* деб аталади. Ушбу усулга мувофик сотишдан олинган даромад ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Олинадиган счётлар

Сотишдан олинган даромад

Айрим битимлар даромадларни сотиш пайти усули бўйича тан олиш мезонларига тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, бошқаларга компания активларидан фойдаланишга рухсат берадиган шартнома келишувларидан олинадиган даромадлар - ижара даромадалари, фоизлар, ижара тўловлари ва ажратмалар. Бундай битимлар бўйича даромад шартнома ёки активдан фойдаланиш даври давомида тан олинади.

Товар ёки хизматлар кафолати билан сотилганда бу товарга хизмат кўрсатиш билан боғлик харажатлар, одатда, беришдан кейин амалга оширилади. Бундай харажатлар окилона бахоланиши мумкин бўлганда, даромад сотиш кунида тан олинади (сотиш пайти усули), шунингдек кафолат бўйича келгуси харажатлар кўзда тутилади.

Даромадни етказиб беришдан кейин тан олиш

Айрим вазиятларда даромадларни тан олиш мезонлари товар ёки хизмат мижозга етказиб берилгандан кейин ҳам кондирилмайди. Мисол учун, китоб чикариш ёки асбоб-ускуналар ишлаб чикариш каби саноатнинг айрим

соҳаларида мижозларга маълум вазиятларда ва катта вақт ораликларид товарларни кайтариб бериш бўйича кенг ҳукуклар берилади. Шу сабабл маҳсулот етказиб берилган пайтда даромад суммасини тўғри аниқлаш бўйич муаммолар келиб чикади.

Агар товарларни сотишда шартномада уларни кайтариш ҳуқуки сотувчи берилган бўлса, бу ҳолда даромад қуйидаги шароитлар коникгирилмагунча та олинмайди:

• сотиш санасига сотувчининг нархи харидор учун кайд этилган ва катъи белгиланган;

• етказиб беришнинг тўлови ўрин олган ёки харидор сотувчига пули тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган ва бу мажбурият маҳсулот кайт сотилганда шартли эмас;

• маҳсулот ўғирланганда, табиий бузилишида ёки шикастланганд харидорнинг сотувчи олдидаги мажбурияти ўзгармайди;

• сотувчи харидор олдида бўлажак кайта сотилиши билан боғлик бўлга ҳеч кандай аҳамиятли мажбуриятларга эга эмас;

• кайтариладиган товарлар суммасини баҳолаш имконияти мавжуд.

Тўлов муддатини узайтириб сотиш

Тўлов муддатини узайтириб сотиш усули даромадларни тан олишнинг накд пул маблағлар олинмагунча муддатини узайтиришнинг мукобил варианти ҳисобланади. Ушбу усул чакана савдо билан шуғулланадиган корхоналарда кенг қўлланилади. Бирок, тўлов муддати узайтирилган чакана савдони тўлов муддатини узайтириб сотиш усули оркали даромадни тан олиш билан чалкаштириш мумкин эмас. Тулов муддатини узайтириб сотиш харидорни даврий тўловлар режасига мувофик тўловни амалга оширишга ундовчи шартнома имзоланганда рўй беради. Ундан фаркли равишда, тўлов муддатини узайтириб сотиш усули - бу алоҳида ҳолларда, маълум ва жуда махсус тўлов муддатини узайтириб сотишлар турлари учун қўлланиладиган даромадни та олиш усулидир.

Тўлов муддатини узайтириб сотиш усули қўлланилганда даромад сотиш пайтида эмас, фақат пул олинганда тан олинади. Тўлов муддатини узайтири сотиш усули фақат даромадларни йиғиб олишни амалга оширишга нисбата ноаниқлик мавжуд бўлганда ва умидсиз қарзлар миқдорини аниклаш имкон бўлмаганда қўлланиладиган консерватив усул ҳисобланади. Тўлов муддатини узайтириб сотиш усули чекланган равишда қўлланилади. Бу усул олиндан тулов нисбатан паст ва якуний пул тушуми тўлик кафолатланмайдиган сотувлар, чунончи кучмас мулк сотувида улар ҳисобини юритиш учун қўлланилади.

Тўлов муддатини узайтириб сотиш усули қўлланилганда махсус ҳисоб-ктоблар талаб килинади. Чунончи, унда узайтириб сотиш миқдорини ҳисобга олиш учун алоҳида счётлар юритилиши керак, шунингдек ҳар бир йил учун тўлов муддатини узайтириб сотиш бўйича ялпи фойда учун алоҳида счётлар очилиши лозим. Тўлов муддатини узайтириб сотиш бўйича ҳар бир йил учун

йиғилган суммалар алоҳида ёзилиши керак ва бундан ташқари ҳар бир йил юзасидан тўлов муддатини узайтириб сотиш бўйича муддати узайтирилган ялпи фойда аникланиши зарур.

Харажатларни коплаш усули

Харажатларни коплаш усули ҳам даромадларни тан олишнинг мукобил вариантларидан бири ҳисобланади. Бу усулни, бошкачасига, *тўлдирилмайдиган харажатлар усули* деб ҳам атайдилар. Барча қилинган тегишли харажатлар (тўлдирилмайдиган харажатлар) фойдани тан олиш вактигача қопланиши керак. Харажатларни коплаш усулини якуний даромадлар ёки фойдани олиш олдиндан аник башорат қилиб бўлмайдиган, таваккалчилиги ниҳоятда юқори бўлган ҳолатларда қўллаш керак.

Харажатларни коплаш усули тўлов муддатини узайтириб сотиш усулини тўлдирувчи усул ҳам ҳисобланади. Агар якуний пул тушумлари юзасидан ишончсизлик мавжуд бўлса, фақат нақд пул маблағлари олингандан кейингина даромадни тан олиш тўғри деб ҳисобланади.

Даромадларни етказиб беришгача тан олиш

Айрим ҳолларда даромадларни олиш жараёни узоқ давом этади. Мос равишда, даромадларни тан олиш ҳам бир неча ҳисобот даврлари мобайнида давом этади. Бунга катта кемалар, кўприклар, бино ва бошқа иншоатларнинг қурилиши кабилар мисол бўла олади. Бундай лойиҳаларга оид шартномаларда, кўп ҳолларда, келишилган босқичлар бажарилгандан кейин бажарувчи томонидан буюртмачига бажарилган иш тўғрисида далолатнома ҳамда счёт-фактурани қурилиш жараёнининг турли босқичларида ёзиб бериб бориши тўғрисида шартлар қўйилади. Қурилиш тугагунча, айтарли барча бажарилган ишлар бўйича далолатномаларда тан олинган суммалар тўланган бўлади. Агар қурувчи (бажарувчи) даромадни тан олиш учун қурилишни тугашигача кутиб турса, у ҳолда молиявий ҳисоботга киритилган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ахборотлар ишончли бўлсада, бироқ улар ўз вақтида берилмаган ҳисобланади. Айнан шу сабабли, қурилиш ташкилотлари қурилиш ишларини узоқ муддатли шартномалар асосида бажараётганда даромад ва харажатларни даврлар кесимида тан олиш ҳамда ҳисобга олиш муаммоси пайдо бўлади.

11-сон БҲҲСга мувофиқ қурилиш ишлари бўйича даромадлар қуйидаги иккита усулнинг бири бўйича тан олинади:

*тўлиқ тугалланиш усули;

*якунланган фоиз усули..

Биринчи усулда бажарилган ишлардан даромадлар қурилиш лойиҳаси тўлиқ тугалланиш фоизининг баҳоланиши асосида шартнома якунланиши билан тан олинади. Бу усулда қурилишга қилинган сарф-харажатлар «Тугалланмаган қурилиш» счётида жамғарилиб борилади. Бажарилган ишлар бўйича далолатномалар, агар улар мавжуд бўлса, уларда кўрсатилган сумма

даромадлар деб ёзилмайди, аксинча, «Тугалланмаган курилиш» счётин тескари бўлган «Олинган бўнаклар» счётида тўпланади.

Якунланган фоиз усулида шартнома бўйича ишлар амалга оширилишин қараб узлуксиз равишда бажарилган ишга тўғри келувчи даромад тан олиниши керак, яъни бу усулда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар асосид даромадлар шартнома тугагунча тан олиниши лозим.

Якунланган фоиз усулини қўллаш мезонлари даромадлар ва харажатларни ўлчашга қаратилгандир. Бундай мезонлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- шартномавий мажбуриятларни бажариш боскичлари;
- лойиҳани бажаришга кетадиган харажатларни бахолаш;
- тугалланиш боскичини баҳолаш.

Қурилиш бўйича узоқ муддатли лойиҳани якунлаш боскичи бир неч усуллар билан ўлчанищи мумкин. Уларнинг энг кенг тарқалганлари бўли қуйидагилар ҳисобланади:

*харажатлар меъёрларига аосланган усул;

*ишлаб чиқариш меъёрларига асосланган усул.

Харажатлар меъёрлари - бу лойиҳани якунлаш учун зарур бўладиган барча кутилаётган харажатларнинг смета бўйича суммасидир. Масалан, лойиҳа бўйича умумий харажатлар сметасига нисбатан жорий пайтгача қилинган харажатлар ёки лойиҳани якунлаш учун зарур бўлган соатлар миқдорига нисбатан ишланган соатлар миқдори.

Ишлаб чиқариш меъёрлари — бу лойиҳани якунлаш бўйича кутилаётган умумий натижаларга нисбатан жорий вақт натижаларидир. Масалан, бинонинг қурилиш лозим бўлган умумий қаватлари сонига нисбатан битган қаватлар сони ёки йўлнинг километр ўлчамидаги миқдорига нисбатан унинг километр ўлчамида қуриб битказилган миқдори.

Таъкидлаш жоизки, лойиҳани якунлаш боскичини ўлчашнинг юқорида келтирилган ҳар иккала усули маълум камчиликлардан холи эмас. Чунончи харажатлар меъёрларига асосланган усул унумдорлик билан узлуксиз алоқа мавжуд бўлмаганлиги сабабли аниқ натижани бермайди. Фараз қилайлик шаҳарда кўп қаватли бино қурилишида қурилиш компанияси 50 метр чуқурликда пойдевор ётқизиш учун чуқур қазиши керак. Биринчи 25 метр режа ва сметага мувофиқ кетаяпти. Бироқ, ундан кейин одатдагидан қаттиқроқ тўпроқ учраши натижасида қурилиш суръатлари ярмигача пасайиб кетди. Тўпроқни қазиш харажатлари икки баробар кўпайди. Агар тўпроқни қазишга кетган юқори даражадаги харажатлар дастлабки харажатлар сметасига киритилмаса, қурилиш якунланганда харажатлар даставвал кутиладиган харажатларидан кўпроқ бўлади. Сарфланган пуллардан фойдаланиш кутиладиганидан секинроқ равишда амалга оширилади.

Агар қурилиш лойиҳаси бошланишида бутун қурилиш даврида ишлатиладиган катта ҳажмдаги материаллар ва заҳираларни сотиб олишга маблағ сарфланган бўлса, сарфланган маблағлардан харажатлар меъёрлари сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Одатда, пудратчи қурилиш бошланишида катта ҳажмдаги матсриалларни нархларни кўтарилишини олдини олиш учун сотиб олади. Аммо барча материаллар лойиҳа тўлиқ тугалланмагунча

сарфланмайди. Шунинг учун бухгалтерлар сотиб олишга кетган харажатларини ва тугаллаш учун сарфланган харажатларни фарклаши керак.

Қурилиш лойиҳаларини якунлаш босқичини ишлаб чиқариш меъёрлари асосида ўлчаш усули ҳам аниқ натижаларни бермаслиги мумкин. Айниқса, бу ҳолат тугаллаш учун турли хажмдаги харажатларни талаб этадиган ишлаб чиқариш бирликларига тегишлидир. Мисол учун, 10 қаватли бинони биринчи қаватини қуриш бошқа қаватларга қараганда кўпрок харажатларни талаб қилади, чунки бунда пойдеворни ва ушлаб турувчи конструкцияларни қуриш лозим бўлади. Демак, бажарилган ишлар ҳажмини ишлаб чиқариш меъёрларига асосланган усулда ўлчашда қурилган қаватлар сонини қўллаш ҳақиқатда бажарилганлик даражасини ҳамда лойиҳани якунлаш даражасини аниқ баҳолай олмайди.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг барчасида вазиятларни изчиллик билан таҳлил қилиш керак. Энг биринчи навбатда, қайси усул - харажатлар ёки ишлаб чиқариш усули даромадлар ва харажатларни самарали равишда баҳолашга имкон бериши мумкинлигини аниқлаш зарур.

Амалиётда, тугалланган лойиҳаларга тўғри келадиган даромадларни баҳолашда, кўпинча, *харажатлар меъёрларига асосланган усул* қўлланилади. Бу усул қўлланилганда жорий даврда лойиҳани туганланганлик фоизини топиш учун ҳақиқатда ўзлаштирилган маблағлар (қилинган харажатлар) ҳамда лойиҳанинг жами смета қиймати асос қилиб олинади. Ушбу иккита кўрсаткич асосида лойиҳанинг тугалланганлик фоизи (Тф) қуйидагича топилади:

$$Тф = \frac{\textit{Ҳисобот давринииг охирига қилинган жами сарфлар* 100\%}}{\textit{Лойиҳа бўйича умумий харажатлар сметаси}}$$

Тугалланганлик фоизи жорий даврда бажарилган ишларга тўғри келувчи даромадлар суммасини баҳолашга асос бўлади. Чунончи, курилиш лойиҳаси бўйича жорий даврга тўғри келадиган даромад суммаси қуйидагича аниқланади:

$$Джд = Шк*Тф - Дод$$

Бу ерда: Джд -жорий давр даромадлари; Тф-тугалланганлик фоизи; Дод - олдинги даврларда тан олинган даромадлар суммаси.

Хизматлар сохасида даромадларни тан олишнинг хусусиятлари

Халкаро хисоб таълимоти ва амалиётида хизматлар бўйича даромадларн тан олишнинг қуйидаги усуллари кенг таркалган:

1. Аник бажариш усули
2. Мутаносиб равишда бажариш усули
3. Тугалланган бажариш усули
4. Касса усули

Аник бажариш усули хизмат турларидан олинган даромадларни ула хакикатда бажарилгандан кейин тан олишни билдиради. Масалан, аэрофло авиабилетлар қачон сотилган бўишидан қатъий назар, кўрсатилган хизматларн тўғри келадиган даромадни рейс бўйича йўловчилар манзилга етказилгандаі кейин тан олади. Риэлторлик ташкилотлари кўчмас мулкга оид сотиш бўйич комиссион даромадни кўчмас мулк олди-сотди битими тугаганидан кейин стоматолог ўз даромадини тишни олиб ташлаш бўйича операция амалг оширилгандан кейин, кийимларни ювиш корхонаси эса даромадни ювиш жараёни тугаганидан сўнг олади.

Мутаносиб равишда бажариш усули кўп боскичли хизматларни бажаришдан олинган даромадларни тан олишда қўлланилади. Бу усулни хизматларнинг бажарилиши даври ҳисобот даври чегарасидан чиккanda қўллаш максадга мувофик. Унга мувофик даромад давр учун хизматларни мутаносиб равишда бажариш асосида тан олинади. Хизматлардан олинган даромадни мутаносиб равишда ўлчаш хизматларнинг ҳар хил тури учун турлича амалга оширилади. Чунончи:

1. *Хизматлар бажаришнинг бир хил босқичлари* - ҳар бир шундай боскич бўйича хизматлардан олинган даромаднинг бир хил суммаси тан олинади. Мисол: ипотека банки томонидан ипотека бўйича ҳар ойлик тўловларнинг такрорланиши.

2. *Хизматлар бажаришнинг бир хил бўлмаган босқичлари* - ҳар бир боскич бўйича хизмат кўрсатадиган субъектнинг бевосита харажатларига мутаносиб равишда хизматлардан олинган даромад тан олинади. Мисол: адвокатни жиноят ишида ҳимоячи сифатида ишни ўрганиши, бевосита суд жараёнида иштирок этиши, аппеляция жараёнида иштироки ва бошка жараёнларда қилган харажатларига қараб жами даромадни бу жараёнлар бўйича тан олиниши.

3. Бажаришнинг белгиланган муддати билан ўхшаш босқичлар - хизматлардан олинадиган даромадни тан олишнинг одатдаги усулидан фойдаланиш. Мисол: белгиланган даврий тўлов хаки бўйича бошка даврларда хам компьютерларга техник хизматларни кўрсатиш.

Тугалланган бажариш усули бир хил ёки бир хил бўлмаган бажариш боскичлари туркумларини ўз ичига олувчи хизматлардан даромадни ҳисобга олишда қўлланилади. Бу усулда хизматларни кўрсатишдан олинган даромад охирги боскич амалга оширилгандан кейин ишлаб топилган деб ҳисобланади. Масалан, юкни юклаш ва тушириш, транспортда ташиш ва етказиб бериш каби хизматлар фақат юк етказилгандан кейин тан олинади.

Касса усулига мувофик даромад накд пул маблағлари олинганида тан олинади. Бу усул хизмат кўрсатиш ва унга тўлов бир вақтнинг ўзида амалга оширилганда қўлланилади. Масалан, шаҳар автобусида ва таксиларида йўловчи ташиш, ҳаммомда чўмилиш, соч олиш ва шу каби хизмат турларида. Бундай усул товарларни накд сотиш бўйича кўрсатилган хизматлардан олинган даромадларни тан олиш усулига ўхшайди.

2. ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШ, ТАН ОЛИШ ВА БАҲОЛАШ


Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан яна бири бўлиб харажатлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи, тан олиниши, счётлар тизими ва улар бўйича бухгалтерия ёзувлари республикамизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда, чунончи «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»да атрофлича очиб берилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ **харажат** деганда, умумий олганда, ҳисобот даврида корхона активларини камайиши ёки унинг мажбуриятларини кўпайиши тушунилади. Корхоналарнинг барча харажатлари республикамизда қабул қилинган БҲМС лар ва «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га ва унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ иккита гуруҳга ва олтита қуйи гуруҳга ажратилган (кейинги бетда келтирилган чизмага қаранг).

Асосий фаолиятга доир харажатлар деганда корхона уставида белгиланган асосий фаолият билан боғлиқ харажатлар тушунилади. «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» ва 21-сон БҲМС га мувофиқ корхоналарнинг асосий фаолияти билан боғлиқ харажатларни, ўз навбатида, қуйидаги тўртта қуйи гуруҳга ажратилади:

- **Сотиш таннархига киритилган харажатлар** – булар сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг таннархига киритилган харажатлар.
- **Давр харажатлари** – буларга маҳсулотларни (товарларни, иш ва хизматларни) сотишга, корхонани маъмурий-бошқарувига ва бошқа операцион фаолиятига доир харажатлар киради. Ушбу харажатлар маълум ҳисобот даврида юз беради, шунинг учун улар ҳисобот даври харажатлари деб ҳам аталади.
- **Келгуси давр харажатлари** - бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлари. Бундай харажатларга олдиндан тўланган ижара ҳаклари, олдиндан тўланган хизмат ҳаклари ва бошқа олдиндан бўнак сифатидаги тўловлар киради.

• ***Муддати узайтирилган харажатлар*** – буларга корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда муддати бир йил ва ундан кўп муддатга узайтирилган харажатлари киради.



Корхона харажатларининг таснифи

Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар деганда бевосита асосий фаолиятга тааллукли бўлмаган фаолият турлари билан боғлик харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар Низомга мувофик молиявий фаолиятга доир харажатлар ва фавкулотдаги зарарларга бўлинади.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар деганда кимматли коғозларни чикариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва карзларни олиш, узок муддатли ижарага доир ва бошка молиявий фаолиятга тааллукли харажатлар тушунилади. Буларга фоизлар, салбий курс фарклари кўринишидаги харажатлар ва бошкалар киради.

Фавкулотдаги харажатлар деганда юз бериши доимий характерга эга бўлмаган, кутилмаган тасодиф ва ҳодисалардан кўрилган зарарлар тушунилади. Буларга давлат конунларини ўзгариши, табиий офатлар, революцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган зарарлар киради.

Корхона харажатлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- харажатларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олиш;
- корхона харажатларини тўғри туркумлаш ва гуруҳларга ажратиш;
- корхона харажатларини тўғри, ўз вактида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш ;
- корхона харажатлари бўйича ҳисоботлар маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлик уйғунлигини таъминлаш;
- келгуси давр ва муддати узайтирилган харажатларни тўғри ва ўз вактида сотиш таннархи, давр харажатлари ва моливий фаолиятга доир харажатларга киритиш;
- тугалланмаган ишлаб чикаришга тўғри келадиган харажатларни тўғри ва ўз вактида хисобга олиш, уларни белгиланган муддатларда кайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация килиш) ва сотиш таннархига тўғри киритилишини таъминлаш;
- сотиш таннархини, давр харажатларини ошиб кетишига сабаб бўлувчи норационал чикимларни вужудга келиш сабаблари ва айбдорларини топиш, бундай чикимларга йўл қўймаслик учун маъсул шахслар фаолиятини доимий назорат килиш;
- мавжуд захиралар ва воситаларидан унумли фойдаланишни устидан назорат ўрнатиш;
- харажатларни солик солиш базаси объекти сифатида тўғри шакллантириш;
- харажатларни ҳисоблаш тамойилига мувофик улар юз берган вактдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш;
- харажатларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар

Харажатларни туркумлаш ва тан олишнинг халқаро жиҳатлари

Даромад тан олинган ва ўлчангандан кейин ушбу давр учун харажатларни тан олиш ва ўлчаш учун мувофиклик тамойили қўлланилади.

Мувофиклик тамойилининг мохияти шундан иборатки, даромадлар ишлаб олинганлиги туфайли маълум бир активлар истеъмол қилиниши (масалан, хом ашё ва материаллар), сотилиши (масалан, тайёр махсулот) ёки хизматлар ишлатилиши (масалан, иш ҳаки) керак. Активларни ва хизматларни ишлатиш харажатлари ҳисоботда ушбу даврга тегишли даромад тан олинган давр харажатлари деб тан олиниши ва ҳисобга олиниши керак.

Харажатларни тан олиш

1.*Бевосита харажатлар* операциялар ёки ҳодисаларни бевосита ёки биргаликда ўтказиш натижасида келиб чиқадиган даромадлар тан олиниши бўйича тан олинади.

2.*Давр харажатлари* пайдо бўлган даврда тан олинади.

3.*Тақсимланадиган харажатлар* (амортизация, суғурта ваш у каби харажатлар) мунтазам равишда активлар фойда келтириши кутилаётган даврларга тақсимланган ҳолда тан олинади.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида маълум харажатларни сотишдан олинган даромадлар билан боғлаш қийин. Масалан, реклама, тадқиқотлар ва ривожланиш харажатлари компаниянинг қандайдир маҳсулотини тез сотиш имконини кенгайтириш максадида қилинади. Бирок, бу харажатлар ва махсус даромадлар орасидаги тўғри алоқани ўрнатишда маълум қийинчиликлар юзага келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун бундай харажатларнинг тақсимланиши нохолис бўлиши мумкин. Шу мақсадда, бундай харажатлар, улар келиб чиққан давр харажатлари деб тан олинади.

Хизматларнинг сотилишига олиб бориладиган бевосита харажатлар. Хизматлар сотилишига олиб бориладиган бевосита харажатларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

• *дастлабки (бошланғич) бевосита харажатлар* - бу хизматлар кўрсатиш бўйича музокаралар ва операцияларини амалга ошириш билан бевосита боғлик харажатлардир; бундай харажатлар комиссия тўловлари, юридик хизматлар гонорарлари, савдо агентларига комиссия тўловларидан ташқари компенсация тўловлари, сотишда иштирок этмайдиган, музокаралар олиб боришда ва хизмат курсатиш операцияларини амалга оширишга тегишли ходимларга компенсация тўловларини ўз ичига олади.

• *қўшимча бевосита харажатар* - бу хизматларни сотиш билан боғлик харажатлардир, масалан, эҳтиёт қисмлар қиймати, шунингдек хизмат кўрсатиш шартномасига киритилмаган хизматлар бўйича мехнат ҳақи ва бошқалар.

Барча бевосита харажатларни хизмат кўрсатишдан олинган тегишли даромадлар ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мувофиклиги тамойилига мувофик тан олинадиган давр учун харажатлар деб тан олиш керак. Шундай килиб, бошланғич тўғри харажатлар ва хизматларни бажаришдан олинган даромадни тан олишгача вужудга келадиган ҳар қандай қўшимча тўғри харажатлар олдиндан тўлов сифатида муддати узайтирилиши ва хизматлардан олинган тегишли даромад тан олинаётганда харажатлар деб ҳисобланиши зарур.

Агар хизматлар кўрсатишдан олинган даромад мутаносиб бажариш усулига мувофик тан олинаётган бўлса, бошланғич тўғри харажатлар бу хизматларга тегишли даромадлар тан олинаётган вактда харажатлар деб ҳисобланиши керак. Бирок, қўшимча тўғри харажатлар улар вужудга келганда харажатлар деб ҳисобланиши керак. Агар хизматлардан олинадиган даромад инкассация қилиш усули бўйича тан олинса, барча бевосита харажатлар улар вужудга келганда харажатлар деб ҳисобланади.

Маҳсулот ёки хизматлар сотилиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар ўз ичига давр харажатлари каби тақсимланадиган харажатларни ҳам олади. Масалан, реклама харажатларининг муайян турлари, тугалланмаган маҳсулот ёки хизматлар бўйича битимларда белгиланган сарфланган вақт учун товон тўловлари, умумий маъмурий харажатлар ва амортизация харажатлари. Давр харажатларини даромадлар билан мувофиклаштириш учун объектив асос мавжуд бўлмаганлиги туфайли ушбу харажатлар пайдо бўлганида сарфларга киритиладиган харажатлар каби таърифланади. Шунга ўхшаш тақсимланадиган харажатлар даврлар бўйича бир меъёрда тақсимланиши керак.

3. МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар счётига ўз мижозларидан келгусида етказиб бериладиган товарлар ва маҳсулотлар, шунингдек бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан пул маблағлари келиб тушади. Мисол учун, газеталар, журналлар, даврий тўпламларни чиқарувчи корхоналарда ушбу нашриёт маҳсулотлари учун уларга олдиндан обуна бўлиш даврида мижозлардан пул маблағлари олинади. Аэрофлот, темирйўл ва шаҳарлараро автобус қатновлари хизматларини кўрсатувчи корхоналар чипталарни олдиндан сотишлари мумкин ва бунинг учун мижозлардан чипталар ҳақи олдиндан олинади. Бундай хўжалик юритувчи субъектларда активга эгалик ҳуқуқини сотиб олиш жараёни амалга оширилган бўлсада, бироқ келиб тушган пул маблағларини уларнинг даромади сифатида тан олиб бўлмайди. Чунки, бу ҳолатда нашриёт маҳсулотларини уларнинг эгаларига ҳақиқатда етказиб бериш юз бермаган бўлади, шунингдек олдиндан сотиб олинган чипталар бўйича йўловчиларга хизматлар ҳақиқатда кўрсатилмаган бўлади. Демак, бундай ҳолатларда даромад сифатидаги пул киримлари юз бермайди, аксинча келгусида етказиб бериш ёки хизматни кўрсатиш бўйича мижозлар олдида маълум мажбуриятлар вужудга келади. Айнан ушбу турдаги мажбуриятлар ҳисоб таълимоти ва амалиётида уларни ўзига хос номда тан олиш, ўлчаш ва акс эттиришни тақозо этади.

Собиқ совет ҳисоби тизимида юқоридаги мазмундаги пул оқимлари (кирими) келгуси давр даромадлари сифатида эътироф этилар ҳамда корхоналарнинг хусусий капитали элементларидан бири сифатида бухгалтерия балансида акс эттирилар эди. Халқаро ҳисоб таълимоти ва амалиётида эса ушбу мажбуриятларни *муддати узайтирилган даромадлар,* деб аташ ҳамда баланс ҳисоботида мажбуриятларнинг бир тури сифатида акс эттириш тартиби қабул қилинган. Республикамизда 2002 йилнинг бошидан кучга кирган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосан миллий корхоналаримиз амалиётига ҳам олдинлари «Келгуси давр даромадлари» деб номланган тушунча ўрнига «Муддати узайтирилган даромадлар» тушунчаси, мос равишда, уларни акс эттиришга мўлжалланган қуйидаги счётларни қўллаш кўзда тутилди:

6210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар";

6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар";

6230 "Бошка кечиктирилган даромадлар";

7210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узок муддатли кечиктирилган даромадлар";

7220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги узок муддатли кечиктирилган даромадлар";

7230 "Бошка узок муддатли кечиктирилган даромадлар";

6210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счётида копланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг дисконт (чегирма)лари бўйича корхонанинг кечиктирилган узок муддатли даромадларининг жорий қисми акс эттирилади. Ушбу счёт факат облигацияларни сотиб олувчи томонидан қўлланилади. Облигациялар дисконт билан сотиб олинганда, дисконт суммаси 6210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти кредитида, тўланган сумма эса пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ва киска муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар ёки узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади. Облигациялар дисконт (чегирма)ларининг жорий қисмини даромадларга ўтказишда 9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар" счёти кредитланади ва 6210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти дебетланади.

6210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва коплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти копланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигациялар мукофоти (устамаси) бўйича корхонанинг узок муддатли кечиктирилган даромадларининг жорий қисмини акс эттиради. Ушбу счёт факат облигация сотувчиларда қўлланилади. Облигациялар мукофот билан сотилганда, мукофот (устама) суммаси 6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти, облигациянинг номинал қиймати эса 6830 "Тўланадиган облигациялар" (киска муддатли) ёки 7830 "Тўланадиган облигациялар" (узок муддатли) счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Облигацияларнинг мукофот (устама)лари жорий қисмини даромадларга ўтказишда 9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар" счёти кредитланади ва 6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти дебетланади.

6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва коплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

6230 "Бошка кечиктирилган даромадлар" счётида ҳисобот даврида бўнак сифатида олинган (ҳисобланган), аммо келгуси даврларга тегишли бўлган даромадлар акс эттирилади. Ҳали етказиб берилмаган тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилмаган ишлар ва кўрсатилмаган хизматлар учун

пул маблағлари келиб тушганда 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади. Келгуси ҳисобот даврига тегишли даромадлар тайёр маҳсулотлар, товарлар сотилганда, ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда даромад сифатида тан олинади ва 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счётининг дебетидан 9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар", 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" ва 9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар" счётларининг кредитига хисобдан чикарилади.

6230 "Бошка кечиктирилган даромадлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир даромад тури бўйича алоҳида юритилади.

7210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти қопланиш даври давомида даромадга таксимланадиган облигацияларнинг дисконти (чегирмаси) бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигация сотиб олувчиларда қўлланилади. Облигациялар дисконт билан сотиб олинганда, дисконт суммаси 7210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти ва тўланган сумма пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредит томонида узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Облигациялар бўйича дисконт (чегирма)лар жорий кисмга ўтказилганда 7210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти дебетланади ва 6210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" счёти кредитланади.

7210 "Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва коплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

7220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти қопланиш даври давомида даромадга таксимланадиган облигацияларнинг мукофоти (устамаси) бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигация сотувчиларда қўлланилади. Облигациялар мукофот билан сотилганда 7220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти ва 7830 "Тўланадиган облигациялар" счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади. Облигациялар бўйича мукофот (устама)лар жорий кисмга ўтказилганда 7220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти дебетланади ва 6220 "Мукофот (устама)лар шаклидаги кечиктирилган даромадлар" счёти кредитланади.

7220 "Мукофот (устама)лар шаклидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва коплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

7230 "Бошка узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул маблағларини олиш ва товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш муддатлари

орасидаги фарқ билан боғлиқ корхона мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган. 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счётининг кредитида келгуси даврга тегишли бўлган даромадлар суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, дебетида эса тегишли давр келганда 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счётига ўтказилган даромадлар жорий қисмининг суммаси акс эттирилади.

7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир даромад тури бўйича алоҳида юритилади.

4. МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Кейинги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда корхоналарнинг харажатлари таркибига бир қанча янги харажатлар турлари ҳам киритилди. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрьда 103-сон буйруқ билан тасдиқланган 21-сон БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома " га мувофиқ муддати узайтирилган харажатлар узоқ муддатга ва қиска муддатга кечиктирилган харажатларга бўлинган ҳолда ҳисобга олинади ва унинг учун, мос равишда, қуйидаги счётлар тизими кўзда тутилган:

Харажат гуруҳи	Счетнинг тартиб рақами	Счетнинг номи
1. Узоқ муддатга кечиктирилган харажатлар	0950	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи
	0960	Дисконтлар (чегирмалар) бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар.
	0990	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар
2. Киска муддатга кечиктирилган харажатлар	3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи
	3220	Дисконтлар (чегирмалар) бўйича муддати кечиктирилган харажатлар
	3290	Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар

0950-"Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётида жорий ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси 146-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда тўланадиган соликнинг узоқ муддатли қисми ҳисобга олинади. Вақтинчалик фаркларга оид харажатлар бўйича соликни ҳисоблаш 0930 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебети ва 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар

(турлари бўйича)" счётининг кредитида акс эттирилади. Кейинчалик бу харажатларнинг жами фойдали хизмат муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, бу муддатларнинг қайси бири қисқароқ бўлишидан келиб чиққан ҳолда, (вақт оралиғидаги фарқлар) соликнинг тегишли қисми узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилади, бу эса 3210 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебети ва 0950 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда (даромад) солиғи" счётининг кредитида акс эттирилади. Тегишли муддатда тўланадиган фойда (даромад) солиғини ҳисоблашда ушбу сумма ҳисобга олинади. Соликни кечиктирилган харажатларнинг тегишли суммасига камайтириш юз берадиган даври келганда солиқ суммаси 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)" счётининг дебетида ва 3210 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг кредитида акс эттирилади. Шундай қилиб, 3210 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебетидаги қолдиқ жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммасини камайтирилиши лозим бўлган солиқ суммасининг жорий қисмини, 0950 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётининг дебетидаги қолдиқ келгуси даврларда бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммасининг камайтириш зарур бўлган солиқ суммасининг узоқ муддатли қисмини кўрсатади.

Вақтинчалик фарқлар - бу даромад ва харажатларнинг айрим моддалари солиққа тортиладиган фойдага киритиладиган ҳисобот даври билан ушбу моддалар ҳисоб фойдасига киритиладиган ҳисобот давринининг мувофиқ келмаслиги натижасида юзага келадиган ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган ва ҳисоб фойдаси ўртасидаги фарқдир.

Фойда солиғи бўйича кечиктирилган харажатларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби шартли маълумотлар асосида қуйида келтирилган.

Фойда солиғи бўйича кечиктирилган харажатлар ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Солиққача фойда	60
2	Солиқ базасига қайта қўшиладиган доимий фарқлар	15
3	Солиқ базаси (1+2)	75
4	Солиқ суммаси (3-қатор* 9%)	6,75
5	Солиқ базасига қайта қўшиладиган вақтинчалик фарқлар	10
6	Тузатилган солиқ базаси (3-5)	85
7	Тузатилган солиқ суммаси (6-қатор*9%)	7,65
8	Солиқ бўйича кечиктирилган харажатлар (7-4)	0,90

0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётида харажатларга коплаш муддати давомида таксимланиб борадиган облигация дисконт (чегирма)лари бўйича корхонанинг узоқ муддатли кечиктирилган харажатлари акс эттирилади. Ушбу счёт фақат облигацияларни сотувчи (эмитент)лар томонидан фойдаланилади.

Облигацияларнинг чегирма билан сотилиши 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти ва олинган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида ва 7830 "Тўланадиган облигациялар" счётининг кредитида акс эттирилади. Облигациялар бўйича фоизларнинг жорий қисми ҳисобдан чиқарилганда 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти 3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" счёти билан боғланган ҳолда кредитланади. Облигациялар бўйича жорий дисконт (чегирма)лар ҳисобланганда 9610 "Фоизлар кўринишидаги харажатлар" счёти дебетланади ва 3220 "Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар" счёти кредитланади.

0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётида 0960 "Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" ва 0950 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи" счётларида кўрсатилмаган бошқа кечиктирилган харажатлар акс эттирилади. Ушбу харажатларни ишлаб чиқариш, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатларига ҳисобдан чиқариладиган муддати қонунчилик асосида тартибга солинади. Бунда бошқа кечиктирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисми 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётининг дебетида, жорий қисми эса 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг дебетида акс эттирилади.

Бошқа кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмига, узоқ муддатли қисми 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счётида ҳисобга олинадиган ва келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (3100) ҳисобга олиш назарда тутилмаган харажатлар киради. Масалан, саноатнинг мавсумий тармоқларида ишлаб чиқаришга тайёргарлик, ернинг рекультивацияси ва бошқалар билан боғлиқ харажатлар.

3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг дебетида бошқа кечиктирилган харажатлар 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади. Бу харажатларни жорий харажатларга ўтказиш даврининг вақти келганида улар 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг кредитидан ушбу харажатларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг дебетига ўтказилади.

Муддати узайтирилган харажатларнинг аналитик ҳисоб кечиктирилган харажатларнинг ҳар бир тури, ҳар бир даври ва ҳисобдан чиқариш муддатлари бўйича юритилади.

5.ШАРТЛИ ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Халқаро ҳисоб таълимоти ҳамда амалиётида "шартли фойда" ва "шартли зарарлар" номли кўрсаткичлар кенг қўлланилади. Ушбу кўрсаткичларни молиявий ҳисоботда акс эттириш негизида ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда учраши мумкин бўлган кейинги ҳодисалар, шу жумладан шартли ҳодисалар, бу ҳодисаларни юз бериш ёки бермаслик эҳтимоли, шунингдек айрим бошқа мезонлар ётади.

Кейинги ҳодисалар деганда ҳисобот санасидан кейин молиявий ҳисоботни эълон қилинишигача бўлган даврда корхонада юз берадиган ҳодисалар тушунилади. Бу ҳодисалар корхонанинг ўтган ҳисобот давридаги мулкий ва молиявий ҳолатига ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан таъсир ўтказади. Уларни эътиборга олинмаганлиги ва ҳисоботда акс эттирилмаганлиги фойдаланувчиларда корхона бизнес фаолиятини тушунишда ҳамда унинг мулкий ва молиявий ҳолатини баҳолашда турли тушунмовчиликларни туғдириши мумкин. Айнан шу сабабларга кўра, келгуси ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларни ўтган давр учун тузиладиган молиявий ҳисоботда у ёки бу мазмунда акс эттириш зарурат ҳисобланади.

Корхоналар мулкий ва молиявий ҳолатига таъсир кўрсатувчи кейинги ҳодисалар иккита турга ажратилади:

- ҳисобот санасига тузиладиган молиявий ҳисоботга киритиладиган ва шу санага мавжуд бўлган шарт-шароитларни қўшимча тасдиқловчи ҳодисалар;
- ҳисобот давридан кейин даврларда вужудга келадиган ва ҳисобот санасига тузиладиган молиявий ҳисоботга киритилмайдиган шарт-шароитларни тасдиқловчи ҳодисалар;

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари келгуси ҳодисаларни уларнинг характерига кўра қуйидаги тартибларда акс эттиришни назарда тутади:

- келгуси ҳодисаларни бевосита ҳисобот баланси, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот ҳамда бошқа ҳисобот шаклларида акс эттириш;
- келгуси ҳодисаларни ҳисоботга киритмаслик, балки унга бериладиган тушунтириш хатларида акс эттириш.

Келгуси ҳодисалар бевосита ҳисобот баланси, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот ҳамда бошқа ҳисобот шаклларида қуйидаги ҳолатларда акс эттирилиши лозим:

- агар улар ҳисобот санасига мавжуд бўлган шарт-шароитларни тасдиклашга бевосита асос бўла олса;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнининг ажралмас қисми сифатида уни умумлаштиришга таъсир ўтказса;
- молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва умумлаштириш жараёнида унга тузатишлар киритиш талаб қилинса.

Молиявий ҳисобот шаклларида акс эттирилиши лозим бўлган келгуси ҳодисаларга ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда аниқланган корхона дебиторларининг банкротга учраганлик ҳолати ва шу сабабли улардан олинадиган счётларни келиб тушушининг шубҳали эканлигини мисол тарикасида келтириш мумкин. Бундай ҳодисалар юз берганда ҳисобот санасига шубҳали бўлган дебиторлик қарзлар балансдан чиқарилиши ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга зарарлар сифатида киритилиши лозим бўлади.

Агар келгуси ҳодисалар бевосита ҳисобот тузиш санасида мавжуд бўлмаса ёки улар ҳақиқатда ушбу санадан кейин юз берган бўлса, бу ҳолда келгуси ҳодисалар ҳисоботда эмас, балки унга бериладиган тушунтириш хатларида акс эттирилиши лозим. Бундай кейинги ҳодисаларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

• ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда облигациялар ёки акцияларни чиқариш ва сотиш;

• бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейинги суд жараёнлари;

• ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда товар-моддий захираларнинг турли сабабларга, масалан, ёнғин, тошқин, ер қимирлаш ва бошқаларга кўра йўқотилиши.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим кейинги ҳодисаларни молиявий ҳисоботда ва унга илова қилинадиган тушунтириш хатларида ёритилиши умуман шарт эмас. Масалан, ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда юз берган иш ташлашлар, янги махсулотни яратилиши, акцияларнинг бозор қийматини ўзгариши ва бошқалар.

Шартли ҳодисалар - бу ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда корхонанинг ўтган ҳисобот даври охирига келиб активлари камайиши ёки мажбуриятлари ошишига олиб келувчи юз бериши эҳтимоли бор бўлган ёки бор бўлмаган айрим ҳодисалардир. Айнан шу боис ҳам, ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда юз бериш эҳтимоли бор бўлган ва бор бўлмаган шартли ҳодисаларни молиявий ҳисоботга таъсирини аниқлаш ўта муҳимдир.

Шартли ҳодисалар корхонага фойда ёки зарар келтириши мумкин. Бундай фойда ёки зарарлар, мос равишда, шартли фойда ва шартли зарарлар деб аталади.

Шартли фойда деганда ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда юз бериши эҳтимоли бор бўлган айрим шартли ходисалар натижасида ўтган ҳисобот даври охирига келиб корхона активларининг кўпайиши ёки мажбуриятларининг камайиши тушунилади.

Шартли зарарлар деганда ҳисобот санасидан кейин уни эълон қилинишигача бўлган даврда юз бериши эҳтимоли бор бўлган айрим шартли ходисалар натижасида ўтган ҳисобот даври охирига келиб корхона активларининг камайиши ёки мажбуриятларининг ошиши тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари келгуси шартли ходисаларни, шунингдек бу ходисалардан олинадиган шартли фойда ёки

кўриладиган шартли зарарларни уларнинг характерига кўра молиявий хисоботларда қуйидаги тартибларда акс эттиришни назарда тутади:

Шартли ходисанинг юз бериш эхтимоли	Суммасини хисоблаш мумкин бўлганда	Суммасини хисоблаш мумкин бўлмаганда
Шартли зарар		
Эхтимоли бор	Зарар суммаси хисобланади ва юзага келган мажбурият хисоботда акс эттирилади	Зарар суммаси ва мажбурият суммаси хисобланмайди; молиявий хисоботга тушунтириш хатида суммасини аниклашнинг имкони бўлмаган шартли ходиса эътироф килинади
Эхтимоли йўк	На хисоблаш, на изохлар талаб килинмайди, шу билан бирга молиявий хисоботга тушунтириш хатида изохларни қўллаш мумкин	
Шартли фойда		
Эхтимоли бор	Фойда суммаси хисобланмайди, бундан жуда хам ноодатий холатлар истесно; шу билан бирга тушунтириш хатида очиб бериш талаб килинади	Тушунтириш хатида очиб бериш талаб килинади, бу нотўтри хулосалар килиш олдини олиш максадида зарур бўлади
Эхтимоли йўк	Очиб беришлар талаб килинмайди	

БҲХС иккита мезонга риоя килингандагина, шартли зарарни фойдани камайтириш йули билан молиявий хисоботларда акс эттиришни талаб этади:

• келгуси шартли ходиса молиявий хисоботларни тузиш санасига активни камайганини ёки мажбурият пайдо бўлганини тасдикласа;

• кўрилган зарар суммаси асосланган холда хисоб-китоб килиниши мумкин бўлса.

Агар зарар суммаси ахамиятли равишда ўзгариб турса, хеч бўлмаса энг кам бўлган суммалардан бири тўланиши хакида ишонч хосил килинмагунча, биронта сумма хам хисобланиши мумкин эмас. Бундай холатда энг кам бўлган сумма хисобга олиниши, шунингдек хисоботга тушунтириш хатида ушбу энг кам сумманинг тан олинишига асос бўлган қўшимча ёритишлар берилиши лозим.

Юкорида келтирилган мезонларга жавоб берадиган ва тегишли гувохлик хужжатлар асосида аникланадиган шартли зарарлар балансда мажбурият сифатида ва фойда ва зарарлар тўгрисидаги хисоботда харажат ёки зарар сифатида улар юз берган даврда акс эттирилиши лозим.

Шартли зарарларни тан олиш в. [illegible]олмасликка мисоллар.

Мисол 1. Фараз килайликки, "Ал[illegible]фа" компанияси жорий йил охирида компанияга тааллукли машина билан боғлик бўлган бахтсиз ходиса юз берганлиги учун судга берилди. Даъвогар стказилган зарар учун 1000000 сўм товон тўлашни талаб қилган. Компания бошкаруви ва Кенгаши фикрига кўра баҳоланган ва ҳисобланган зарар 500000 сўмни ташкил этган. Ушбу шартли ходисадан кўрилган зарар суммасига бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув берилган:

Суд даъвоси бўйича ҳисобланган зарар *500 000*

Суд даъвоси бўйича ҳисобланган мажбуриятлар *500 000*

Келгуси йилнинг 5 январида олдинги йилнинг охирида юз берган бахтсизлик юзасидан суд томонидан даъвогорга 600000 сўм миқдорида товон тўлаш бўйича қарор қабул қилинган.

Ушбу шартли ходиса натижасида ўтган ҳисобот даврида бахтсизлик сабабли кўрилган ҳақиқий зарар 600000 сўм миқдорида тан олиниши, мос равишда, хакикатда тан олинган мажбурият ҳисобланган мажбуриятдан 100000 сўмга кўп бўлганлиги сабабли, 100000 сўмлик акўшимча мажбурият ва зарар суммасига қўшимча ёзувлар берилиши лозим.

Мисол 2. Фараз килайликки, "Альфа" компанияси ходими иш жойида йиқилиб, жароҳат олгани учун 100000 сўмлик компенсация тўловини бериш тўғрисида раҳбариятга мурожаат қилган. Ходимнинг йиғилиб жароҳат олгани тўғрисида ҳеч қандай гувоҳлик берувчи далолатнома тузилмаган. Адвокат компенсация тўловини судга мурожат қилмаслик шарти билан беришни тавсия этган. Компания раҳбари, бош бухгалтер ва ички аудитор гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг етишмаслиги, компенсация суммасини реал баҳолашга етарлича асос мавжуд эмаслиги сабабли мажбуриятни тан олинмаслиги тарафдори бўлиб турибди.

Ушбу шартли ҳодиса натижасида билдирилган 100000 сўмлик талабни мажбурият ва зарар сифатида тан олмаслик мумкин. Чунки, шартли ходиса зарарни тан олишга асос бўлувчи 2 та мезоннинг хар иккаласига хам мос келмайди.

"Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар" номли 10 -сон БҲҲСга мувофиқ, шартли фойдалар молиявий ҳисоботда тан олинмайди, чунки бу ҳодисалар ҳеч качон келиб тушмайдиган тушумни тан олинишига олиб келиши мумкин. Шуниндек, фойда олиниши аниқ бўлса, бу ҳодиса шартли ҳодиса мақомидан одатий ҳодиса мақомига ўтказилиши ҳамда, мос равишда, фойда аниқ суммадан тан олиниши лозим. Келгусида суммасини аниқлаш эҳтимоли мавжуд бўлган ва йўллари изланаётган ҳодисалар бўйича шартли фойданинг вужудга келишлиги молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида ёритилиши мумкин.

10-маъруза	**КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ**


МАЪРУЗА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув соати: **2 соат**	**Талабалар сони:** 20 та
Ўқув машғулот шакли: Ахборотли маъруза	
Маъруза режаси: 1. Корхоналарни қайта ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби 2. Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари 3. Корхоналарни қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисобот 4. Корхоналарни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисобот 5. Корхоналарни бўлиш шаклида қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисобот 6. Корхоналарни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисобот 7. Корхоналарни ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисобот 8. Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг халқаро жиҳатлари	
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга корхоналарни қайта ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш тартиблари тўғрисида тушунчалар бериш.	
Педагогик вазифалар: корхоналарни қайта ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш тартибларини тушунтириш	**Ўқув фаолияти натижалари:** Талабалар корхоналарни қайта ташкил этиш шакллари ва уларни амалга ошириш шароитида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш тартибларини билиб оладилар
Ўқитиш воситалари: видеопроектор, доска.	
Ўқитиш усуллари: *Тушунтириш, ақлий ҳужум.*	
Ўқитиш шакллари: *Коллектив иш*	
Ўқитиш шароити: Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
Мониторинг ва баҳолаш: Оғзаки, тест савол-жавоблари.	

1.КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ


Корхоналарни қайта ташкил этиш деганда уларни муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофик қуйидаги шаклларда қайтадан шакллантириш тушунилади: а) қўшиб юбориш; б) қўшиб олиш; в) бўлиш; г) ажратиб чикариш д) ўзгартириш.

Қўшиб юбориш – бу ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта корхонанинг барча ҳуқуклари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.




Изоҳ: амалда бўлган А, Б, В корхоналар фаолияти буткул тугатилиб, улар ўрнига янги Г корхонаси пайдо бўлади.

Қўшиб олиш – бу бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуклари ва мажбуриятларини бошқа корхонага беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.




Изоҳ: амалда бўлган А, Б, В корхоналардан Б, В корхоналар фаолияти буткул тугатилиб, улар ўрнига яхлит А корхонаси пайдо бўлади.

Бўлиш – бу корхона фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган корхоналарга беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.



Изоҳ: амалда бўлган **А** корхона фаолияти буткул тугатилиб, унинг ўрнига мустақил бўлган **Б, В, Г** корхоналари пайдо бўлади.

Ажратиб чиқариш – бу корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.



Изоҳ: амалда бўлган **А** корхона таркибидан янги **Б** корхона ажратилади, натижада иккита мустақил **А, Б** корхоналари пайдо бўлади.

Ўзгартириш – бу янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришдир. Ушбу шаклда корхоналар сони кўпаймайди ёки камаймайди, фақатгина корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бошқача бўлади. Мисол учун, акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади, хусусий корхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ёки масъулияти чекланган жамият хусусий корхонага айлантирилади.

Корхоналарни қайта ташкил этиш қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ корхоналарни бўлиш ёки уларнинг таркибидан бир ёхуд бир нечта корхонани ажратиб чиқариш шаклида корхоналарни қайта ташкил этишда корхонанинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи ёки ваколатли давлат органларининг қарорига ёхуд конунда белгиланган ҳолларда суд қарорига;

б) конунда белгиланган ҳолларда корхоналарни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида кайтадан ташкил этишда ваколатли давлат органларининг розилигига.

Корхоналарни қайта ташкил этишда муассислар қарорида қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

а) активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш муддатлари;

б) ҳуқуқий ворислик тартибида топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш усули;

в) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси тасдиқланганидан кейин қайта ташкил этилаётган корхонанинг жорий фаолияти натижасида юзага келиши мумкин бўлган активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши муносабати билан ҳуқуқий ворислик тартиби, шунингдек муайян хўжалик операцияларини амалга ошириш (кредитлар ва қарзлар олиш ёки бериш, инвестицияларни амалга ошириш ва бошқалар)нинг алоҳида тартиби;

г) янги вужудга келган ёки қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларида акс эттириш учун устав капиталини шакллантириш тартиби ва унинг миқдори;

д) акциядорлардан акцияларни сотиб олишга (харид қилишга) йўналтириш зарурияти юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта ташкил этилаётган корхона ҳисобот даврида ва ўтган йилларда олган соф фойдани йўналтириш (тақсимлаш), шартли ва кафолатланган мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш (окибатларни баҳолаган ҳолда тан олиш) ва бошқадар.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, қайта ташкил этиш натижасида юзага келган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб корхона қайта ташкил этилган ҳисобланади. Корхона унга бошқа корхонани қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган корхонанинг фаолияти тўхтатилгани хакидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб бу корхона қайта ташкил этилган ҳисобланади.

2.КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

а) қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари;

б) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ва 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»нинг 6-бандида кўрсатилган муассислар қарори ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этишга розилиги;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш тўғрисидаги шартномалар;

г) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи орган: қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзувни Реестрга киритганини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар.

Муассислар қарори (шартномаси)га биноан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси қуйидаги иловаларни ўз ичига олади:

а) қайта ташкил этилаётган корхона активлари ва мажбуриятлари таркиби, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда активлар ва мажбуриятларни топширишни расмийлаштириш санасидан олдинги охирги ҳисобот санасига бўлган уларнинг баҳоси акс эттирилган, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган таркибда молиявий ҳисобот;

б) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш олдидан Ўзбекистон Республикасининг 19-сон БҲМС "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш"га мувофиқ ўтказилган ва уларнинг тўғрилигини (активлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги, ҳолати ва баҳосини) тасдиқловчи, қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш далолатномалари (хатлаш ҳужжатлари);

в) моддий ва номоддий активлар бўйича бошланғич ҳужжатлар (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари (юкхатлари)), корхоналарни қайта ташкил этишда қабул қилиниши-топширилиши лозим бўлган бошқа активларнинг рўйхатлари (хатлаш ҳужжатлари);

г) қайта ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб мол-мулки ва тегишли шартномалар ва контрактлар бўйича мажбуриятлари, тегишли бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари ва

бошқалар билан хисоб-китоблар ҳуқуқий ворисга ўтганлиги ҳақида уларнинг кредиторлари ва дебиторларига белгиланган муддатда (қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай) ёзма равишда хабардор этганлиги тўғрисидаги ахборот кўрсатилган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси (уларни хатлаш хужжатлари) ва бошқалар.

Топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган корхонанинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис хужжатлари билан бирга янги вужудга келган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд корхоналарнинг таъсис хужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини белгиланган тартибда тасдиқлаш санаси муассислар ёки қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорни қабул қилган орган томонидан муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги шартномаси (қарори)да назарда тутилган қайта ташкил этишни амалга ошириш муддати доирасида, қонун хужжатларида назарда тутилган зарур тақомиллар (қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида кредиторлар, акциядорлар ва иштирокчиларни хабардор этиш, уларнинг мажбуриятларни тугатиш ёки муддатидан илгари бажариш ва зарарларни қоплаш ҳақида талаблар қўйиши, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва бошқалар)дан келиб чиқиб белгиланади.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузишни хисобот даври (йили)нинг охирига ёки қайта ташкил этилаётган корхонанинг берилаётган активлари ва мажбуриятларини тавсифлаш ва баҳолаш учун асос бўлган оралиқ (чораклик) молиявий ҳисобот тузиш санасига мўлжаллаш тавсия этилади.

Корхоналарни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турлари учун қўлланадиган баҳолаш усулларидан фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин.

23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»га мувофиқ юридик шахсни қайта ташкил этишда топшириладиган активлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин:

а) хариднинг ҳақиқий таннархи бўйича;

б) дастлабки қиймати бўйича;

в) қолдиқ қиймати бўйича;

г) тикланиш қиймати бўйича;

д) номинал қиймати бўйича;

е) ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича;

ж) бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

з) режали, меъёрий таннархи бўйича;

и) бозор баҳоси бўйича.

23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»га иловада корхоналарни қайта ташкил этишда қўллаш тавсия этиладиган баҳолашнинг қуйидаги турлари келтирилган.

Корхоналарни қайта ташкил этишда қўлланиладиган мол-мулкни
БАҲОЛАШ ТУРЛАРИ

Активларнинг турлари	Баҳолашни қўллаш				
	Бозор баҳоси	Ҳақиқий қиймат	Қолдиқ қиймат	Номинал қиймат	Режали, меъёрий қиймат
Асосий воситалар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Номоддий активлар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ
Капитал қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Узоқ муддатли инвестициялар	ҳа	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ
Материаллар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулот	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Тайёр маҳсулот	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Юклаб жўнатилган товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Нақд пул маблағлари	йўқ	йўқ	йўқ	ҳа	йўқ
Пул ҳужжатлари	йўқ	ҳа	йўқ	ҳа	йўқ
Банкдаги счётлардаги пул маблағлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Йўлдаги ўтказмалар	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Молиявий қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	ҳа	йўқ
Келгуси даврлар харажатлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида акс эттирилган активлар қиймати топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига иловалар (хатлаш ҳужжатлари, расшифровкалар)да келтирилган маълумотлар билан тегишли қиймат баҳосида мос келиши лозим.

Қайта ташкил этиш вақтида муассислар қарори (шартномаси)га мувофиқ юқоридаги "а"-"з"- бандларда кўрсатилган қийматлар бўйича топширилувчи активларни баҳолашда қайта ташкил этилаётган корхонанинг топшириш

далолатномаси ёки таксимлаш балансида топширилаётган активни акс эттириш мазкур хужжатларни тузиш учун асос бўлган молиявий хисоботда акс эттирилган суммада амалга оширилади.

Муассислар қарори (шартномаси) га мувофиқ қайта ташкил этишда топширилувчи мол-мулкни жорий бозор баҳоси бўйича баҳолаш қайта ташкил этилаётган корхона томонидан топшириш далолатномаси ёки таксимлаш балансини тузиш чоғида амалга оширилиши мумкин.

Топшириш далолатномаси ёки таксимлаш балансида қайта ташкил этилаётган корхона мажбуриятларининг баҳоси кредиторлик қарзи инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби счётларида ифодаланган суммада акс эттирилади, бунда корхона қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ кредиторларга қопланиши керак бўлган зарарлар суммаси ҳисобга олиниши лозим.

Акциядорлик жамиятларининг корхоналар устав капиталидаги акциядорларнинг талабига биноан сотиб олиниши лозим бўлган акцияларини баҳолаш уларнинг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аникланган жорий бозор баҳосидан паст бўлмаган нархда белгиланган тартибда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Назарда тутилган барча таомиллар бажарилганидан кейин, белгиланган тартибда сотиб олинган, қайта ташкил этилаётган корхоналарга тегишли акциялар бекор қилинаётганида бухгалтерия ҳисобида устав капиталининг акциялар номинал қийматига камайиши акс эттирилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар миқдори акциялар номинал қийматидан катта бўлса, юзага келувчи фарқ қўшилган капиталнинг камайиши ҳисобига, қўшилган капитал миқдори етарли бўлмаган тақдирда эса, молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона кўрган зарар сифатида киритилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар акциялар номинал қийматидан кам бўлса, юзага келувчи фарқ молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона олган даромад сифатида киритилади.

Ўз фаолиятини тўхтатаётган қайта ташкил этилаётган корхона Реестрга тегишли ёзув киритилган санадан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузади.

Якуний молиявий ҳисобот "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари"ни тасдиклаш тўғрисида"ги 140-сон буйругига мувофиқ, корхона илгари қабул қилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари ҳақмида, ҳисобот йили бошланганидан то Реестрга янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган охирги корхона фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги) ёзув киритилган вақтга қадар ўтган давр учун тузилади.

Қайта ташкил этилаётган корхоналар бухгалтерия ҳисоби маълумотларни эмас, балки ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот беришлари лозим. Шу боис бухгалтерия ҳисобининг барча тартибга солувчи (контр-актив ва контр-пассив) ва бахолаш счётлари ёпилган бўлиши керак. Якуний молиявий ҳисобот тузиш учун фақат мол-мулк ва мажбуриятларни ҳисобга олиш счётлари бўйича колдикка эга бўлиш лозим.

Агар қайта ташкил этиш натижасида янги тузилган корхона муайян объектга нисбатан ўз хукукларини тасдиклаш ва амалга ошириш имкониятини йўкотган бўлса, мазкур мол-мулкни қайта ташкил этилган корхона зарарларга ҳисобдан чикариши лозим.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини топшириш санаси билан вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақидаги) ёзув Реестрга киритилган сана мос келмаганлиги туфайли мазкур саналар оралиғидаги даврда қайта ташкил этилаётган корхона томонидан белгиланган тартибда йиллик (ёки оралик) молиявий ҳисобот тузилади ва тақдим этилади.

Бунда оралик ва йиллик, кейинчалик эса якунловчи молиявий ҳисоботнинг микдорий кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан мос келмаслиги мумкин.

Оралик ва (ёки) йиллик молиявий ҳисоботга, якуний молиявий хисоботга тушунтириш ёзувида ёхуд топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига изохларда шу даврда топширилаётган активлар ва мажбуриятлар кийматида содир бўлган ўзгаришлар ёритилиши лозим.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган (фаолияти тугатилаётган) корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилишидан бевосита олдин тузилган, шунингдек топширилаётган активлар баланс қиймати (амалдаги таннархи, дастлабки қиймати) бўйича, мажбуриятлар эса - қарз бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган сумма бўйича баҳоланган тақдирда, оралик ва (ёки) йиллик ҳамда якунловчи молиявий ҳисоботнинг микдорий кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан, башарти тегишли ҳужжатлар тақдим этилган сана ва рўйхатга олувчи орган Реестрга ёзув киритган сана оралиғидаги даврда активлар ва мажбуриятларда ўзгариш содир бўлмаган бўлса мос келиши мумкин.

Қайта ташкил этишда активлар ва мажбуриятларнинг топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси бўйича бир корхонадан бошка корхонага хукукий ворислик тартибида топширилишига бухгалтерия ҳисоби максадларида активлар ва мажбуриятларнинг чиқиб кетиши сифатида каралмайди.

Қайта ташкил этиш (вужудга келган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш, қимматли коғозларни рўйхатдан ўтказиш, юридик хизматларга ҳак тўлаш ва бошкалар) билан боғлик харажатлар қайта ташкил этишда катнашаётган корхоналар

томонидан тегишли даврнинг бошқа операцион харажатлари деб эътироф этилади ва ушбу харажатларни амалга оширган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Мазкур харажатларни амалга оширган корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (2-сон шакл)да юкорида зикр этилган бошқа операцион харажатлар, уларнинг аҳамиятлилигидан катъи назар "бошқа операцион харажатлар" сатрида ёритилади.

Қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг ҳисобот даврининг бошига (давлат рўйхатидан ўтказилган санага) қадар бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботида активлар, мажбуриятлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда тасдикланган топшириш далолатномаси ёки таксимлаш балансига, шунингдек қайта ташкил этилган корхоналарнинг топширилаётган активлари ва мажбуриятлари таркибидаги ва қийматидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб тузилган якуний молиявий ҳисоботи маълумотларига асосан тўлдирилади.

Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг жорий хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишда ва қайта ташкил этишда қўлланувчи активларни баҳолаш усуллари ҳар хил бўлса, якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичлари баҳосини топширилаётган активлар баҳоси билан мувофик ҳолатга келтириш лозим. Топширилаётган активлар қийматидаги барча тафовутлар қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг бошқа даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш счётларида акс эттирилиши лозим.

Мажбурият тугатилган, қарздор ва кредитор бир шахс бўлган тақдирда яъни кўшиб юбориш (кўшиб олиш) шаклидаги қайта ташкил этишда қатнашаётган тарафлар ўртасида кўшиб юбориш (кўшиб олиш) шаклидаги қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг дастлабки бухгалтерия балансига қуйидагилар киритилмайди:

а) қайта ташкил этилаётган корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан дивидендлар бўйича ҳисоб-китобларни акс эттирувчи миқдорий кўрсаткичлар;

б) қайта ташкил этилаётган баъзи корхоналарнинг қайта ташкил этилаётган бошқа корхоналар устав капиталига жойлаштирган маблағлари;

в) қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китобларини, жумладан ўзаро операциялар натижасида олинган даромад ва кўрилган зарарларни тавсифловчи бошқа активлар ва мажбуриятлар.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш, шунингдек қайта ташкил этиш (ўзгартириш шаклидаги қайта ташкил этишни истисно қилганда) натижасида вужудга келган корхонанинг облигациялари ва векселлари бўйича чегиришлар ёки мукофотлар, дисконтлар (скидкалар) бўйича муддати кечиктирилган даромадлар ва харажатлар амортизацияси корхона давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб, қайта ташкил этиш (ўзгартириш шаклидаги қайта ташкил этишни истисно қилганда) натижасида вужудга келган корхона Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси 5-сон БҲМС "Асосий воситалар"7-сон БҲМС) "Номоддий активлар" га мувофик белгиланган объектдан унумли фойдаланиш муддатидан ва амортизацияни ҳисоблаш

усулидан келиб чиқиб, аввалги ҳуқуқий ворис томонидан илгари қўлланган амортизацияни ҳисоблаш усулидан қатъи назар, топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан объектни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш вақтида амалга оширилади.

3. КОРХОНАЛАРНИ ҚЎШИБ ЮБОРИШ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

Қўшиб юборишда қатнашаётган корхоналар қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, ҳар бир корхона акциялари (улушлари)ни янги корхона акциялари (улушлари)га конвертация қилиш тартиби белгиланадиган қўшиб юбориш тўғрисида шартнома тузадилар. Қўшиб юборишда қатнашаётган ҳар бир корхона қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг муҳокамасига киритади.

Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишда ўз фаолиятини тўхтатаётган барча қайта ташкил этилаётган корхоналар вужудга келган корхона ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузадилар. Бунда якуний молиявий ҳисобот тузилгунга қадар даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш счётини ёпиш ва соф фойда суммасини муассисларнинг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтириш (тақсимлаш) амалга оширилади.

Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишда қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек топшириш далолатномаси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар вужудга келган корхона ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатаётган корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида ва якуний молиявий ҳисоботида акс эттирилади.

Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилган санага бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботи топшириш далолатномаси маълумотлари ҳамда қайта ташкил этилган корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»нинг 24-бандида санаб ўтилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда тузилган якуний молиявий ҳисобот миқдорий кўрсаткичларини (мазкур БҲМСнинг 20-бандида келтирилган миқдорий кўрсаткичлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни истисно қилганда) сатрма-сатр бирлаштириш (қўшиш ёки ўтган йилларнинг копланмаган зарарлари бўлган тақдирда, айириш) асосида,

шунингдек мазкур БҲМСнинг 27-бандида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқиб тузилади.

Бунда қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар (2-сон шакл) миқдорий кўрсаткичларини қўшиш қўшиб юбо[illegible] шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида амалга оширилмайди.

Вужудга келган корхона давлат рўйхатидан ўтиш санасига бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботни тузишда қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошка миқдорий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни улар топшириш далолатномасида акс эттирилувчи баҳолашда, қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг якуний молиявий ҳисоботидаги миқдорий кўрсаткичлардан келиб чиқиб тўлдиради.

Қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномага ва унда назарда тутилган муассисларнинг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни вужудга келган корхонанинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация килиш (айирбошлаш) тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ, вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг таркиб топтирилган устав капитали акс эттирилади.

Агар қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада вужудга келган корхонанинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг устав капиталлари суммасидан, шу жумладан қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишда қатнашаётган корхоналарнинг ўз манбалари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада кайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади.

Агар қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада вужудга келган корхонанинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг устав капиталлари умумий суммасидан камайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада кайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарк эса ҳукукий вориснинг дастлабки бухгалтерия балансида "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимида "Қўшилган капитал" миқдорий кўрсаткичи билан тартибга солиниши лозим.

Агар қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган устав капиталининг миқдори вужудга келган корхонанинг соф активлари қийматига мос келган бўлмаса, дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Акцияларни конвертация килишда қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг соф активлари киймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари соф

активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган холда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Агар (акцияларни конвертация қилиш ҳолларини истисно қилганда) вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб колса, ўртадаги фарк дастлабки бухгалтерия баланси "Мажбуриятлар" бўлимида "Узок муддатга узайтирилган даромадлар" ва "Муддати узайтирилган даромадлар" микдорий кўрсаткичлари билан манфий гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Агар кўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлиб колса, ўртадаги фарк дастлабки бухгалтерия баланси "Узок муддатли активлар" бўлимида "Номоддий активлар" микдорий кўрсаткичи билан гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

4. КОРХОНАЛАРНИ ҚЎШИБ ОЛИШ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

Қўшиб олинаётган корхоналар ва улар қўшилаётган корхона қўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек қўшиб олинаётган корхоналарнинг акциялари (улушлари)ни улар қўшилаётган корхонанинг акциялари (улушлари)га конвертация қилиш тартиби белгиланадиган қўшиб олиш гўғрисида шартнома тузадилар. Ҳар бир корхона қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш, қўшиб олиш тўғрисидаги шартнома ва топшириш далолатномасини тасдиклаш тўғрисидаги масалаларни қўшиб олишда иштирок этувчи корхона муассислари (акциядорлари) умумий йиғилишининг муҳокамасига киритади.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда якуний молиявий хисобот фақат қўшиб олинаётган корхона томонидан унинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра тузилади. Бунда якуний молиявий хисобот тузилгунга кадар даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш счётини ёпиш ва қўшиб олинаётган корхонанинг соф фойдаси суммасини муассисларнинг қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган максадларга йўналтириш (тақсимлаш) амалга оширилади.

Бошка корхона (корхоналар)ни унга қўшиш жараёнида муассисларнинг карорига асосан фақат активлар ва мажбуриятлар ҳажми ўзгарган ва жорий ҳисобот йили узилиб қолмаган корхонада даромадлар ва харажатлар хисобини юритиш счёти ёпилмайди ва қўшиб олинаётган корхона фаолиятини тўхтатиш давлат рўйхатидан ўтказилган санага бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий хисобот тузилмайди.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда кайга ташкил этилаётган корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек топшириш далолатномаси тасдикланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга

оширилган қайта ташкил этиш билан боғлик харажатлар қўшиб олинаётган корхона фаолиятининг тўхтатилиши ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар ўз фаолиятини тўхтатаётган корхонанинг бухгалтерия хисобида ва якуний молиявий хисоботида акс эттирилади.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган ҳолатга кўра ҳуқуқий ворисннинг молиявий хисоботи топшириш далолатномаси маълумотлари ҳамда қўшиб олинаётган корхонанинг бухгалтерия хисобида акс эттирилган, 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий хисоботни шакллантириш»нинг 32-бандида санаб ўтилган операцияларни хисобга олган ҳолда тузилган якуний молиявий хисобот микдорий кўрсаткичларини ва ҳуқуқий ворисннинг қўшиб олинаётган корхона фаолияти тўхтатилганини давлат рўйхатидан ўтказиш санасига бўлган ҳолатга кўра тузилган молиявий хисоботи микдорий кўрсаткичларини (мазкур БҲМСнинг 20-бандида келтирилган ва ўзаро ҳисоб-китобларни акс эттирувчи микдорий кўрсаткичларни истисно қилганда) сатрма-сатр бирлаштириш (қўшиш ёки, ўтган йилларнинг қопланмаган зарарлари бўлган тақдирда, айириш) асосида, шунингдек мазкур БҲМСнинг 35-бандида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқиб тузилади.

Бунда ҳуқуқий ворис ва қўшиб олинаётган корхонанинг қўшиб олинаётган корхона фаолияти тўхтатилганини давлат рўйхатидан ўтказиш санасига қадар бўлган ҳисобот даврларидаги молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботлар (2-сон шакл) микдорий кўрсаткичларини қўшиш амалга оширилмайди.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворисннинг қўшиб олинаётган корхона фаолияти тўхтатилганини давлат рўйхатидан ўтказиш санасидан кейинги даврдаги молиявий натижалари тўғрисидаги хисоботи (2-сон шакл)нинг микдорий кўрсаткичлари қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган корхонанинг даромадлари ва харажатларини акс эттиради.

Ҳуқуқий ворис қўшиб олинган охирги корхона фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган ҳолатга кўра молиявий хисоботни тузишда қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа микдорий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни улар топшириш далолатномасида акс эттирилувчи баҳолашда, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётган корхонанинг қўшиб олинаётган корхона томонидан тузилган якуний молиявий хисоботидаги микдорий кўрсаткичлардан келиб чиқиб тўлдиради.

Қўшиб олиш тўғрисидаги шартномага ва унда назарда тутилган муассисларнинг қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни ҳуқуқий ворисннинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартиби тўғрисидаги карорига мувофик, ҳуқуқий ворисннинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган ҳолатга кўра молиявий хисоботида таркиб топтирилган устав капитали акс эттирилади.

Агар қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий вориснинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг устав капиталлари умумий суммасидан, шу жумладан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишда қатнашаётган корхоналарнинг ўз манбалари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган ҳолатга кўра молиявий ҳисоботида қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади.

Агар қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий вориснинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг устав капиталлари умумий суммасидан камайтириш назарда тутилган бўлса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган ҳолатга кўра молиявий ҳисоботида қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий вориснинг бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимида "Қўшилган капитал" миқдорий кўрсаткичи билан тартибга солиниши лозим.

Агар қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган устав капиталининг миқдори ҳуқуқий вориснинг соф активлари қийматига мос келган бўлмаса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган ҳолатга кўра бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Акцияларни конвертация қилиш вақтида ҳуқуқий вориснинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Қолган ҳолларда, агар ҳуқуқий вориснинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, ўртадаги фарқ ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилган санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси "Мажбуриятлар" бўлимида "Узоқ муддатга узайтирилган даромадлар" ва "Муддати узайтирилган даромадлар" миқдорий кўрсаткичлари билан манфий гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Агар ҳуқуқий вориснинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлиб қолса, ўртадаги фарқ ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охирги корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси "Узоқ муддатли активлар" бўлимида "Номоддий активлар" миқдорий кўрсаткичи билан гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

5. КОРХОНАЛАРНИ БЎЛИШ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

Корхонани бўлиш шаклида қайта ташкил этишда муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига асосан қайта ташкил этилаётган корхона мол-мулки ва мажбуриятларининг ҳукукий ворислиги ҳақидаги қоида ифодаланган таксимлаш балансини тузиш учун қайта ташкил этилаётган корхона молиявий ҳисоботининг миқдорий кўрсаткичларини бўлиш амалга оширилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл)нинг миқдорий кўрсаткичларини бўлиш қайта ташкил этилаётган корхона томонидан амалга оширилмайди.

Ўз фаолиятини тўхтатаётган корхона томонидан вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунга бўлган ҳолатга кўра даромадлар ва харажатлар ҳисоби счётлари бўйича охирги ҳисобот йилини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот элементлари кесимида ёпиш билан боғлиқ ҳисобга олиш ёзувлари қайд этилади ва таксимлаш балансига асосан, вужудга келган корхоналар кесимида тегишли миқдорий кўрсаткичларни бўлган ҳолда якуний молиявий ҳисоботни тузиш учун таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) аниқланади.

Бўлиш шаклида қайта ташкил этишда қайта ташкил этилаётган корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек таксимлаш баланси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар қайта ташкил этилаётган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ва якуний молиявий ҳисоботида акс эттирилади.

Бўлиш шаклида қайта ташкил этилган корхонанинг таксимлаш баланси ва якуний молиявий ҳисоботига асосан, 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»нинг 39-бандида кўрсатилган акс эттирилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтиш санасидаги ҳолатга кўра ҳар бир янги корхонанинг дастлабки бухгалтерия ҳисоботи тузилади.

Ҳукукий ворислар ўзлари давлат рўйхатидан ўтган санага бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботни тузишда бўлиш шаклида қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни ҳукукий ворислик тартибида олинган мол-мулк муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ таксимлаш балансида акс эттирилувчи баҳолашда, қайта ташкил этилаётган корхонанинг якуний молиявий ҳисоботидаги миқдорий кўрсаткичлардан келиб чикиб қайд этадилар.

Корхоналарни бўлиш чоғида таркиб топтирилган устав капитали дастлабки бухгалтерия балансида муассисларнинг бўлиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига ва унда назарда тутилган қайта ташкил

этилаётган корхонанинг акциялари (улушлари, пайлари)ни вужудга келган корхоналарнинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартибига мувофиқ акс эттирилади.

Агар муассисларнинг бўлиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорида вужудга келган корхоналарнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав капитали суммасидан, шу жумладан бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган корхонанинг ўз манбалари (қўшилган капитали, тақсимланмаган фойдаси ва х.к.) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг дастлабки молиявий ҳисоботида муассисларнинг бўлиш тўғрисидаги қарорида қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади.

Агар муассисларнинг бўлиш тўғрисидаги қарорида бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав капитали суммасидан камайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган корхоналарнинг дастлабки молиявий ҳисоботида муассисларнинг бўлиш тўғрисидаги қарорида қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий ворисларнинг дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимида "Қўшилган капитал" миқдорий кўрсаткичи билан янги вужудга келган корхоналарнинг устав капитали миқдорига мутаносиб равишда тартибга солиниши лозим.

Агар муассисларнинг бўлиш тўғрисидаги қарорида назарда тутилган устав капиталининг миқдори корхоналарни бўлиш натижасида вужудга келган соф активлар қийматига мос келган бўлмаса, бўлиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Акцияларни конвертация қилиш вақтида бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Агар вужудга келган корхоналарнинг соф активлари қиймати таъсис ҳужжатларида қайд этилган устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси "Мажбуриятлар" бўлимида "Узоқ муддатга узайтирилган даромадлар" ва "Муддати узайтирилган даромадлар" миқдорий кўрсаткичлари билан манфий гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Агар бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлиб қолса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси "Узоқ муддатли активлар" бўлимида "Номоддий активлар" миқдорий кўрсаткичи билан гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

6. КОРХОНАЛАРНИ АЖРАТИБ ЧИҚАРИШ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишда таркибидан бошқа корхона ажралиб чиқаётган корхонада муассислар қарорига асосан фақат мол-мулк ва мажбуриятлар ҳажми ўзгаради, жорий ҳисобот даврида узилиш рўй бермайди, даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш счётлари ёпилмайди, шунингдек якуний молиявий ҳисобот тузилмайди.

Корхонани ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишда муассисларнинг қарорига асосан қайта ташкил этилаётган корхона активлари ва мажбуриятларининг ҳуқуқий ворислиги ҳақидаги қоида ифодаланган тақсимлаш балансини тузиш учун қайта ташкил этилаётган корхона молиявий ҳисоботининг миқдорий кўрсаткичларини ажратиш амалга оширилади.

Бунда қайта ташкил этилаётган корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл) миқдорий кўрсаткичларини ажратиш амалга оширилмайди.

Қайта ташкил этилаётган корхона ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлимининг даромадлари ва айрим харажатлари суммасини эътироф этиш (топширилаётган мол-мулк бўйича амортизацияни ҳисоблаш, бу мулкни сақлаш харажатлари, ходимларга меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва бошқалар), шунингдек ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлим бўйича молиявий ҳисобот тузилган санадаги ҳолатга кўра тегишли бюджетлар билан солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни ёритишда қайта ташкил этилаётган корхона Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига амал қилиши мумкин.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишда қайта ташкил этилаётган корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек тақсимлаш баланси тасдикланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар қайта ташкил этилаётган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботида акс эттирилади.

Тақсимлаш балансига асосан, 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»нинг 47-бандида кўрсатилган, қайта ташкил этилаётган корхона томонидан акс эттирилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтиш санасидаги ҳолатга кўра вужудга келган корхоналарнинг дастлабки молиявий ҳисоботи тузилади.

Ҳуқуқий ворис ўзи давлат рўйхатидан ўтган санадаги ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботни тузишда қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни улар тақсимлаш балансида акс эттирилувчи баҳолашда, вужудга келган корхона ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага бўлган

ҳолатга кўра қайта ташкил этилаётган корхонанинг молиявий хисоботидаги миқдорий кўрсаткичлардан келиб чиқиб қайд этади.

Корхонани ажратиб чиқаришда таркиб топтирилган устав капитали дастлабки молиявий хисоботда муассисларнинг ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига ва қонунчиликка мувофик унда назарда тутилган қайта ташкил этилаётган корхонанинг акциялари (улушлари, пайларининг миқдорини аниклаш)ни вужудга келган корхонанинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартибига мувофик акс эттирилади.

Агар муассислар қарорига биноан ажратиб чиқарилаётган корхона устав капиталини таркиб топтириш учун фойдаланилаётган мол-мулкка доир ҳуқуқлар қайта ташкил этилаётган корхона устав капиталини ўзгартирмасдан, ажратиб чиқарилаётган корхона устав капиталига бадал тарикасида ўтказилаётган бўлса, мол-мулкнинг бундай тарзда ўтказилиши қайта ташкил этилаётган корхонанинг молиявий ҳисоботида молиявий қўйилмалар тарзида, ажратиб чиқарилаётган корхонанинг молиявий хисоботида эса - устав капиталига қўшилган бадал тарзида акс эттирилади.

Агар муассисларнинг қарорига биноан қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав капиталини ажратиш Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофик акцияларни конвертация қилиш орқали амалга оширилаётган бўлса, қайта ташкил этилаётган корхона бухгалтерия балансининг "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимида ажратиб чикариш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш санадаги ҳолатга кўра ва Реестрга ёзув киритилган санадаги ҳолатга кўра миқдорий кўрсаткичларга соф активлар қиймати устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратилган ҳолда киритилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Агар ажратиб чикариш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати муассислар қарорида қайд этилган устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, ўртадаги фарк дастлабки бухгалтерия баланси "Мажбуриятлар" бўлимида "Узок муддатга узайтирилган даромадлар" ва "Муддати узайтирилган даромадлар" миқдорий кўрсаткичлари билан манфий гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Агар ажратиб чикариш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати муассислар қарорида қайд этилган устав капитали миқдоридан кам бўлиб қолса, ўртадаги фарк дастлабки бухгалтерия баланси "Узок муддатли активлар" бўлимида "Номоддий активлар" миқдорий кўрсаткичи билан гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Мазкур фарк ажратиб чикариш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш санасига бўлган ҳолатга кўра қайта ташкил этилаётган корхонанинг бухгалтерия балансида ҳам айни шу йўсинда тартибга солиниши лозим.

7. КОРХОНАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ корхонани тегишли ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари муассисларнинг ўзгартириш тўғрисидаги қарори билан белгиланади.

Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида ташкилий-ҳуқуқий шакл ўзгарган тақдирда, мол-мулк ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворисга ўтказиш билан боғлиқ масалалар топшириш далолатномасида тартибга солиниши лозим.

Муассисларнинг ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ҳужжатларни қайта расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар муассислар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган корхона вужудга келган корхона ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунда якуний молиявий ҳисобот тузиши чоғида даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш счётини ёпиш ва ўзгартирилаётган корхонанинг соф фойдаси суммасини муассисларнинг ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтириш (тақсимлаш) амалга оширилади.

Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботи ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган корхона якуний молиявий ҳисоботи кўрсаткичларини 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»нинг 55 ва 56-бандларида назарда тутилган хусусиятлардан келиб чиқиб ўтказиш йўли билан тузилади.

Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни вужудга келган корхонанинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ, вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида шакллантирилган устав капитали акс эттирилади.

Агар муассислар қарорида вужудга келган корхонанинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав капиталига нисбатан, шу жумладан ўз манбалари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқадар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида муассислар қарорида қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади.

Агар муассислар қарорида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг устав капитали миқдорини камайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган корхонанинг дастлабки молиявий ҳисоботида таъсис ҳужжатларида қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий ворисниинг дастлабки

бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимида "Қўшилган капитал" миқдорий кўрсаткичи билан тартибга солиниши лозим.

Агар муассислар қарорида назарда тутилган устав капиталининг миқдори вужудга келган корхонанинг соф активлари қийматига мос бўлмаса, дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Агар акцияларни конвертация қилиш вақтида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати қайта ташкил этилаётган корхонанинг устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, дастлабки бухгалтерия баланси "Хусусий маблағларнинг манбалари" бўлимининг миқдорий кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Қолган ҳолларда, агар вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб колса, ўртадаги фарк дастлабки бухгалтерия баланси "Мажбуриятлар" бўлимида "Узоқ муддатга узайтирилган даромадлар" ва "Муддати узайтирилган даромадлар" миқдорий кўрсаткичлари билан манфий гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Агар ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлиб колса, ўртадаги фарк дастлабки бухгалтерия баланси "Узоқ муддатли активлар" бўлимида "Номоддий активлар" миқдорий кўрсаткичи билан гудвилл тарзида тартибга солиниши лозим.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхона томонидан қайта ташкил этилган корхона (ҳуқуқни ўтказувчи) белгилаган унумли фойдаланиш муддатларидан келиб чиқиб, ушбу объектларни қонун ҳужжатларига мувофик бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш вақтида амалга оширилади.

8.КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ЖИҲАТЛАРИ

22-сон БҲХС «Компанияларни бирлаштириш»га асосан бизнеснинг бирлашуви ҳисобини юритишда харид усулидан фойдаланиш лозим.

Харид усулидан фойдаланишда бизнеснинг бирлашуви қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: А) харидорни аниқлаш; Б) бизнесни бирлаштиришнинг ҳақиқий харажатларини аниқлаш; В) харид вақтига харид учун ҳақиқатда қилинган харажатларни олинган активлар ва қабул қилинган ва баҳоланган мажбуриятларга тақсимлаш.

Харидорни аниқлаш. Харидор бўлиб бирлаштириб олувчи ва бирлаштирилган корхоналар ва корхоналар устидан назоратни ўз қўлига олувчи корхона ҳисобланади. Одатда, агар корхона харид қилинаётган

корхонанинг овоз берувчи акцияларининг ярмидан кўпига эгалик килса, назоратни ўз кўлига олади, фақат агар бундай эгалик назорат килиш ҳукукини бериши мавжуд бўлса. Бирлашаётган корхоналардан биронтаси овоз берувчи акцияларнинг ярмидан кўпини харид килмаса ҳам харидор-корхонани аниклаш имконияти бўлади, агарда бирлашаётган корхоналардан бири бирлашиш натижасида қуйидагиларга эга бўлса :

(а) бошқа инвесторлар билан келишиш орқали бошқа корхоналарнинг овоз берувчи акцияларнинг ярмидан кўпига эгалик ҳукукини олса;

(б) устав ёки келишув асосида бошқа корхонанинг молиявий ва хўжалик сиёсатини аниклаш ҳукукини олса;

(в) бошқа корхона директорлар кенгашининг кўпгина аъзоларини ёки шунга ўхшаш бошқарув органини тайинлаш ва аралаштириш ҳукуки бўлса;

(г) бошқа корхоналарнинг директорлар кенгаши ёки шунга ўхшаш бошқарув органлари мажлисида асосий овозни бериш ваколати ҳукукига эга бўлса.

Бизнесни бирлаштиришнинг ҳакикий харажатларини аниклаш. Харидор бизнесни бирлаштиришнинг таннархини аниқлаши лозим. Бизнесни бирлаштириш таннархи алмаштириш пайтидаги берилган активлар, олинган ёки вужудга келган мажбуриятларни ва харид қилинаётган корхона устидан назоратга алмаштирилган хиссали чикарилган инструментларга тенг. Шу билан бирга бизнесни бирлаштириш таннархи ўз ичига бизнесни бирлаштириш учун бухгалтерларга, юристларга, баҳоловчи ва бошқа маслаҳатчиларга берилган мукофотлар каби бевосита харажатларни ҳам олади.

Харид вақтига харид учун ҳақиқатда қилинган харажатларни олинган активлар ва қабул қилинган ва баҳоланган мажбуриятларга таксимлаш. Харид усулидан фойдаланиш корхоналарни харидини худди бошқа активларни сотиб олинишидай ҳисобга олиб келишга олиб келади. Чунки корхоналарни харид килиш натижасида активлар олиниши, мажбурият пайдо бўлиши ёки бошқа корхона ишлаб чикариш фаолияти ва соф активлари устидан назоратни олиш учун капитал чикарилиши бўйича келишув вужудга келади.

Идентификация қилинадиган активлар, мажбуриятлар ва баҳоланувчи мажбуриятларнинг ҳаққоний кийматини аниқлашнинг умумий кўрсатмалари:

а) бозор қимматли коғозлари, уларнинг жорий бозор кийматида;

б) нобозор кимматли коғозлари баҳолаш кийматида, худди шундай характерли корхона фойда ва баҳо, дивидендлар ва таққослама кимматли коғозларнинг тахмин қилинаётган ўсиш темплари каби тавсифларини ҳисобга олувган ҳолда;

с) дебиторлик карзлари жорий фоиз ставкалари асосида шубҳали карзларни ҳисобдан чикарган ҳолда аникланадиган келиб тушиши лозим бўлган суммалар кийматида;

d) захиралар:

i) тайёр махсулотлар ва товарлар – сотиш баҳосида, қуйидагиларни чегирган ҳолда: а) чиким харажатлари ва b) фойда резерви;

ii) тугалланмаган ишлаб чикариш – тайёр махсулотнинг сотиш бахосида, куйидагиларни чегирган холда: а) тугатиш харажатларини; б) чиким харажатларини; с) фойда резервини.

iii) хом ашё ва материаллар – коплашнинг жорий кийматида;

е) ер ва бино – уларнинг бозор кийматида;

f) машина ва ускуналар – уларнинг бозор кийматида, одатда баҳолаш асосида аниқланади;

g) номоддий активлар, 38-БХХС "Номоддий активлар" стандартига асосан уларнинг хаккоий кийматида ва бошқалар.

Молиявий хисоботда куйидаги умумий моддалар алоҳида ёритилиши лозим:

1. Бирлашаётган корхоналар ёки бизнесларнинг номи ва тавсифи.
2. Сотиб олиш вакти.
3. Сотиб олинган овоз берувчи акцияларнинг фоизи.
4. Бизнесни бирлаштиришга кетган хакикатдаги харажатлар.
5. Харид учун олинаётган активлар ва мажбуриятларнинг суммаси.
6. Бошқа даромад сифатида тан олинган салбий гудвилл суммаси.
7. Гудвиллни тан олишга олиб келган омилларни тавсифи.
8. Сотиб олиш вактидан харид қилинаётган корхонанинг фойда ёки зарарларининг суммаси.

Консолидациялаштирилган молиявий хисобот

Консолидациялаштирилган молиявий хисобот – бу ўз ичига бош корхона ва шўъба корхоналарни олган гурухнинг бир иктисодий бирлик сифатидаги молиявий хисоботи.

Бош корхона – бу бир ёки ундан кўп шўъба корхоналарга эга бўлган корхона.

Шўъба корхона - бу бош корхона томонидан назорат қилинадиган корхона, чунончи корпорацияга кирмайдиган ўртоклик корхочалари хам шулар жумласидандир.

Назорат - бу бу корхонанинг молиявий ва операцион сиёсати устидан унинг фаолиятидан фойда олиш максадида бошкариш имконияти.

Озчиликлар хиссаси - бу соф фойда ёки зарарнинг бош корхона бевосита ёки унинг шўъба корхона орқали билвосита эгалик қилмайдиган қисми.

Консолидациялаштирилган молиявий хисоботни тузишдан асосий мақсад – бош корхона ва шўъба корхоналар фаолиятини бир хўжалик субъекти фаолияти кўринишида акс эттириш. Мисол учун консалидациялаштирилган балансда ишлаб чикариш захираларида бош корхона ва барча шўъба корхоналарнинг ишлаб чикариш захиралари кўрсатилади. Худди шундай фойда ва зарарлар хисоботида хам «Реализация» ўз ичига бош корхона ва шўъба корхоналари сотуви хажмини акс этади.

Бош корхонанинг шўъба корхоналарга киритган инвестицияларининг ҳисоби

Бош корхонанинг шўъба корхоналарга киритган инвестициялари консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботда қуйидагича ҳисобга олиниши лозим:

- ҳақиқий таннархи бўйича; ёки
- 39-сон БҲХС «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш»га асосон хаққоний қиймати бўйича.

Агарда инвестициялар сотишга мўлжалланган кўринишда таснифланган бўлса, уни 35-сон БҲХС «Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ва тугалланган фаолият»га асосан ҳисобга олиш лозим.

Зарурат

Гурухий молиявий ҳисобот инвестицияларни киритган эгаларига уларнинг инвестициялари нимадан иборат эканлигини, шўъба корхоналарнинг соф активлари устидан назорат ва эгаликни объектив ва ишонарли кўрсатишга мўлжалланган.

Бош корхона назорат киладиган барча корхоналарни *консалидациялаштириш учун маълум қоидалар зарур.*

Бир хил пайтларда гурухнинг молиявий ҳисоботини тузиш хеч қандай наф келтирмайди. Бундай ҳолларда бош корхоналар консолидацмялаштирилган молиявий ҳисоботни тузиш мажбуриятидан озод этиладилар.

Бош корхона ва назорат

- бош корхоналар *консалидациялаштирилган молиявий ҳисоботга барча* миллий ва хорижий шўъба корхоналарини киритиши лозим. Бундан 27-сон БҲХС «Йиғма ҳисобот ва шўъба корхоналарга сармоялар ҳисоби»да кўрсатилган сабаблар бўйича киритилмайдиганлар мустасно.
- назоратнинг бўлиши шундаки, бош корхона шўъба корхоналари орқали бевосита ёки билвосита корхонанинг овоз берувчи акцияларининг ярмидан кўпига эгалик қилиши, бундан ушбу эгалик назорат қилишга ҳуқуқ бермаслик ҳоли аник кўрсатилган ҳолатлар мустасно.
- агар харид қилиш вақтида шўъба корхонага киритилган инвестициялар «сотишга мўлжалланган» мезонларига жавоб берса, у ҳолда 35- сон БҲХС га асосан уни сотишга кетган харажатларни чегирган ҳолда хаққоний қиймати бўйича ҳисобга олиш лозим.
- назорат бош корхона овоз бермайдиган акцияларнинг ярмидан кўп бўлмаган кисмига эгалик қилган тақдирда ҳам бўлиши мумкин, агар у қуйидаги имконитларга эга бўлса:

- бошқа инвесторлар билан келишиш орқали овоз берувчи акцияларнинг ярмидан кўпига эгалик ҳуқукини олса;

-устав ёки келишув шартномаси асосида корхонанинг молиявий ва хўжалик сиёсатини аниқлаш ҳуқукини олса;

-директорлар кенгашининг кўпгина аъзоларини ёки шунга ўхшаш бошқарув органини тайинлаш ва аралаштириш ҳуқуки бўлса;

-директорлар кенгаши ёки шунга ўхшаш бошқарув органлари мажлисида асосий овозни бериш ҳуқуқига эга бўлса.

• назорат мавжудлигини баҳолашда потенцнал оддий акциялар (масалан, ҳозирда ишлатилиши мумкин бўлган опционлар) мавжудлигини ва самарасини назарда тутиш лозим.

• 27- сон БҲХСда кўрсатилган назорат концепцияси махсус корхоналар фаолиятидан наф кўриш мақсадида қарорларни қабул қилиш жараёнини йўналтириш ёки аниклаш имкониятини кўрсатади.

• махсус корхоналар фаолияти ҳисоботни тузаётган корхона номидан амалга оширилади.

• ҳисоботни тузаётган корхона махсус корхона фаолиятида карор кабул қилиш ҳуқуқига эга.

• ҳисоботни тузаётган корхона нафнинг катта кисмига эгалик ҳуқуқига эга, демак махсус корхона фаолияти билан боғлиқ катта рискка ҳам.

• ҳисоботни тузаётган корхона махсус корхона фаолияти билан боғлиқ колдиқ рискларни ёки эгалик рискларини унинг фаолиятидан наф кўриш максадида саклаб колади.

27-сон БҲХС «Йиғма хисобот ва шўъба корхоналарга сармоялар ҳисоби»да кўрсатилган ҳар хил холатлар

1. Гурух ичидаги хисоб-китоблар. Гурух ичидаги ҳисоб-китоблар бўйича колдиклар, гурух ичидаги операциялар ҳамда шундай операциялардан амалга оширилмаган фойда тўлик чегирилиши керак.

2.Молия йилининг охири. Агарда ҳисобот йилининг охири саналари тўғри келса, бош корхонанинг ва шўъба корхоналарининг консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлари, одатда, бир хил санага тузилади. Агарда ҳисобот йилининг охири саналари тўғри келмаса, шўъба корхоналар гурухнинг ҳисобот санасига алохида ҳисобот тузади. Агарда бу амалда тўғри келмаса, қуйидаги шартларда турли саналардаги молиявий ҳисоботларни ишлатиш мумкин бўлади:

• ҳисобот саналаридаги фарк уч ойдан ошмаса;

• она корхона ва кизалок корхона ҳисобот саналари ўртасида мавжуд бўлган муҳим операциялар ва бошка вокеалар бўйича тузатишлар киритиладиган бўлса.

3.Ҳисоб сиёсати. Консалидациялаштирилган молиявий ҳисобот бир ҳисоб сиёсати асосида тузилиши лозим. Агарда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботда битта ҳисоб сиёсатидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, у ҳолда бу факт турли ҳисоб сиёсатлари ишлатилиши бўйича ҳар бирининг консалидациялаштирилган молиявий ҳисоботда ҳиссаси кўрсатилган ҳолда очиб берилиши лозим.

4.Сотиб олиш ёки чикариш санаси. Сотиб олиш вакти – сотиб олинган шўъба корхонасини назорат қилиш ҳақикатда харидорга ўтган сана. Сотиб

олиш вакти ва чикариш вакти назоратни бериш вакти билан аникланади. Улар сотиб олиш ёки чикаришнинг юридик вакти билан бир хил бўлиши шарт эмас. Чикарилган шўъба корхонанинг хўжалик фаолияти натижалари фойда ва зарарлар тўғрисидаги консалидациялаштирилган хисоботга то чиқиб кетиш санасигача (яъни бош корхона назорат килишни кўлдан чикарган санасигача) киритилади.

Консалидациялаштирилган молиявий хисоботни тузишдан озод бўлиш

Қондалар.

Бош корхона консалидациялаштирилган молиявий хисоботни тақдим этмаслиги лозим, агарда:

- унинг ўзи қисман ёки тўлик бошка корхонага тегишли шўъба корхона бўлса;
- бош корхонанинг қарздорлик ёки ҳиссалик инструментлари очиқ бозорда котировкага эга бўлмаса;
- бош корхона ўзининг молиявий хисоботини тан олинган фонд биржасига тақдим этмаган бўлса;
- унинг оралик ёки асосий бош корхонаси БҲХС асосан консалидациялаштирилган молиявий хисоботини тақдим этаётган бўлса.

Асос

- бош корхонанинг молиявий хисоботидан фойдаланувчиларни асосан гурухнинг умумий молиявий ахволи, фаолият натижалари ва молиявий ҳолати ўзгариши қизиқтиради;
- ушбу максадга эришиш учун уларга гурух тўғрисидаги маълумотни бир бирлик хўжалик юритувчи субъект кўринишида акс этувчи консалидациялаштирилган молиявий хисобот ёрдам беради;
- бошқа корхона эгалик қилувчи бош корхона ҳамма вақт ҳам консалидациялаштирилган молиявий хисобот тақдим этмаслиги мумкин, агарда ундан унга эгалик қилувчи корхона сўрамаса, бошқа фойдаланувчиларнинг бунга бўлган талабини унинг бош корхонаси консалидациялаштирилган молиявий ҳисоботи қониқтирса.

Ахборотнинг ёритилиши. Консолидациялаштирилган молиявий хисоботда:

- бош корхона шўъба корхонанинг овоз берувчи акцияларининг ярмидан кўпига эгалик қилмаса, улар ўртасида муносабатлар характери;
- бош корхона овоз берувчи акцияларнинг ярмидан кўпига эгалик қилувчи компаниялар устидан назоратнинг йўқлиги сабаблари;
- шўъба корхонанинг ҳисобот санаси, агарда у бош корхонанинг ҳисобот санаси билан тўғри келмаса;
- бош корхона фойдасига ресурсларни ўтказишнинг муҳим чегаралари.

Агарда бош корхона консалидациялаштирилган молиявий хисобот беришдан озод бўлса, у ҳолда қуйидагиларни кўрсатиши керак:

- бош корхона ва шўъба корхона ўртасидаги муносабатлар характери, агарда бош корхона шўъба корхонанинг овоз берувчи акцияларининг ярмидан кўпига шўъба корхона оркали бевосита ва билвосита эгалик қилмаса;

- у фақат ўзининг алоҳида ҳисоботини тақдим қилишини;

- консалидациялаштирилган ҳисоботни тузишдан озод бўлиш ҳуқукидан фойдаланиш имконияти;

- БҲХС асосан консалидациялаштирилган молиявий ҳисоботни нашр қилувчи бош корхонанинг номи ва юридик адреси;

- мухим шўъба, бирга назорат қилинувчи ва ассоцияцияланган корхоналарнинг рўйхати, уларда қуйидагилар кўрсатилган ҳолда:

* мулкдаги хиссаси ва овоз бериш ҳуқукини берувчи акциялар фоизи; ва

* ҳисобда уларни акс эттириш усуллари.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009 й

2. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърўзаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

3. Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 28-б.

4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 30 август, № 279 – I

6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: «Норма», 2008.

7. «Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом». Ўз.Р. ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

8. Сборник национальных стандартов Республики Узбекистан. Том 3.-Т.: Изд. «Мир экономики и права», 2005.

9. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 3-том. –Т.: «Норма», 2006.

10. .Международные стандарты финансовой отчетности. -М., 2003.

11.Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари. – Т.: 2005.

12.Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. – Т.: «Молия», 2002. -660 б.

13.Сотволдиев А. «Замонавий бухгалтерия ҳисоби», 3 том. Дарслик. - Тошкент, ЎзРБАМА, 2004. -505 б.

14.Каримов А. ва бошкалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.–Т.:«Шарқ», 2004.-592 б.

15.Очилов И. ва бошкалар. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.–Т.:ТМИ, 2004.- 256 б.

16.Ҳошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик–Т.: «Янги аср авлоди», 2004.

17. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 2004.

18. Тўлахўжаева М.М. ва бошкалар. Молиявий хисоб. Т., Корпорация «Прагма», 2003.

19. Бухгалтерский финансовый учет. Учебник. Под ред.проф.Ю.А. Бабаева. – М: ВЗФЭИ,2003- 525 с.

20. Кутер М. И. Теория и принципы бухгалтерского учета: Учеб. пособие.– М.: Финансы и статистика, Экспертное бюро, 2000.–544 с.

21. Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета /Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл: Пер. с англ./Под ред. Я.В. Соколова.–М.: Финансы и статистика, 1993. - 496 с.

22.Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. –М., 2003.

23. Палий В.Ф. Бухгалтерский учет. Уч. пос. – 2-изд. перераб. и доп. – М.: Институт профессиональных бухгалтеров России: Информационное агентство «ИПБ-БИНФА», 2005. - 336 с.

24. Торшаева Ш.М. Принципы бухгалтерского учета. Учебное пособие. – Караганды, 2006. - 300 с.

25. Тумасян Р.З. Бухгалтерский учет: Учеб.-практ. пособие – 7-изд., стер. – М.: Омега-Л, 2008. - 794 с.

С-2 – ЖАДВАЛ. Давр учун 1 ш.б. аннуитетнинг жорий қиймати

	1.00%	1.25%	1.50%	1.75%	2.00 %	3.00 %	4.00 %	5.00 %	6.00 %	7.00 %	8.00 %	9.00 %	10.00 %	12.00%	14.00%	15.00%
1	0.9901	0.9877	0.9852	0.9828	0.9804	0.9709	0.9615	0.9524	0.9434	0.9346	0.9259	0.9174	0.9091	0.8929	0.8772	0.8696
2	1.9704 "	1.9631	1.9559	1.948/7	1.9416	1.9135	1.8861	18594.	1.8334	1.8080	1.7833	1.7591	1.7355	1.6901	1.6467	1.6257
3	2.9410	2.9265	2.9122	2.8980	2.8839	2.8286	2.7751	2.7232	2.6730	2.6243	2.5771	2.5313	2.4869	2.4018	2.3216	2.2832
4	3.9020	3.8781	3.8544	3.8309	3.8077	3.7171	3.6299	3.5460	3.4651	3.3872	3.3121	3.2397	3.1699	3.0373	2.9137	2.8550
5	4.8534	4.8178	4.7826	4.7479	4.7135	4.5797	4.4518	4.3295	4.2124	4.1002	3.9927	3.8897	3.7908	3.6048	3.4331	3.3522
6	5.7955	5.7460	5.6972	5.6490	5.6014	5.4172	5.2421	5.0757	4.9173	4.7665	4.6229	4.4859	4.3553	4.1114	3.8887	3.7845
7	6.7282	6.6627	6.5982	6.5346	6.4720	6.2303	6.0021	5.7864	5.5824	5.3893	5.2064	5.0330	4.8684	4.5638	4.2883	4.1604
8	7.6517	7.5681	7.4859	7.4051	7.3255	7.0197	6.7327	6.4632	6.2098	5.9713	5.7466	5.5348	5.3349	4.9676	4.6389	4.4873
9	8.5660	8.4623	8.3605	8.2605	8.1622	7.7861	7.4353	7.1078	6.8017	6.5152	6.2469	5.9952	5.7590	5.3282	4.9464	4.7716
10	9.4713	9.3455	9.2222	9.1012	8.9826	8.5302	8.1109	7.7217	7.3601	7.0236	6.7101	6.4177	6.1446	5.6502	5.2161	5.0188
11	10.3676	10.2178	10.0711	9.9275	9.7868	9.2526	8.7605	8.3064	7.8869	7.4987	7.1390	6.8052	6.4951	5.9377	5.4527	5.2337
12	11 2551	11.0793	10.9075	10.7395	10.5753	9.9540	9.3851	8.8633	8.3838	7.9427	7.5361	7.1607	6.8137	6.1944	5.6603	5.4206
13	12.1337	11.9302	11.7315	11.5376	11.3484	10.6350	9.9856	9.3936	8.8527	8.3577	7.9038	7.4869	7.1034	6.4235	5.8424	5.5831
14	13.0037	12.7706	12.5434	12.3220	12.1062	11.2961	10.5631	9.8986	9.2950	8.7455	8.2442	7.7862	7.3667	6.6282	6.0021	5.7245
15	13.8651	13.6005	13.3432	13.0929	12.8493	11.9379	11 1184	10.3797	9.7122	9.1079	8.5595	8.0607	7.6061	6.8109	6.1422	5.8474
16	14.7179	14.4203	14.1313	13.8505	13.5777	12.5611	11.6523	10.8378	10.1059	9.4466	8.8514	8.3126	7.8237	6.9740	6.2651	5.9542
17	15.5623	15.2299	14.9076	14.5951	14.2919	13.1661	12.1657	11.2741	10.4773	9.7632	9.1216	8.5436	8.0216	7.1196	6.3729	6.0472
18	16.3983	16.0295	15.6726	15.3269	14.9920	13.7535	12.6593	11.6896	10.8276	10.0591	9.3719	8.7556	8.2014	7.2497	6.4674	6.1280
19	17.2260	16.8193	16.4262	16.0461	15.6785	14.3238	13.1339	12.0853	11.1581	10.3356	9.6036	8.9501	8.3649	7.3658	6.5504	6.1982
20	18.0456	17.5993	17.1686	16.7529	16.3514	14.8775	13.5903	12.4622	11 4699	10.5940	9.8181	9.1285	8.5136	7.4694	6.6231	6.2593
21	18.8570	18.3697	17.9001	17.4475	17.0112	15.4150	14.0292	12.8212	11.7641	10.8355	10.0168	9.2922	8.6487	7.5620	6.6870	6.3125
22	19.6604	19.1306	18.6208	18.1303	17.6580	15.9369	14.4511	13.1630	12.0416	11.0612	10.2007	9.4424	8.7715	7.6446	6.7429	6.3587
23	20.4558	19.8820	19.3309	18.8012	18.2922	16.4436	14.8568	13.4886	12.3034	11.2722	10.3711	9.5802	8.8832	7.7184	6.7921	6.3988
24	21.2434	20.6242	20.0304	19.4607	18.9139	16.9355	15.2470	13.7986	12.5504	11.4693	10.5288	9.7066	8.9847	7.7843	6.8351	6.4338
25	22.0232	21.3573	20.7196	20.1088	19.5235	17.4131	15.6221	14.0939	12.7834	11.6536	10.6748	9.8226	9.0770	7.8431	6.8729	6.4641
26	22.7952	22.0813	21.3986	20.7457	20.1210	17.8768	15.9828	14.3752	13.0032	11.8258	10.8100	9.9290	9.1609	7.8957	6.9061	6.4906
27	23.5596	22.7963	22.0676	21.3717	20.7069	18.3270	16.3296	14.6430	13.2105	11.9867	10.9352	10.0266	9.2372	7.9426	6.9352	6.5135
28	24.3164	23.5025	22.7267	21.9870	21.2813	18.7641	16.6631	14.8981	13.4062	12.1371	11.0511	10.1161	9.3066	7.9844	6.9607	6.5335
29	25.0658	24.2000	23.3761	22.5916	21.8444	19.1885	16.9837	15.1411	13.5907	12.2777	11.1584	10.1983	9.3696	8.0218	6.9830	6.5509
30	25.8077	24.8889	24.0158	23.1858	223965	19.6004	17.2920	15.3725	13.7648	12.4090	11.2578	10.2737	9.4269	8.0552	7.0027	6.5660

С-1 – ЖАДВАЛ. Давр учун 1 ш.б. нинг жорий киймати

	1.00%	1.25%	1.50%	1.75%	2.00 %	3.00 %	4.00 %	5.00 %	6.00 %	7.00 %	8.00 %	9.00 %	10.00%	12.00%	14.00 %	15.00%
1	0.9901	0.9877	0.9852	0.9828	0.9804	0.9709	0.9615	0.9524	0.9434	0.9346	0.9259	0.9174	0.9091	0.8929	0.8772	0.8696
2	0.9803	0.9755	0.9707	0.9659	0.9612	0.9426	0.9246	0.9070	0.8900	0.8734	0.8573	0.8417	0.8264	0.7972	0.7695	0.7561
3	0.9706	0.9634	0.9563	0.9493	0.9423	0.9151	0.8890	0.8638	0.8396	0.8163	0.7938	0.7722	0.7513	0.7118	0.6750	0.6575
4	0.9610	0.9515	0.9422	0.9330	0.9238	0.8885	0.8548	0.8227	0.7921	0.7629	0.7350	0.7084	0.6830	0.6355	0.5921	0.5718
5	0.9515	0.9398	0.9283	0.9169	0.9057	0.8626	0.8219	0.7835	0.7473	0.7130	0.6806	0.6499	0.6209	0.5674	0.5194	0.4972
6	0.9420	0.9282	0.9145	0.9011	0.8880	0.8375	0.7903	0.7462	0.7050	0.6663	0.6302	0.5963	0.5645	0.5066	0.4556	0.4323
7	0.9327	0.9167	0.9010	0.8856	0.8706	0.8131	0.7599	0.7107	0.6651	0.6227	0.5835	0.5470	0.5132	0.4523	0.3996	0.3759
8	0.9235	0.9054	0.8877	0.8704	0.8535	0.7894	0.7307	0.6768	0.6274	0.5820	0.5403	0.5019	0.4665	0.4039	0.3506	0.3269
9	0.9143	0.8942	0.8746	0.8554	0.8368	0.7664	0.7026	0.6446	0.5919	0.5439	0.5002	0.4604	0.4241	0.3606	0.3075	0.2843
10	0.9053	0.8832	0.8617	0.8407	0.8203	0.7441	0.6756	0.6139	0.5584	0.5083	0.4632	0.4224	0.3855	0.3220	0.2697	0.2472
11	0.8963	0.8723	0.8489	0.8263	0.8043	0.7224	0.6496	0.5847	0.5268	0.4751	0.4289	0.3875	0.3505	0.2875	0.2366	0.2149
12	0.8874	0.8615	0.8364	0.8121	0.7885	0.7014	0.6246	0.5568	0.4970	0.4440	0.3971	0.3555	0.3186	0.2567	0.2076	0.1869
13	0.8787	0.8509	0.8240	0.7981	0.7730	0.6810	0.6006	0.5303	0.4688	0.4150	0.3677	0.3262	0.2897	0.2292	0.1821	0.1625
14	0.8700	0.8404	0.8118	0.7844	0.7579	0.6611	0.5775	0.5051	0.4423	0.3878	0.3405	0.2992	0.2633	0.2046	0.1597	0.1413
15	0.8613	0.8300	0.7999	0.7709	0.7430	0.6419	0.5553	0.4810	0.4173	0.3624	0.3152	0.2745	0.2394	0.1827	0.1401	0.1229
16	0.8528	0.8197	0.7880	0.7576	0.7284	0.6232	0.5339	0.4581	0.3936	0.3387	0.2919	0.2519	0.2176	0.1631	0.1229	0.1069
17	0.8444	0.8096	0.7764	0.7446	0.7142	0.6050	0.5134	0.4363	0.3714	0.3166	0.2703	0.2311	0.1978	0.1456	01078	0.0929
18	0.8360	0.7996	0.7649	0.7318	0.7002	0.5874	0.4936	0.4155	0.3503	0.2959	0.2502	0.2120	0.1799	0.1300	0.0946	0.0808
19	0.8277	0.7898	0.7536	0.7192	0.6864	0.5703	0.4746	0.3957	0.3305	0.2765	0.2317	0.1945	0.1635	0.1161	0.0829	0.0703
20	0.8195	0.7800	0.7425	0.7068	0.6730	0.5537	0.4564	0.3769	0.3118	0.2584	0.2145	0.1784	0.1486	0.1037	0.0728	0.0611
21	0.8114	0.7704	0.7315	0.6947	0.6598	0.5375	0.4388	0.3589	0.2942	0.2415	0.1987	0.1637	0.1351	0.0926	0.0638	0.0531
22	0.8034	0.7609	0.7207	0.6827	0.6468	0.5219	0.4220	0.3418	0.2775	0.2257	0.1839	0.1502	0.1228	0.0826	0.0560	0.0462
23	0.7954	0.7515	0.7100	0.6710	0.6342	0.5067	0.4057	0.3256	0.2618	0.2109	0.1703	0.1378	0.1117	0.0738	0.0491	0.0402
24	0.7876	0.7422	0.6995	0.6594	0.6217	0.4919	0.3901	0.3101	0.2470	0.1971	0.1577	0.1264	0.1015	0.0659	0.0431	0.0349
25	0.7798	0.7330	0.6892	0.6481	0.6095	0.4776	0.3751	0.2953	0.2330	0.1842	0.1460	0.1160	0.0923	0.0588	0.0378	0.0304
26	0.7720	0.7240	0.6790	0.6369	0.5976	0.4637	0.3607	0.2812	0.2198	0.1722	0.1352	0.1064	0.0839	0.0525	0.0331	0.0264
27	0.7644	0.7150	0.6690	0.6260	0.5859	0.4502	0.3468	0.2678	0.2074	0.1609	0.1252	0.0976	0.0763	0.0469	0.0291	0.0230
28	0.7568	0.7062	0.6591	0.6152	0.5744	0.4371	0.3335	0.2551	0.1956	0.1504	0.1159	0.0895	0.0693	0.0419	0.0255	0.0200
29	0.7493	0.6975	0.6494	0.6046	0.5631	0.4243	0.3207	0.2429	0.1846	0.1406	0.1073	0.0822	0.0630	0.0374	0.0224	0.0174
30	0.7419	0.6889	0.6398	0.5942	0.5521	0.4120	0.3083	0.2314	0.1741	0.1314	0.0994	0.0754	0.0573	0.0334	0.0196	0.0151

С-4 – ЖАДВАЛ. Давр учун 1 ш.б. аннутитетнинг бўлғуси қиймати

	1.00%	1.25%	1.50%	1.75%	2.00 %	3.00 %	4.00 %	5.00 %	6.00 %	7.00 %	8.00 %	9.00 %	10.00 %	12.00 %	14.00 %	15.00%
1	1.0000	1.0000	1.0000^	1.0000	1.0000	1.0000	1.0000	1.0100	1.0000	1.0000	1.0100	1.0000	1.0000	1.0000	1.0000	1.0000
2	2.0100 '	2.0125	2.0150	2.0175	2.0200	2.0300	2.0400	2.0500	2.0600	2.0700	2.0800	2.0900	2.1000	2.1200	2.1400	2.1500
3	3.0301	3.0377	3.0452	3.0528	3.0604	3.0909	3.1216	3.1525	3.1836	3.2149	3.2464	3.278!	3.3100	3.3744	3.4396	3.4725
4	4.0604	4.0756	4.0909	4.1062	4.1216	4.1836	4.2465	4.3101	4.3746	4.4399	4.5061	4.5731	4.6410	4.7793	4.9211	4.9934
5	5.1010	5.1266	5.1523	5.1781	5.2040	5.3091	5.4163	5.5256	5.6371	5.7507	5.8666	5.9847	6.1051	6.3528	6.6101	6.7424
6	6.1520	6.1907	6.2296	6.2687	6.3081	6.4684	6.6330	6.8019	6.9753	7.1533	7.3359	7.5233	7.7156	8.1152	8.5355	8.7537
7	7.2135	7.2680	7.3230	7.3784	7.4343	7.6625	7.8983	8.1420	8.3938	8.6540	8.9228	9.2004	9.4872	10.0890	10.7305	11.0668
8	8.2857	8.3589	8.4328	8.5075	8.5830	8.8923	9.2142	9.5491	9.8975	10.2598	10.6366	11.0285	11.4359	12.2997	13.2328	13.7268
9	9.3685	9.4634	9.5593	9.6564	9.7546	10.1591	10.5828	11.0266	11.4913	11.9780	12.4876	13.0210	13.5795	14.7757	16.0853	16.7858
10	10.4622	10.5817	10.7027	10.8254	10.9497	11.4639	12.0061	12.5779	13.1808	13.8164	14.4866	15.1929	15.9374	17.5487	19.3373	20 3037
11	11.5668	11.7139	11.8633	12.0148	12.1687	12.8078	13.4864	14.2068	14.9716	15.7836	16.6455	17.5603	18.5312	20.6546	23.0445	24.3493
12	12.6825	12.8604	13.0412	13.2251	13.4121	14.1920	15.0258	15.9171	16.8699	17.8885	18.9771	20.1407	21.3843	24.1331	27.2707	29.0017
13	13.8093	14.0211	14.2368	14.4565	14.6803	15.6178	16.6268	17.7130	18.8821	20.1406	21.4953	22.9534	24.5227	28.0291	32.0887	34.3519
14	14.9474	15.1964	15.4504	15.7095	15.9739	17.0863	18.2919	19.5986	21.0151	22.5505	24.2149	26.0192	27.9750	32.3926	37.5811	40.5047
15	16.0969	16.3863	16.6821	16.9844	17.2934	18.5989	20.0236	21.5786	23.2760	25.1290	27.1521	29.3609	31.7725	37.2797	43.8424	47.5804
16	17.2579	17.5912	17.9324	18.2817	18.6393	20.1569	21.8245	23.6575	25.6725	27.8881	30.3243	33.0034	35.9497	42.7533	50.9804	55.7175
17	18.4304	18.8111	19.2014	19.6016	20.121	21.7616	23.6975	25.8404	28.2129	30.8402	33.7502	36.9737	40.5447	48.8837	59.1176	65.0751
18	19.6147	20.0462	20.4894	20.9446	21.4123	23.4144	25.6454	28.1324	30.9057	33.9990	37.4502	41.3013	45.5992	55.7497	68.3941	75.8364
19	20.8109	21.2968	21.7967	22.3112	22.8406	25.1169	27.6712	30.5390	33.7600	37.3790	41.4463	46.0185	51.1591	63.4397	78.9692	88.2118
20	22.0190	22.5630	23.1237	23.7016	24.2974	26.8704	29.7781	33.0660	36.7856	40.9955	45.7620	51.1601	57.2750	72.0524	91.0249	102.4436
21	23.2392	23.8450	24.4705	25.1164	25.7833	28.6765	31.9692	35.7193	39.9927	44.8652	50.4229	56.7645	64.0025	81.6987	104.7684	118.8101
22	24.4716	25.1431	25.8376	26.5559	27.2990	30.5368	34.2480	38.5052	43.3923	49.0057	55.4568	62.8733	71.4027	92.5026	120.4360	137.6316
23	25.7163	26.4574	27.2251	28.0207	28.8450	32.4529	36.6179	41.4305	46.9958	53.4361	60.8933	69.5319	79.5430	104.6029	138.2970	159.2764
24	26.9735	27.7881	28.6335	29.5110	30.4219	34.4265	39.0826	44.5020	50.8156	58.1767	66.7648	76.7898	88.4973	118.1552	158.6586	184.1678
25	28.2432	29.1354	30.0630	31.0275	32.0303	36.4593	41.6459	47.7271	54.8645	63.2490	73.1059	84.7009	98.3471	133.3339	181 8708	212.7930
26	29.5256	30.4996	31.5140	32.5704	33.6709	38.5530	44.3117	51.1135	59.1564	68.6765	79.9544	93.3240	109.1818	150.3339	208.3327	245.7120
27	30.8209	31.8809	32.9867	34.1404	35.3443	40.7096	47.0842	54.6691	63.7058	74.4838	87.3508	102.7231	121.0999	169.3740	238.4993	283.5688
28	32.1291	33.2794	34.4815	35.7379	37.0512	42.9309	49.9676	58.4026	68.5281	80.6977	95.3388	112.9682	134.2099	190.6989	272.8892	327.1041
29	33.4504	34.6954	35.9987	37.3633	38.7922	45.2189	52.9663	62.3227	73.6398	87.3465	103.9659	124.1354	148.6309	214.5828	312.0937	377.1697
30	34.7849	36.1-291	37.5387	39.0172	40.5681	47.5754	56.0849	66.4388	79.0582	94.4608	113.2832	136.3075	164.4940	241.3327	356.7868	434.7451

С-3 – ЖАДВАЛ. Давр учун 1 ш.б. нинг бўлғуси қиймати

	1.00%	1.25%	1.50%	1.75%	2.00 %	3.00 %	4.00 %	5.00 %	6.00 %	7.00 %	8.00 %	9.00 %	10.00%	12.00 %	14.00 %	15.00%
1	1.0100	1.0125	1.0150	1.0175	1.0200	1.0300	1.0400	1.0500	1.0600	1.0700	1.0800	1.0900	1.1000	1.1200	1.1400	1.1500
2	1.0201	1.0252	1.0302	1.0353	1.0404	1.0609	1.0816	1.1025	1.1236	1.1449	1.1664	1.1881	1.2100	1.2544	1.2996	1.3225
3	1.0303	1.0380	1.0457	1.0534	1.0612	1.0927	1.1249	1.1576	1.1910	1.2250	1.2597	1.2950	1.3310	1.4049	1.4815	1.5209
4	1.0406	1.0509	1.0614	1.0719	1.0824	1.1255	1.1699	1.2155	1.2625	1.3108	1.3605	1.4116	1.4641	1.5735	1.6890	1.7490
5	1.0510	1.0641	1.0773	1.0906	1.1041	1.1593	1.2167	1.2763	1.3382	1.4026	1.4693	1.5386	1.6105	1.7623	1.9254	2.0114
6	1.0615	1.0774	1.0934	1.1097	1.1262	1.1941	1.2653	1.3401	1.4185	1.5007	1.5869	1.6771	1.7716	1.9738	2.1950	2.3131
7	1.0721	1.0909	1.1098	1.1291	1.1487	1.2299	1.3159	1.4071	1.5036	1.6058	1.7138	1.8280	1.9487	2.2107	2.5023	2.6600
8	1.0829	1.1045	1.1265	1.1489	1.1717	1.2668	1.3686	1.4775	1.5938	1.7128	1.8509	1.9926	2.1436	2.4760	2.8526	3.0590
9	1.0937	1.1183	1.1434	1.1690	1.1951	1.3048	1.4233	1.5513	1.6895	1.8385	1.9990	2.1719	2.3579	2.7731	3.2519	3.5179
10	1.1046	1.1323	1.1605	1.1894	1.2190	1.3439	1.4802	1.6289	1.7908	1.9672	2.1589	2.3674	2.5937	3.1058	3.7072	4.0456
11	1.1157	1.1464	1.1779	1.2103	1.2434	1.3842	1.5395	1.7103	1.8983	2.1049	2.3316	2.5804	2.8531	3.4785	4.2262	4.6524
12	1.1268	1.1608	1.1956	1.2314	1.2682	1.4258	1.6010	1.7959	2.0122	2.2522	2.5182	2.8127	3.1384	3.8960	4.8179	5.3503
13	1.1381	1.1753	1.2136	1.2530	1.2936	1.4685	1.6651	1.8856	2.1329	2.4098	2.7196	3.0658	3.4523	4.3635	5.4924	6.1528
14	1.1495	1.1900	1.2318	1.2749	1.3195	1.5126	1.7317	1.9799	2.2609	2.5785	2.9372	3.3417	3.7975	4.8871	6.2613	7.0757
15	1.1610	1.2048	1.2502	1.2972	1.3459	1.5580	1.8009	2.0789	2.3966	2.7590	3.1722	3.6425	4.1772	5.4736	7.1379	8.1371
16	1.1726	1.2199	1.2690	1.3199	1.3728	1.6047	1.8730	2.1829	2.5404	2.9522	3.4259	3.9703	4.5950	6.1304	8.1372	9.3576
17	1.1843	1.2351	1.2880	1.3430	1.4002	1.6528	1.9479	2.2920	2.6928	3.1588	3.7000	4.3276	5.0545	6.8660	9.2765	10.7613
18	1.1961	1.2506	1.3073	1.3665	1.4282	1.7024	2.0258	2.4066	2.8543	3.3799	3.9960	4.7171	5.5599	7.6900	10.5752	12.3755
19	1.2081	1.2662	1.3270	1.3904	1.4568	1.7535	2.1068	2.5270	3.0256	3.6165	4.3157	5.1417	6.1159	8.6128	12.0557	14.2318
20	1.2202	1.2820	1.3469	1.4148	1.4859	1.8061	2.1911	2.6533	3.2071	3.8697	4.6610	5.6044	6.7275	9.6463	13.7435	16.3665
21	1.2324	1.2981	1.3671	1.4395	1.5157	1.8603	2.2788	2.7860	3.3996	4.1406	5.0338	6.1088	7.4002	10.8038	15.6676	18.8215
22	1.2447	1.3143	1.3876	1.4647	1.5460	1.9161	2.3699	2.9253	3.6035	4.4304	5.4365	6.6586	8.1403	12.1003	17.8610	21.6447
23	1.2572	1.3307	1.4084	1.4904	1.5769	1.9736	2.4647	3.0715	3.8197	4.7405	5.8715	7.2579	8.9543	13.5523	20.3616	24.8915
24	1.2697	1.3474	1.4295	1.5164	1.6084	2.0328	2.5633	3.2251	4.0489	5.0724	6.3412	7.9111	9.8497	15.1786	23.2122	28.6252
25	1.2824	1.3642	1.4509	1.5430	1.6406	2.0938	2.6658	3.3864	4.2919	5.4274	6.8485	8.6231	10.8347	17.0001	26.4619	32.9190
26	1.2953	1.3812	1.4727	1.5700	1.6734	2.1566	2.7725	3.5557	4.5494	5.8074	7.3964	9.3992	11.9182	19.0401	30.1666	37.8568
27	1.3082	1.3985	1.4948	1.5975	1.7069	2.2213	2.8834	3.7335	4.8223	6.2139	7.9881	10.2451	13.1100	21.3249	34.3899	43.5353
28	1.3213	1.4160	1.5172	1.6254	1.7410	2.2879	2.9987	3.9201	4.1117	6.6488	8.6271	11.1671	14.4210	23.8839	39.2045	50.0656
29	1.3345	1.4337	1.5400	1.6539	1.7758	2.3566	3.1187	4.1161	4.4184	7.1143	9.3173	12.1722	15.8631	26.7499	44.6931	57.5755
30	1.3478	1.4516	1.5631	1.6828	1.8114	2.4273	3.2434	4.3219	4.7435	7.6123	10.0627	13.2677	17.4494	29.9599	50.9502	66.2118

Уразов Комил Бахрамович

БУХГАЛТЕРИЯ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН КЎРГАЗМАЛИ МАЪРУЗА МАТНЛАРИ ТЎПЛАМИ
Сам ИСИ, 2012

Буюртма № 3/2. Адади 100 нусха. Нашр босма табоғи 11,5.
"Nafis poligraf servis" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипакйўли, 67-А.